

*Сидқий*  
ХОНДАЙЛИҚИЙ

---

ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР



Истиқлол қаҳрамонлари

---

*СИДҚИЙ*  
**ХОНДАЙЛИҚИЙ**

---

**ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1998

## Таҳрир ҳайъати:

*Озод Шарафиддинов, Неъмат Аминов, Бегали Қосимов,  
Наим Каримов, Дилором Алимова, Суннат Аҳмедов,  
Шухрат Ризаев.*

Сидқий Хондайлиқий ХХ аср боши ўзбек адабиётининг истеъдодли вакилларида бўлиб, унинг ижодий мероси ранг-баранг анъанавий шеърятимизни янги ўзбек поэзияси билан ўзига хос бир тарзда боғлайди. У бир томондан, «Девони Сидқий»даги ғазаллари билан мумтоз шеърятимиздаги ишқ ва ғўзаллик ҳақидаги азалий ва абадий баҳсни давом эттирса; иккинчи томондан, замонасининг шиддатли ҳодисаларни изидан бориб, мардикорлик воқеалари, 1917 йилги Феврал Русия инқилобий ҳақида дostonлар ёзади.

Шоирнинг ижодий мероси бой ва ранг-баранг. Унда Тамим, Имом Аъзам каби саҳобалар, тарихий шахслар ҳақида битилган қизиқарли қиссалардан тортиб, айрим замондошларининг ҳажвий қиёфалари моҳирона чизилган воқеий ҳикояларгача бор.

Сидқий «Минг бир кеча», «Қози ва ўғри» каби фольклор асарларининг «Раҳимо» таржиман «Каримо» (Саъдий Шерозий) каби ёзма адабиёт намуналарининг таржимони ҳамдир.

Китобга шоирнинг «Тухфан Шавкат», «Савоти Шавкат», «Мезони шарнат», «Тазкиран имом Аъзам», «Тоza ҳуррият», «Работчилар келиши», «Русия инқилоби» каби босма ва «Девони Сидқий», «Иқтисоб», «Сад иршоди мулло Сидқий», «Пароканда ашъор ва мактуб» каби қўлёзма асарларидан намуналар ташлаб олинган.

Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўз боши, изоҳлар ва луғат муаллифлари: **Бегали Қосимов,  
Рамида Жавҳарова.**

С 52

**Сидқий Хондайлиқий** (Сирожиддин Сидқий Хондайлиқий).

Танланган асарлар/Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов, Н. Аминов, Б. Қосимов ва бошқ.; Тўпловчи, сўз боши, изоҳлар ва луғат муаллифлари: Б. Қосимов, Р. Жавҳарова — Т.: «Маънавият», 1998. — 304 б. — (Истиқлол қаҳрамонлари).

Ўз2

С 4702620204—28  
М 25 (04)—98 17—98

© «Маънавият» 1998 й.

## ДИН ВА ДУНЕНИ УШЛАГАН ШОИР

Сидқий адабиёт майдонига XX асрнинг бошларида кириб келган, даврнинг шиддатли, олатасир воқеаларига гувоҳ бўлган, уларга оддий халқ нуқтаи назаридан баҳо берган, ўз асарлари билан замонасининг ўзига хос солиномаларини ярата олган шоирлардан.

Атоқли адибимиз Ойбек «Улуғ йўл» романида уни шундай таништирган эди: «Шоир Сидқий махсум Искандар\*дан: камбағал онлада тугилиб ўсган, қаттиқчиликда қийналиб ўқиган, кейин мадрасага жойлашган. Кўп хору зорлик билан мадрасани тугатган, Искандарга қайтмасдан шаҳарда қолган. Назмда хийла тузук, каломи ўткир, пишиқ, ҳозиржавоб шоир эди. Урта бўйли, мулойим ифодали, юзлари буришиқ, фақирона кийинган, хушфёъл, хушмуомала киши эди».

Сирожиддин Сидқий 1884 йилда тугилди. Отаси Мирзоҳидохун «охунд» деб номланишидан ўқимишли кишилардан бўлган. Шоир ўз «падарни бузруквор»ининг «камдастроқ», «бечораҳолроқ» бўлганлигидан «хидматкорларга ош тошиб, оту улоғ боқиб» рўзгор тебратганини маълум қилади.

Эҳтимолки, отасининг яқиндан ёрдами билан 6 ёшларида Сирожиддиннинг саводи чиқади. Хати раво бўлиб, қисқа муддатда шериклари орасидан кўзга ташланиб қолади.

1909 йилда ўқишни давом этгириш ниятида Тошкентга келади. Кесакқўрғон маҳалласидаги Мадрасаи Раҳматуллоҳда Шомуҳиддин охунд қўлида араб тили сарф (морфология)у наҳв (синтаксис)ини ўрганади. Хаттотликка муҳаббат қўйиб, замонасининг машҳур қилқалами Тошкентнинг Арпапоя маҳалласида истиқомат қилувчи Муҳаммад Шоҳмурод котиб (1850—

---

\* Искандар Тошкентнинг шимоли-шарқида Чирчиқ дарёси бўйида жойлашган қишлоқлардан бири. Шоирнинг ўзи таржиман ҳоли («Холоти Сидқий»)да тугилган қишлоғини «Хандақлик» деб кўрсатади. «Хандақлик» ёхуд «Хондайлик» Искандардан хийл тепаюқда, ҳар икки қишлоқ бир-бири билан деярли туташиб кетган.

1922)га шогирд тушади. Сўнгроқ Фарғона водийсига бориб, «машҳури даврон» Мирза Ҳошим Хўжандийдан сулс, таълиқ, руқъа, ёқутий, убайдий, лоҳурий каби хатларни ўрганади ва унинг «тарбияи мушфиқонаси», «марҳамати падаронаси сояи ҳимоясида» «ғурбат юртида» шуҳрат қозонади. Айни пайтда шеър машқ қила бошлайди. Таржима билан шуғулланади. Кекса маорифчи, шоир ва журналист Мўминжон Муҳаммаджонов (1883—1964) ўзининг «Тошкентлик ва Тошкентда бўлган ўзбек шоирларининг таржимаи ҳоллари» қўлёзмасида маълум қилишича, табиатан ғоят закий бўлган бу шоир Мулла Қўшоқ Мискин (1880—1937) билан жуда иноқ эди. Улар биргаликда «Кўкалдош» мадрасаси\*да Акмалхон домладан дарс олганлар. Сўнг Сидқий «Бекларбеги»да Абдулмаликқожи охунда ўқиган. Мискиннинг Девонбеги маҳалласида тоғаси Ҳошим новвой очиб берган баққоллик дўкони бўлган. Бу ерда шоирлар тез-тез йиғилиб турганлар. «Кўкалдош»да Сидқий ва Мискинлар билан айни бир вақтда шоир Хислат (1882—1945) ҳам ўқиган. Сидқий ўз таржимаи ҳолида Хислатнинг номини алоҳида эҳтиром билан тилга олади, ундан шеър илмини ўрганганини айтади. Сидқийнинг шоир сифатида шаклланишида Каримбек Камий (1865—1922)нинг хизмати катта бўлди. «Бекларбеги» мадрасаси ҳужрасида фақирона ҳаёт кечирган, Тошкентдаги машҳур 7 бедилхондан бири сифатида эътироф этилган бу нозиктаъб шоир кўплаб ёшлар учун устозлик қилган. Гоҳ «Кўкалдош»да, гоҳ «Бекларбеги»да шеърхонликлар тез-тез бўлиб турган. «Бекларбеги»дан мулла Тўлаган—Тавалло (1882—1939), Мўминжон—Тошқин, «Кўкалдош»дан Сидқий, Мискин, Хислатлар бу мушоараларнинг фаоллари эдилар. Бу оддий суҳбатларда шеър илми билан боғлиқ гаплар ҳам ўртага тушар эди. Сидқий «авзон» (аруз вазни кўзда тутилади), «сажъ» (қофияли наср), «қофия» кабиларни мана шу адабий давраларда ўрганганини тилга олади ва юқоридаги номлар қаторига Ғазанфар, Мунис, Хаёлий, Ифрат Боғистоний, Ризоний Андижоний, машҳур Муҳъйи Хўқандий, Саидахмад Васлий Самарқандий, Гурбатий Туркистоний, Абдул-

\* Сидқий ўз таржимаи ҳолида «шогирди самимий» сифатида тилга оладиган таниқли библиограф, шарқшунос, марҳум Абдула Носирий маълумотига кўра, шоир Кўкалдош мадрасасининг ўнг қаноти биринчи қаватидаги ҳужралардан бирида яшаган.

қодир Қошғарий каби «фусаҳо рўзгор ва адиби бало-  
ғат шиор\*лар номини тилга олади. Уларга «улфат бў-  
луб», «риштан муҳаббатларига меҳр аёғин банд эт-  
ган»ини, «алардан анча касби маориф қилган»ини ёза-  
ди. Сидқийнинг илк шеърлари, шубҳа йўқки, ишқий  
шеърлар эди. Ва буларни (2 шеър китоби) у «Шавкат»  
тахаллуси билан ёзди («Тухфан Шавкат», Т., 1913;  
«Савғоти Шавкат», Т., 1914), шу номда нашр эттирди.  
Бир қатор шеърларига «Шеван» («нола», «фигон»)  
тахаллусини қўйди. Лекин сўнграқ барча асарларини  
Сидқий тахаллуси билан чоп этди. Ҳатто эски ғазал-  
ларини ҳам таҳрир қилиб, «Сидқий»га ўзгартирган,  
девоининг номини «Девони Сидқий\*\*» атаган эди.

Шоирнинг ўзи табиатан меҳнаткаш, хунар ва касб  
ўрганишга мойил ва моҳир бир киши эди. У хушхат-  
ликдан ташқари тош йўниб, унга турли ишлов бериш,  
хат ёзиш, турли безаклар тушириш, суратлар ишлаш,  
муҳр «қазниш»ни ўрнига қўйган. Ҳозирда хусусий ва дав-  
лат кутубхоналаридаги у кўчирган ўнлаб хушхат девон-  
лар, баёз, рисолалар қаторида тайёрланган кўплаб муҳр-  
лари нусхалари, тошлавҳлар ва ниҳоят, серқирра ижод-  
кор қаламига мансуб Тўйчи ҳофиз, Тавалло сурат-  
лари сақланиб келади.

Буларгина эмас, у ҳуштак яшаш қуш овлаш, пар-  
вариш қилишга ҳам уста бўлган. Асалари боққан. Унга  
донр замонавий китоблари ўқиб ўрганган. Ўзи айтмоқ-  
чи, арининг «заҳри омизиши»ни «аҳли миннатнинг шаҳ-  
ди омизишидан яхшироқ» кўрган.

Сидқийдан сурат қолган эмас. Чамаси, у суратга  
тушмаган. Шоирнинг 1984 йилги «Навбахор» тўплами-  
га чизилган сурат қариндошларининг сўзига қараб  
ишланган. Уни яқиндан билган Лазиз Азиззода сурат-  
ни кўрибоқ: «Ким бу? Йўқ, бу Сидқий эмас»,—деган  
эди. Замондошлари хотирлашича, у хушсурат бўлган  
эмас. Л. Азиззода айтишича, кўримсиз, ҳатто бурни  
пучуқ эди. Лекин қалби гоят гўзал эди. Унингча, дунё-  
ни гўзаллик ва адолат қонунлари бошқармоғи лозим  
эди.

У ёзади: «Ақл ва фикр аҳволи хорижия томошаси-

\* Сирожиддин маҳдум Сидқий. Иқтисоб. Қўлёзма. ЎзФАШИ,  
7629/11. 40<sup>а</sup>-бет.

\*\* Муаллиф ўз тахаллусини тўла берганида «Сидқий Хан-  
дақлиқий» деб, нисба билан беради. Биз халқ орасида кенг иш-  
латиладиган ва умуман, оммалашиб кетган «Хондайлиқ», «Хондай-  
лиқий» шаклини қолдирдик.

дан қанча зиёда таъсирли бўлса, гўзал хат бирла ёзил-  
гон мақолани ўқиғувчи фаҳм эгаси яна у мақолани ҳус-  
ни хатдан орий бир ёзув бирла ўқугон ҳолдаги ҳусни  
таъсирни, албатта топа олмайдур». Шу тариқа шоир  
фикрининг тасвири ҳақида гап очадн ва унинг ҳам гў-  
зал бўлиши лозимлигига диққатни қаратади.

Адабиётга ошиқона шеърлар, ишқий ғазаллар билан  
кириб келган шоир ўз ҳаёти давомида кўплаб асарлар  
ёзди. Бу асарлар жанрига кўра ҳам, мазмун-ийналиши-  
га, мақсад-моҳиятига кўра ҳам хилма-хил эди. Шоир  
бадий ижодга бадий лаззатгина оладиган бир гўзал-  
лик тимсоли деб қарамади. Уни ҳаёт ва кураш учун  
восита ҳам деб билди. Шунинг учун ҳажвиёт шоир  
ижодидан кенг ўрин олди.

У «Ҳолоти Сидқий»да ёзади: «Адабиёт ва оши-  
қона ғазали кўб бўлса ҳам, аксар табъи ҳажвиётга мо-  
йил бўлуб, Николай йўлига сув сепқонларга ва ҳутом\*  
дунёга сотилгон муфти маожин\*\*лариға қуввати борича  
қаршу ҳаракот ва зўр монёнят кўрсатур эди».

Дарҳақиқат, Сидқий табнатиан тиксўз, ҳозиржавоб,  
ҳақталаб, адолатсизлик билан ҳеч бир чиқиша олмай-  
диган, айниқса, текинхўрлик, тамаъгирлик ва порахўр-  
ликни, қаллобликни инсонликка буюк офат билувчи  
ғоят покиза виждон эгаси эди. У бунинг жабрини ҳам  
кўп кўрди

Чунончи, унинг 1984 йилда «Навбахор» тўпламида  
эълон қилинган асарлари орасида Унқўрғон қозиси ҳа-  
қида бир воқеий ҳикояси бор. Мазкур шеърый ҳикояда  
жоҳил ва банги бир эшоннинг юрагига қози бўлиш ғул-  
ғуласи тушиб, муридларини йиғиб, пора билан унга  
эришгани, шарият ишларини поймол қилгани, порахўр-  
лик, ҳақсизликка ривож бергани ҳақида гап кетади ва  
мисол сифатида шарият пешвосининг фаолиятидан бир  
лавҳа келтирилади: Бир оқсоқол бир деҳқоннинг устидан  
арз қилиб келади. Куч ва тезликда ягона-ю ёлғиз айғирни  
бор экан, фалон деҳқон қирчанғи, кўтир байтални  
ҳайдаб қўйган экан. Шу билан қўшилибди ва бу ҳам  
шу кундан кўтир бўлибди. Аслида бу ғирт ёлғон бўлиб,  
деҳқонни тушириш учун қилинган найранг эди. Деҳ-  
қонни топиб келадилар ва уриб-сўкиб, ўттиз сўмлик  
қирчанғини байтал эгасига саксон сўмга ўтказадилар.  
Деҳқон қаттиқ қайғуради. Соёлиқ қишлоғида бир пок

\* Ўтинчи

\*\* Иасткаш



эйтиқод, иймони мустаҳкам, айни пайтда фозил, шарият раҳнамоси бўлиб келган бир киши бор эди. Шунга маслаҳатга боради. У можарони тинглаб бўлгач, йўқ, сен айбдор эмассан, шариятда бировга қасд билан зиён етказгандагина айбдор саналади. Ҳолбуки иккалангизнинг отингиз ҳам «бўш», ҳайдоқлик экан,— дейди ва қизиқчиликка олиб, сен аксинча, бориб, Қозидан байталингни маҳрини талаб қил, чунки у ўша кун оқсоқолнинг отига «ҳақиқий хотун бўлибди»,— дея қўшиб қўяди.

Сидқий ушбу воқеани олимнинг ўз тилидан эшитганини маълум қилади. Хуллас, бу воқеани шоир ёзиб, эълон қилиб юборади-ю боши балога қолади.

Шоир сўнграқ ёзади: «Бу сўзларим барчага қуёш киби фош бўлғоч, ул золим банги қози ўзи каби золим ва мустабиларни ёллаб, мен камбағалини Сибирияга сургун («авоқ») ва турма ичра турғун қилмоқга анча чолишти. Мавлоно Фирдавсий Султон Маҳмуд Ғозийни ҳажв қилиб, Тус шаҳрига қочкондек ул золим амалдин қолғунча мен ҳам Фарғоналарда қочиб юрдим ва икки йилча умрумни кечурдум. 1329 санаи ҳижрияда қиш ҳавосинда токи ул золим тахтдин тобутга тортилди, мен ҳам ўз ватаним дару деворига ортилдим. Ва биргина ҳақиқат изҳори учун шунчалик ташвиш чектим».

Дарҳақиқат, шоирнинг Андижонда туриб Тошкентга — Камий, Вуслатга йўллаган шеърлари «Баёзи Ҳазиний»дан жой олган «Юз минг осафки, чарх мани қилди беватан» деб бошланадиган, муаллифнинг ўзи «шикастаҳолу магасул-бол Шеваннинг Андижондин Тошкандга фироқ шиддатидин, иштиёқ ва муҳаббатидин шериклариға ёзгон мусаддаси ашъоридиндур» дея изох бериши бежиз эмас.

Бу ҳол шўролар замоннда янада кучайди.

Шоир ҳар қандай ҳолда ҳам рўйирост айтишни қўймади. Бу эса янги замон амалдорларига ҳам кўп-да ёқавермасди. «Шул жиҳатдин,— давом этади шоир,— барчалари Сидқийга мумкин қадар кулфат бермоқга жозим эрдилар. Сидқий халқни харчанд маориф ишларига қиздируб борса ҳам, локин ҳўкузни қулогига дўнбура ва танбур чертқондек бўлуб, они сўзига бирор киши қулоқ осмағай эрдилар...»

Шу туфайли:

«Фалак тийғи ситам чекмиш, ҳама фазл аҳлини қирмиш, Жаҳолат аҳлиға фазл аҳлининг ўрнуни топшурмиш, Фалак бедодидин мен не учун мниг додлар қилмай, Ки мендек фазл элининг шохини саҳрода синдурмиш»,—

дея хулоса қилади. Инқилобдан олдин тинимсиз ижод қилгани, ўнлаб шеърӣ, насрий асарлар, ҳажвиялар, таржималар ёзиб нашр эттиргани ҳолда совет даврида дурустроқ бир асар ёзмаганлигини қуйидагича изоҳлайди:

«Барчаға машҳурдирки, ҳар бир мол харидор бирла ривож топдиги каби сўз ҳам харидор кўплуғи билан ва талабгор жўшиши билан тараққий этар. Сўз харидори ўлмағондурки, ҳозирги асримизда қадимғи шоирларимизнинг амсолини кўрмайдурмиз. Атобеклар, ширвоншоҳлар, аврангзеблар, Ҳусайн бойқаролар бўлмасалар эрди, матбуот дунёсинда «Куллиёти Шайх Саъдий», «Ҳамсаи Низомий», «Куллиёти Бедил», «Ҳафт авранги Жомий» каби китобларни, албатта, ҳеч ким кўрмас эрди, қадимғи шуаролар амсолини ҳам аҳволи ҳозирамизда кўрар эрдук.

Бечора Сидқийнинг оз шеър айтмоғиға боис сўз харидорининг йўқлиғидур».

Шоирнинг оилавий ҳаёти ҳам роҳатда кечган эмас. Уғиллари Фатҳулкарим ва Омонуллоларнинг кетма-кет вафоти Сидқийнинг қаддини тамом букиб қўйди.

Сидқий 1934 йили ўзи туғилиб ўсган қишлоқда Парвезтепа мавзёда вафот этди.

Унинг асарларини садоқатли шогирди Абдулла Носиров ЎзФА Шарқшунослик институтининг қўлёмалар фондига келтириб топширди. 1984 йилда адабий жамоатчилик шоир таваллудининг 100 йиллигини, 1994 йилда 110 йиллигини нишонлади\*. 1984 йилда салкам 70 йиллик танаффусдан кейин адиб асарлари алоҳида бир китоб ҳолида нашр этилди\*\*. 1996 йилда унинг ижоди ҳақида махсус диссертация ёқланди.\*\*\* Бугунги кунда унинг ижоди ҳақида қатор мақолалар, рисоалар ёзилган. Айниқса, XX аср боши Тошкент адабий муҳитини

\* Ушбу анжуманларда шоирнинг ёлғиз қизин Тошхон ая ва кўевлари Обид ота фаол иштирок этган эдилар

\*\* Сидқий Хондайлиқий, Навбаҳор. Ғазаллар. Достон. Ҳикоятлар. Қайдлар. Т., Ғ. Ғулум нашриёти, 1984, 24Е-бет.

\*\*\* Р. Жавҳарова, Сирожиддин Сидқий Хандақлиқийнинг адабий мероси. Филология фахлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 1996.

ва шу жумладан Сидқий ижодини ўрганган филология фаилари доктори А. Жалоловнинг номини алоҳида қайд этиш керак. Шуларга қарамай, шоир асарларини тўплаш ва янги ўзбек адабиёти контекстида баҳолаш масаласи олдинда турибди.

Сидқий серқирра, сермахсул ижодкор.

Араб, форс тилларини яхши билган шоир таржима билан ҳам жиддий шуғулланган. Масалан, у машҳур «Минг бир кеча»ни, Саъдий Шерозийнинг «Бўстон»инини, ўнлаб ҳикоя ва латифаларни таржима қилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Сидқийнинг 20 дан ортиқ номда босма ва қўлёзма китоблари сақланиб келади. Буларнинг катта қисмини, шубҳасиз, шоирнинг оригинал асарлари ташкил қилади. Унинг юздан ортиқ ғазаллини ўз ичига олган қўлёзма девонидаги шеърлар истеъдодли лирик шоир бўлганлигини кўрсатади. 10-йилларда босилган «Баёзи Ҳазиний», «Баёзи Муҳалло», «Армуғони Хислат» каби кўпгина тўпламларда Сидқийнинг «Шавкат» «Шеван» (нола) тахаллуслари билан ёзган ўнлаб шеърлари ва ҳажвиялари бор.

Шоирнинг лирик шеърлари шунини кўрсатадики, у мумтоз адабиётимиздаги ҳаётий, инсоний муҳаббат, одамийлик сингари энг яхши анъаналарни давом эттиради. У буюк Навоийга алоҳида ихлос ва муҳаббат билан қарайди. Лекин ХХ асрнинг шоири бўлганлигидан унга демократик руҳ, маърифатпарварлик қарашлари ҳар нарсадан яқин туради. Бу ҳол уни Муқимий ва Фурқат изидан боришга ундайди. Буни шоирнинг зоҳиран ижтимоий ҳаёт билан кам алоқадордек туюлган, аслида турмуш билан теран боғланиб кетган анъанавий лирик шеърларида ҳам, ошкор эътироф нишонаси — иқтибос ва мухаммасларида ҳам кўриш мумкин.

Сидқий классик поэтикадан, бой анъанага эга шеърятимизнинг сир-синоатидан ҳам яхшигина хабардор. У ўз «Таржимаи ҳол»ида шеър илми билан маҳсус шуғулланганини хабар қилган эди.

Шоир поэтик меросининг салмоқли қисмини ҳажвиёт ва ижтимоий-сиёсий шеърлар ташкил қилади. Ҳажвий асарларининг аксарияти воқеий ва деярли ҳаммаси порахўр қозилар, тамаъгир, товламачи амалдорлар, риёкор руҳонийлар ҳақида, ижтимоий-сиёсий шеърлари эса даврнинг муҳим воқеаларига бағишланган. Масалан, «Муҳораба» шеъри 1914 йилда бошланган маълум ва машҳур Биринчи жаҳон уруши ҳақида. Шоир унинг

оддий халқ бошига келтирган фожналаридан сўз очадди, очлик ва талонда қолган меҳнаткаш ёнида туриб, «муҳораба» ҳайбаракаллачиларини лаънатлайди:

Қилди замона аҳлини ҳайрон муҳораба,  
Ҳар гўша ичра айлади гирён муҳораба.  
Танг айлади-ю, қилди бағир қон муҳораба,  
Гирмон қирилсун айламай эълон муҳораба,  
Болқон ҳам ўлсун этмайин альён муҳораба.

Мардикорлик воқеаларига бағишлаб «Рабо(т)чилар намойиши» (1917) асарини яратди. «Рангимиз синук, ҳолимиз забун. Бўлди ғам бида қадимиз дуто» деган сатрлар бор эди унда. Шоир «қимматчилик»дан, «ҳама элни тоқати тоқ» бўлганидан, «эл уйига ғам сели» тўкилганидан сўз очган эди. Унда она дёридан юлиб олинган мардикорларнинг юрт, эл, ёр ҳажридаги изтироблари, ниҳоясиз соғинч ҳисси бор эди.

1917 йил феврал инқилобидан кейин жаҳон жамоатчилигининг, туркистонлик тараққийпарвар мусулмонларнинг қаттиқ талаби билан мардикорлар ўз юртларига қайта бошладилар. Сидқий «Рабо(т)чилар келиши» асарини шу воқеага бағишлади. 1917 йил 19 мартда босилиб чиққан бу китобда шундай сатрлар бор эди:

Фалакнинг жавридин синган ўшал болу парим келди,  
Вужудим боғи нахли, равшани чашми тарим келди.  
Фироқида дамодам, эй кўзум, қонлар тўкар эрдинг,  
Бас, эмди қон ёшингни тўкмаким, ул дилбарим келди.  
Мусофирлиғда ранги қаҳрабо янглиғ саринг бўлғон,  
Қизил гулдек юзи сўлғон менинг боғу барим келди.  
Ғариблиғда жафо чеккан, ситам тортган, алам кўрган,  
Қади ғамдин дуто бўлғон машаққатпарварим келди...

Шоир уларни «раҳбарим», «нек ахтарим» (бахт юлдузим) деб тилга олади.

«Тоза ҳуррият» китобида (у 1917 йил 24 мартда босилган) Николайнинг тахдан ағдарилишини чин дилдан, баланд руҳ билан олқишлайди. Лекин, айни пайтда, ҳали олдинда ишлар жуда кўп эканлигини, балки чинакам озодлик ҳали келмаганини яхши англайди, поэтик синтаксисда «Бўлди!» эмас, «Бўлсун!»ни танлайди:

Бўлғай не ажаб бўлса бу кунлар аро ҳосил,  
Ҳар мақсаду ҳар матлабу ҳар кому ҳар омор,—  
деб, «бу кунлар»нинг «мақсад ва матлаб»га йўл очиши-

га умид қилади. Янгича қарашлар билан чиққан «ёшлар»га диққатни жалб этади. Масалан, унинг «Тоза ҳуррият»га кирган шеърларидан бири «Яшасун, ёшлар!» деб номланган. Шоир унга «ҳозирги намоёнчи тараққийпарвар Тошканд ёшлари ҳақинда» деб изоҳ берган. Уларнинг уруғчилик, маҳаллийчилик низоларидан, айирмаларидан холи, умумтурк, умумиллат туйғулари билан тўлиб-тошган элпарвар, юртларвар авлод эканлигини таъкидлайди:

Туғушғондин зиёда барча элга мэхрибон ёшлар.

Шеър сўнггида: «Бу ҳуррият замонда аларни тарбият қилсак, Гумон йўқтурки солғайлар фалакка ошён ёшлар»,—деган хулоса чиқарилади. Шоир миллий, диний туйғуси баланд фидойи авлодга умид кўзини тикади...

1916—17 йилларда ёзилиб, тезкорлик билан босилиб чиққан бу асарлар халқимиз миллий онгидаги ўзгаришларни кузатишда, мустақиллик ва унинг учун кураш ғоясининг адабиётга кириб келиши тадрижини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

1916 йилги «мардикорлик воқеалари» номи билан машҳур бўлган миллий озодлик ҳаракатлари Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидагина эмас, маънавий-маданий турмушида ҳам из қолдирди. Сидқийнинг сал кейинроқ ёзилган «Русия инқилоби» дostonида унга бағишланган махсус боб бор эди. «Русия инқилоби» мавзу ва мақсадига кўра адабиётимиз тарихининг диққатга сазовор ҳодисаларидан бири. У инқилобий воқеаларни кенг эпик планда тасвир этувчи дастлабки асар. Классик адабиёт билан шуғулланувчи айрим мутахассислар анъанавий Шарқ шеърятини, шу жумладан ўзбек поэзиясини бир қадар торроқ, олайлик, ишқий, дидактик, фалсафий оҳанглардагина кўришга мойил бўлиб, ижтимоий ва сиёсатдан узоқ тутадилар. Бу унчалик тўғри эмас. XX аср боши ўзбек адабиёти, хусусан, Сидқий ва унинг мазкур дostonи бунга очиқ далил. Асар ниҳоятда муҳим бўлганлиги учун у ҳақда кенгроқ тўхтаيمиз.

Дoston ҳажми салмоқли — 48 бетдан иборат бўлиб, 1502 сатрни ташкил қилади. Шундан 72 сатри «Гуфтори андар ҳамешагги «Шўройи исломия...» боби (30—32-бетлар) форс-тожик тилида ёзилган. Асарнинг асосий матни (1430 сатр) ўзбек тилида.

Достон муқаддима ва хулоса («Иттифоқ замони») дан ташқари ҳажми турлича бўлган 13 бобдан ташкил топган. Муқаддима ва хулоса ҳам достондаги воқеалар билан бевосита бирлашиб кетган. Шу сабабли уларни ҳам боблар қаторига қўшиш мумкин.

Асарнинг бошланишида маълум анъанавийлик бор. Буни сарлавҳа («Сабаби назми инқилоб») ҳам таъкидлаб турибди. Умуман, шоирнинг ижтимоий-эстетик қарашларини белгилашда унинг аҳамияти катта.

Муқаддимада шундай мисралар бор:

Ки эски ҳукумат замони аро  
Йўқ эрди бу хил журъат этмак манго.  
Алар асрида журъат этсам агар,  
Епар эрдилар турмаға сарбасар.  
Чурутқой эдилар вужудим, бале,  
Узулғой эди тору пудум, бале.

Феврал инқилоби халқимиз учун мустабидликдан мустақилликка томон кескин бурилди эди.

Февралдаги инқилобий воқеалар тасвири, асосан, биринчи бобда берилган. Ҳажман бирмунча салмоқли (214 мисра) бўлган бу боб тўғридан-тўғри 23 февралдан — инқилобнинг биринчи кун тасвиридан бошланади. Шоир унинг тайёrlаниши жараёнига тўхтамайди. Тўғрироғи, «баногоҳ кўзғолди» деб хабар беради. Сўнг шоир галаёнга келган элнинг аҳволи хатти-ҳаракатлари тасвирига ўтади.

Воқеалар асарда кунма-кун берилади. Ҳар бир куннинг энг муҳим ҳодисалари тилга олиниб, яқунланади. 23 февралдаги халойиқнинг «можаро»сини Сидқий мамлакатни ларзага келтирган очлик, вайронагарчиликдан деб билади.

Инсоний қадрини талаб қилиб чиққан гуноҳсиз кишиларнинг ўққа тутилиши, тўкилган беҳисоб қонлар шоирда ғамгин кайфият уйғотади:

Фалак узра юзланди сонсиз сурон,  
Дер эрдингиз йнқилди магар осмон.  
Бўлуб нечанинг рўзғори қаро,  
Ажал илкида бўлди умри адо.  
Ярадорлар бўлди баса беҳисоб,  
Йилондек этар эрдилар печу тоб,  
Бўлуб хоку хун бирла оғушталар,  
Ўлуктин кўтарилди кўп пушталар.  
Саросар халойиққа етти жафо,

Магар ёнди кўкдин аларга бало.  
Балоеки, йўқтур давоси анинг,  
Халойиқ бўлуб мубталоси анинг,  
Чидолмай мунга йиғлаб эл ҳой, ҳой,  
Дер эрдик, раҳм айлағил, эй Худой!

Кейинги воқеалар «Таврически ном ўрда қопусинда» бўлиб ўтади: Чор министрлари «Прўтопўпўф»\*, «Добровольский»\*\*, «Моқорев»\*\*\*, «Сухумлинеф»\*\*\*\*, «князь Шаховский»ларнинг қўлга олиниб қамалиши, Николай II чининг тахтдан тушиши, ўз ўрнига укаси Михаил Александровични қўйиши, у эса тахтни қабул этмаганлиги воқеалари берилади.

«Мақбул қурбонлар» бобида шоир Россия озодлик кураши тарихига назар ташлайди. Бу курашнинг узоқдан бошланганига ва у ҳамма замонларда шиддатли тўқнашувлар, ҳаёт-мамот жанглари асосида борганлигига алоҳида эътибор беради.

Ҳуррият олинмади қурбонсизин,  
Ки тарихларнинг сўзидур чунин,—

деб ёзади шоир, рус инқилобий тарихи саҳифаларини 1772 йилдаги Пугачёв қўзғолони («ихтилол»)дан бошлайди. Шоир инқилобнинг сабабларини мустамлакалардаги миллий зулм билан боғлайди ва ўзи жуда яхши билган, ўзига ҳар жиҳатдан яқин бўлган 1916 йилдаги Туркистон воқеаларини мисол қилиб келтиради. Муаллиф фикрича, Туркистондаги қўзғолишларга асосий сабаб—ноҳақлик ва зулмининг кучайиши бўлди. Чор ҳукумати бу ерда истилочилик, талончилик снёсатини юргизди:

Босиб зўр ила мулку молин олиб,  
Ўзин оқчасидек ёнига солиб.

Худди шундай шароитда подшоҳ ўлка аҳлини мардикорликка олиш ҳақида фармон берди. Аввало, шоир

\* А. Д. Протопопов — дастлаб Дума раисининг ўринбосари, 1916 йилдан Ички ишлар министри, 27 феврал куни қочиб бекинган, 28 феврал кечқурун соат 11 да кийимини ўзгартириб «Таврия» саройига келган ва таслим бўлган. Диктаторлиги билан машҳур.

\*\* Н. А. Добровольский — 1916 йилнинг декабридан юстиция министри.

\*\*\* А. А. Макаров — Ички ишлар (1912), юстиция (1916) министри бўлган.

\*\*\*\* В. А. Сухомлинев 1909—1915 йилларда ҳарбий министр бўлган. 1912 йилда Туркистонга ҳам келган эди.

мардикорликка олишнинг ўзини «На бор эрди фармон аро муҳлати, на бор эрди анда ҳақи-хидмати», дея ғайри қонунийлик деб билади.

Унинг устига бу қонунсиз ишнинг ўзи ҳам қонунсиз амалга оширилди:

На фармонда бор мардикорга адад,  
На одамни ҳозирламоқликқа ҳад.

Бу ҳол «содадил» халқни «афтодадил» қилди. Авжи ҳосил йиғиш пайти халойиқ мотамсаро қолди. Қўл тирикчиликка бормади. Оқибатда иқтисод оғирлашди. Лекин «жабр-зулм» халойиқ қалбига жасорат солди.

Ниҳоят: Мусибат бўлуб барчага ҳукмрон,  
Халойиқни кўнглида тузди пулон.

Шу тариқа «ислом эли» «хурриятчилар сонига» келиб қўшилди.

Достоннинг «Мақбул қурбонлар» боби шунини кўрсатадики, Сидқий чор самодержавиясининг ҳалокатини ижтимоий асослардан келиб чиқиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Чунинчи, чор ҳукумати сиёсатининг зулм ва ноҳақлик асосига қурилганини марказий объект қилиб олади ва буни Россия озодлик ҳаракати, шу жумладан, 1916 йилдаги Туркистон қўзғолонлари мисолида исботлашга уринади.

«Россия инқилоби»нинг кейинги боби, «Распутин ила маҳлуъ» (собиқ) подшоҳ хоними» деб аталган. 52 сатрли бу бобда подшо саройининг ички томони — парда орқасидаги ишлар асосий объект қилиб олинган. Шоир фикрича, чор тузуми ич-ичидан зил кетган, чириб бўлган эди. Бу унинг ахлоқий-маънавий инқирозиди ҳам яққол намоён бўлди. Бутун Россия ихлос билан эгилган подшонинг хос хонадониди шундоқ ишлар рўй бериб турган экан, бошқа мансабдорларнинг ички ҳаётидан нима кутиш мумкин? Ахлоқан шу қадар тубанлашиб кетган, бутун империяни шоҳ хотинининг шаҳватга бўлган майли бошқарган салтанат яшашга ҳақли ва қодирми?

Мазкур бобда Сидқий шу хил саволларни ўртага қўйган ва унга жавоб берган эди.

Кейинги бобларда Туркистондаги зулм ва зўравонликларнинг конкрет лавҳалари қаламга олинади. Таъкидлаш керакки, шоир чоризм даврида маҳаллий халққа етказилган зиён-заҳматлар орасидан дин ва шарият «заволи»га алоҳида эътибор беради. Масалан, боболардан бири «Дин душмани мисўнерлар фирқасининг аҳволи бад(аъ) моли» деб аталган. Унда бир неча йил



Ўлкамиздаги ўқув-ўқитув идораларида ишлаган, «Туркистон вилоятининг газети»да 30 йилча муҳаррирлик қилган, чор мустамлакаларидаги халқларни руслаштириш сиёсатининг ашаддий ва фаол тарафдорларидан Н. П. Остроумов (1846—1930) ва унинг кирдикорлари ҳақида гап кетади. Чор ҳукумати олиб борган руслаштириш сиёсати, дин ва шариатга қилинган тажовуз қаттиқ танқид остига олинади. Шоир фикрича, бу ишлар ҳам ҳаммаси «пулон» асосида бўлган эди, инқилобгина буларга барҳам берди. Деҳқон нима экса, шунни ўради. Бинобарин, бу жиҳатидан ҳам инқилоб қонуний. Шоирнинг хулосаси — шундай.

Дарҳақиқат, «бузиш», «руслаштириш» сиёсати 1917 йилга қадар қаттиққўллик билан Туркистонда олиб борилган ва бунда Н. П. Остроумовнинг «хизмати» катта бўлган эди. Шунга кўра ислом анъаналари руҳида тарбияланган Сидқийнинг мазкур масалага кенг ўрин беришининг ажабланидиган жойи йўқ.

«Тафриқалар кўтарилуви» бобида ҳам инқилоб арафасида Туркистонда бир қадар кенг ёйилган ва ўлкадаги асосий суннийлик мазҳабига тўғри келмаган «бобийлик», «баҳойлик» ҳам чор ҳукумати сиёсатининг оқибати сифатида талқин қилинади ва автобиографик характердаги бир воқеа мисолида рад этилади. Қизиғи шундаки, шоир буни ҳам «пулон» асосида қилинди деб тушунтиради.

«Хоин, золим, қароқчи эски амалдорлардан фарёди тазаллум» — дostonдаги энг йирик боб. У 314 сатрдан ташқил топган бўлиб, инқилобни майдонга келтирган омиллар талқинини маълум даражада яқунлайди. Мазкур бобда шоир Туркистондаги миллий ва ижтимоий зулми ўзи кўрган ва билган конкрет воқеалар асосида кўрсатишга ҳаракат қилади.

Дастлаб гап яна ҳаддидан ошган миллий зулмнинг умумий таърифидан бошланади! Унда шундай сатрлар бор:

Аёғ остида айлади поймол,  
Нечукким ётар мол тагида похол.

Сўнг булар конкретлаштирилади. Масалан: чор мансабдорларининг ружуъ қилган нарсаси порахўрлик эди. У ишда ўзбек амалдорлари ҳам қолишмас эдилар. «Пристофу мингбоши-ю оқсоқол»нинг ҳаммасига хос бўлган хусусият («хисол») шу эди. Улар «беш-ўн сўм»га кўнмасдилар. Бу зулми—зулм. Улар шу йўл билан мол-

давлат кўпайтирдилар, кошоналар қурдилар. Улар элни хонавайрон қилдилар, ўзлари ҳам хонавайрон бўлсин. Улар элни гадо қилдилар — ўзлари ҳам эшикларда гадо бўлсин!

Куюб битсун онларни ҳам хонаси,  
Алардан куюб битди эл хонаси.  
Бизинг бирла бўлсин баробар алар,  
Эшикларда бўлсун гадолар алар.

Шоир собиқ маъмурларнинг порахўрлиги, ўзбошимчалиги ҳақида талай ҳаётий мисоллар келтиради. Масалан, темир йўл вокзалида билет олиш воқеаси билан боғлиқ бир эпизод берилган: «Ногоҳ, билет керак бўлиб қолди, дейди шоир. Маҳкамага (билет кассаси кўзда тутилади) бордим. Қўлимда гувоҳнома (чамаси, билетнинг миқдори, маршрути ва унга рухсат ҳақидаги қоғоз). Бир олиб ўқиди. Бир сўмни олди-да, эртага келишимни айтди. Миннатдор бўлиб қайтдим. Тонг олди. Ваъдасининг вақти етганидан хурсанд бўлиб маҳкамага югурдим. Лекин мендан пул олган киши йўқ эди. Излаб топа олмадим. Бошқасига мурожаат қилдим. Яна ўша аҳвол қайтарилди. Бир сўмни бериб уйга қайтдим. Эртаси эса кечаги одамни топиш мумкин бўлмади. Учинчисига ялинишга тўғри келди. Бор можарони айтдим. Гарданини қашлаб бош-оёғимга разм солди. Сўнг эса, соқолини тутамлаганча, «бу ишлар жуда оғир иш», «хусусан белат олиш» деб муддаога шамаъ қилди. Иложсиз яна бир сўм бердим. Бу ҳам одатдагидай эртага келишимни тайинлади. Паришон уйга қайтдим. Эртасига эса ... «жойи кўб юқори», «бир рус мирзо сори» элтдилар. У «қошини чектида», мени олиб борган кишига пул беришим кераклигини айтди. Яна бир сўм чиқариб, ниҳоят, беш кун деганда билет олишга муваффақ бўлдим. Менга пуллар эмас, ситам амал қилади». Ҳолбуки, бу «зулм элин энг кичик ишлари» деб изоҳлайди шоир. Уни истибдод тузумига хос бўлган умумий хусусият эканлигини англаб етади:

Мана, зулм элин энг кичик ишлари,  
Эрур доимо бўйла қилмишлари.

Мазкур воқеанинг талқини ҳам, шу муносабат билдирган фикрлари, қиёслари ҳам эътиборга лойиқ. Шоир ундан хулоса чиқаришни, уни баҳолашни бизнинг ҳукминизга ҳавола қилади. Лекин қуйидаги шарҳ ва мушоҳадалар билан:

Бу иш зулмму ё адолатмудур?  
Ва ё ўғирлик, ё хиёнатмудур?!  
Бу ишларни денгиз: хиёнат, бале!  
Ўғурлуқда бордур жасорат, бале!  
Ўғурлуқ қилурлар далероналар,  
Бу йўлда бериб жонни мардоналар.  
Вале пора олмоқ хуноса иши,  
Хуноса деманг, балки расво иши.

Гарчи Сидқий Феврал инқилобинни қучоқ очиб қарши олса-да, унинг натижалари кўп-да шоирни қаноатлантиравермайди. Асарда унинг орзулари билан мавжуд шароит, идеал ва ҳаёт ўртасида тез-тез кўзга ташланиб турадиган зидликни пайқаш қийин эмас. Шоир Феврал инқилобинни ўзгаришнинг бошланиши эканлигини таъкидлаб тургандек бўлади. Масалан, у асарнинг дастлабки бобларидаёқ қилиниши керак бўлган ишлар ҳақида шундай ёзган эди:

Тараққий йўлинда қилинг жон фидо,  
Ки бўлсун бу кун жумла ҳожат раво.  
Очинг кўзни ғафлатдан, эй мусулмон,  
Ки, ётманг касолат, атолат билан.  
Имому муаллим, зиёли бори,  
Керак боқсалар ушбу ишлар сори...  
Мунигдек замонда ҳуқуқ исташинг,  
Ҳуқуқ истамоқға тузук қатнашинг.

Бунинг учун шоир «бир тан», «бир жон» бўлиб, «ҳуқуқ иташ»га, мустақилликни қўлга олишга чорлайди. Бу борада қизғин иш олиб бораётган «Шўройи исломия» жамиятига алоҳида боб бағишлайди. Унга тарғиб ва ташвиқ қилади. Достон Феврал инқилобидан кейинги шароит жиддий ва атрофлича таҳлил этилган, ютуқлар ва вазифалар ўзига хос бир усулда кўрсатиб берилган, публицистик характердаги «Иттифоқ замони» боби билан яқунланади.

Тиришмоқ, киришмоқ керак ушбу кун,  
Ки, бордур тиришсак, киришсак ўрун!..  
Буюк мақсад узра жанг урмоқ керак,  
Тилаб матлаб, эмди югурмоқ керак...  
Замона садосига солинг қулоқ,  
Ки, ҳар дам дегай: Иттифоқ! Иттифоқ!..  
Жафоларга майдонда берманг ўрун!  
Хатоларга майдонда берманг ўрун!  
Жаҳолат, атолат — йўқ ўлсун ҳама!

Разолат, касолат — йўқ ўлсун ҳама!  
Яшасун Ҳуррият билан Иттифоқ!  
Қирилсун хиёнат эли ва нифоқ!

Бу фикрлар шоирнинг Гуломия матбаасида 1918 йилнинг 18 январида алоҳида варақа ҳолида босилиб чиққан «Умиди иттифоқ» таржиъбандида давом этади. Агар биз шу пайтлари рус истилосидан кейинги илк мустақил давлатчилигимиз намунаси Туркистон мухторияти тузилганини ва уни йўқотишга Совет ҳукумати катта-катта кучлар ташлаганини кўзда тутсак, асарнинг аҳамияти бир қадар ойдинлашади. Асар ҳаммамизга маълум сабаблар билан диққатдан четда келди.\* Шеър шундай бошланади:

Эмди бизларга бу кун ғоятда ҳуррият керак!  
Пок кўнгул, софдил бирла тузук ният керак.

Айламайлуқ бўридек тишлашқа дандонларни тез  
Шаҳр омонлиқ бўлса шояд, баски, амният керак.

Бирлашайлуқ, ишлашайлуқ бас, бўлуб қўлу қанот,  
Бу фалондур дебон, деманг салоҳият керак.

Барча ислом аҳли! бирдурмиз салоҳият аро,  
Демағаймиз бу замонда бизга зиддият керак.

Жон қулоғи бирла англагким, ман айларман нидо,  
Бу нидони оҳким, англарға мардият керак.

Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал жисм ўлса бирлик, гўйинё жон иттифоқ!

Таржиъбанднинг таржиъ байти кишиларни такрор  
ва такрор бирликка чорлаш билан асарнинг ётакчи  
ғоясини таъкидлаб туради:

Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал жисм ўлса бирлик, гўйинё жон иттифоқ!

Бу ердаги «мусулмон» диний характердан кўра кўпроқ  
ижтимоий тамойилни кўрсатади.

Шоир олис тарих мисолида ўзаро низо ва жанжал-  
ларнинг Ватан ва Миллат тақдиридаги фожиали оқи-

\* Қараиш, бу ҳақда: Сиёдий Хондайлиқий, Умиди иттифоқ (нашрга тайёрловчи ва мақола муаллифи Р. Жаафарова) — «Ўзбек тили ва адабиёти» ж., Т., 1995, № 2.

батларини кўрсатиб беради. Миллатнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган шундай масъул бир пайтда «Иттифоқ»нинг сув ва ҳаводек зарур эканлиги ҳақида бонг уради. Аслида бу ғоя ўлмасдир. Мамлакатимиз истиқлолни кўлга киритиши билан у бугун ҳам долзарб бўлиб турибди.

Сидқий насрий асарлар ҳам ёзди. «Тазкирани Имоми Аъзам», «Сад иршоди мулла Сидқий Хондайлиқий», «Мезони шарият», «Зарбулмасали Сидқий» анъанавий насрда ёзилган. Шунингдек, у «Ҳикояи латифа», «Баҳром ва маликаи Гуландом», «Қаримо таржимаси», «Минг бир кеча», «Ажойиб ул-махлуқот», «Ўғри ва қози» каби бир қатор насрий асарларни таржима қилди.

Унинг таржималари орасида эълон қилинмаганлари ҳам кўп. «Ҳолоти Сидқий»да оғир инқилоб йилларида саҳобаларнинг жанглари ҳақида ёзилган бир китобни «Шавкатус салом таржиман «Футуҳ ал-Шом» номи билан таржима қилганини ва умуман «уч адад буюк асарлари» «Хафо пардасида қолган»ни ёзган эди.

Адиб насрий меросининг салмоқли қисмини диний-ахлоқий асарлар ташкил қилади. Сидқийнинг 1914 йилда чоп этилган «Тазкирани Имоми Аъзам» асари шундайлардан. Ислом оламида Имоми Аъзам номи билан машҳур бўлган, сунний «Ҳанафия» мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит (699/700—767) ҳақида бир қанча ёдномалар, тазкиралар, маноқиблар майдонга келган, сон-саноқсиз ривоятлар сақланиб қолган.

Жаҳон адабиётшунослигида анбиё ва авлиёлар ҳаётини бадий акс эттиришни ўрганувчи «агиография» деган махсус соҳа бор. Афсуски, бу бизнинг адабиётшунослигимизда йўлга қўйилган эмас. Чунки унга салкам динни тарғиб қилиш сифатида қараб келганмиз. Ва шу сабабдан рад этганмиз. Ҳолбуки, ўтмиш адабий меросимиздаги маноқиблар, ривоятлар, турли рисола, меърожнома, қиёматномалар бу соҳанинг бизда гоят тараққий қилганини кўрсатади.

Васлий Самарқандийнинг «Ал-калом ул-афҳам фи маноқиб ул-Имом Аъзам» китобига хаттотлик қилган Сидқий кейинчалик ўзи ҳам махсус бир асар ҳозирлади. Имоми Аъзам ҳақидаги ривоятларни тўплади, уларни қайта ишлади. Таъбидан ўтказди. Бир илға тизиб, нашр этди. Бу асар шу кунга қадар қайта нашр бўлмаган ва илмий таҳлил этилмаган.

«Тазкирани Имоми Аъзам» мумтоз адабиётда маълум

ва машхур бўлган насрий қиссалардан таркиб топган. Уларнинг марказида турувчи, «Имоми Аъзам» («Буюк имом») мартабасига мушарраф бўлган бу кишининг асл исми Нўъмон бинни Собит, куниясн Абу Ҳанифа. Кўфа шаҳрида форсийнасаб хонадонда дунёга келган. Кўфани араблар фатҳ этганларида бобоси асир олиниб, бу ерга келтирилган. Нўъмоннинг отаси Собит туғилган пайтда бу хонадон эркинликка чиққан эди.

Езма манбаларда Нўъмон бинни Собитнинг дунёга келиши ҳақида талайгина ривоятлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигида Собит ариқда оқиб келган олмани тутиб егани, бировнинг ҳақи деб эгасини рози қилиш учун ариқ ёқалаб бориб, боғбонга учрагани ва қизини ғиккоҳига олгани ҳикоя қилинади.

Бу ривоят жузъий фарқлар билан турли вариантларда учрайди. Сидқий вариантида Абу Ҳанифанинг отаси қашшоқ бир деҳқон тарзида тасвирланади. Абу Ҳанифа ҳаётини илмий тадқиқ этган манбалар Собитнинг шойи савдоси билан шуғулланганидан гувоҳлик берадилар.\* Бу факт ҳаёт ҳақиқати билан бадний ҳақиқат ўртасидаги муносабатни белгилайди. Бадний ҳақиқат ўша лавҳада илгари сурилган ғояни асослашга хизмат қилдирилади. Бу лавҳа Абу Ҳанифанинг отаси ва онасининг топишуви, ўзининг дунёга келиши воқеаси билан боғлиқ ҳолда тасвирланган.

Отасининг боғндаги ариқ лабида ўтирган қиз сувда оқиб келган олмани тутиб олиб ярмини еди. Дарҳол пушаймон бўлиб ўйлади:

«Бу кимнинг олмаси турурки, мен кишининг ҳаққини ейдурман.

Сўнгра ул қолган ёртисини ариққа солиб юборди ва йнглаб ўлтурди. Отаси келиб кўрдикки, қизи паришонҳол йнглаб ўлтурур эди.

— Эй, жон фарзанди дилбандим, нима бўлди?

Қиз айди:

— Эй ота, ногоҳ бир олма оқиб келди. Анн тутиб олиб ёртисини едим. Билмасманки, кимнинг ҳаққи турур.

Отаси айди:

— Эй қизим, сабр қилнинг, анинг бадалида бу боғни назир қилоли.

---

\* Қарагн: Боголюбов А. С. Этно-правовые воззрения Абу Ханифы ан-Нуъмана. «Палестинский сборник», вып. 19/82/. Вопросы истории и культуры на Ближнем востоке» кптобида. «Наука», Л., 1969, 139-бет.

Ровий андоғ дебдурки, Собит деган бир деҳқон кимарса бор эрди. Луқман ҳалол учун деҳқончилик қилиб, сув суғориб юрур эрди. Ногоҳ бир олманинг ёртиси ани экинига келиб кирди. Собит уч кеча-кундуздан бери оч эрди. Дарҳол олиб еди. Ул ҳам андиша қилиб пушаймон бўлдики, бу олма кимнинг ҳаққи эдики, ани ебдурман. Тонгла қиёматда эгасига нима жавоб айтурман,— деб бу ҳам йиғлаб, олма эгасини истаб, равон бўлди...»\*.

Худди шу ривоят бошқа китобларда, жумладан, «Тухфат ул-муслимин<sup>1</sup> китобида, «Ҳазрати Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг туғулмоқларини сабаби баёнида» деган фаслда қуйидагича келтирилади:

Бир куни Имоми Аъзамнинг оталари Собит бир ариқ лабида таҳорат қилмоқчи бўлиб ўлтирганида, сувда, бир олма оқиб келади. Собит олмани олиб бир тишлайди-ю, юқоридаги андишаларга бориб, олма эгасини кидириб кетади...

Сидқий танлаган ёки қайта бадий акс эттирган вариантда бу олмадан Нўъмоннинг аввал онаси, кейин отаси ҳам егани тасвирланиб, фарзанднинг солиҳ туғилиши учун ота-она бараварига парҳезкор кишилар бўлиши лозим деган ғоя илгари сурилади. Воқеанинг бундан кейинги ривожини ҳам Сидқий вариантыда драматизмнинг юксаклиги билан ажралиб туради. Чунончи, боғбон еб қўйилган олма эвазига ўзининг гўё бир майиб-мажруҳ қизини Собит никоҳлаб олиши шартини қўйганида, Сидқий вариантыда, Собит ҳеч бир иккиланмай рози бўлади. («Тухфат ул-муслимин»да эса Собит бир зум бўлса-да, тараддудланиб қолади.)

Хуллас, ушбу ривоятлар турли муаллифлар қаламида турлича жузъий фарқлар билан қайта яратилган эди. Сидқий қаламидан улар сайқал топдилар.

«Тазкираи Имоми Аъзам» китоби Имоми Аъзам қисасидан ташқари «Қиёматнома», «Розномаи Мусо алайҳиссалом», «Меърожнома», «Васиятнома», «Одоб ул-муслимин», «Еру кўк халқ бўлғони», «Хотун олмоқлиқ фазилати» ва ҳоказо қисмлардан иборат. Бу қисмларда ҳам дин ва пайғамбарлар тарихига оид ривоятларга кенг ўрин берилган.

«Қиёматнома»да Расулуллоҳ бошлиқ чорёрларнинг қиёмат куни пайғамбар умматларининг ғамида кўрсатажак жонбозликларини тасвирланган. Улар ўз ҳаловат-

\* Тухфат ул-муслимин, Т., Орифжонов литогр. 1328 (1909), 111-бет.

ларидан кечиб, бор ғайратлари билан бошқаларнинг гуноҳлари учун тортажак азобларини енгиллаштириш йўлида ҳаракат қиладилар. Айниқса, Расулуллоҳнинг, қизлари Фотиманинг ўз шахсий аламлари билан фиғон чекиб оталари ҳузурига борганида, бутун уммат манфаати учун бу гиналарни унутиши лозимлигини дарҳол англаб етиши ниҳоятда ибратлидир.

Расулуллоҳ бу қиссада Худои таолонинг дўсти ва умматларини шафоат қилувчи бир зот сифатида намоён бўладилар.

Китобнинг «Розномаи Мусо алайҳис-салом» қисми бошқа қиссалардан алоҳида ажралиб туради. Унда Ҳазрати Мусонинг Тур тоғида Аллоҳ висолига восил бўлиши ҳақидаги машҳур воқеа қаламга олинган. Худои таоло Мусо алайҳис-саломни Тур тоғига чорлаб, уни қизиқтирган саволларга жавоб беради. Бу суҳбат чоғида кўпгина диний ва дунёвий масалаларга ойдинлик киритилади. Ушбу қисмни Худои таоло томонидан Мусогагина эмас, балки ҳукмдорларга, оддий бандаларга берилган «Йўриқнома» деб қабул қилиш жоиздир. Суҳбатда иймон ва эътиқод мустаҳкамлигининг асл моҳияти тамомила инсон манфаатига бўйсундирилганлигини кўраимиз.

«Мусо алайҳис-салом айди.

— Бор худоё, сенга ким душман турур?

Худои таоло айди:

— Улки, киши айбини кишига айтгай.

... Мусо алайҳис-салом айди:

— Қайси банданг яхши турур?

Худои таоло айди:

— Улки, одамларга фойдаси етқай».

Шу хилда давом этган диалог давомида худога хуш келадиган хислат эгалари ва унинг эътиборидан қолган, доимий лаънатига дучор бўлган бандалар муҳокама этиб борилади.

Худонинг раҳматига сазоворлар — ўлимни кўп ёд этувчилар, гуноҳини англаб тавба қилганлар; илм эгаллаб, унга амал қилганлар; ўзига қанча ғамхўр бўлса, бошқаларга ҳам шунчалар ғамхўр бўлганлар, ўзгалар ҳақидан ҳазар қилувчилар ва ҳ. к.

Худои таолонинг гапларидан одамзот манфаати учун қилинган ҳар бир эзгу ишнинг кишига савоб келтириши ва бу ишлар ўз навбатида Худои таоло йўлида қилинган ишнинг айни ўзи бўлиб чиқиши диққатга сазовордир.



Худонинг лаънатига сазовор бандалар — ғийбатчилар, одамларга фойдаси тегмайдиган кимсалар, ҳаромдан тийилмаганлар, омонатга хиёнат қилувчи кимсалар ва ҳ. к.

Бу таснифдан кўриниб турибдики, бандасининг оромини бузувчи ва уни ташвишга солувчи барча ҳодисалар Худонинг раъйига зид деб талқин қилинади. Бунни қуйидаги савол-жавоб ҳам тасдиқлайди:

«Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор Худоё! Мендан хушнудмусан?

Худон таоло айди:

— Қўшнилариңдан сўрғил, фақир-мискинлардан сўрғилки, алар хушнуд бўлса, мен ҳам хушнуд бўлғайман. Эй Мусо! Ғарибларга меҳрибон бўлғил — қариндошдек сенга меҳрибон бўлғаймен. Одамларга раҳм қилғил — мен сенга раҳм қилғаймен. Эй Мусо! Фақир-мискинларга ғазаб бирла бўлма! Эй Мусо, одамлар менинг халқим турур. Одамлар қанча ориғ бўлса, уётлиғ бўлурман. Анга азоб қилмасман. Агарчи кофир бўлса ҳам, яхши ният бирла бўлса, рўза тутқувчилар ва намоз ўқувчилар даражасини берурман. Эй Мусо! Фақир-мискинларни иззат қилғил андоғки, бойларни иззат қилурсан. Агарчи фақирларни хор кўрсанг, қилган амалларингни бекор қилурман. Яхшилиқни рўяки (юзаки) қилмаки, азоби қаттиғ турур. Эй Мусо! Ҳарна эксанг, ўрарсан».

Асарнинг бу қисмидаги ҳар бир ўғит ўзидан олдин ва кейин юзага келган, ҳикмат жанрида яратилган панд-насиҳатларга жуда ҳамоҳангдир. Асрлар насрида кенг тарқалган ҳикоят жанрида яратилган асарларнинг асосида ётувчи ахлоқий хулосалар учун манъавий замин бўлиб хизмат қилгани яққол кўзга ташланади.

Расулуллоҳнинг меърожга чиққан кечалари ҳақида ривоятлар кўпгина китобларда учрайди. Сидқий асарида ҳам «Меърожнома» номи билан айни шу мавзудаги ривоятлар берилган. «Меърожнома» «Розномаи Мусо алайҳис-салом» қиссасини эслатади. Фақат Мусо Тур тоғига, Муҳаммад эса Аршга чиқиб Худон таоло билан мулоқотда бўлади, руҳий олами кезиб, ундаги пайғамбарлар ва фаришталар билан учрашади.

Расули Акрам Муҳаммад алайҳис-саломнинг меърожга чиқиш қиссалари жуда кўп ривоятларда зикр қилинган бўлса-да, адиб Сидқий қаламида ўзгача бир жозиба касб этди.

«Васиятнома»да Расули акрамнинг сўнгги кунлари баён этилади. Расулуллоҳнинг сўнгги дамларгача ўз умматлари ташвиши билан бўлганликларини, мenden кейин уларнинг ҳоли нима кечади, деган хаёл барча нарсадан устун турганини ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Қиссадаги тарихийлик билан ёнма-ён келган адабийлик хусусиятини кўришда унга киритилган Аккоша ҳақидаги ривоят муҳим ўрин тутди. Расулуллоҳ охириги дамларида: «Қимнинг менда қасоси бўлса, талаб қилиб олсун», — дедилар. Аккоша айтди: «Фалон ғазотда мени бир қамчи уруб эрдилар. Ўзларининг амрларича қасос тиларман». Расулуллоҳ рози бўладилар. Саҳобалар ва фаришталар туғёнга келадилар. Аккоша қамчини ташлаб, у кишининг учаларидаги муҳри нубувватни тавоф қилди. Аккошанинг асл мақсади ҳам шу эди. Чунки бу муҳри тавоф қилган кишига дўзах ўти ҳаром саналар эди.

Кўр尼亚птики, муаллиф халқ ривоятларига таянган ҳолда тартибу қонунлар олдида шоҳу гадонинг баробар бўлмоғи лозимлиги ҳақидаги муҳим ва долзарб ғояни илгари сурмоқда.

Сидқийнинг «Мезони шарият» («Шарият тарозуси») асари 1915 йилда Тошкентда чоп этилган ва 1917 йилда қайта нашр қилинган. 1992 йилда Маҳмуд Ҳасаний томонидан бу асар учинчи маротаба нашр этилиб, дунё юзини кўрди. Сидқий шарият мезонларини оммабоп қилиб берди, қулай дастур шаклига келтирди. «Сабаби таълиф» (китобнинг ёзилиш сабаби) қисмида зикр этганидек, «эътиқодга далолат қилғулуқ ва дин заруриятини билғулуқ паришон ва чочуқ иборатларни мўтабар китоблардин... бошоқчилик тарнийқи бирла» бир жойга тўплади.

«Мезони шарият», «Китоб ул-иймон», «Китоб ут-таҳорат», «Китоб ус-салот», «Китоб уз-закот», «Китоб ус-савм», «Китоб ул-ҳаж» деган боблардан иборат. Уларнинг қурилиши қуйидагича: ҳар бирига мавзу юзасидан тушунча берилади, сўнг улар билан боғлиқ амалий ҳолатлар келтирилади. Ва буларнинг барчаси савол-жавоб тарзида, турли бадийий ифодалар орқали баён этилади.

Чунончи:

«Савол: — Иймоннинг тани надур?

Жавоб: — Беш вақт намозни ўқимоғлиқ турур.

Савол: — Иймоннинг дили на турур?

Жавоб: — Қуръон ўқимоқ турур».

Худди шунингдек, иймоннинг пўсти, меваси, тухми, мағзи, барги, илдизи, ватани каби образли ифодалар тақдим этилажак фикрнинг тезда эсда қолиши учун шароит яратади.

Ушбу рисола ўз мақсадига кўра, шариат илми билан таништирувчи асар бўлса-да, адабий меросимиздаги илмийлик билан бадийликнинг узвий боғлиқлигига бир далил ҳамдир.

Рисоланинг баён тарзида ўзига хос яна бир жиҳати борки, дини исломнинг кўплаб эътиборли шахслари ўзларининг муътабар асарлари ёки фикрлари билан муаллиф томонида туриб «қатнашадилар». Уларнинг фикрига суянган муаллиф ҳар бир ғояни дадил ва ишонч билан илгари суради.

«Сад иршоди Мулло Сидқий Хондайлиқий» («Мулло Сидқий Хондайлиқийнинг юз насиҳати» — ЎзФА ШИ қўлёзмалар фондида № Р—7629/III рақам остида сақланади) Шарқда кенг тарқалган, халқ донолиги намунаси—панд-ўғитлар, мақоллар, ҳикматли сўзлар кўринишидаги қайдлардан иборат. Бу ўғитларнинг кўпчилик қисми умумий ғоя жиҳатидан ўтмиш донишмандларнинг ҳикматлари билан ҳамоҳанг.

Сирожиддин Сидқий умуминсоний ақидаларга садоқатгина инсонга мумтозлик бахш этиши ҳақидаги фикрни қаттиқ ҳимоя қилади. Адиб ўғитларида ҳаёт ўзининг паст-баландликлари, эзгулик ва найранглари билан акс эттирилган. Инсон зотига, табиатига фазилатлар ҳам, заифликлар ҳам бегона эмаслиги уқтирилади.

Сидқий ўғитларининг асосий ғоявий мазмунини донолик, ҳушёрлик, кечиримлик, мардлик, илм, орият, шукр, шунингдек, адоват ва хусуматдан сақланиш, аёлларга шафқат каби умуминсоний хислатлар ташкил этади. Адиб насиҳатлари, асосан, ахлоқ-одобга оид бўлиб, улар диний ақидалар, ўзаро муносабат маданияти ва фазилат касб этиш йўл-йўриқларидир.

«Дунёнинг роҳати уч нарсададир: зикри субҳон ва тиловати Қуръон ва зиёрати ёрон, — ўқиймиз китобда.

Зикри субҳон, тиловати Қуръон,  
Яхши, қилсанг зиёрати ёрон.  
Бу ишингдан савоб топқайсен,  
Бас, бу хизмат сориға чопгайсен»\*

\* Сидқий Хондайлиқий, Сад иршод... ЎзФАШИ, инв. № Р—7629/III, 1-бет.

«Сад иршод ...» рисоласининг етакчи ғояларидан бўлган дўстликнинг (зиёрати ёрон) ўғитда Аллоҳнинг зикри ва Куръон тиловатидек юксак тушунчалар билан бирга келиши диний ва дунёвий мотивларнинг ҳаётда ҳам ажратиб бўлмаслигини кўрсатади. «Таңрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали — бу одамлар билан дўстлашишдир»,\* деган ҳадис ҳам буни тасдиқлайди.

«Ҳолоти Сидқий». Бу асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлэмалар фондида Р—7629 рақами остида сақланади. Мумтоз адабиётимизда таржиман ҳол характеридаги асарлар ёзиш анъанаси қадимдан маълум. Бундай асарлар ма-ноқиб, ҳолот, аҳволот деб аталиб келинган. Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер», Бобурнинг «Бобурнома», Фурқатнинг «Ҳўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти» шу хилдаги асарлардан бўлиб, бу рисоалар одатда насрда битилган.

Сидқий ҳам шу жанрда қалам тебратиб, 1924 йили «Ҳолоти Сидқий» ни ёзди ва уни «Иқтисоб» асарига етти бет ҳажмда илова қилди. Бироқ охириги саҳифа остида пойғирнинг мавжудлиги қолган варақларнинг тушиб қолганини билдиради. Бу қусур асарнинг тўла ҳажми ҳақида қатъий бир фикр айта олишимизга имкон бермайди.

«Ҳолот» шоирнинг ўша пайтгача бўлган таржиман ҳолини, адабий фаолиятини ўз қалами билан ёритгани учун ишончли манба сифатида илмий, тарихий, маърифий жиҳатдан бениҳоя муҳимдир. Сидқий ижодига у ёки бу муносабат билан мурожаат қилган кўпгина тадқиқотчиларимиз асосий маълумотларни шу манбадан олганлар. «Ҳолот» бўлажак шоирнинг ёш пайтида Тошкентга келгани-ю билими ва дунёқарашининг, ижоди ва фаолиятининг қирраларини очишда, Сидқийнинг шахс ва шоир сифатида ўсишини кузатишда мислсиз манба ҳисобланади. Сидқий ўз ҳаётини ёзар экан, турмуш шароитини ҳеч бир яширмайди. Ҳамма нарсани борича ифода этишга интилан.

Бу асар орқали биз шоир мулоқотда бўлган, суҳбат қурган зиёлилар, замонасининг машҳур хаттотлари ва

---

\* Одоб-ахлоққа оид ҳадис намуналари, Т., 1990, 34-бет.

шоирларни, таниқли мударрислари ҳақида маълумот оламиз. Давр маданий ҳаёти ҳақидаги тасаввуримизни тўлдирамиз.

Шоирнинг қишлоғига қайтиб кетганидан кейинги ҳаётини ёритувчи маълумотларни фақат шу асардан ола оламиз. «Ҳолот»даги бадий ифода, сифатлашлар, кесатиқ, киноя каби иборалар уни наср намунаси деб қарашга асос беради. Асардаги барча маълумотлар учинчи шахс тилидан берилади.

Иншо санъатининг гўзал намуналаридан бири «Зарбулмасали Сидқий»нинг муаллиф дастхати ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида № 7631 рақами остида сақланади. Оддий мактаб дафтари варақларига, асосан, қизил ва баъзи ерлари қора сиёҳ билан, ислоҳ қилинган араб-ўзбек ёзувида битилган. Асар беш юздан ортиқ мақол, матал ва халқ нақлларига қўйилган савол ва уларга тўғри, киноя ҳамда кесатиқ маъноларидаги изоҳ ёки жавоблардан иборат. «Зарбулмасали Сидқий» 1932 йилда ёзилган ва шу вақтгача ҳеч қаерда нашр қилинмаган, у ҳақда маълумот ҳам берилмаган.

Асар дастлаб «Савол-жавобли юз сўз»\* номи билан ёзила бошланган. Муаллиф биринчи қисмнинг мусаввадасидаёқ савол-жавобни юзтага етказиб қўяди. Бироқ бошқа бир дафтарда айни шу савол-жавобларнинг кўпини шеърӣ парчалар билан хулосалаб, уларнинг миқдорини беш юздан оширган, бош варақ ҳошиясига «Зарбулмасали Сидқий» деб ёзиб қўйган. Ҳозирда шулардан 268 таси аниқланиб, жамланди, 253 таси эса номаълум турибди.

Ўзбек адабиёти тарихида «Зарбулмасал» яратиш анъанаси Муҳаммадшариф Гулханий (XVIII — XIX), Нозил Хўжандий (1788 — 1876), Сулаймонқул Рожий (1871 — 1924) кабилар ижодида кузатилади. Бу муаллифлар ўз дидактик қарашларини, давр ижтимоий масалаларига муносабатларини ифодалашда турли бадий-эстетик принциплардан фойдаланишган: Гулханий халқ мақоллари, ҳикматли сўзлари, матал, масал ва ривоятларни ягона бир қиссага бирлаштириб, назм ва наср аралаш яхлит асар яратган бўлса, Рожий уларнинг барчасини маснавийга жойлайди. Сиро-

\* Асалчи (Сидқий), «Савол-жавобли юз сўз, 1-қисм, 1912 йил, 1 октябр, ЎзФАШИ илв. № Р-7631.

жиддин Сидқий «Зарбулмасал»и эса бошдан охиригача савол-жавобга асосланган.

Сидқий насрий асарларининг мавзу кўлами кенг ва ранг-барангдир. Юксак ахлоқ мезонлари ва илм-маърифатга даъват Сидқийнинг шеъриятидаги каби насрида ҳам ўзак ғоялардан ҳисобланади. Илм ва илм соҳибларини эъозлаш кераклигини Сидқий асарларида такрор ва такрор уқтиради. Шу билан бирга адиб ўз рисолаларида инсоний фазилатлар, ақл ва билим эгаси бўлган гўзал хулқ-одобли аёл сиймосини чизишга ҳаракат қилади. Чунки она, ҳар бир инсоннинг энг биринчи мураббийси ҳисобланади. Буни чуқур ҳис этган Сидқий, шоир сифатида аёлнинг гўзал ҳусни-жамолини куйлаб келган бўлса, носир сифатида эса аёл хулқининг гўзал бўлишига даъват этади.

Она ободлиги ва тинчлиги кўп жиҳатдан аёл кишига боғлиқлигини, она мустаҳкамлиги фидойиликни талаб қилишини кўнгли нозик аёлларга кичик ишоралар орқали уқтирмақчи бўлади.

«Тазкирани Имоми Аъзам» асарида эса аёлларга, уларнинг хулқига онд алоҳида боб мавжуд. «Эр бирла хотунларнинг баёнида» деб аталган бу бобда аёл кишининг жамиятдаги ўрни, уларнинг иззатга лойиқ эканлиги шарият қонунлари асосида тушунтириб берилди.

«Он ҳазрат айдилар: Ҳар ким хотунини иззат қилса, ани Оллоҳ таоло иззат қилур.. Хотунларнинг эранларда беш ҳаққи бор турур. Аввал улки, хотунига иш буюрса, уй ичида буюрғай. Иккинчи, шарият ва таҳорат ва ғусл ва намоз ва рўза ва иймон ва ислом — ушбу нимарсаларни ва онча яхши амалларни ўргатқай. Учунчи, ҳалол таом берғай. Тўртунчи, зулм қилмағай. Бешинчи, яхши сўзлар билан кўнглини хурсанд қилғай».

Бироқ, бу масалалар баробарида хотинлардан талаб этиладиган жиҳатлар, уларнинг табиатидаги нуқсонлар ҳам қаламга олинганки, бундай ҳолатлар чиройли ривоятлар билан далилланади.

Аёллар тақдири «Зарбулмасали Сидқий» асарида ҳам «теша тегмаган» ўхшатишлар, кулгили киноялар, аччиқ кесатиқлар, аянчли ҳолатлар орқали бир қанча савол-жавобларда акс эттирилганки, ҳар сафар муаллиф фикрини ҳаёт ҳақиқати сифатида маъқулламай иложимиз йўқ. Жумладан:

Савол: Етилган қиз нимага ўхшайдур?

Жавоб: Пишган қовунғаким, сақлаб бўлмайду,  
Қиз сақлағунча туз сақла.

Савол: Ҳаёт масаласидаги энг ёмон нарса нимадур?

Жавоб: Қайтиб келган қиз, қайтиб чопқан ёв.

Чиққан қиз — чийдан ташқари.

Савол: Ул кимдурким, деворсиз ҳовли кабидир?

Жавоб: Эрсиз хотун (тул).

Сидқий «Сад иршод. . .» рисоласида аёлларга «шаҳват кўзи бирла» эмас, «шафқат кўзи бирла» қарашни маслаҳат беради. Адиб аёллар зиммасидаги оилани сақлаб туришдек шарафли бурчини улуғлайди. Уни муқаддас ижтимоий вазифа сифатида ҳамма нарсадан устун қўяди.

Муҳтарам ўқувчи! Қўлингиздаги китоб Сидқийнинг мустақиллик даврида чоп этилаётган биринчи китоби. Ундаги асарларни танлашда шоирнинг турли даврда ёзилган хилма-хил йўналишдаги ва жанрдаги асарлари ҳақида умумий тасаввур беришга ҳаракат қилдик. Шунга кўра оз-оздан бўлса-да, хилма-хил асарларидан намуна берилди. Уларни таҳлил қилишга шошмадик. Нарн борса, йўналишини тилга олиб, манбаъни кўрсатиш билан чекландик. У ҳақда ўйлаб кўришни ўқувчи ихтиёрига қолдирдик.

Лирик меросини, хусусан, ғазалларини бераётганда «Девони Сидқий»ни асос қилиб олиб, «Пароканда ашъор ва мактуб» қўлёзмаси ва «Тухфаи Шавкат», «Базми ишрат» нашрларига суянган ҳолда анъанавий девон тартиби билан жойлаштиришга ҳаракат қилдик.

*Бегали Қосимов,  
Рамида Жавҳарова*

## ИШҚИЙ ЛИРИКА

---

### ҒАЗАЛЛАР

\* \* \*

Эй, шофеъ гунаҳли оҳим, Сизга жон фидо,<sup>1</sup>  
Вей, саййиди Араб ҳам Ажам Сиз(га) жон фидо.

Олуда бўлса чирки гунаҳ бирла доманим,  
Гар бўлсангиз шофеъ, на ғам, Сизга жон фидо.

Баҳри шафоат ул куни бўлгонда мавжзан,  
Бир журъа еткурунг манга ҳам, Сизга жон фидо.

Эҳсонингиз сориға кўзум термулур у кун,  
Чун айласангиз элга карам, Сизга жон фидо.

Ҳақ берса Сиза ўн шафоатни ул куни,  
Қолмас тамуғда осий(й) ҳам Сизга жон фидо.

Мискин, ғариб уммат эрурман гуноҳи кўб,  
Иўқланг бу қулни рўзи надим Сизга жон фидо.

Сидқийни тонгла сояи лутфингизга олинг,  
Эй, соҳибливоу илм, Сизга жон фидо.

\* \* \*

Эй, мақдаминг ғубориға минг жону тан фидо,  
Сен-сен шафии жумлаи осий пурхато.

Қолғум тамуғ ўтида куюб юз минг оҳким,  
Шафқатлар ила манга чу боқмас эсанг қиё.

Иўқ бир амал қўлум уза шоҳиста, водариғ,  
Иўқтур менингча умматинг ичра юзи қаро.

Ҳақ олида юзунгга сени ман нечук боқай,  
Қим қилмишим мудом менинг журм ила хато.

Қайси тил ила уммат эрурман санга, дейин,  
Умматлиқ ишларин бирисин қилмадим бажо.



Исён юкининг остида қаддим дуто эрур,  
Лутфу карамдин элинакўр (?) илкими асо.

Сидқийни ҳолина қилакўр раҳм ила назар,  
Йўқ эрса бошға ёзилур ранж ила бало.

\* \* \*

Фалакдин на етгай фароғат манго,<sup>2</sup>  
Берур роҳат ўрнига меҳнат манго.

Шарофатдадурлар разолат эли,  
Дариғоки, йўқтур шарофат манго.

Фурумоялар бўлсалар аржуманд,  
Кўруб они етмасму ҳасрат манго.

Бўлушдиң халойиқ билан ҳамнишин,  
Эрур яхшироқ кунжи узлат манго.

Вафо кўрмадим дўстлардин даме,  
На бўлди алардин ҳамият манго?

Бошимға бало бўлди фазлим мани,  
Ки йўқ заррача қадрү қиммат манго.

Даме кўрмадим шодликнинг юзин,  
Магар рўзи эрканму диққат манго.

Чу оҳиста йўқтур сафойи дилим,  
Ки билмам, начукдур бу тийнат манго.

Суханварлиқ иқлимида сўрсангиз,  
Эрур Сидқий, бу янглиғ шуҳрат манго.

\* \* \*

Қаёндин мен ўлдум анго ошно,  
Ки тарки вафо айлаб, айлар жафо.

Қочар бизни кўрғонда оҳу каби,  
Вале ғайр ила биргадур доимо.

Аспр айлабон қўйди ғам илкида,  
Жафо боридин қадим айлаб дуто.

Вафо риштасин узса гар оқибат,  
Недин ўз(и)га аввал қилур мубтало.

Рақибим била юрғонин то кўруб,  
Манго рашқдин хуни дилдур ғизо.

Висоли риёзида гулчин ўлуб,  
Даме чекмадим ўйла булбул наво.

Шаби ҳажр зулфи кабидур дароз,  
Анго ибтидо бору, йўқ интиҳо.

Хату холи савдосидин дам-бадам  
Бошим узра савдоу, бахтим қаро.

Солиб бўйнума ишқидин тайласон,  
Тузармен дамо-дам чу қумри наво.

Кўнгул ёрасин чораси бўлмағай,  
Магар васлининг марҳамидур даво.

Париларни/нг/ Сидқий бўлиб чокари,  
Қилур васл учун доимо илтижо.

\* \* \*

Ёр ҳажридек бўлмас, бўлса ҳам азоб асло,  
Чекмасун бу меҳнатдин зарра шайху шоб асло.

Ҳар тарафга ўтганда ўйнатиб самандини,  
Йўлида ётиб онинг бўлмадим туроб асло.

Гулистон тамошосин айлаганда рух очиб,  
Ўт солур анго, лекин олмасун ниқоб асло.

Келғонида сўрмоқға сад баҳоналар бирлан,  
Кори бўлмади онинг лаҳза бешитоб асло.

Водии фироқ ичра ёрим излабон кирдим,  
Билмадим, налар қилғай манга бу сароб, асло.

Орази хаёлида субҳваш яқо йиртиб,  
Кўз ёшим каби ямғур тўкмағай саҳоб асло.

Қонима бўялғаймен рашқдин, анго денгким,  
Илгиға хинолардин чекмасун хизоб асло.

Ишқи оташи тушгач, дилға, дил кабоб ўлди,  
Манга бўлмағай эмди ҳожати кабоб асло.

Кўйида югурмоқдин нолдек дуто бўлдунг,  
Шавкато, назар солмас, нега ул жаноб асло.

\* \* \*

Ул шакарлаб айласа ноз ила гар ширин наво,  
Тўтии табъим тузар ул вақт аро қандин наво.

Мутрибо, ул дилрабо ёдида созинг соз этиб,  
Жон нисор айлай санга, чун Зухра туз дерин наво.

Беасар ялгон фиғоним қайда етқой ул сори,  
Сўзи дилдин чекмас эрсам, йиғлабон гар чин наво.

Тинмағур кўнглум тиниб, бир лаҳза ором олмағай,  
То онинг кўйиға бориб, чекмаса чандин наво.

Уйлаким чанг айлабон, қаддим дуто гар айласам,  
Шоми ғамда ўлтуруб, бўлғой манга ойин наво.

Йиғлашур, аҳволима, раҳм айлашуб вуҳшу туюр,  
Дашти ҳажр ичра чу қилсам инграниб, гар мен  
наво

Қайда Сидқий етқасен гулгун қаболар васлиға,  
Чекмас эрсанг сидқ ила ҳар лаҳза сад рангин наво.

\* \* \*

Ёраб, на янглиғ эрди, бу бахти қаро манго?  
Ким бўлди ошно, бари ноошно манго?

Ғам гулшанида ғунча каби хуни дил насиб —  
Бўлдию найлай, ўлмаса ўзга ғизо манго.

Бўлғай ғам ила меҳнату кулфатни жавҳари,  
Ҳар ерда бўлса, ҳар печа нашъу намо манго.

Аҳли ҳунардин ўлдиму ҳошоки, сад дариг,  
Ушбу замонда бўлди ҳунар бир бало манго.

Ҳар қайда қадр қиммати йўқ бўлса фазл элин,  
Бозори даҳр ичида на бўлғай баҳо манго.

Ғам кишварининг ўлдум ажаб додпешаси,  
Хайлу ҳашам нечунким, эрур оҳу воҳ манго.

Сидқий, ёшимни (нг) сели билан чарх айланиб,  
Бош узра бўлди шому саҳар оснө манго.

\* \* \*

Хатти саҳфидин ҳарфи айласам агар иншо,<sup>3</sup>  
Берғуси варақ ичра бўйи мушки тар иншо.

Ул баҳори нозуйин, ғунчаваш бағир қонин,  
Қайда айб, анга ёзсам, хуш дилдин ар иншо.

Муддате эрур андин келмади хабар ҳарғиз,  
Эмди ёзибон найлай, бўлса беҳабар, иншо.

Сиккан муҳаббатдин ёки тамғаланмишму,  
Чунки мўътабар бўлмиш ҳамчу сийму зар иншо.

Дарддин нишон бермас, ёзмаға агар мандек  
Хуни дил била улким коғаз узра гар иншо.

Субҳваш яқо йиртиб, йиғлабон жамол нстаб,  
Айларам бу боисдин нола ҳар саҳар иншо.

Сидқиё, ғаминг шарҳин бас қилиб, хомуш ўлғил,  
Беғам элға ким бўлғай ўйла бир самар иншо.

\* \* \*

Ҳажринг манго бўлди бас муҳало,<sup>4</sup>  
Кўрсат келиб, эй пари, жамоло.

Ёдинг била телбадек ҳар ахшом,  
Қилғум ўзум ила қилу қоло.

Гулгун ёшум оқузуб йўлунгда,  
Бир боқмадинг, этсам арзу ҳоло.

Ҳолимни кўруб, тараҳҳум айлаб,  
Келсанг магар эмди эҳтимоло.

Ҳар кечада зулфу хатту холинг  
Ёди била, мунисим, хаёло.

Қаддинг каби равзаи жаҳонда  
Ҳеч бутмади сарви навниҳоло.

Қилдинг пари хайлидин магар касб  
Бу шевани тобмасун заволо.

Мусҳаф очиб истағаймен андин,  
Ҳар лаҳза юзинг кўрарға фоло.

Сидқий, бўлубон сенинг модихинг,  
Булбул каби бўлди хуш мақоло.

\* \* \*

Ҳижронинга ман бўлуб қарибо,<sup>5</sup>  
Васлинг даме, бўлмади насибо.

Ағёрима ўзни айлаб улфат,  
Қилдинг ўзинг онлара ҳабибо.

Надинки камина қулларингдин,  
Ҳеч айламадинг мани ҳасибо.

Ишқингни маризига манингдек,  
Дору қила билмағай табибо.

Сен гулсану гулшанида васфинг,  
Ман ўйлаки беҳуд андалибо.

Оқшом фироқинг ичра ҳар дам,  
Ўлдурғуси хавф ила наҳибо.

Оламда парилар ичра сендек,  
Инсоф ила деки, йўқ нажибо.

Тушгач кўнгул ичра сўзи дардинг,  
Раҳм эт, мани қилди бешикибо.

Ҳарчанд манга сан жафо қилурсан,  
Ул жавринга ваҳки, мен рағибо.

Жоним бадан ичра, ўйла симоб,  
Титрар сен этар чоғинг атибо.

Қай кун бўласан вафолар айлаб,  
Сидқийни тилакига матибо.

\* \* \*

Нисор айлай десам, жоно, на бўлғай хонумон танҳо,  
Кел эмди, садқа айлай жонлар, эй руҳи равон, танҳо.

Вафо майдонида бош ўйнамоқликни тамошо қил,  
Менингдек нотавон танҳо, ҳама аҳли жаҳон танҳо.

Қаламдек мидхатинг ёзмоқда тилни пора айлайким,  
Қилармен қайси васфинг бўлса, оғзимда забон, танҳо.

Ҳилолосо таним заъф этти сўзи шиддати дардинг,  
Келиб сўрмаймусан ҳолимни, эй қоши камон, танҳо.

Қамоли шафқат изҳорин қилиб, бир йўл қалайсан, деб,  
На бўлғай бир кеча кулбамга бўлсанг меҳмон, танҳо.

Рақиби рўсияҳлар қўймади кўюнгга бормақга,  
Кн юз суртуб ўпар эрдим ман анда остон, танҳо.

Бош урма эмди Сидқий, ҳар тарафқа йиғлабон ҳар дам,  
Санга етмасму гар ҳақ лутфи бўлса соябон танҳо.

\* \* \*

Лабингдин мавж урар кайфи шаробу қоматинг мино,  
Бу боисдин кўзинг масти солур оламга юз ғавго.

Юзингга гул, лабингга мул, сочингга бандадур сунбул,  
Узингга аҳли олам қул, хатингга анбари соро.

Ман ўлсам оразинг шайдоси, жоно, андоғ эрмаским,  
Ҳар ул одам жамолнинг кўрса, албатта, бўлур шайдо.

Келиб кулбамга чун шамъи, мунаввар этмадинг ҳаргиз,  
Шаби ҳажринг манга бўлғанда андоқким шаби ялдо.

Хираддин айру бўлғай кўрса ҳар ким тарзи рафторинг,  
Дағи соҳир кўзинг қўйғайму они этмайин яғмо.

Чекиб дардинг замонлар, ортти жисмим заъфи, йўқ эрса,  
Нега чун риштаи мавҳуму рангим заъфароносо.

Худога шукр этиб Сидқий, жафосига шикебо бўл,  
Ким охир хори кулфатдин бўлур сад настарон пайдо.

\* \* \*

Бўлғай манга оразинг таманно,  
Гулшан гулин айласам тамошо.

Ишқинг табу сўзи заъф тандин  
Ҳар лаҳзада бўлғуси ҳувайдо.

Найдек баданим тўшук-тўшукдур,  
Бори ғаминг ила нола пуру.

Васлингни тилаб, даме тополмай,  
Байтул ҳазан ўлди манга маъво.

Оҳим санга қилмағай асарлар,  
Билмамки, дилингму санги хоро.

Мандек талабингда одам ўғли  
Қандоғ топадур шикибу ёро.

Сидқий, сири ишқинг айлабон фош,  
Ошиқларинг ичра бўлди расво.

\* \* \*

Билмадим бўлди нечук ул хатти райҳон камнамо<sup>6</sup>,  
Бўлдиму сайр айлабон ё боғу бўстон камнамо.

Заррадек олдида йўқ эрди қарорим бўлди, оҳ  
Чархи уммид узра ул хуршиди рахшон камнамо.

Элтқоли мандин онинг сориға бир арзу ниёз  
Толеим кўрким, эрур мурғи Сулаймон камнамо.

Бу гадосин ҳолини ҳар ҳафтада бир сўрғоли,  
Не учун бўлмиш дурурким шоҳи хўтон камнамо.

Мардуми чашмим каби Сидқий кўз ичра сақлайин,  
Деб эдим келса, лек ул чашми фаттон камнамо.

## МУВАШШАХ<sup>7</sup>

Ғоза то чекиб юзға, айладинг мани шайдо,  
Тушмасунму эл ичра сад фиғону вовайло.

Лаҳза қошима келмай, ўртадинг мани, воҳким,  
Не бўлурки раҳм этсанг, лутф ила боқиб гоҳо.

Айладинг кўнгил мурғин бир боқиш билан бисмил,  
Они зеби фатрок\* эт, олиб эй кўзи шаҳло.

Ман тилаб висолингги нола чектим андоқким,  
Англади ҳама одам, лек санда йўқ парво.

Хома васфинг иншосин то бозорда қоғазға  
Мендин аввал йиғлаб, солди бошимма савдо.

Аввало асир айлаб доми ишқингга, не (в) чун  
Ташлаб охири кеттинг, йиғлагиб мани таиҳо.

Назми Сидқий оройиш тобти номи покнингдин,  
Васфинг айлаб ул, эй гул бўлди андалибосо.

\* \* \*

Ёрим юзиға токим ўхшатди ўзни лола,<sup>8</sup>  
Бағриға ўт тутошти бу сўзидин уёла.

Даври рухидин унгон мушкин хатини кўргач,  
Айдим, ваҳ-ваҳ ўлмиш гўёки оий хола.

То тийра рўзгорим кўргонда айб қилманг,  
Савдойи зулфи ёрим олди мани бу ҳола.

Сочилса ҳар соринға кўнглум ажаб эмасдур,  
Тушгач кўзум чаманда ул настаран жамола.

Хижлатда нега қолмас тўтти хуштакаллум,  
То шаккарин лабининг келтурса қилу қола.

Раҳм ила боқмағонда мен телбасиға ул шўх,  
Дерман кўнгулға сабр эт, ҳоло, у ёш бола.

---

\* Эгарнинг қошидаги юк маҳкамлайдиган арқон.



Шавкат, тазаллум этмай, кўнгул шикаста бўлғил,  
Ким қотишурсан охир бу ажз ила висола.

\* \* \*

Улдум таланиб бир гала тўмтоғ орасинда,<sup>9</sup>  
Андоққи қолур қарчиға (й) кўб зоғ орасинда.  
Нодон манга ҳар мажлис аро қилди жафолар,  
Андоққи, йилон чоқғуси янтоғ орасинда.  
Бир дурри гаронмоямен андоққи тонурлар,  
Фазл аҳли мени тош ила туфроғ орасинда.  
Ёрон боридин ойрилибон дашти ғам ичра  
Ғарқ ўлди кўнгул лола сифат доғ орасинда.  
Бир меван наврас эдим, афсус, етилмай  
Қолди ситами чарх ила яфроғ орасинда.  
Кетти раҳи мақсадни тутуб борча ботурлар  
Ман қолдим ажаб бир тўда қўрқоғ орасинда.  
Булбул каби ҳар бир гул учун сайрама, Сидқий,  
Зероки вафосиз ҳам (м) а бу боғ орасинда.

\* \* \*

Бўлмасун ҳеч кимса мандек санга асло мубтало,<sup>10</sup>  
Бўлмадим хуррам даме, бўлдум санго то мубтало.

Бўлмағай ошиқларинг ичра манингдек, нечаким,  
Ишқ иқлимида йўқ мандек саропо мубтало.

Кишвари ҳажринг аро бир шуҳрадори сўзнок,  
Мандин ўзга топилурму ношикибо мубтало.

Дарду ғамдур маҳраим, оху фиғондур ҳамдамим,  
Токи бўлдум ман санго, эй ҳур сиймо, мубтало.

Ҳар саҳар афғон чекар, чун қумри Сидқий тинмайин,  
Ул магар бўлмиш санго, эй сарви раъно, мубтало.

\* \* \*

Ул санами чангзан чекса қачон ялло,\*  
Билмай ўзин чекғуси тан аро жбн ялло.

\* Қалъмадурки, йиғиту жувонлар шодлик замонида айтурлар (Сидқий изоҳи).

Ўлди денгизлар мени, базм чоғи ул кеча,  
Тўлганиб ўйнаб, деса, ул парихон ялло.

Жоними қурбон этай, машқи «Ироқи» тузуб,  
Этса агар ногаҳ ул қоши камон ялло.

Бўлса қизиқ базмимиз кўкка чиқиб нолалар,  
Зухра тузар саз ила рашк этибон ялло.

Қоматининг бандаси сарви равон бўлғуси,  
Гулшан аро тузса ул сарви равон ялло.

Айтса агар ялло, хос ўзиға ёрашур,  
Қандоғ этар ол(л)ида ўзга (жавон) ялло.

Лаъли лаби ёдида бағрими қон айлагай,  
Бошласа токим ўшал ғунча даҳон ялло.

Келғонида ман каби қулларининг уйиға,  
Айтсаю гар айтмаса, бўлсун амон ялло.

Сидқийи дилхастанинг қатли учунму деди,  
Ханжари нозин чекиб, эй акажон, ялло.

\* \* \*

Вақти саёҳат ўлди гул очқон баҳорда  
Ёронлар ила коса ичинг лолазорда.

Сабза жўжуқлари бўладур не суворлиғ,  
Сиз ҳам ўюн очинг келибон сабзозорда.

Биз ҳам неча шаҳрни кўруб сайр айладук,  
Тошканча ўлка учрамади ҳеч диёрда.

Куз фасли бўлди, ушбу сўзимни англағиз,  
Яъни, не бордур эмди совуғда Бухорда.

Сидқийни ушбу пандини жон ичра беркитинг,  
Ётинг исингда ёрни қучоқлаб канорда.

\* \* \*

Кўлда машғал қамғоғ ичра ўйнама,  
Шиша олиб тошлоғ ичра ўйнама.

Тўда-тўда ўт йилонсиз бўлмағай,  
Эй, азизим, янтоғ ичра ўйнама.

Эгри-бугри йўлни тоза билмасанг,  
Йўл йитурғайсен, тоғ ичра ўйнама.

Тўда кул ҳеч ерда чўғсиз бўлмағай,  
Уртанурсен, ўчоғ ичра ўйнама.

Доимо аҳли биликлар бирла бўл,  
Бола янглиғ қўндоғ ичра ўйнама.

Гар десанг, бўлсун таним сиҳҳат мудом,  
Шабнам ичра, яфроғ ичра ўйнама.

Билмасанг то, Сидқи (й) зоҳир ҳолини,  
Имтиҳонсиз ўртоғ ичра ўйнама.

\* \* \*

Манга қил ул нигори бевафони ошно, ё раб,  
Эрур ҳар доимо кўнгулда ушбу муддао, ё раб.

Мани ҳажриға ташлаб сўрмаса ҳолим, агар ўлсам,  
Ани бўйниға тушгай шу сабабдин хунбаҳо, ё раб.

Агар ҳар ерда кўрсам нақши пойининг губорини,  
Чекарман чашми муштоқимға ҳамчун тўтиё, ё раб.

Агар кулбамға лутф айлаб, мани йўқлаб келур бўлса,  
Қилурмен мақдамининг муздиға жоним фидо, ё раб.

Омон айлаб на ерда бўлса, ул маҳбублар шоҳин,  
Паноҳинг соясида сақла еткурмай бало, ё раб.

Саманди нозиға чиқса миниб ногаҳ қилиб жавлон,  
Губори роҳидек жисмимни қилғай зерипо, ё раб.

На деб рашк ўтиға ўртанмасун, сўзон ўлуб Шавкат,  
Чу бўлса маҳваши ағёр ила айши бажо, ё раб.

Дўзах ўтини (нг) айла, манга ҳаром, ё раб,<sup>11</sup>  
Жоними анда қилғил дор ус-салом, ё раб.

Номард элиға ҳаргиз ман қулни қилма муҳтож.  
Берғил ўзунг на бўлса, мақсаду ком, ё раб.

Нафсимни хоҳиши-ла кечти ғарибтар умрим,  
Лекин сен айла онинг нек ихтитом, ё раб.

Дунёда ман агарчанд, ҳеч бўлмадим науқор,  
Уқбода халқ ичра қил некном, ё раб.

Доим фароғат айла сақлаб бу бемажолнинг,  
Толё қушини (нг) этғил сен анга ром, ё раб.

Хат мулкининг шаҳимен, ҳар сафҳа кишваримдур,  
Қилким самандин анда қил хушхиром, ё раб.

Сидқий сўзиға андақ файзингдин асар бер,  
Мақбул айласунлар, то хосу ом, ё раб.

Сандек жаҳонда кўрмади бир дилбар, офтоб,  
Хуснунгға бордур ошинаваш, мазҳар, офтоб,

Даври фалакда эврулубон ушбу дамғача,  
Ҳеч тобмади санингча пари пайкар офтоб.

Ҳайрон кўзум каби йўлунга интизор ўлуб,  
Саргаштавор кезғуси на чанбар офтоб.

Ушбу латофат ила санга эй пари магар,  
Моҳи мунаввар ўтмиш то мозор офтоб.

Мандек вужудин ишқинг ўти бирла ўртабон,  
Бўлмишму ҳажр куррасида аҳгар офтоб.

Сидқийни ёри васлини кўрмоқға шавқ ила  
Боғлабму нурдин ўзиға шаҳпар офтоб.

\* \* \*

Токи бердинг, эй биродар, манга бир ширин китоб,  
Тўтни таъзимга солди нолаи дириң китоб.

Кўрмагон бўлғой замон аҳли кўзи то ушбу дам,  
Бу каби фарҳатфазоу турфанавъ ойин китоб.

Кўрмадим ҳеч ер аро бу рашки ранги мислини  
Кўрғон эрсам ҳам агар чандики ман чандин,  
китоб.

Нақши арсанг нега рашк этмас нукушига анинг  
Кўрмадилар не учунким, бўйла аҳли чун китоб.

Жон димоғин очқонимда тўти яксар нафҳаси  
Таблаи аттор янглиғму экан мушкин китоб.

Офарини ҳақ санинг жонингга бўлсун, нечаким,  
То қиёмат қўйдинг ўздин бу каби нақшин китоб.

Найлағай Сидқий мунинг олдида борса ҳадя деб  
Гар киши бир маънисиз беҳуда юз хуржин китоб.

\* \* \*

Ичибмен заҳри исёндин анго истаб шифо, ё раб,  
Келиб даргоҳинга юз қўйдум, айла, бир даво, ё раб.

Адашган гумроҳу саргаштау осий-қулингдурман,  
Манингдек бормукин дунё юзида пургуно, ё раб.

Эмас мумкинки, сандин ўзгани даргоҳиға бормоқ,  
Қилурмен эмди сандин ўзга кимға илтижо, ё раб.

Агар адлингга олсанг, ёзуқум кўб, бергасен нуқмат\*  
Ва гар фазлингга олсанг, бергасен яхши жазо, ё раб.

Гуноҳим гар таваллуд бўлса неғам, раҳматинг восеъ  
Этармен дамбадам «ло-нуқнато»дин кўб рижо, ё раб.

Алифдек қоматим хам бўлди исён бори остида  
Тараҳҳум бирла қилғил илкими лутфинг асо, ё раб.

Ҳама келтурса тоат, ман кетурдим бори исёним  
Гуноҳим бўлмаса жўш урғаму баҳри ато, ё раб.

\* Уқубат ва азоб.

Расулинг ҳурматидин хатти исёнимни маҳв айлаб,  
Мани шарманда қилма эл аро рўзи жазо, ё раб.

Халойиқ номаси ҳар соридин паррон ўлуб келса,  
Бериб номамни ўнг илкимға қил авфу хато, ё раб.

Гуноҳим авфини сендин бўлак мен кимдан истарман,  
Қи тобмон сандин ўзга мағфират гар бир худо, ё раб.

Бу Сидқий илтимосини қабул айлаб, ани қўйма,  
Жаҳаннам оташиға жисми зорин мубтало, ё раб.

\* \* \*

Мандек жаҳонда борму экин дилрабо талаб,  
Ким истаб, они тобмади, эрурмен бало талаб.

Истармен они ўзима айлай деб ошно,  
Лекин у бўлмас эрса, нетай ошно талаб.

Мен холис айлағаймен они доимо дуо,  
Ул соҳиби дуоумуким, ўлмас дуо талаб.

Дардимға васли марҳамидин истабон нажот,  
Доруш-шифон кўйидадурмен, шифо талаб.

Оби Фрот васлисизин ташналаб бўлуб,  
Ишқин шаҳиди ўлдум, ўлуб гар бало талаб.

Езганларимдин ажрасам онинг дебон не тонг,  
Зероки фикр қилди менинг анзаво талаб.

Сидқий талабға етмайин ўлғайму ноумид.  
Ҳар кимса бўлса жаҳд йўлида Худо талаб.

\* \* \*

Етолмадим сари куйиға сад баҳона қилиб,<sup>12</sup>  
Юрурман онинг учун оҳи ошиқона қилиб.

Қора сочин ёзибон холи узра ул дилбар,  
Кўнгулнинг мурғини сайд этти дому дона қилиб.

Утарда ҳар сори ул паст этарға йўл гардин,  
Сув ўрниға сепойин кўз ёшим равона қилиб.

Қошини ёсида ноз икки била мужгондин,  
Уқ отса кош эди, кўксум нишона қилиб.

Чу, гунча танг дилим хуррам айларам доим,  
Ҳадиси лаъли лабин дам-бадам тарона қилиб.

Қошимга келдию ноз айлабон деди: кетайми?  
Ман овитурға анинг сўз дедим фасона қилиб.

Ҳаёти тоза топибдур висоли бодасидин,  
Бу Сидқий анинг ила базми хисравона қилиб.

\* \* \*

Васл умидин ул пари қатъ этқоч истиғно қилиб,  
Оқсадим ҳажри тунида ғам тошига қоқилиб.

Бекасу беҳамдаму беёрлиғдин, дўстлар,  
Йиғламайму ҳолима, кўз ёшими дарё қилиб.

Юзлабон бебоклиғ бозориға Мажнун каби,  
Олдим ул лайливашим савдосини савдо қилиб.

Нотавон кўнглум сари кўйидин онинг ҳар куни,  
Тинмади то ўтмағунча юз туман ғавғо қилиб.

Мўя чекмакдин юзум сориг, таним чун мўю, лек,  
Ешурурман онинг ишқин кўнгул ичра жо қилиб.

Боқмайин кетти ўтуб, ман нақши пойидек анинг,  
Йўлида қолдим мазаллат хокида маъво қилиб.

Сидқиё, пайки сабодин айла ирсоли салом,  
То десун ҳолингни анго субҳ аро ихфо қилиб.

\* \* \*

Дил бердим аввал ман они хушлаб,  
Ўлдурди охир ҳажрида ўртаб.

Лаъли лабидин шаккар томадур,  
Сўз бошлар эрса тўтиға ўхшаб.

Даркор эмасдур шамъи шабафруз,  
Ул бўлса басдур тузғонда машраб.

•Саҳни чаманда ул гулға боқмас,  
Ноз ила ул гул ўлтурса яшнаб.

Васфи жамоли ҳаргиз туганмас,  
Зероки, кўрдум ман беҳад ўйлаб.

Дашти фироқни поёни йўқтур,  
Ким кирса мандек ўлғуси сувсаб,

Ҳаддин оширди, ваҳ, интизорим,  
Оқшом келай деб келмади алдаб.

Гар анда Сидқий йўқ бўлса хоҳиш,  
Ер этса бўлмас зўр ила қистаб.

### МУВАШШАХ<sup>13</sup>

Субҳидам эт сайри чаман бениқоб,  
Токи кўруб гул юзинг, ўлсун хароб.

Оҳ манинг ҳолима ким йиғлағай,  
Душманним олдида чу этсанг итоб.

Бегули рўйинг манга ҳижрон туни,  
Бўлғусидир, алба (т)та, явмул итоб.

Раҳм ила бу хастани ҳолини сўр,  
Ким, санга бу ишдин ўлур кўб савоб.

Хат била холингни асири печук,  
Бўлмағуси сунбул ила мушки ноб.

Эмди мани ҳолима қилғил назар,  
Қолмади ҳажрингга яна манда тоб.

Несмати жаннат санинг васлинг эрур,  
Шавкати дилхастаға, эй хушжавоб.

\* \* \*

Мен каби ўз шаҳридин бегона бўлгонлар—ғариб,<sup>14</sup>  
Айрилиб ҳамтосидин девона бўлгонлар — ғариб.

Ер васлини ҳаримиға тополмай чорас,  
Ғуссау ғамлар билан ҳамхона бўлгонлар — ғариб.



Излабон ёрим нишонин, топмайин асло асар,  
Ҳажр даштида қолиб, гирёна бўлгонлар — ғариб.

Бенаволик кўйи ичра тинмайин шому саҳар,  
Кезибон тобмай наво, ҳайрона бўлгонлар — ғариб.

Ҳоли зорин сўрғудек оламда тобмай бир киши,  
Чуғз янглиғ маскани вайрона бўлгонлар — ғариб.

Ўзни узлатқа чекиб, жонини Ҳаққа тобшуруб,  
Халқи олам кўзидин пинҳона бўлгонлар — ғариб.

Иўл солиб то Андижонға жумла аҳбоби аро,  
Хаста Сидқий, сан каби афсона бўлгонлар — ғариб.

\* \* \*

Гурбат ичра сиздин, эй мағмумдурман айрилиб,<sup>15</sup>  
Сухбатингиздин, ажаб, маҳрумдурман айрилиб.

Васлингиз гулзорида чун булбул эрдим нағмасанж,  
Ушбу кун вайроналарда бумдурман айрилиб.

Кўб замонлардан бери қадрдоним сен эдинг,  
Шарбати ҳажринг татиб, масмумдурман айрилиб.

Меҳрибону мунисим эрдинг, аё соҳиб шараф,  
Бир киши йўқ сўрғудек мазлумдурман айрилиб.

Борлиқимдин истамангизким нишонимнинг мени,  
Сафҳаи маълумдин маъдумдурман айрилиб.

Ҳазратингда эрконимда эрди кўб қадрим баланд,  
Эмди сориг ранг ила марсумдурман айрилиб.

Хаста Шеван ушбу матлаъни тилидан солмағай,  
Гурбат ичра сиздин, эй, мағмумдурман айрилиб.

\* \* \*

Жавр тийгин қатлима, эй шўх, бурро қилма кўб,<sup>16</sup>  
Йиғлатиб ҳар дам кўзум ёшини дарё қилма кўб.

Рашк ўтиға мунда бағримни кабоб айлаб мани,  
Ғайрилар базмида тунда шамъдек ёқилма кўб.

Куштаи тийғи таманноман, қилиб бир йўл карам,  
Зинда қил бир дам-ла таъхир, эй Масихо, қилма кўб.

Дилраболиқ лавҳасига зулм сармашқин ёзиб,  
Бу каби бадмеҳрликдин янги иншо қилма кўб.

Кўзларинг туркиға қошингдин ишорат айлабон,  
Маҳзуну вайрон кўнгуллар ичра яғмо қилма кўб.

Юз ўгурмасман сари кўйи вафодин заррача,  
Бевафолиқ ишларин, эй ҳур сиймо, қилма кўб.

Сидқие, сан маҳлиқолар васлин истаб доимо,  
Мақсади беинтиҳони, бас таманно қилма кўб.

\* \* \*

Эй дил, келу бир наво этиб кет,  
Ғам шарҳидин ибтидо этиб кет.

Вақтингни билиб ғанимат эмди,  
Азми раҳи муддао этиб кет.

Узлатда чекиб ўзингни, элнинг —  
Суҳбатларидин жало этиб кет.

Ҳосид талабиға етмасун деб,  
Ҳар ерда эсанг дуо этиб кет.

Фазл аҳлини хидматин на ерда  
Эрсанг, ани борҳо этиб кет.

Эй ёр, келиб сўруб малолим,  
Ғам вартасидин раҳо этиб кет.

Ой киби юз (инг) ни кўрсатиб то,  
Байтул ҳазаним зиё этиб кет.

Ҳажринг чекиб ўлдум асру бемор,  
Беморинга бир даво этиб кет.

Сидқий, берибон йўлида ёринг,  
Жонингни анго фидо этиб кет.

\* \* \*

Нохуни золи фалак қилғой этингни титу фит,  
Макру достониға алданмағил, эй сода йигит.

Келса дунё ясаниб, олдинга озода бўлуб,  
Пушт по бирла тефиб, нориға отиб ирғит.

Олам асбобидин ўзлукни мужаррад қилғил,  
Ким ошиқ тез қўпадур, қилсалар они қирфит.

Ер дамсоз агар бўлмаса сен бирлан соз,  
Кетмаса ул нари, сан қочибон андин нари кет.

Уламо мажлисида ҳар маҳал ўлсанг ҳозир,  
Хомуш ўл, яъни қулоқ солибон ўлтур жимжит.

Бўлсанг ўз тенгинг ила гул каби хандон ўлғил,  
Сўз бисотини ёзиб, мажлисин онларни қизит.

Суқ бўлиб илқинибон қайда эсанг, кўз тутма,  
Улсанг очингдин агар кимса берар деб салқит.

Киши таклифисиз асло уйиға юзламағил,  
Яхшидур индамағон кимсадин ўлмоқлик кет.

Гар киши бўлса ғазаб бирла санга ҳар кун чап,  
Пеш келиб яхши сўз ила анн кўнглин балқит.

Бўлса дунёлиқингу қилмасанг андин бахшиш,  
Бу каби мол-матоингни ер остида чурит.

Бўлса ҳар кимса дилозору жаҳолатпеша,  
Филмасал, яхшидур андинки, диловар чурчит.

Нуқтадек ор эту жўйрулма тамаъ тўграгиндин,  
Истасанг иззат агар, ушбу хисолингни камит.

Сидқинё, бир неча сўз айдингу лек аввал ўзунг,  
Ушбу сўзингға амал айла, қулоғингга дорит.

\* \* \*

Эй, зотинг эрур маърака оройи шафоат,<sup>17</sup>  
Садин қиламиз онда таманнойи шафоат.

Боқсанг чу гунаҳ, аҳлиға ул дамда мани ҳам  
Шод айла бериб, журъан саҳбон шафоат.

Ҳақ изни билан ул куни маҳшарда ёзарсен,  
Исён элиға хони муаллоийи шафоат.

Уммат тилабон аршни сўлида турарсен,  
Бўлғонда еринг маснади волоийи шафоат.

Раҳм этмас эсанг ман каби саргашта элиға  
Қайси кишида бўлғуси ёр ойи шафоат.

Зебо қадинга хуш ярошур рўзи надимда  
Кийсанг шарафи ҳуллан зебон шафоат.

Қандоғ тамуғ ичра қоладур оҳи самумдин,  
Мавж урғонида ул куни дарёйн шафоат.

Ёшинг тўқуб умматни худодин тилағайсен,  
Ажз ила солиб анда мусаллоийи шафоат.

Ҳар осига бўлғонда шафоат иши жорий,  
Сидқий сори ҳам айлағил ижройи шафоат.

\* \* \*

Қадимнинг ҳамлиғиға бордур ул қоши қиё боис,  
Не тонг бўлса товоноликқа ул мужгон асо боис.

Ёшурғой эрдим ишқин танда жон янглиғ, нетай охир,  
Ёса ифшолиқиға они рангги қаҳрабо боис.

Бу дарди бедавонинг дорусин билмас табиб аҳли,  
Магар доруш шифои васлидин бўлғай даво боис.

Кўзум қон тўкмакиға рашқдин бўлса тонг эрмаским,  
Нигорин илкиға чекгон нигоримнинг ҳино боис.

Бу янглиғ волау шайдолиқингга бўлса, эй Сидқий,  
Нетарсен йиғлабон ҳар лаҳзаи ҳукми Худо боис.

\* \* \*

Худоё, раҳматингга ман каби юзи қаро муҳтож,  
Раво қил ҳожатимни бормен андоққим гадо муҳтож.

Ҳабибинг тонгла ўлтурғонда тахтиға шафоатнинг  
Мани қўйма ўшал дам йиғлатиб дўзах аро муҳтож.

Ҳаво мисдек қизиб, ер ҳам темурдек бўлса маҳшарда,  
Бўлурмен лутфунга ул кун ё раббано, муҳтож.

Қиёмат ваҳмидин ҳар кимса ўзлукун унутқонда,  
Паноҳинг соясиға ол ва қилма анда то муҳтож.

«Зулмно раббано»,—деб борча бўлғонда у дам  
хайрон,  
Бўлурлар раҳматингга анбиёу авлиё муҳтож.

Кетар чоғимда жоним нури имонимни ҳамроҳ эт,  
Ки бўлғум икки дунёда ман анго ёрҳо, муҳтож.

Бу Сидқий доимо сандин умиди мағфират айлар,  
Ани навмид этма дарғаҳингдинким, санга муҳтож.

\* \* \*

Қилди яқсар хотирим ғамгин дилим қон эҳтиёж,<sup>18</sup>  
Тушмасун ҳақ кимға, ё раб, манга тушган эҳтиёж.

Тангликда хаста кўнглум ғунча янглиғ айлабон,  
Ҳар соригга охири этти паришон эҳтиёж.

Бўлса гар донойи даҳру фозили аср ул киши,  
Бахт ёвар бўлмаса қилғуси чўпон эҳтиёж.

Лашқари ғамдин ўзимни эмди қандоқ қутқарай,  
Қим мани илгида онлар қўйди гирён эҳтиёж.

Нега тузмай навҳалар ҳар дам чекиб, юз оҳким,  
Эл аро қилди мани бебаргу сомон эҳтиёж.

Кулбан йўқлукда эрдим ҳамчу анқо, дўстлар,  
Охирида айлади машҳури даврон эҳтиёж.

Айла Шавқат сабр этуб ҳар дамда юз минг шукрлар,  
Ким эрур бошингга, тушган лутфи яздон эҳтиёж.

\* \* \*

Лабларингдур шаҳду шаккардин малеҳ,  
Гул юзинг гулшанда настардин малеҳ.

Хатларинг бордур тароват бобида  
Сунбулу райҳону анбардин малеҳ.

Кокулинг бўйи машоми жонима  
Бордурур ул мушки азфардин малеҳ.

Ой юзингни бандасидур нечаким,  
Оразинг хуршиди ховардин малеҳ.

Уз тенгида қайси бир шоир сўзи,  
Бор эрур Сидқий суханвардин малеҳ.

\* \* \*

Сабаб надур, кишига бўлмас ошно ул шўх,  
Жафони пеша қилиб, тарк этар вафо ул шўх.

Бизингча ошиқи саргашта ҳурматин тутмас,  
Бировга бўлмагон эркинму мубтало ул шўх.

Манго на суд берур заъфароний май улсиз,  
Юзумни фурқатида қилди қаҳрабо ул шўх.

Хаёли зулфи билан бўлмадим даме дилжамъ,  
Бошимга бўйла ажаб солди можаро ул шўх.

Маризи ишқи эдинг, эмди найлағунг, Сидқий,  
Висоли марҳамидин қилмаса даво ул шўх.

\* \* \*

Ажаб хушлаҳжау ширинсухан, шўх,  
Эрур сарфитнаи охир замон, шўх.

Саропо масту ҳайрон этти бизни,  
Ўамолин кўрсатиб ул сиймтан, шўх.

Фидо бўлсин сиза жон нақди ҳар шаб,  
Агар бўлса чу шамъи анжуман, шўх.

Агар шўх ўлса, они айб қилманг,  
Ярашқой қанча бўлса ул чафан, шўх.

Қилиб ром, ёнига асло ёвутмас,  
Эрур андоқким, оҳуйи Хўтан, шўх.

Сафи ушшоқа солгай юз минг ошуб,  
Бу янглиғ зулмпарвар, сафшикан, шўх.

Битарму даҳр боғи ичра Сидқий,  
Анингдек гулбадан, зеби чаман, шўх.

\* \* \*

Мазҳари файзи жовидон қоғаз,  
Маъдани маънии ниҳон қоғаз.

Еки маъни арусига бўлмиш,  
Ҳажлаосо-на хушмакон қоғаз.

Нома ёзмоқ чоғимда ёр сори,  
Қўз ёшим бирла бўлди қон қоғаз.

Шаҳбоз табнатимға, не тонг,  
Бўлса андоқки ошён қоғаз.

Ёри дериңалардин эмди манга  
Йўқ ажаб, бўлса қадрдон қоғаз.

Йиғлағай хома шарҳи ҳол учун  
Олсам илкимға ҳар қачон қоғаз.

Манга жаҳл элидин, албатта,  
Яхши, зероки безиён қоғаз.

Ману ёр ўртамизда, эй Сидқий,  
Безабон турфа таржимон қоғаз.

\* \* \*

Мани, эй мунисим, зор эттинг охир,  
Ки яъни ёринг ағёр эттинг охир.

Демабму эрдинг аввалда азизим,  
Нечукким бу каби хор эттинг охир.

Сунуб васлинг шаробин ўзгаларға,  
Мани бу турфа хуммор эттинг охир.

Юзунгни кўрсатиб ҳайратдин, эй шўх,  
Чунонким нақши девор эттинг охир.

Олиб кўнгилни аввал сўнгра қочтинг,  
Бу янглиғ шева изҳор эттинг охир.

Келай деб ваъдани ялғонлар айлаб,  
Ажаб муштоқи дийдор эттинг охир.

Бўлуб ёр ўзгага Сидқийга бўлмай,  
Бу қулдин не учун ор этдинг охир.

\* \* \*

Гул юзинг кўролмасдин ҳар дам айлаб афғонлар,  
Еш ўрнига тўкти кўзларим қизил қонлар.

Нега менга боқмассен раҳм айлаб, қилиб шафқат,  
Қим ғаминг чекиб ҳар дам рангим ўлди сомонлар.

Санга бўлмагай манзур ман каби ннёз аҳли,  
Ётсалар йўлинг узра чок этиб гирибонлар.

Лутф этиб чаман ичра ноз ила хиромон бўл,  
Қим йўлунгга нарғислар тутти чашми ҳайронлар.

Қоматинг намоён эт, сарв то кўриб қаддинг,  
Қилғониға даъволар бўлсун ул пушаймонлар.

Токи кокилинг ёйдинг, тийра ўлди рўзгорим,  
Хаста дил яна бўлди ҳар сори паришонлар.

Қулбасиға Сидқийнинг гар келур эсанг танҳо,  
Зарра кўнглида қолмас ҳасрат ила армонлар.

\* \* \*

Айла хаста кўнгулни икки ёға қурбонлар,  
То бу иккиси бўлсун, тан уйида меҳмонлар.

Гулшан ичра лаълингдин дур сочиб, тақаллум қил,  
Рашк ўтида бўлсунлар ғунчалар, бағри қонлар.

Қокилингни савдоси токи бош уза тушди,  
Меҳри чиқди кўнгулдин сунбул ила райҳонлар.

Эй сени (нг) ики соҳир кўзларинг Хўтан дашти —  
Ичра айлади оҳу борисини сарсонлар.

Хатларингни шарҳини (нг) айламакда таҳририн,  
Ўлди гулким ул дамда бирдан анбар афшонлар.



Сени васфи ҳуснингни ўлмасам агар айлай,  
Езибон жигар қони бирла турфа девонлар.

Шавкатингни васлингни (нг) хониға қилиб меҳмон,  
Бир кеча анго қилғил лутф бирла эҳсонлар.

\* \* \*

Нуқта эрмас хатдаги кўздин тўкулғон ёш эрур,  
Билғуси бу сўзни улким, гар манга сирдош эрур.

Эмди ёру ёварим ҳажриға тоқат қилғали,  
Ўзгалардек кўнглум ичра қайда бир бардош эрур.

Жумла аҳбобим билан тушгач диёримдин йироқ,  
Заҳр эрур ичганларим, зоҳирда аммо ош эрур.

Молу жоҳу даҳр манга дўстларсиз, дўстлар,  
Ҳимматим олида гўё донаи хашхош эрур.

Андижонда турғали зарра қарорим қолмади,  
Ким мани ҳар лаҳза ёдимда диёри Шош эрур.

Кечалар кўкдин тўкулғон онқадар кавкаб эмас,  
Фурбат ичра бошима ёқған балолиғ тош эрур.

Тошкандда меҳр юзликларни қадрин билмайин,  
Андижонда кори Шавкат ҳажр ила мушлош эрур.

\* \* \*

Ёдингни қилур чоғда анисим аламингдур,  
Қаддим хамининг бонси абруйи хамингдур.

Ҳажрингда ёшим бир даме тинмас, сўрамассан,  
Билмамки, тағофулму ва ёким ситамингдур.

Рангимки синиқликда эрур ўйлаки заъфар,  
Сен қилма ажаб, анга сабаб заҳри ғамингдур.

Ҳар лаҳза зиёд ўлса не тонг хавфу умидим,  
Бу ҳол уза солғон мени қаҳру карамингдур.

Дил мулкиға юз ғулғула солғон бадан ичра,  
Созингни қолур чоғдаги ул зеру бамингдур.

Пажмурда танимға етуран тоза равонлар,  
Боис анго, Исо нафасо, тоза дамнингдур.

Сидқий, ҳама ошиқ элиға солғон алоло,  
Горатгари ислом элидин ул санамингдур.

\* \* \*

Ҳужрама келди ул санам ахшом аро тасир-тусур,  
Тизба-тиз ўлтуруб деди: сўзлашали чағир-чуғур.

Ноз шаробидин сунуб, айлади саргарон мени,  
Билмай ўзум, қучуб эдим, қилди бели қасур-қусур.

Бўйнима ташлабон қўлин, неча қилиб қизиқчилик,  
Иккаламиз қотиб кулиб, қилдук ажаб вақир-вуқур.

Бўйла кўруб нишотимиз, тоқат этиб чидолмайин,  
Қурбақадек рақиб эли айладилар бақур-буқур.

Зухра фалак уза кўруб рашк ила бирга айшимиз,  
Созин этиб нақорадек чолди уруб тафур-туфур.

Уйла сипанд ўлуб дилим, мажмарн ишқиға тушуб,  
Ҳар сори сачраб, оҳким, қилди тутаб чатур-чутур.

Субҳ чоғиға тегур ул улфат ўлуб манинг била,  
Мунглашпбон секин-секин, қилмади кўб вағир-вуғур.

Доми фироқиға солиб, эрта билан жафо қилиб,  
Силкиб этак уш (л) атмайин кетти қочиб шатур-шутур.

Сидқийи дилшикаста, дод этма фалакни жавридин,  
Гарчи бошингга ёғса ҳам ҳажр тоши шақир-шуқур.

\* \* \*

Мани йиғлашим кечалар аро етушурға анга баҳонадур,  
Манинг этмоқим бу қадар авонаки, иззу жоғи жаҳонадур.  
Ман учун туруб саҳар, эй сабо анга арзим

айлагасен адо,  
Қадамиға жонинги эт фидо, негаким у шўхи замонадур.  
Манга кўрсатиб юзин ул парн, мани телбалар каби  
айлади,

На қилайки, ушбу сирим мани ҳама эл тилида  
фасонадур.



Жоми васлидин дамо-дам маст эрдим, ҳайфким,  
Кетти ташлаб айлабон хуммор, келмайдур ҳануз.

Оташин рухсориға шайдо қилиб мен хастани,  
Қилғали ҳолимни истифсор келмайдур ҳануз.

Назм ила Сидқий мувашшах айлаб онинг номиға,  
Айладим жон бўйниға туммор келмайдур ҳануз.

\* \* \*

Телба бўлсам не ажаб, ҳар лаҳза ул дилдорсиз,  
Ким жунун дафъиға бўлдум зулфидин тумморсиз.

Ваҳ, нечук тун эрди, ул тунким эди ҳижрон туни,  
Бўлмас эрдим бир нафас ёдида оҳу зорсиз.

Равзаи васлиға етмоқлик муяссар бўлмади,  
Не учунким бўлмади, ул гул даме ағёрсиз.

Сунбули зулфи хаёли бирла ҳар бир кечалар,  
Ишқи оташхонасида бўлмадим зуннорсиз.

Ваъдан васли билан ҳар донмо дилшод эдим,  
Бас, нечукдин йиғламайким, ул пари атворсиз.

Нолаи ошиқлари гардунға етган кечаси  
Бўлмасун базми висоли ғижжагу сеторсиз.

Хушклармен бодан лаъли лабисиз онқадар,  
Бир даме йўқтурки, бўлсам, анда то хумморсиз.

Васл умиди тиргузур, бими фироқи ўлдурур,  
Оре, мундоғ, бўлмағай ишқ ўйнамоқ душворсиз.

Эрди кўнглум мулки онинг ёди бирла барқарор,  
Негаким вайрон ўлур мулк, ўлса гар сардорсиз.

Жаврларким, ул жафожў ҳасратидин мандадур,  
Бўлди бир дарди ажаб кўнглум аро изҳорсиз.

Ҳарна келса шукр қил Сидқий, нигоринг соридин,  
Бўлмағай васли муяссар жавр ила озорсиз.

Ишқ водийсини бир Мажнуни бесомонимиз,  
Қайда бўлсак, Лайлиносолар юзин ҳайронимиз.

Бодан ишқи мажозий бирла доим маст ўлуб,  
Билмағаймизким қаю гулчеҳранинг жўёнимиз.

Доимо заҳри аламдур комимизда нечаким,  
Ул шакарлаб бевафо ҳижронининг меҳмонимиз.

Оҳимиз — ўтлуғ алам, кўз ёшимиз — хайлу ҳашам,  
Гўйиё ранжу машаққат кишварининг хонимиз.

Лолагун атлас қаболар ёди бирлан қон сочиб,  
Чун шафақ шони ғарибон гўшасин гирёнимиз.

Волау шайдойи ҳар бир зулфи анбарбўй ўлуб,  
Риштаи мавҳумдек бўлди тани урёнимиз.

Ҳамдами бўлсак даме мужгонасоларнинг агар,  
Қолмағай ғамлик кўнгулда заррача армонимиз.

Оташин рухсорларнинг ишқида умр ўткариб,  
Даҳр эли сардафтарининг турфа бир нодонимиз.

Бўлмағаймиз ишқсиз бедардларнинг маҳрами,  
Токи расволиғини сарбозорини сарсонимиз.

Қофи ишқ остида анқодек бўлубмиз бенишон.  
Бу сабабдин кишвари шуҳратни танҳо хонимиз.

Албатаҳ, кўйи вафодин ёнмағаймиз заррача.  
Жонимиз чиқғунча то бу кўча саргардонимиз.

Равзаи роҳатда тузмай лаҳзае айшу нишот,  
Булбулосо дилраболар гул юзин нолонимиз.

Ёсин рухсоралар ҳажрин чекиб ўлсак агар,  
Биз каби бекасни Сидқий, ким берур товонимиз.

#### МУВАШШАХ<sup>19</sup>

Мани фироқингиза мунча мубтало қиласиз,  
Ки бори жавру жафодин қадим дуто қиласиз.

Лисоним ўртанадур сирри ишқингиз айтсам,  
Келиб қаю кеча кулбани рўшно қиласиз.

Агар висолингизи кўрмайин ўлур бўлсам,  
Хиноли қўлга асолар тутуб, азо қиласиз.

Сафолу оразингиз хониға қилиб меҳмон,  
Раҳо\* расида кўзумни қачон зиё қиласиз.

Йиқилсам оҳ уруб қадингиз хаёли билан  
Қиё боқиб, батар ўлғил дебон дуо қиласиз.

Лабимға жон етишур васл умидин этмоқдин,  
Бу орзуда магар сиз мани адо қиласиз.

Биза ҳамиша тағофул билан қиё боқмай,  
Рақибимиза нечук ўзни ошно қиласиз.

Яқо чу ғунча этиб чоку йиғласам қонлар,  
Фигоним англамайин айшингиз бажо қиласиз.

Камина Сидқингизни ҳолини сўраб бир кун,  
Қачон дилин шуш этиб биргина вафо қиласиз.

\* \* \*

Қилма чандон баҳона эй қаро кўз,  
Кетгали сўйи хона, эй қаро кўз.  
Келаман деб на хўб қочиб кетдинг,  
Бординг ул кун қаёна, эй қаро кўз.  
Единг айлаб тўла фиғон чектим,  
Боқмадинг бу фиғона, эй қаро кўз.  
Чок ўлир хастадил олур бўлсанг,  
Соч тарарға чу шона, эй қаро кўз.  
Раҳм қил, ҳажр аро адо бўлдум,  
Уртануб ёна-ёна, эй қаро кўз.  
Маст ўлуб кўчаларда сайр этма,  
Қи ямондур замона, эй қаро кўз.  
Сан каби пуржафо, ситампарвар,  
Қайда келгай жаҳона, эй қаро кўз.  
Қадалиб дилға то нигоҳинг ўқи,  
Бўлдум оғушта қона, эй қаро кўз.  
Билмағайман қачон карам қиласен,  
Сидқийи эски чафона, эй қаро кўз.

---

\* Эркин.

\* \* \*

Нигоҳинг эрур ўйлаким тири тез,<sup>20</sup>  
Ғазаб чоғи қайдан топармен гуриз\*.

Санга жони зоримни айлай нисор  
Қи моли жаҳон сангодур бир пашиз.\*\*

Сари кўюм ичра на қилгунг дема,  
Ки санга асиру гирифтормиз.

Жамолингни кўрсат, тамошо қилай,  
Лабинг сўрғоли гарчи етмас оғиз.

Ҳамоно эрур суратинг жон каби  
Ўғул ошиқ андину хуштор қиз.

Қадам қўйки кулбамға меҳмон этай,  
Қўюб қанду ҳолво ва шаҳду мағиз.

Баин мубталоят нигоҳи намо  
Ба бе шафқати оби рўяш мариз.

Сўрарға бу дилхасталар ҳолини  
Нетар лут(ф) бирлан гаҳе келсангиз.

Бу Сидқийни охирда хор айладинг  
Дариғоки авваллар эди азиз.

\* \* \*

Ғоза чекмак бу қизил юзга санго даркор эмас,<sup>21</sup>  
Хуни ошиқ бас эрур, қўлга хино даркор эмас.

Лутф ила мандек қулингга гоҳ-гоҳи боқмасанг,  
Ўзга маҳвашларни нетгумдур манго даркор эмас.

Илтижо қилсам, ёронлар, ажз ила мен найлайин,  
Ноз ила дерким, «Манга кўб илтижо даркор эмас».

Мен вафодин дам уруб олсам ўзимни ошно,  
Менга дер: «Эй телба, сендек ошно даркор эмас».

---

\* Қочинш.

\*\* Чақа, пул, тапга.

Хасталар ҳолига лутф айлаб назар қилгил десам,  
Дер аларга айламоқ лутфу ато даркор эмас.

Изтиробимни кўруб айди кўнгулда то табиб,  
Васлдин ўзга бу дардингга даво даркор эмас.

На учун Шавкатни ҳолин сўрмайин, эй нозанин  
Анга дерсен, менга сендек мубтало даркор эмас.

\* \* \*

Бор эди кўнгул аро тарки бу диёр қилиш,  
Жудо бўлиб ҳамадин ғурбат ихтиёр қилиш.

Бериб ого-иниға барча молу мулкатни,  
Ки лозим ўлди қаноатқа ўзни ёр қилиш.

Садафдин ўйла гуҳар чиқмасанг, қачон бўлғай,  
Замона растасида қиммат ошкор қилиш.

Яқин ер қучоқиға олур сани, тоқай, —  
Қамоли ҳирс ила дунёда гирудор қилиш?

Қоч эмди фақр мақомиға, эйки, сода кўнгул,  
На яхши ушбу фазилатқа ифтихор қилиш.

Кўнгул боғини гар яшнасун десанг доим,  
Керакки кўз ёшинг, андоқки жўйбор қилиш.

Ҳамиша ғафлат ила бўлдунг, эй кўнгул борму,  
Хаёлинг ичра даме ўзни ҳушёр қилиш?

Узулди аҳли замондин сахо ва жуду карам,  
Аларда қайда эрур бу каби шиор қилиш.

На яхши кетсанг, агар ушбу ердин, эй Сидқий,  
Ўзинга хоки ғариблиқ аро мазор қилиш.

\* \* \*

Эй зот акраминг карами пурхатоға хос<sup>22</sup>  
Андоққи хилъат шарафинг анбиёға хос.

Рўзи жазода осийи умумнинг шафоатин  
Қилғасен анбиёлар аро мустафоға хос.



Дунёда зуҳду тақво йўлин қилдинг албат (т) а,  
Қурби ҳаримнинг ичра бўлан раҳнамоға хос.

Дунёда эрканимда менинг тавбам эт қабул,  
Журмим жазосин айлама рўзи жазоға хос.

Ё раб, насиба бер манга доруссаломдин,  
Рўзи жазода қилсанг они ошиноға хос.

Кавсар суйидин айла ман осийни журъажўш,  
Қилгон чоғингда они Али Муртазоға хос.

Сидқий ҳамиша ўзга тугални пеша қил,  
Бўлсанг на ерда ризқ етурмак, Худоға хос.

\* \* \*

Айласам, аҳволима солмас қулоқ жонона, арз,<sup>23</sup>  
Раҳм этар эркинму қилсам, йиғлаб анга ёна арз.

Пайкарим заъф ўлди қоши ёдида ҳамчун ҳилол,  
Эмди қилсам қад букуб, тингларму бетобона арз.

Бўлмаса гар ул, очилмас хотирим гул-гул бўлуб,  
Айламангиз гулситон сайрин ман нодона арз.

Ул мани арзимни асло тингламайдур, ё бориб —  
Айлайнму ҳоли зорим, йиғлабон султона арз.

Гунчадек бағрингни қонин найлағайсен, Сидқис,<sup>7</sup>  
Айлабон бедардларнинг олдида гирёна арз.

\* \* \*

Ман учун юбордингиз\* ўйла мушки азфар хат,  
Жон машомини қилди то етиб муаттар хат.

Муддате эди, йўлга асру интизор эрдим,  
Ҳаққа шукрим, бўлди шодликка мазҳар хат.

Водин таманнода турфа бир эдим ҳайрон,  
Мақсадим сари бўлди охирида раҳбар хат.

---

\* Андижонлик дўсти, шоир Мулла Ҳусайн Ризоийга жавоб мактуби (Б. Қ.).

Бу камина қул арзи қайда етқуси эрди,  
Хидматингиза бул кун бўлмаса эди гар хат.

Бу шароралиқ кўнглум ичра ошён тузмиш,  
Қўб замонлар ўлмишким, ўйла бир самандар хат.

Бевафо гўзаллардин манга яхшидур сад бор,  
Бил, ғалат дедим,—бордур, барча элга дилбар хат.

Гар киши фақир ўлса, бўлғуси анга давлат,  
Гар киши ғани бўлса, бўлгай анга зевар хат.

Қаҳқашондин ошурғай хуш қаламни (нг) қадрини,  
Ким сипехри бахт узра келди саъди акбар, хат.

Дилшикаста Сидқийни (нг) охир эл аро қилди,  
Шуҳрат осмонда ҳамчу меҳри ховар, хат.

\* \* \*

Хироминг ажибу жамолинг бадеъ,  
Қаломинг балиғу мақоминг рафеъ.

Узорингга бермиш хатинг жўшиш,  
Тароват, чу райҳон фасли рабеъ.

Санго зарра афгонларим етмағай.  
Ки ҳусну ҳусайни\*, камолинг манеъ.

Навозиш билан қил мани сарбаланд,  
Жафо қилмаким, ушбу феъл шанеъ.

Нигоро, ҳаводоринг эрмас бири,  
Бало сонеъда Сидқи(й) янглиғ шажеъ.

\* \* \*

Қошингни кўруб ҳилол янглиғ,  
Қаддим ҳам ўлди дол янглиғ.

Чекмак била доимо ғамингни,  
Заъфи бадан ўлди нол янглиғ.

---

\* Ҳусн — гўзаллик, ҳисн — қалъа, ҳусайн — қўрғонча, ҳасин — мустаҳкам. Биринчи икки сўз «син» ва «сод» билан фарқланади. Кейинги икки сўзнинг ёзилши ҳам бир хил. Шоир уларнинг ўхшашлиги асосида сўз ўйини қилмоқда.

Неъмат топилурму бу жаҳонда,  
Инсоф ила денг, висол янглиғ.

Топмоққа ани ҳаримига йўл,  
Бордур манга эҳтимол янглиғ.

Сидқийға ачиг сўз айтса ёри,  
Лаззат берур анга бол янглиғ.

\* \* \*

Жон қолурму телбаларда, юрса жонон ҳар тараф,  
Яъни гулшан саҳнида бўлса хиромон ҳар тараф.

Қайда бўлғай мен каби бедилда хотиржамлик,  
Ногаҳ этса ул пари зулфини паришон ҳар тараф.

Доимо васлиҗ таманносида саргардон ўлуб,

Тобмайин кезғай фалакда меҳри рахшон, ҳар тараф.

Кўрмайин асло жамолини дамо-дам қон сочар,  
Нола қилсам шомлар, бу чашми гирён ҳар тараф.

Юсуфим ҳажрида, Сидқий, байтул аҳзонда мудом,  
Юзланурман йиғлабон, чун пири Қанъон ҳар тараф.

\* \* \*

То соя солмаса бошинг узра ҳумойи ишқ,  
Эй сода, қайда бўлғунг эрур подшойи ишқ.

Жоҳу жаҳонға боқмай, ани пушти по уруб  
Этғил ўзингни, ўйлаки Адҳам гадойи ишқ.

Ёринг юзини оҳ ила дилда кўрмағунг,  
Гар ҳосил этмасанг, кўнгул ичра сафойи ишқ.

Бемори ишқ ўланлари дармони — васли ёр,  
Бўлғай анингдин ўзга қачон бедавойи ишқ.

Беҳад жаридаларға чу ёзса, туганмағай,  
Ҳар шому ҳар пагоҳ аро можаройи ишқ.

Лайливашим ғамида таним хушк айлади,  
Езиб бошимға ўйлаки, Мажнун балойи ишқ.

Элнинг кўзиға, Сидқий, агарчанд, телбадур,  
Лекин хаёли ёр ила бўлди расойи ишқ.

\* \* \*

Келсангиз лутфу карамлар ошкор айлаб келинг,  
Душманним борини бирдан беқарор айлаб келинг.

Бўлмайин бегонаваш манга тараҳхум айлабон,  
Ошнодиқ расмини бир дам шиор айлаб келинг.

Сарв янглиғ қоматим ҳижрон юки хам айлади,  
Сўрғали ҳолимни бир кун турфа кор айлаб келинг.

Тўкмака қонимни, жоно, тиглар ҳожат эмас,  
Икки қошни қатлима шамширвор айлаб келинг.

Бодадин юзни қизортиб, элни боқмай додиға,  
Бир ажаб шўри қиёмат ошкор айлаб келинг.

Сайри гулшан айлабон, рафтор этиб мастонавор,  
Кўз сузиб наргисларини(нг) шармсор айлаб келинг.

Хаста Сидқий кулбасиға келсангиз танҳо бўлуб,  
Лек элдин ёшунуб, оламни тор айлаб келинг.

\* \* \*

Бурқаб юзингдин очғил, токим кўрай жамолинг,  
Айлай дуо ҳақингға, ортсун санинг камолинг.

Лола каби бағирлар ўз қониға бўялғай,  
Келғонда то кўнгилға ёди узори олинг.

Ушбу тириклигимда тангри муяссар этсун,  
Кўрмоқлиқни эй шўх, манга санинг висолинг.

Билмам сани на жонсан, ё ҳур, ё парисан,  
Ким кўрмадим башарда бу хулқ ила хисолинг.

Кўрганда қилғусидур тўти ҳалок ўзни,  
Ушбу тароват ила қилғон сучук мақолинг.

Авжи шарафда бўлмай, хасминг ҳамиша бўлсун,  
Қилса ямон назора йўлунгда поймолинг.

Доим бу янглиғ айлар, Сидқий сени дуолар,  
Серсабз ўлуб ниҳолинг, ҳеч бўлмасун заволинг.

\* \* \*

Мунча ҳам нозик бўлурму, эй нигоро, қоматинг,<sup>24</sup>  
Тебранур тегса сабо, оҳиста раъно қоматинг.

Ҳар биридин кўзларинг соҳири зоҳирдур вале,  
Бир соридин солғуси оламга ғавго қоматинг.

Бўстонида назокатнинг на қилғум сарвни,  
Ким олибдур равзаи кўнглум аро жо қоматинг.

Қайси кун бўлғай қиёмат деб асло сўрмагил,  
Ким бўлур ул кун қиёмат кўрса эл то қоматинг.

Сарву шамшоду санубар ерга урғой ўзларин,  
Гулшан ичра кўрсалар гар жилвапиро қоматинг.

Коқулу холингга сунбул бирла мушк ўлди асир —  
Нега мен бўлмай сени кўргонда шайдо қоматинг.

Олам ичра дилраболар кўб эрур, лекин санинг —  
Қул бўлур Шавкат каби кўрғоч, бу зебо қоматинг.

\* \* \*

Яратиб дурур на янглиғ сани бўйла бируборинг,<sup>25</sup>  
Бош-аёғ эрур бари ноз, ҳама жилва қору боринг.

Сан ўшал дарахти зебо, ҳама мевасену лекин,  
На қилайки, қисқа иликим, узолмағай аноринг.

Бу замонда сан эурсан ҳама ҳусн элни шоҳи,  
Етушурга йўл топарму санга бир йўли бу зоринг.

Даме бўлмади, нетайким, бу камна борасида,  
Караму мурувват ила, ажабо, вафо шноринг.

Кўраманму деб, нигоро, сани меҳрдёк жамолинг,  
Йўлунга боқиб чу ҳаржо чекадурман интизоринг.

Агар олмоқ эрса қасдинг, мани ушбу хаста жоним,  
Санамо, қошимға келғил, ўзум айлайин нисоринг.

Нега Сидқи(й), тири оҳинг ҳадафи мурода етмас,  
Магарамки, чарх ўлубдур сани зўр кинадоринг.

\* \* \*

Сандин ҳамиша, жоно, жавру жафо муборак,  
Сабру таҳаммул анго этмак манго муборак.

Қомат чекиб чаманда, айлар чоғингда рафтор,  
Юз жилва бирла, эй шўх, касби ҳаво, муборак.

Хуррам бўлуб ҳамиша, бу даҳр боғи ичра,  
Умринг ниҳоли бўлсун, то борҳо муборак.

Лутфу карам юзидин боқғил бу қулға гоҳо,  
Чунким гадоға бўлғай, шаҳдин ато муборак.

Тушгач юзингга ул дам, кўз нур касб қилди,  
Меҳри рухингга бўлсун нуру зиё муборак.

Нозик белинг хаёли қилди танимни бемор,  
Бу дардни ҳамиша қилсун Худо муборак.

Сидқийға бўлғусидур, лутфу карам ёрига.  
Сандин ҳамиша жоно, жавру жафо муборак.

#### **ИН ҲАЗАЛРО АЗ АНДИЖОН БА ЖАНОБИ БИРОДАРАМ МУЛЛА ВУСЛАТ ШОШИИ ИРСОЛ ДОШТА БУДАМ**

Эй сенга, Вуслат, ўлсун лутфи Худо муборак,  
Кўнглунг сижанжалиға, яъни зиё муборак.

Жисмим замонлар эрди ҳажрингда асру бемор,  
Сўзингни марҳамидин топти шифо муборак.

Хат ёзмоқинг-ла кўнглум мулкин мусаххар эттинг,  
Мунқодлиқ ҳамиша бўлсун манго муборак.

Васфингга тилни очиб, қилса бу қул дуолар,  
Этсун Худо ҳақингга шому сабо муборак.

Авжи шарафда бўлмай, ҳосидларинг ҳамиша,  
Иқболи паст бўлсун, ҳам шуму номуборак.

Ирсол этиб дуолар, хушнуд қилдинг, эй дўст,  
Гўёки шаҳдин ўлди қулға ато, муборак.

Нутқу фасоҳатингдин лашкар тузаб, очибсен,  
Сўз кишварининг эй ёр, бўлсун санго муборак.

Ортиб мудом фазлинг, рутбанг зиёда бўлсун,  
Эл ичра ёна бўлғил то борқо, муборак.

Сидқий бошиға лутфунг кам қилма соясини  
Ким сояи ҳумодек бордур анго, муборак.

\* \* \*

Кўрмади бир кимса сендек жодуи Қашмирни,  
Бир боқиш бирла асир эткунг жувону пирни.

Гирдбодосо балои дашт аро, эй сангдил,  
Бесару по айладинг-кетдинг ман дилгирни.

Фирқатинг шоми аро қонлар сочиб ҳамчун шафақ,  
Англамассан йиғласам, бу нолаи шабгирни.

Сарви қаддинг ёдида ҳар дам чекиб юз ўтлуғ ўт,  
Тобмадним кўюнг сари етмоқға бир тадбирни.

Ҳамчу наргис кўзларим тортар йўлунгда интизор,  
Кел буён, Оллоҳ ҳақи, кўрма раво таъхирни.

Кўшиши бодасту полар йўқ, асардан ноумид,  
Интизори дом охир тортадур нахчирни.

Қатли Сидқийға ҳилол абрўларингдин дамбадам,  
Кўзларинг жаллоди мужгондин отарлар тирни.

\* \* \*

То фазлу ҳунар ойинапардоз бўлмади,  
Иқбол эшиги кимса юзиға очулмади.

Бўлса кишини бахти қаро, гирядин на суд,  
Зероки қора оқ бўлур деб ювулмади.

Сўзлар чоғинда сўзга ҳамоно бўл эҳтиёт,  
Отилгон ўқни ёнғони ҳаргиз кўрулмади.

Даргаҳи кибриёға узат тавба илгини,  
Бу даргаҳи ичра кимсани навмид этулмади.

Ҳар кимни гар кўрур эсанг анга тавозеъ эт,  
Кўз устида жой олмади, то қош эгулмади.

Мақсадни соҳилиға киши қўймади аёғ,  
Адҳам сифат алойиқидин то узулмади.

Шавкат, ҳамиша маърифат аҳлин дуосин ол,  
Қоринг гиреҳлариким анингсиз ешулмади.

\* \* \*

Ғам билан қайғуларинг жисмимни чандон ўртади,  
Бешаға ўт солди, гўёким найистон ўртади.

Лаъли жонбахшинг берур жон мурда танға, эй Масиҳ  
Лек жоно, кўзларинг ҳар лаҳза минг жон ўртади.

Улфатим — ғам, мунисим — дарду аламдур эрта-кеч,  
Не учунким сенсизин кўнглумни ҳижрон ўртади.

Манму бўлгон юзларингдин телбау ошuftаким,  
Лола бағрин рашк ўти яксар қилиб қон ўртади.

Хома бирлан нома ёзмоқда қилай деб арзи ҳол,  
Кўзларим қон тўктию бағримни афгон ўртади.

Ул ҳуниким гул юзинг айлаб таманно, эй ҳаким,  
Бир кўролмай минг йўли ҳар кунда армон ўртади.

Нолаи Шавкатға гоҳ-гоҳи назарлар айлагил,  
Қим ани ҳижронларинг додини бирён ўртади.

\* \* \*

Ғурбат ичра ҳолима жумла мусулмон йиғлади,  
Ёна заъфим кўрдию жисмим аро жон йиғлади.

Кўрғоч ўтлуқ оҳ ила хаста кўнгулин ғамларин,  
Чоқилиб кўк дам-бадам абри баҳорон йиғлади.

То чаман сайриға кирғонимда дил қонин кўруб,  
Ғунчаларнинг бориси афгон чекиб, қон йиғлади.



Хоби роҳат қайда манда, эй биродар, лаҳзае  
Ким бошимда абри ғам, ҳар кеча тўфон йиғлади.

Еш тўкар чоғида икки кўзларим Яъқубвор  
Тобу тоқат келтуролмаи байтулаҳзон йиғлади.

Ман каби душманларим ҳам ё раб, асло бўлмасун,  
Ким манга раҳм айлабон кўрганда дар он йиғлади.

Айла Шавкатни дуосини худоё, мустажоб,  
Бош уруб даргоҳинга бу кеча чандон йиғлади.

\* \* \*

Қаро зулфинг тўлун ойдек юзингга ҳола то бўлди,  
Мени ул дамда ёруқ рўзғорим ҳам қаро бўлди.

Парисан ё малақсан, йўқса мислинг йўқ башар ичра  
Нечунким кўрган эл хулқингни, сенго мубтало бўлди.

Қилур эрди чаманда сарв нозикликни даъвосин,  
Қадинг кўргач, хиёбон ичра хижлатдин дуто бўлди.

Менинг қатлимга жоно ёдинг ўқ чекмак эмас ҳожат,  
Нечун мужгондин ўқ отмоққа қошинг турфа ё бўлди.

Қуруқ жисмим менинг рашк ўтига ёнмасму ҳар дамким,  
Сенингдек маҳвашим ағёр ила айши бажо бўлди.

Ҳарими қурбинга мендек гадони етмаги мушкил,  
Ки, султонлар сенинг олдингда бир камтар гадо бўлди.

Ниёз аҳли қаторида сенга, эй шўхлар шоҳи,  
Алар бирла мени ҳам кору борим илтижо бўлди.

Спехрининг саодат ахтари тобандасидурсен,  
Шараф буржи анинг-чун сенга турмоқлиқга жо бўлди.

Сенинг Шавкатдин ўзга йўқ эрур васлинг харидори,  
Ким анго ҳусн бозорида нақди жон баҳо бўлди.

\* \* \*

Маҳваши олийсифат, машҳури давронаст чой,  
Барча эл ошuftгаси, бир турфа тайёнаст чой.

Жумлаи шоҳу гадо савдосидин холи эмас,  
Мажлисоройи ҳама пиру жавононаст чой.

Ваҳ, на хуш, дебдур ўшал донойи олий боргоҳ,  
Бўлмасайди куфр, дер эрдикӣ, имонаст чой.

Айламангиз хоҳиши тарёку майли кўкнор,  
Қайфбахши ҳар дили аҳли мусулмонаст чой.

Билсангиз жойи анинг Сейлон ила Лўндундадур,  
Шул сабаб турк аҳлига Ҳинд ичра пинҳонаст чой.

Печкалик уй ичра қишда қайнар эрса чойжўш,  
Қуввати руҳи равону роҳати жонаст чой.

Пулға сотмас бўлса гар жон ила эл олғусидур,  
Бу сифат манзури жумла аҳли Туронаст чой.

Аҳли Турон деб бу дам хос айладим, лекин ғалат,  
Негаким, манзури жумла (аҳли) Эронаст чой.

Хоси ислом аҳли манзури деса, андоғам эмас, —  
Даҳрии Русу Фарангу аҳли Ёпонаст чой.

Тошканд аҳли етарлар чойнинг қадриғаким,  
Ҳар неча қиммат эса, онларға арзонаст чой.

Бермағай танҳо ўзи, Сидқий, тароват, негаким,  
Ошу нони бўлмаса чун тийри парронаст чой.

\* \* \*

Қўрма юзин айлабон яко чок,<sup>26</sup>  
Юргум кўчаларда масту бебок.

Лаълини хаёлини қилурда  
Қонлар тўкадур бу чашми намнок.

Қўз учи била манга боқарму  
Ётсам йўли узра ўйлаким хок.

Ҳар кечаси ёди бирла онинг  
Бу телба кўнгил эрур тарабнок.

Ҳажрида ғизо бағирни қони  
Бўлғоч, манга тарк этилди хўрок.

Нозик белининг маннинг кабилар  
Ҳаргиз қила олмағайлар идрок.

Кулбамға келурда Сидқий ул ёр,  
Кирпик била йўлин айларам пок.

\* \* \*

Абрўдин тийғи дудамлар ошкор айлар кўзунг,<sup>27</sup>  
Гўйиё қатлим учун бир зулфиқор айлар кўзунг.

Манму бўлғон нимнигаҳлар қилмоқингдин телбаким,  
Бир боқиб юз мен кабини беқарор айлар кўзунг.

Хатларингдин 'офият сорига йўл зоҳир вале  
Дам-бадам юз минг балоларға дучор айлар кўзунг.

Садқа бўлсун хаста жоним сенга боқсам, не учун  
Доимо бедодлиғни ихтиёр айлар кўзунг.

Ваҳ, на соҳирдурки, жоно, ҳеч раҳм этмай манго,  
Бир боқиб ақлимни мулкин тор-мор айлар кўзунг.

Ишқ бемори ўлан мандек ҳама саргаштаға  
Бир боқиш бирлан давойн бешумор айлар кўзунг.

Риштан жониға Сидқийнинг дамо-дам урғали,  
Бир неча ништарни мужгондин қатор айлар кўзунг.

\* \* \*

Ғунча лаълингдин, қошингдин тийғи буррондур хижил,  
Қоматингдин боғ аро сарви хиёбондур хижил.

Лоладек яшнаб ўтурсанг базм этарда кечаси,  
Юзларингдин, эй пари, шамъи шабистондур хижил.

Оҳ уруб кўнглум, кўзум қоң йиғлағонда сансизин,  
Рашқдин ёқути аҳмар бирла маржондур хижил.

Мушк янглиғ хатларинг ул кун кўрубон боғ аро,  
Сайру гулзор айлағон чоғингда райҳондур хижил.

Хушадо, ширинлиқолик кишварин танҳосисен,  
Бу назокат бирла сандин жумла жонондур хижил.

Улмағай нечун юзингдин жумла гулрух шармсор,  
Ким фалак авжида, жоно, меҳри рахшондур хижил.

Номи некингни ҳуруфин терди силки назм аро,  
Шул сабаб Сидқий сўзидин дурри ғалтондур хижил.

\* \* \*

Бемурувват ошнодин қоч, қутул,  
Яъни ёри бевафодин қоч, қутул.  
Кўрганингда тобмаса кўнглунг сафо,  
Бу каби кўнгли қародин қоч, қутул.  
Дўстни кўрмоқ зиёи чашм этар,  
Бўлмаса андоғ ародин қоч, қутул.  
Шоҳид ўлким, бўлса холис, ошно,  
Пул деса, ушбу балодин қоч, қутул.  
Ҳар киши миннат учун этса сахо,  
Албат(т) а сан бу саҳодин қоч, қутул.  
Аҳли дунё суҳбати тарёк эрур,  
Доимо бу аждаҳодин қоч, қутул.  
Истиқомат пеша айлаб, қонё ўл,  
Томеъи кони дағодин қоч, қутул.  
Домони матлабни гар ушлай десанг,  
Аввало кибру ҳаводин қоч, қутул.

\* \* \*

Бир кеча келиб танҳо кулбамни чароғон қил,  
Хони васлингга мендек бенавони меҳмон қил.

Ноз ила хиром айлаб, гулшан ичра то, жоно,  
Ёзибон қаро кокил, саҳнин анбарафшон қил.

Гул юзинга зеболик даъвосини айлабдур,  
Кўрсатиб юзинг, они рашк ўтига сўзон қил.

Фурқатинг аро бўлди заъфдин таним бемор,  
Марҳамат билан, эй шўх, ушбу дарда дармон қил.

Ҳижратингда васлингни билмаса киши қадрин,  
Эй санам, анго боқмай, мубталон ҳижрон қил.

Зухд эли кўруб ҳолим айламиш маломатлар  
Кўрсатиб юзинг мандек кўюнг ичра сарсон қил.

Ҳолини бу Сидқийнинг сўрғудек киши йўқтур,  
Гурбат ичра сан анга лутф бирлан эҳсон қил.

\* \* \*

Эй дофъи ранж ила малолим,<sup>28</sup>  
Ҳажрингда на кечгай эмди ҳолим.

Эй чарх, бу гурбат ичра тўктунг,  
Зулм ила кўзумдин ашки олим.

Ерим мани ёдима келан чоғ  
Ҳар сорига толпинур хаёлим.

Нозик белнининг хаёли бирлан  
Заъфи яна ошти жисми нолим.

Улсиз нечук айлағайман эмди,  
Кечгонини ушбу моҳи солим.

Бўлмоқ сари кўйининг итидин  
Бўлғай мени файз ила камолим.

Қулбамға қачон қадам етургай,  
Ул мени кўзи қаро гизолим.

Гар фирқатида мен онинг ўлсам,  
Бўйнига эрур манинг вуболим.

Даҳр офатидин саломат ўлсун,  
Сидқий, мани сарв навниҳолим.

\* \* \*

Кўрмай юзинг замонлар, жоно, хумор бўлдум,<sup>29</sup>  
Лайли йўлида гўё Мажнун шиор бўлдум.

Ҳолимни сўрмағайсен гоҳи карамлар айлаб,  
Эй-вой, сенга аввал қайдин дучор бўлдум.

Озодлиғ чоғимда ман ҳам азиз эрдим,  
Бўлғоч сани асиринг, кўзингга хор бўлдум.

То ул куни, нигоро, арзи жамол қилдинг,  
Ишқинг тушуб кўнгулға кўб беқарор бўлдум.

Кўйингни итлариға бўлғум нечук баробар,  
Зероки санга бул кун безътибор бўлдум.

Гоҳи тараҳҳум айлаб, ман хастаға назар қил,  
Ким йўлинг узра ётиб, ўйла ғубор бўлдум.

Юз-шукр мунга Шавкат, ишқида ул санамнинг,  
Йўқ айлабон вужудим то ошкор бўлдум.

\* \* \*

Жаҳон жаллоди халқунга чекиб тийғи ситам кам-кам,  
Насимийдек сўюб пўстунг, қилур яъни адам кам-кам.

Санинг бу сарвдек қаддинг фалак даври ҳилолосо  
Жафо бори билан бешак қилур охирда хам кам-кам.

Висоли ёр базмида рақибни рўсияҳлар ҳам  
Ҳамона қолмағай авжи шарафда муҳтарам кам-кам.

Скандардек ҳумоюнбахт ўлуб, оламга шоҳ ўлсанг,  
Бўлуб мағрур, алданма, кетар хайлу ҳашам кам-кам.

Қўлунгда давлатинг бўлса, навосизлар дилин олғил,  
Нечунким, турфатул айн ичра кетғай ушбу ҳам кам-кам.

Жаҳонни(нг) лаззатин ҳам боҳаловат шаҳд ила қандин  
Фалакни(нг) золи жон қасдида қилғай ҳамчу сам кам-  
кам.

Бўлуб бегона ўзлукдин, чу писта хандазан бўлма,  
Ки ногаҳ ғам тоши бошингга солғай минг алам кам-кам.

Мурод оҳуси бирла бахт бози санга ром ўлса,  
Ишонма анга, сан, эй содаваш, қилғуси рам кам-кам.

Сўзингни гавҳарин шавқ аҳлиға бозл айлағил, Сидқий,  
Ки қолмас ушбу кўк қаср остида аҳли қарам кам-кам.

\* \* \*

Баҳор айёмида ул хатти райҳонимни соғиндим,  
Ки яъни ҳурваш, зулфи паршонимни соғиндим.

Саропо ишва бирла дилраболар хайли яктоси,  
Назокат кишварида шоҳи давронимни соғиндим.

Қади—тубо, юзи — гул, сочи — сунбул, кўзлари—жоду.  
Бу янглиғ нозпарвар офати жонимни соғиндим.

Нетарман нола қилмай, ул жафожў ҳасратидинким,  
Фироқида дамо-дам оҳу афғонимни соғиндим.

Эдим бир лаҳза тинмай зарраваш ёнида беором,  
Йўқотиб эmdi ул хуршиди рахшонимни соғиндим.

Қизил гулдек юзи ёди билан ҳар кечалар тинмай,  
Чу булбул айлағон ман хаста илҳонимни соғиндим.

Қолибман, Сидқий, ул шаҳду шакарлабнинг фироқида,  
Суханвар тўти янглиғ шаққаристонимни-соғиндим.

\* \* \*

Ватан надир, туққан ерим, турғон ерим,  
Усиб-униб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим.

Ватан менга ҳақиқатда кўндоқ каби,  
Тарбиянинг негизини қурғон ерим.

От-эшақда ўрдан-қирдан бугдой ташиб,  
Иссиқ кунда ўнғай, созлик қўрғон ерим.

Қайда бўлсам, қайда турсам, қайда юрсам,  
Мангу ўйнар кўзда жавлон урғон ерим.

Жоним ватан, таним ватан, кўзим ватан,  
Эсдан чиқар они кўрғоч, кўрғон ерим.

Жоним бирлан, таним бирлан нега суймай,  
Роҳат яшаб, соғлом яшаб юрғон ерим.

Чет шаҳарнинг гулзоридан кўзга яхши,  
Уроқ бирла хору хасин ўрғон ерим.

Сидқий мени меҳнатини гарчанд эзар,  
Қайда борай давру даврон сурғон ерим.

\* \* \*

Ким деди, кулбамга, жоно, санга асло келмасун,<sup>30</sup>  
Ман соридин санга душман айдиму ё келмасун.

Келмас эрса (нг) сандин ўзга сўргали аҳволимни,  
Бўлса ҳам гулруҳлар ичра гарчи танҳо, келмасун.

Фурқати ёрим танимни қилди заъфу шодмон,  
Ул табиба айтингиз, олиб даво, то келмасун.

Бир парини ишқининг шўри етиб ортар менга,  
Эмди кўнглум мулкига ўзга алоло келмасун.

Телба кўнгул бирла чеккан дарднок оҳим ўти  
Ўртағай, ёнимга — денглар— ҳеч доно келмасун.

Ҳеч мўминга—дуо айланг-манингдек анга ҳам  
Гурбат ичра юзланиб юз минг алоҳ келмасун.

Тийра кулбамга келурда ёр, ҳижрон кечаси  
Рўшнолиғ берғали кўкдин Сурайё келмасун.

Жавриға ёримни чандон сабр қилсам, дер манго,  
Санго гоҳо меҳр бўйи мандин асло келмасун.

Ёринг ўлсаму санинг Шавкат вафолар айлабон,  
Бирни тут, иккинчига санго таманно келмасун.

\* \* \*

Юздин олма парда то эл, эй укам қўзғолмасун,<sup>31</sup>  
Ёна мендек телбалар кўзида нам қўзғолмасун.

Қўзларинг жаллодвор ўлғонда, жоно, қатлима,  
Қошларингдин дам-бадам тийғи дудам қўзғолмасун.

Боғлама зулфингни нозик белға бепарво бўлуб,  
То танимда риштаи жон, эй санам, қўзғолмасун.

Фурқатингда хаста бўлғон телбаларга раҳм қил,  
То алар кўнглида ёна занги ғам қўзғолмасун.

Келғонингни сўргали ҳолимни жоно, кечалар,  
Билмасун то дўстлар, агёр ҳам қўзғолмасун.

Барчанинг оғзидадур васфи жамолинг эрта-кеч,  
Езғали васфингни ҳожат йўқ, қалам қўзғолмасун.

Олди Шавкатнинг қарорин, йўқлаким ҳижронларинг,  
Нолау афғонлари ҳар субҳидам қўзғолмасун.



### МУВАШШАХ<sup>32</sup>

Газолон кўзларингдин оҳуйи тотор айлансун,  
Хиромингдин дамодам кабк хушрафтор айлансун.

Лаби шаккарфишонинг сўзга очғил, эй пари, токим,  
Қилиб то тўти лол\*, жонлар санго нисор айлансун.

Амон бўлғил балолардин, аё шўхи замоним, сен,  
Бошингдин то қиёмат гунбази даввор айлансун.

Муанбар кокилинг тарқат, кўруб, эй жон ила сунбул  
Асири бўлсуну ҳар дамда юз минг бор айлансун.

Хиёбонларда, жоно, қад чекиб қилғил тамошолар,  
Қадингни то кўруб, сарви сиҳи бисёр айлансун.

Умидим шулки, ҳар кун йўқлабон кулбамга келгайсен,  
Бошингдин токи жоним минг йўли, эй ёр, айлансун.

Нечук Сидқий сариға, боқмагайсан лутф этиб гоҳи  
Ва ё йўлдин сани оздирдим, ағёр, айлансун.

### МУВАШШАХ<sup>33</sup>

Ғамингдин кечалар то субҳ, жоно, беқарорингман,  
Ки, сандек Лайливашдан айрилиб Мажнун шисрингман.

Латофат богининг бир сарви наврас, хуш қадидурсан,  
Анингчун қумри янглиғ бир асири тавқдорингман.

Амири жумла гулрухлар эрурсан, бир назар қилғил,  
Агарчи дарғаҳингда бандан безътиборингман.

Муанбар кокилингни, эй пари, то юзга тарқатдинг,  
Ушал дамдин бери мен ҳам паришон рўзгорингман.

Хуш ул кунлар қудуминг муздиға ҳар дам қилур эрдим,  
Қадам қўйғон чоғингда кулбама жонлар нисорингман.

Эмасман жавр ила зулмингга лойиқ, қил тараҳхумлар,  
Нечукким жумла ошиқлар аро бир бемадорингман.

\* Тилсиз қолиш.

На деб Шавкат кўзиға хоби роҳат келғуси сансиз,  
Ғамингдин кечалар то субҳ, жоно, беқарорингман.

#### МУВАШШАХ

Ғайри базмида юзинг ойдек жило кўрсатмасун,  
Гулға булбулдек алар ҳам минг наво кўрсатмасун.

Лоларанг этмоқға нозик қўлларингни, эй пари,  
Юз таманно бирла рангининг хино кўрсатмасун.

Илтимосига рақибимнинг нигоҳе қилмағил  
Ким, алар то санга арзи муддао кўрсатмасун.

Майл сайри гулшан айлар чоғда, жоно, ноз илан  
Айлабон даъво қадининг сарв то кўрсатмасун.

Хушклармен, бодан лаълинг билан саршор қил,  
То сароби фурқатинг юз минг жафо кўрсатмасун.

Оташин лаълингға ўзни ўхшатиб гулзор аро,  
Ғунча бағрин қон этиб, чоки қабо кўрсатмасун.

Нолаи Сидқийға гар солмас эса асло назар,  
Ишқида куйдурмасун, нозу адо кўрсатмасун.

#### МУВАШШАХ

Ғунчадек лабинг ишқин сўрмайин бағир қонман,  
Тобмайин даме васлинг, мубталойин ҳижронман.

Лаҳзае қарорим йўқ, ўйлаким бўлуб Мажнун,  
Истаб эй сани Лайли, кўчаларда сарсонман.

Эмди ҳолима раҳм эт, лутф ила боқиб, эй шўҳ,  
Ким йўлунга наргисдек икки чашми ҳайронман.

Мақдамингни кулбамға еткур, эй камонабрў,  
Токи санга жонимни айлай анда қурбон ман.

Хўблуқ, жаҳонининг шоҳисан, карам қилғил,  
Нечаким замонлардур интизори эҳсонман.

Истабон сани, эй гул, ҳар чаманда тобмасдин,  
Ўйлаким бўлуб булбул кечаларда нолонман.

Нофай Хўтан янглиғ зулфи бўйинди Сидқий  
Ҳар замон топиб роҳат хотири паришонман.

\* \* \*

Қиш табъини муқтазоси гулхан,<sup>34</sup>  
Тан роҳати, жон ғизоси гулхан.  
Бегулхан улусни тинчи кетқай,  
Ҳар айшнинг ибтидоси гулхан.  
Писта кўмури чу ёнса лов-лов,  
Совуқ касалин давоси гулхан.  
Қайнар эса қумғонинг валақлаб,  
Кўнглунг хушу сафоси гулхан.  
Олдингда эса гўзал фамил чой,  
Жон мунису муттакоси гулхан.  
Тоғлар аро сабзалар ичинда,  
Сайр аҳлини муддаоси гулхан.  
Сидқийни ҳамиша ёзу қишда,  
Жондек эрур ошноси гулхан.

**БА ЖАНОБИ МУЛЛО КАМИЙ ТОШКАНДИЙ АЗ АНДИЖОНИ  
ФИРДАВСНИШОН ИРСОЛ ДОШТА БУДАМ<sup>35</sup>**

Иўлингизгадур мунтазир жисму жон,  
Бўлурсиз қачон озими Андижон?

Бадан ичра жоним қуши талпинур,  
Топарманму деб Сиздин истаб нишон.

На хуш давлат эрди, эдингиз анис,  
Мани нотавонга Сиз, эй нуктадон!

Дамо-дам териб мақсадингиз гулин,  
Бўлунг даҳр боғи аро комрон.

Фалак золидин Сизга етмай газанд,  
Худо сақласун Сизни доим омон.

На ерда эсангиз, бўлуб шодком,  
Саодат билан бўлғасиз хиромон.

Эурсиз суханварлиқ иқлимида  
Ажаб шуҳрабардору олийнишон.

Бу давлатқа ҳар доимо шукр этинг,  
Ким этқай зиёда худойи жаҳон.

Бу Сидқий, дуодин Сиза ҳадялар  
Юборди, қилиб қилкин анбарфишон.

### ДАР ТАЪРИФИ ОТАШАРОБА<sup>33</sup>

Етгали манзилға токим боғлади шаҳпар вагон,  
Бошлабон йўл манга бўлди гўйиё раҳбар вагон.

Йўлда тинмай чарх уруб, ўтдин этиб ҳар дам қанот,  
Дудин учкон сори қилди бошина афсар вагон.

Рўзу шаб зулмоту тоғу чўлни хавф этмай кезиб,  
Ерни ҳақ бирла бўлди ўйла Искандар вагон.

Ушбу кун Турон заминни (нг) фатҳиға Рустам каби  
Қўлга ёшилдин алам олди, миниб ашқар вагон.

Эгри йўлга юрмайин, тўғри йўлидин ажрамай,  
Ростликдин қатъ этар ҳар лаҳзау ҳар бар вагон.

Эл дегай лочинни тез учгай, бу сўз лекин ғалат,  
Қим жамини жонвардин келди чобуктар вагон.

Ёзу қиш тинмай талаб бирлан юрар бесару по,  
Ишқ элидек дам-бадам ўтлар сочиб аҳмар вагон.

Навбахор айёмида айлар эсанг азми сафар,  
Сабзалар бирла кўрунгай кўзинга аҳзар вагон.

Жанг майдонида кийса жангжўй бошиға худ,  
Доимо бошиға кийгай қаҳр ила миғфар вагон.

Оғзидин ўтлар сочиб йўл қаҳрамонин ютқоли  
Ҳамла қилғой дам-бадам андоқки бир аждар вагон.

Бу киби нашъу намолар қайда эрди, дўстлар,  
Йўл солиб ушбу тарафға келмас эрса гар вагон.

Кеча-кундуз ҳар қачон чиқсанг сафар қасди билан  
Ер ўлтурмоқға санга ким тўлодур ҳар вагон.

Анджону Марғилон, Ҳўқандни кўрмас эдинг,  
Бўлмас эрса санга, Шавкат, бўйла лутфовар вагон.

Абнон вақт сўзлари бағримни қилди қон<sup>37</sup>  
Онларни жаври илкидин айлай кима фиғон?

Юрсанг, юрар дегайлар, алар шиквалар қилиб,  
Ўлтурсанг ўлтурур, дейишур таъна айлабон.

Мажлисда сўз самандиға маҳмиз бермасанг,  
Қўйғайлар «индамас» лақабингни ўшал замон.

Важҳи маоша жаҳд ила урсанг агар қўлунг,  
Дерлар ҳасад юзи-ла: «Керакмасму санга жон?»

Гар соврулуб алар киби, йўқ бўлса бир ишинг,  
Нисбат берурлар анда ҳамоқатқа, эй жавон.

Кош эрди келса ўзларини (нг) илкидин бир иш,  
То анда арзиғай эди деса нечук ямон.

Шарманда шаҳр эгаси-ю, гулшанда зоғлар,  
Булбул канора олди ўзин очмайин забон.

Ҳеч важ ила агар қўлидин йўқ қутулғу-луқ,  
Ёраб, магар алардин ўзинг бермасанг амон.

Шавкат сўзингни бас қилу қоч Ҳақ паноҳига  
Не суд алар сўзидину на сенга бир зиён.

Ул дилрабони ман нега шайдоси бўлмайин,<sup>38</sup>  
Қўнгул хуш ўлмас орази байзоси бўлмайин,  
Меҳри руҳини кўрғоч онн ҳамчу ойна,  
Ул дамда нега маҳви тамошоси бўлмайин.  
Ошуфта бўлмадим, мани бошимда бир даме,  
Ул маҳлиқони зулфини савдоси бўлмайин.  
Нолон ўлуб бағирни фироқида эзмадим,  
Ёдимда қумридек қадди зебоси бўлмайин.  
Жоним баданда бир нафас тобмағай қарор,  
То бу варақда васфининг иншоси бўлмайин.  
Асло фароғат ила даме тузмадим нашот,  
Бошимда токи минг алолоси бўлмайин.  
Нечун қарор тобқуси Сидқий хомуш ўлуб,  
То кўйн ёри маскану маъвоси бўлмайин.

Эй пари ҳардам кўнгул озоринг айлар орзу,<sup>39</sup>  
Шўхлиқлар бирла қилгон коринг айлар орзу.

Сўргали келгайму деб аҳволими ҳар субҳу шом,  
Телмуруб йўлингга бул беморинг айлар орзу.

Айланиб ҳар дам бошингдин қилғоли ибромлар,  
Бу чибиндек жон шакар гуфторинг айлар орзу.

Тоғ аро қаҳ-қаҳ уруб, кабки хиромон завқдин,  
Кўрса гар юз ноз ила рафторинг айлар орзу.

Шоми Фурқат ичра қолгон мен каби саргашталар,  
Шодлик субҳи ўлан рухсоринг айлар орзу.

Қўй қадам кулбамға, жоно, хаста жонин қилғоли,  
Ушбу зоринг дам-бадам исоринг айлар орзу.

Юрса, турса ҳар қачон бу Шавкати ошуфтаҳол,  
Жилвалар бирла қилан атворинг айлар орзу.

#### МУРАББАЪЛАР<sup>40</sup>

Токим вафо қилдим, жафо айладинг,  
Бевафолар ишин барпо айладинг.  
Аввал меҳринг кўнглумға жо айладинг,  
Охир висолингдин жудо айладинг.

Ёру(т)ғонда тунда шамъи жамолинг,  
Парвонадек кўролмадим висолинг.  
Хаёлимда ҳар доимо хаёлинг,  
Единг билан умрум адо айладинг.

Жудо бўлғоч сендин, кўз тўкди қонлар,  
Яна қолди дилда турлук армонлар.  
Мунда мани ташлаб, кеттинг қаёнлар,  
Қимлар билан аҳду вафо айладинг.

Сан эурсан мани шўхи замоним,  
На ҳукм этсанг, розиман, эй, султоним.  
Ҳасратингда, аё, сарви равоним,  
Қумри каби корим наво айладинг.

Эй, юзлари оқу ҳам сийм габаб,  
Борму жаҳон ичра сандек шакарлаб,  
Кўрганлар ҳайратда қолур, деб, «ё раб!»  
Ҳуснунгга барчани шайдо айладинг.

Сансан гулруҳларнинг нозук адоси,  
Нега бўлмай гул юзингни шайдоси.  
Эй, бедаво дардим бўлгон давоси,  
Ўзгалар дардиға даво айладинг.

Замонлар бўлмишким, Шавкат асиринг,  
Умрин ёдингда сарф этган ҳақиринг.  
Ишқинг иқлимида бўлгон шаҳиринг,  
Боқмай анга недин ибо айладинг.

\* \* \*

Қатъи назар қилдинг, жоно на бўлди?  
Келур эрдинг сўраб гоҳо на бўлди?  
Маҳзунингга боқмай асло на бўлди?  
Бир демадинг ҳолинг манго на бўлди?

Гул юзингсиз ишим доим фиғонлар,  
Лаълинг хаёлида дил бўлди қонлар.  
Дилда қолди кўрмай юз минг армонлар,  
Ҳосил қилсанг бир муддао на бўлди?

Эй, латофат гулзорининг гулнори,  
Вей, маҳлиқоларнинг кўзи хумори,  
Ҳеч сўрмадинг аҳволимни бир бори,  
Эй, султони мулки вафо на бўлди?

Бир кулуб боқишда девона қилдинг,  
Юзингга наргисдек ҳайрона қилдинг,  
Охирида мани бегона қилдинг,  
Шундоғмуди аҳди вафо на бўлди?

Ошуфтаҳол ўлдум кўрмай жамолинг,  
Хаёлимдин нари кетмас хаёлинг,  
Асло эшитмадим ширин мақолинг,  
Ендошмадинг қилиб парво на бўлди?

Чексам ногаҳ, кўкка етар фиғоним,  
Ҳажринг тортиб қолди рамақда жоним,  
Айтай десам санга сирри ниҳоним,  
Дуч келмадинг манга танҳо на бўлди?

Эй, Шавкатнинг кўзин оқу қароси,  
Бедаво дардининг сансан давоси,  
Аё, нозик адоларнинг сароси,  
Беморингга боқсанг қиё на бўлди?

\* \* \*

Жоно, боқмай манго, қайларда қолдинг?  
Келур эрдинг гоҳо, қайларда қолдинг?  
Эй вой, айлаб шайдо, қайларда қолдинг?  
Ушбу оқшом танҳо қайларда қолдинг?

Кўрмай юзинг, кўз ёшимдур шашқатор,  
Фироқингда ишим доим оҳу зор.  
Қилди жудолиғинг охирда бемор,  
Асло этмай парво, қайларда қолдинг?

Дилда ғаминг, танда йўқдур фароғат,  
Сансиз келмас кўзларға хоби роҳат,  
Чекмакка дардингни тоқ ўлди тоқат,  
Солиб турфа савдо, қайларда қолдинг?

На хуш давлат эрди, жоно, ул замон,  
Ким барчадин манга эрдинг меҳрибон.  
Қолмаб эрди зарра кўнгулда армон,  
Эмди қилмас вафо, қайларда қолдинг?

Шоҳо, карам лозим мандек гадоға,  
Токим илким очай, холис дуоға,  
Қўюб мани турлук ранжу балоға,  
Айлаб нашъу намо, қайларда қолдинг?

Гоҳо ман сори ҳам қилғил назора,  
Ким кўб чекуб ҳажринг, бўлдум авора,  
Йўлуқмадинг манга яна ду бора,  
Келурман деб, асло, қайларда қолдинг?

Шавкатнинг, сан эрдинг вафоли ёри,  
Дилраболар ичра суяр дилдори,  
Сўрмай анинг аҳволини бир бори,  
Аё, нозик адо, қайларда қолдинг?

\* \* \*

Бурқаб очиб юзни тобон айладинг,  
Ҳар сў хиром айлаб, жавлон айладинг,



Наргис каби кўзум ҳайрон айладинг,  
Солмай назар турфа нолон айладинг.

Кулбамға қўймадинг асло қадамлар,  
Ошурдинг ўзгадин манга ситамлар,  
Водариғо, элға айлаб карамлар,  
Рашк ўтиға бағрим сўзон айладинг.

То олдимдин кетиб, яна келмадинг,  
Ҳижронингда налар чектим, билмадинг,  
Қилғон паймонингга вафо қилмадинг,  
Дийда гирён, сийна бирён айладинг.

Токим кетмоқлиққа топдинг баҳона,  
Кўзларимдин ёшлар ўлди равона,  
Ташлаб кетдинг мени айлаб девона,  
Маконимни байтулаҳзон айладинг.

Раҳм айлагил кўб оқузмай кўз ёшим,  
Ким қолмади ҳижронингга бардошим,  
Гул юзингсиз афғон эрур йўлдошим,  
Ўзни мунча номехрибон айладинг.

Васлинг билан эрди, жоно, ҳаётим,  
Фироқингда кетти сабру саботим,  
Эмди сенсиз яхшироқдур мамотим,  
Ташлаб кетиб, жисми бежон айладинг.

Шавкатдин олмадинг асло хабарлар,  
Эшитмадинг ноласини саҳарлар,  
Йиғлаб эзди ёдинг билан жигарлар,  
Кунжи ғамда дийда гирён айладинг.

#### МУХАММАСЛАР<sup>41</sup>

Юракнинг жарҳасинму сўзлайин, дилнинг яросинму?!  
Равоним матлабинму дей, табиат муддаосинму?!  
Бошим савдосиннингму айтайин, сонсиз балосинму?!  
Ғамимниму дейин, ё беғам элнинг можаросинму?!  
Кўнгул ҳолинму дей ё кўнглум олғоннинг жафосинму?!

Аламлик кўнглум эмди ҳасратинму айлайин тақрир?!  
Муҳаббат водисининг кулфатинму айлайин тақрир?!  
Самуми ҳажрининг ё ҳиддатинму айлайин тақрир?!  
Қотиг ишқим балоу шиддатинму айлайин тақрир?!  
Йўқ эрса бениҳоят иштиёқин ибтилосинму?!

Ешурғон дилдоғи сирри ниҳонингму қилай шарҳин?!  
Қадинг хам айлагон қоши камонингму қилай шарҳин,  
Назокатпарвар ул сарви равонингму қилай шарҳин,  
Ададсиз дарду ранжим саъб эконингму қилай шарҳин,  
Сифатқа рост келмас шавқим ошуби балосинму?!

Санамлар жаври илкидинму кўз ёшим равон айлай,  
Малолатлиқ, аламлиқ дилниму дардин аён айлай,  
Жунуним шарҳинингму айлайин, ёким ниҳон айлай,  
Кўнгулда васли базми орзусинму баён айлай,  
Бағирда хори ҳижрон нўгининг муҳлик яросинму?!

Кўзида фитналар барполиғинингму сўзин айтай,  
Боқиб бир айлагон шайдолиғинингму сўзин айтай,  
Тараҳхумсиз дилин хоролиғинингму сўзин айтай,  
Вафосиз ёр бепарволиғинингму сўзин айтай,  
Манга жавру жафо тийгин чекиб, элга вафосинму?!.

Кўнгул дардинму дей ё бошдаги юз ранг савдонинг,  
Таним заъфинму деб йиғлай ва ё беҳад таманнонинг,  
Қатиг ранжинму шарҳ айлай ва ё сонсиз бало онинг,  
Фалак зулми, улус бедоди ё бир сарви раънонинг,  
Манинг холимни айлаб беҳаво, ҳар ён ҳавосинму?!.

Мани, Шавкат, бу дам дамсоз қилди ёр, билмонким,  
Мурувват эшигини (нг) боз қилди ёр, билмонким,  
Ҳама ишқ аҳлидин мумтоз қилди ёр, билмонким,  
Навоий, илтифот оғоз қилди ёр, билмонким,  
Фироқидин шикоятму қилай, васл илтимосинму?!.

#### МУХАММАС БАР ҒАЗАЛИ МАШРАБ<sup>42</sup>

Еғмаса файзи азал дилға дурафшон ўлмас,  
Қайда тобқой садаф ул дурники найсон ўлмас,  
Кимки бемехр ўлса, ул толиби жонон ўлмас,  
Тегмаса гулға саҳар салқини хандон ўлмас,  
Ишқдин тобмас асар, кимки сухандон ўлмас.

Орзуйн лабида шиша май дер қул-қул,  
Кокилин нафҳасидин мунфаил ўлди сунбул,  
Мен каби ишқ эли кўрғоч нега бўлмаслар қул,  
Гул юзин кўрмасидин гулшан ичинда булбул,  
Ишқдин тобмас асар, кимки сухандон ўлмас.

Чашми шаҳлоси муҳаббат элин этмиш бемор,  
Хатти савдосида савдозадаларда неча кор,

Манда ҳам васлининг умидида йўқ сабру қарор,  
Ишқ иши юзни сориқ айлама-ку танни низор,  
Дилни куйдурмаса ул ўтда бағир қон ўлмас.

Эй, пари, барчадин ошти манга зулму ситаминг,  
Яна недур ани устиға бу янглиғ аламинг,  
Қасди жонларда чу шамшир эрур абруйи хаминг,  
Анга айдим, нетайин, куйдуруб ўлдурди ғаминг,  
Бу нечук дардки, ҳаргиз анга дармон ўлмас.

Гар фурумоя жаҳон соҳиби бўлса ҳарчанд,  
Солса Баҳроми фалак бўйниға ҳар лаҳза каманд,  
Қайда ул маърифат аҳли дилин этқой хурсанд,  
Муддан марди худодин ўзини тутса баланд,  
Қаро тош ёқут ўлуб, лаъли Бадахшон ўлмас.

Сидқиё, тийғи ситам кўксинги гар ёра қилур,  
Шукр қилғилқи, табибинг ўзи бир чора қилур,  
Ҳарна қилса сангаким, ул бути айёра қилур,  
Машрабо, гар сани ҳижрон ўқи минг пора қилур,  
Ғам ема, лаъл неча порадуар арзон ўлмас.

\* \* \*

Тажалли тавридин бир арзи дийдор айламайсизму?!<sup>43</sup>  
Муҳаббат водни саргаштасни ёд айламайсизму?!  
Масиҳолиқ ишин бир дамда изҳор айламайсизму?!  
Сиҳи сарво, мазорим узра рафтор айламайсизму?!  
Мани хоки адамдин эмди бедор айламайсизму?!

Тараҳхумлар билан дилхасталар ҳолин сўраб гоҳо,  
Рақиби рўсияҳни бохабар қилмай, бўлуб танҳо,  
Тараб сочларни, ташлаб ҳар сори бизга солиб савдо,  
Лаби ширину шаккарханду қандолуд ила, жоно,  
Кулуб тўтисифат оғози гуфтор айламайсизму?!

Тағофул шевасидин ёнмадингиз ижтиноб айлаб,  
Демассиз ошиқа раҳм айлайин, тарки нтоб айлаб,  
Не бўлғай келсангиз юзларни ҳамчун офтоб айлаб,  
Уёлиб, гоҳи ёниб, гоҳи ўзни печу тоб айлаб,  
Боқиб оина янглиғ маҳви дилдор айламайсизму?!

Қадингиз равнақи синдурди ул сарви хиёбонни,  
Юзингиз талъатидин яксар ўт олди гулистонни,

Тилаб васл уйға шафқат билан мен киби нолонни,  
Муанбар, мушкпарвар, атр осо зулфи паришонни,  
Солиб бўйнулмға кокулларни зуннор айламайсизму?!

Шакархо тўтидек сўз сўзламоқға ошён тилни,  
Бериб гулгунадин то юзга зийнат, куйдуруб элни,  
Келиб бир кеча бизни (нг) кулбамизга, сайд этиб дилни,  
Тараб сочни, силаб юзни, сиқиб гулдастадек белни,  
Қоқиб қошни, кулиб, кўзларни хуммор айламайсизму?!

Хирадни қўлдан элтар кўзларингиз бир назар бирла,  
Назокат гул қилур, қад чексангиз, тарзи дигар бирла.  
Қуёш бирлан муносибсиз, на ҳар бир сиймбар бирла,  
Хиром айларда созу, нозу, тарзу ишвалар бирла,  
Ушотиб сарвни тубини ҳамвор айламайсизму?!

Дили девоналарни сайдиға кокулни дом айлаб,  
Адоу ноз ила расми парилиғни тамом айлаб,  
Кулуб боқиб, уёлиб, раҳгузарларға салом айлаб,  
Утарда ҳар тарафға силкиниб, нозу хиром айлаб,  
Тамоми пиру барноларни хуштор айламайсизму?!

Зиёд ўлсун шукуҳу Шавкатингиз, эй, фалон жоним,  
Қачон бир кеча лутф айлаб, бўлурсиз яхши меҳмоним,  
Эурсиз ҳусн афлоки аро чун моҳи тобоним  
Назокат боғида, эй, навниҳоли тоза жавлоним,  
Амирий кулбасини рашки гулзор айламайсизму?!

\* \* \*

Токи ҳуснинг гулшаниға бўлди зевар кокулинг,<sup>44</sup>  
Олам ичра шўру гавфо солди яксар кокулинг.  
Бўлди олам мушкбў, ёйдинг муқаррар кокулинг,  
Кеча тебранди сабодин, эй, суманбар, кокулинг,  
Гул юзинг атрофида чун сунбули тар кокулинг.

Уйлаким ойинадордур ҳуснунга ҳайронларинг,  
Эй, камонабрў начук ман бўлмайин қурбонларинг?  
Айш — айшингдур санинг, даврон — сенинг

давронларинг,  
Бир тараф торожи дилға саф чекиб мужгонларинг,  
Бир тарафдин даста-даста чекти лашкар кокулинг.

Доимо бўлсун санинг халлоқи олам ёваринг,  
Ҳар даме ортсун шукуҳ ила яна зебу фаринг,

Жумла ошиқ ажз ила бордур санинг хоки даринг,  
Хусн шоҳисан, тамоми хўблар фармонбаринг,  
Румдин то Шому Чин қилди мусаххар кокулинг.

Меҳри рухсорингдин олғил парда, бўлсун ошкор,  
Ишқ эли борини қилғил, зарра янглиғ беқарор.  
Давлати ҳуснунг камол авжида бўлсун пойдор,  
Туррадин марғула очғил, нофадин мушки тотор,  
Токи қилсун жон димоғини муаттар кокулинг.

Қадди Шавкат бўлди хам, жоно, қошингни ёсидин,  
Бир сани деб кечти охир манзили маъвосидин,  
Нечалар бемори ишқингдур кўзинг шаҳлосидин,  
Элға юз шўри жунуң, холу хатинг савдосидин,  
Юсуфи бечорани қилди қаландар кокулинг.

#### МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС<sup>45</sup>

Сўрмаса ҳолим фироқида адо ҳам қилмасун,  
Ман гадони ул шаҳ ўзга ошно ҳам қилмасун,  
Бегуноҳлар қатлиға қошларни ё ҳам қилмасун,  
Ёр агар лутф айламас, жабру жафо ҳам қилмасун,  
Қилмас эрса манга, ғайрига вафо ҳам қилмасун.

Истабон афғон чекар чоғимда они чун жарас,  
Раҳм этиб аҳволима йиғлашдилар мўру магас,  
Эмди ҳижронин чекарға тобу тоқат бўлди бас,  
Сунбули зулфи каби ошуфта айлаб ҳар нафас,  
Кокулидек рўзғоримни қаро ҳам қилмасун.

То кийиб яшил қабо, бебок ўлиб ул нозанин,  
Ноз тийғиндин шаҳиди ишқ қилди ишқ элин,  
Шамъи васлидин ёрутмас бўлса ошиқлар уйин,  
Ғар эшитмас бўлса боғларда фиғону ноласин,  
Гул юзин кўрсатмасун, булбул наво ҳам қилмасун.

Мен каби бемори ҳажринг гоҳ йўқлаб келмаса,  
Нўшдоруйи висолидин даволар қилмаса,  
Ул пари меҳру вафодин шаммаң билдурмаба,  
Дарду ғам ишқида кун-кундин узунроқ бўлмаса,  
Бир мусулмонни ўзига мубтало ҳам қилмасун.

Васли ёдисиз даме мен бўлмадим дилшодким,  
Доми ишқидин яна ҳеч бўлмадим озодким,  
Шоми ҳижрониди кўз қон тўқди айлаб ёдким,

Ийгламоқдин хира бўлди кўз, демиш фарёдким,  
Кўзга босган изларимни тўтиё ҳам қилмасун.

То тушуб ишқи кўнгуллар ичра ғам, кўзларда нам,  
Қошлари ёди билан қаддим қамондек бўлди ҳам,  
Эмди ўлдурғай юзин бир кўрмасам ранжу алам,  
Қучмасам нозук белидин бир йўл охир мунча ҳам,  
Қоматимни ғам юки бирлан дуто ҳам қилмасун.

Кечди деб, ҳолинг нечук, кўрганда гоҳо сўрмаса,  
Ул пари меҳру вафодин шамман билгурмаса,  
Мубталоларни сари кўйиндин асло юрмаса,  
Гар кафи пойига қўймоққа муносиб кўрмаса,  
Пинглатиб, кўз ёшимни ранги хино ҳам қилмасун.

Шум рақибдин айрилиб, васлини гар кўрсатмаса,  
Ишқида ҳолим билиб, васлини гар кўрсатмаса,  
Шафқат изҳорин қилиб, васлини гар кўрсатмаса,  
Якка бир оқшом келиб, васлини гар кўрсатмаса,  
Рангу рўйимни бу янглиғ қаҳрабо ҳам қилмасун.

Бўлмади ёдида кўнглум бирдам оху зорсиз,  
Ашки ҳасратрез ўлиб, кўз бўлмади хунборсиз,  
Оҳким, Шавкатни ҳоли на кечар дилдорсиз,  
Келмаса кўнгул сўраб гоҳи Муқим ағёрсиз,  
Бўйла аввал ишқ ўтин дилларга жо ҳам қилмасун.

### МУҚИМИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Қадингни бандаси сарви хиёбон ўлди, бир манму?  
Кўруб лаълинг чаманда ғунча дил қон ўлди, бир  
манму?

Юзунгни кўрди ишқ аҳлию гирён ўлди, бир манму?  
Асири чашминг оҳуйи биёбон ўлди, бир манму?  
Кўруб ойналар ҳуснунга ҳайрон ўлди, бир манму?

Қаён бординг, мани то мунда ташлаб турфа доғ айлаб,  
Фироқинг илгида қўйдингу кетдинг бедимоғ айлаб,  
Томошойи чаман қасди билан кўнглунгни чоғ айлаб,  
Рух очдинг пардадин, ул субҳким, бир сайри боғ айлаб,  
Қолиб хижлатда гул чоки гирибон ўлди бир манму?

Топилмас нозанинлар ичра дилбар сандак озода,  
Ки мисли бўлмади манзурим, эй жон, ушбу дунёда,  
Кўзунг масту ҳамиша олғали жонларни омода,

Куяр жонлар на танҳо ишқинг ўтидинки саҳрода,  
Тушуб бағрида яксар лола сўзон. Ёлди, бир манму?

Эмасму чокаринг, жоно, сани бу барча амсолинг,  
Такаллум айласанг тўтийи хушгўлар бўлур лолинг,  
Бўлай чун хоки раҳ қўйсанг қадам, йўлларда  
помолинг,  
На ёлғизман асири ҳалқаи зулфу хатту холинг,  
Лабингга банда ҳам лаъли Бадахшон ёлди, бир манму?

Тилаб васлингни ҳар дам оҳ уруб юрғанда айб эрмас,  
Зулол истаб лабингдин қон ютуб юрғанда айб эрмас,  
Жафо ағёрдин ҳар дам чекиб юрғанда айб эрмас,  
Кўюнгда бандалардек соврулуб юрғанда айб эрмас,  
Сочингдин сунбулу райҳон паришон ёлди, бир манму?

Қачонким, зеб учун даври рухингдин ташладинг шаҳпар,  
Онинг ҳар ҳалқаси пойи хирадга бўлди бир чанбар,  
Ҳаёти тоза бергай мурда танга сўзинг, эй, дилбар,  
Кўруб рамзи табассум бу экан, деб ҳусни Юсуфлар,  
Гирифтори ўшал чоҳи занахдон ёлди, бир манму?

Ҳамиша Шавкату шаъну шукуҳингдин тўлуб олам,  
Йлоҳи сўлмасун бу давлатинг Дорою Жамдин кам,  
Талабгори висолинг бор эрур, жоно, ҳама одам,  
Жамолинг лаззатидин муждалар топган ҳарифлар  
ҳам,  
Келиб ойлар Муқимий Янгиқўрғон ёлди, бир манму?

### МУҲАММАСИ ШАВКАТ БАР ҒАЗАЛИ МУҚИМИЙ

Бурқаъни олиб юздин ой каби дурахшон қил,  
Эл кўзини ҳуснингга ўйла наргисистон қил,  
Қад чекиб, хиром айлаб, сарвларни яксон қил,  
Субҳидам кириб, жоно, боғ ичида жавлон қил,  
Доманинг насимидин гунчаларни хандон қил.

Ҳажр ўти аро ташлаб ёқмағил қуруқ танни,  
Ой юзинг манго басдур найлай ўзга равшанни,  
Тобмадим жаҳон ичра сандин ўзга аҳсанни,  
Дилбаро, ёзиб гесу, ҳар тарафга гулшанни —  
Ноз ила хиром айлаб, саҳнин анбаристон қил.

То танимда жон бордур айлаин дуосини,  
Гарчи сўрмас ул шоҳим ман каби гадосини,

Қилмас эрса гар ишқим дардининг давосини,  
Ёр кўйидин келса, сийлаб ит эгосини —  
Эй, кўнгул, юрак-бағринг ташлаб они меҳмон қил.

Кимса кўрмади сендек хўбларни зебосин,  
Ишқ эли тилар сендин дилда (ги) таманносин,  
Бўлғонингда сен найлай (мен) жаҳонни раъносин,  
Қилди сарв нозиклик қоматингга даъвосин,  
Эй, санам, қилиб жилва, кувфорни мусулмон қил.

Сен карамли бир шаҳсен бу гадолара мандек,  
Истабон сани юрғон мубталолара мандек,  
Учрағон, тилаб васлинг минг балолара мандек,  
Хўблар амирисен бенаволара мандек,  
Марҳамат маҳалидур лутф бирла эҳсон қил.

Тобмадим даме васлинг истабон мани маҳзун,  
Сен каби жаҳон ичра бормукин қади мавзун,  
Муддати эрур, жоно, ҳасратингда ман дилхун,  
Офтоб гар хижлат абрига десанг ботсун,  
Пардани кўтар юздин оразинг намоён қил.

Бахт ўлуб мани ёрим кўрмадим даме дийдор,  
Ман йироқу васлингда доимо эрур агёр,  
Қилди Шавкат арзини эмди айлабон изҳор,  
Неча муддат ўлдиким, ҳажрила Муқим бемор,  
Эй, нафас Масиҳосо дардларга дармон қил.

#### **МУХАММАСИ ШАВКАТ БАР ҒАЗАЛИ ФУРҚАТИ МАРҲУМ<sup>46</sup>**

Бўлубмен сансизин кел асру беором, айлансун,  
Бу икки чашми мастингдин сенинг бодом айлансун,  
Ҳамиша бахт ила коминг сори айём айлансун,  
Кўёшу ой фалак тоқидадур мудом айлансун,  
Юзингдин субҳу икки кокилингдан шом айлансун.

Сўруб аҳволими қилғил тараҳҳумким, лабинг шаҳдин,  
Этарга шод кўнглум қил табассумким, лабинг шаҳдин,  
Мани бадмеҳр деб қилма таваҳҳумким, лабинг шаҳдин,  
Аё, ширин забоним қил такаллумким, лабинг шаҳдин,  
Чибиндек жон бошингдин қилғоли ибром айлансун.

Юриб сан бирла айшин гар қилуб бўлса бажо ҳар ким,  
Сани босган изнинг гар кўзга қилса тўтиё ҳар ким,  
Муҳаббатдин санго гар бўлса холис ошно ҳар ким,



Риёзи васлинг ичра гар топар нашъу намo ҳар ким,  
Қадингни сарвидин чун қумри ҳар ҳангом айлансун.

Балодин ёнмай ошиқ топди истаб каъбаи куйинг,  
Етушти йўқлабон охирда йиғлаб каъбаи куйинг;  
Мушарраф бўлди бул кун доим излаб каъбаи куйинг;  
Кезиб роҳи муҳаббат, қатъи айлаб каъбаи куйинг,  
Тавоф этмоққа эмди боғлабон эҳром айлансун.

Аё, эл яхшироқи муҳтасибдин хавф гар чексанг,  
Бўлурда базм чоқи муҳтасибдин хавф гар чексанг,  
Парилар сиймсоқи муҳтасибдин хавф гар чексанг,  
Харобот ичра соқий муҳтасибдин хавф гар чексанг,  
Чиқиб ташқорида бир неча дурд ошом, айлансун.

Манго боқсанг ғазаблар бирла сен, эй, сарвнoзимким,  
Демасмён ўзгосин сандин, эурсан чорасoзимким,  
Мани гар ўзголардек кўрмасанг, эй дилнавозимким,  
Агар ноз айласанг қанча зиёд ўлғай ниёзимким,  
Кўп айтурман ва гар қилсанг неча дашном, айлансун.

Даме васлингга меҳмон айлай жоно, хаста Шавкатни,  
Нечунким умри фонидур ғанимат бил бу фурсатни,  
Амон бўл то жаҳон борича кўрма асло кулфатни,  
Намоён холингу — зулфинг паришон этди фуқатни  
Дилни мурғи кўруб бу дона бирлан дом айлансун.

\* \* \*

Ишқингда мандек ким нотавондур,<sup>47</sup>  
Рангим ғамингдин чун заъфарондур,  
Фикрида лаълинг дил тўла қондур,  
Ҳажрингда, эй, ёр, корим фиғондур,  
Тинмай кўзумдин ашким равондур.

Қилғил назора, жоно, манга ҳам,  
Ким енгди охир ёлғиз топиб ғам.  
Токай қилурсан оҳу каби рам?  
Тортиб жудолиғ дардин дамо-дам,  
Ҳолим харобу рангим самондур.

Жоно, ўзунгсан шафқатлу ёрим,  
Тортиб ғамингни кетти мадорим.  
Доим қоронғу сансиз наҳорим,

Айла тараҳҳум манга, ниғорим,  
Аҳволи зорим санга аёндур.

Бўлғил на ерда бўлсанг саломат,  
Умрингни қилсун тангрим давомат.  
Сан мандин этдинг то қатъи улфат;  
Ул лола янглиғ бағримда қат-қат  
Боз устина боз доғлар ниҳондур.

Дард ила кулфат кўбдур дилимда,  
Ҳам сўзи фурқат кўпдур дилимда;  
Сансиз машаққат кўпдур дилимда;  
Армону ҳасрат кўпдур дилимда,  
Десам туганмас гўёки кондур.

Базмиға бориб, жоно, рақибим,  
Заҳроби ғамни (нг) қилдинг насибим,  
Гоҳи манинг ҳам бўлғил қарибим,  
Сансан ҳабибим, ҳозиқ табибим,  
Дардимға бешак бул бегумондур.

Мен сорн боқмай кибру ҳаводин,  
Душманларимнинг бердинг муродин,  
Қилсанг, на бўлғай, мен хаста ёдин,  
Шоҳо, ғулومинг фарёди додин,  
Сўрмайсан асло, қандоғ замондур.

Ҳажрингда қолиб етмай висола,  
Доим ишимдур фарёду нола,  
Туштум ғамингдин ранжу малола,  
Эй, жонажоним қилдим ҳавола,  
Тангриға бул кун ҳар ким ямондур.

Фурқат ўтиға ўртанди Шавкат,  
Ғарқ этди жисмин тўфони ҳасрат,  
Қил анга шафқат, фурсат ғанимат,  
Гулдек юзингни ишқида Хислат,  
Булбулға ўхшаш кори фиғондур.

\* \* \*

Парилар ҳажринингму дей ва ё ранжу балосинму?!<sup>48</sup>  
Алар зулминму дей ё ваъдага ялғон вафосинму?!  
Кўнгулнингму ғамин дей ёки бу ўтлуғ навосинму?!  
Кунум қаттиғлигинму шарҳ этай, даврон жафосинму?!  
Дағн бу чархнинг шиддат билла фурқат адосинму?!

Ман ишқим ғолиб ўлғонниму, деб йиғлаб фиғон айлай?!  
Ғамин ул дилрабонингму дейин ёким ниҳон айлай,  
Ман улсиз бош олибму ё кетай, ё тарки жон айлай,  
Висол уммиди қатъ ўлғонниму бир-бир баён айлай,  
Юракка дафъа-дафъа ханжари ҳижрон яросинму?!

Фироқ ахшомининг ё шомн ҳижроннинг наҳибин дей,  
Висол умидининг ё заҳри ғамларнинг насибин дей,  
Ул оининг ҳасрати шарҳи(ни) ё жаври касибин дей,  
Бу чархи вожгуннинг қайси ранго-ранг фирибин дей,  
Гули хор ошносин дейму, хори гулнамосинму?!

Ғамин ғам тоғидин ошти, нечукдин эмди борин дей,  
Вафо айлаб жафо кўрганларимнинг қайси корин дей,  
Дилим қон айлағон оламни қандоғ кирдикорин дей,  
Бу даҳри бебақонинг қайси ишда эътиборин дей,  
Вафосин дей, жафосин дейму, дардинму, давосинму?!

Жафонинг тийғи жоним торин узғонниму шарҳ айлай,  
Фусунгар чарх аруси шева тузғонниму шарҳ айлай,  
Фалак жомимға захробин томузғонниму шарҳ айлай,  
Вужудим қасрини ғам сели бузғонниму шарҳ айлай,  
Бу меҳнатхонанинг баҳри фано узра биносинму?!

Тузуб ҳолимға мотам, манда йўқ тамкинму, деб йиғлай,  
Ва ё бекаслиғимни бул кун армонинму, деб йиғлай,  
Тутуб шомн ғарибон гўшаси номинму, деб йиғлай,  
Диёру ёрдин айрилғоним дардинму, деб йиғлай?!  
Бағир бирла юрокни жовидон бутмас яросинму?!

Замона дастидин Шавкат, тушубмен турфа мотамға,  
Урар тўфони қайғу қолабимдин мавж оламға,  
Ёшурсам ич куяр, сиррим деёлмам ҳеч оламға,  
Қолибман, Рашидо, ғамсиз халойиқ ичра минг ғамға,  
Ғаминниму дейин ё беғам элнинг можаросинму?!

#### **МУХАММАСИ ШАВКАТ БАР ҒАЗАЛИ ЗАВҚИИ ҲУҚАНДИИ<sup>49</sup>**

Дило, дунё нашоти қона ботқонингга арзирму?  
Очилсанг гул каби гулшанда сўлғонингга арзирму?  
Қоруни мол-дунё лаҳза туғёнингга арзирму?  
Гунаҳ қилмоқда эй тан, ўйла, куйгонингга арзирму?  
Бу янглиғ минг йил умринг бир йўл ўлгонингга  
арзирму?

Ғариқат йўлиға киргил, даме бир раҳнамо истаб,  
Топарсан ушбу йўлда ҳарна бўлса муддао истаб,  
Кезарсан тобакай молу жаҳонни борҳо истаб,  
Юурсан айш бирла лаззати нафсу ҳаво истаб,  
Жаҳон ширинлиғи ё талхан жонингга арзирму?

Кечурдинг барча умринг яхши еб, яхши кийишларға,  
Ҳама/ни/ кейнидин кўнглинг тўлатдинг ғулу гишларға,  
Улум ёдингга келмас ушбу ўтган ёзу қишларға,  
Йигитлик қувватини сарф этиб беҳуда ишларға,  
Қаригон вақтидаги афсусу армонингга арзирму?

Кетар бўлсанг жаҳондин қўлда бўлмай охират рахти,  
На суд ўлгай санга ул дамда қилмоқ гиря бахти,  
Гунаҳдин қилмасанг гар тавба бўлмас неча бадбахти,  
Жаҳонни кирдори салтанатда шоҳлиғ тахти,  
Қаро ер остида бир кеча ётконингга арзирму?

Кўнгил суйгонидек бўлса жаҳонда ҳарна омонинг,  
Фалак тахти аро хуршид агарчи бўлса помонинг,  
Кечурсанг комронлиғ маснадида моҳ ила солнинг,  
Таадди зулм ила бу жам қилгон мулк ила молинг  
Кетар фурсатдаги ҳоли паришонингга арзирму?

Агар бўлса дамо-дам иза ила жоҳинг зиёд узра,  
Чу хуршид ўлса қадринг, кетса номинг ҳар билод узра,  
Сулаймондек юруб сайр айласанг оламни бод узра,  
Минар бўлсанг сиҳатликда агар тожи нажод узра,  
Ёғоч от фикрини қилғилки, жавлонингга арзирму?

Юруб гафлат аро умринг печук қадрини билмайсан?  
Худога йиғлабон меҳроб тоатга эгилмайсан?  
Улум ёдингга келмас ёки они кўзга илмайсан?  
Эрур машриқда хуршид, ҳаётинг, тавба қилмайсан,  
Чиқар бўлгонда мағрибдин пушаймонингга арзирму?

Бу назминг ичра Шавкат қилди завқ изҳорин,  
эй Завқий,  
Ки, яъни роҳатафзо айлади ашъорин, эй Завқий,  
Ато қилсин санга Ҳақ лутф ила дийдорин, эй Завқий,  
Тириклик борида иста ҳақиқат ёрин, эй Завқий,  
Мажозийларнинг ишқи (й) сўзи ҳижронингга арзирму?

Ҳажрида бўлди ишим душвор, келмайдур ҳануз<sup>50</sup>  
 Доимо ҳамсӯхбати ағёр, келмайдур ҳануз.  
 Доимо ман қилғум оҳу зор келмайдур ҳануз,  
 Ишқида ўлдум онинг, ул ёр келмайдур ҳануз,  
 Кўрсатай деб менга бир дийдор келмайдур ҳануз.

Кетти ташлаб охири, ман хастасидан ҳам безиб,  
 Мунда қолдим ҳасратида кўз ёшимни оқизиб.  
 Водни кулфатда дерман, Лайли, чун Мажнун кезиб,  
 Оҳ уруб ҳар дам юрак-бағримни ҳажрида эзиб,  
 Пиғласам то субҳ ул дилдор келмайдур ҳануз.

Оҳким раҳм этмайин, зор этти мандек телбани,  
 Арзи ҳолим сўрғудек ул ёрдек дилбар қани?  
 Бонси шодии кўнглум ҳам кўзумни равшани,  
 Бодаи лаъли лабидин шод эдим, доим, анн,  
 Бўлмишам кўрмай юзин бемор, келмайдур ҳануз.

Кўрмайин гулдек юзин, қилғум фиғонлар ҳар сафар,  
 Ваҳ, нечук бу сангдил, фарёдим этмайдур асар,  
 Бир қулоқ солиб сўзимга манга раҳм этса агар,  
 Дард ила ҳасратларимни ул санамга сарбасар  
 Арз этиб, айлай десам изҳор, келмайдур ҳануз.

Ишқида доим они побаст эрдим, ҳайфким,  
 Истабон бепоу ҳам бедаст эрдим, ҳайфким,  
 Сарбаландим олдида ман паст эрдим, ҳайфким,  
 Жоми васлидан дамодам маст эрдим, ҳайфким,  
 Кетти ташлаб, айлабон хуммор келмайдур ҳануз.

Боқмайин мен сори истиғно қилиб, мен хастани,  
 Ҳар дам ўзга зеб ила оро қилиб, мен хастани,  
 Файрдин гоҳо ўзин танҳо қилиб, мен хастани,  
 Оташи рухсориға шайдо қилиб, мен хастани,  
 Қилғали ҳолимни истифсор келмайдур ҳануз.

Гарчи қилмишлар ғазал, ул меҳрибоним номиға,  
 Лек ушбудек эмас ул ёри жоним номиға,  
 Бўлса яхши бўйла ул қоши камоним номиға,  
 Назм ила Шавкат, ман ул шўҳи замоним номиға,  
 Айладим, ваҳ, турфа бир ашъор келмайдур ҳануз.

ФИРОҚ ШИДДАТИ...

Юз минг осафки, чарх мани қилди беватан,  
 Қим манга жавру зулминни ошурди ўзгадан,  
 Кўнгул уйиға раҳна чекиб, солди қўзгалан,  
 Гурбат чўлиға ташладиким, ўйла кўҳкан,  
 Айлаб жудо шерикларимнинг висолидан,  
 Қилди фироқ дашти аро ғарқан миҳан.

Қандоқ ғамимни хаста кўнгулда ниҳон этай?  
 Ночор эмди борини бир-бир баён этай?  
 Қилкимни они ёзмақа анбарфишон этай,  
 Бу чарх жавридин сиза бир дoston этай,  
 Айлаб жудо шерикларимнинг висолидан,  
 Қилди фироқ дашти аро ғарқан миҳан.

Солиб бу гурбат ичра мани бошим узра ғам,  
 Қилгой шаккарини оғзима солғон чоғимда сам,  
 Во ҳасратоки, еткурубон дам-бадам ситам,  
 Қилғон жафосидан манго бир бўлғай надам.  
 Айлаб жудо шерикларимнинг висолидан,  
 Қилди фироқ дашти аро ғарқан миҳан.

Меҳнат чекарга эмди манга тоқат ўлди тоқ,  
 Қим заъф қилди жисмими кўб шиддати фироқ,  
 Ҳар кимға ҳасрат айлар эсам, солмағай қулоқ.  
 Накбат аёғима тош уруб қилди оқсоқ,  
 Айлаб жудо шерикларимнинг висолидан,  
 Қилди фироқ дашти аро ғарқан миҳан.

Эй кош, бўлса эрди манга мурғи номабар.  
 Мендин етурғай эрди шерикларға бир хабар,  
 Маҳзунлиғимни билғай эдилар бори алар.  
 Еткурмайини бу мақсадима чархи кинавар,  
 Айлаб жудо шерикларимнинг висолидан,  
 Қилди фироқ дашти аро ғарқан миҳан.

Хаста кўнгулға юзланубон ҳар кунни тааб,  
 Бўлди ғам ичра манга ёруқ рўз тийра шаб,  
 Бу борисига бўлди маиниғ гурбатим сабаб,  
 Харвори ғам қолди босиб, устума қулаб,  
 Айлаб жудо шерикларимнинг висолидан,  
 Қилди фироқ дашти аро ғарқан миҳан.

Кимдурки, чарх золидин ул кўрмаган газанд,  
Кимдурки, меҳнат остида ул бўлмаган нажанд,  
Кимдурки, ҳажр ўтига ёниб бўлмаган сипанд.  
Шеван, мани ҳам айлади бу чарх мустаманд,  
Айлаб жудо шерикларимнинг висолидан,  
Қилди фироқ дашти аро гарқан миҳан.

### ФОРСЧА ШЕЪРЛАРИДАН<sup>32</sup>

Биё биёки сабо аз муроди ман че хабар,  
Бегуй ҳар че биёварди бош чобуктар.

Фигону полаи ман гарди осмон бегирифт,  
Бе интизорн ту ҳар шаб на хўфта то басаҳар.

Шарикн ман зе Сайид боқи чист туҳфан ту,  
Бегу бегуки даҳонат бешуста бо шакар.

Худо дароз кунад умрат эй сафира амни,  
Балутфу марҳаматаш ҳам чу ҳизр пайғамбар.

Ба Шош рафтию зуд омади мило то ҳайр,  
Ҳарида чанд матоъ дуо чу савдогар.

Бегулшани дили ман гул шегефт зе омаданд,  
Чунончи мишукфони ба баҳо настар.

Расом зе Сидқи маҳзун агар раси бамурод,  
На хўфта аз ҳама кас ин газал беёд овар.

### МУХАММАСИ ШАВКАТ БАР ҒАЗАЛИ ЖОМИИ

Тараҳҳум кун худовандо, бадин ҳоли табоҳи ман,  
Ба жўрму маъсият бигзашт донм солу моҳи ман.  
Зи кирдорам багардун бар шавад ҳар лаҳза оҳи ман,  
Тўйи дар ҳар ду олам бандапарвар подшоҳи ман,  
Ба жуз асти ту набвад меҳрибонтар узрхоҳи ман.

Ҳамниша жўрми варзидам зи ашғолам чи мипўрсн,  
Абас бигзашт умри ман зи аъмолам чи мипўрсн,  
Накардам лаҳзаи ёдат зи аҳволам чи мипўрсн,  
Ба ин шармандаги дар ҳашр аз ҳолам чи мипўрсн,  
Кўжо кўнжад басаҳройн қиёмат ин гуноҳи ман.

На аз тақвоу тоат дар дили хўд як асар дорам,  
Яки аз наҳю мункир дам занад ман гуш кирдорам,  
Ҳамиша шуғли дунё карда на ёди сафар дорам,  
Зи мезони амал шармандагиҳо он қадар дорам,  
Мабодо тира гардад маҳшар аз рўйи сиёҳи ман.

Агар чанди гунаҳкорам, вале чун ту худодорам,  
Набоши гарчиҳо бар ман расад рўзи жазо ёрам,  
Ба бадномню бадкоми басар шуд доимо корам,  
Надорам ҳеч дарғаҳи ки рўйи илтижо орам,  
Ҳарими остонат каъбаи ман қиблагоҳи ман.

Ба пойи донишам шуд доимо журму зиён доми,  
На аз тоат чу хосон бар гирифтам ройгон коми,  
На, Шавкат, ман ба даст овардаам неку нишон номи,  
На худ шармандаги дорад зи умри жовидон Жомий,  
Ажал шармандаги дорад зи жони пургуноҳи ман.

#### ШИРУ ШАКАР

Санамо, безан, дари ошти менга эмди тарк этибон  
жафо,  
Ки зи жаврат омадаам бежон, мени қилди, бас,  
ғазабинг адо.

Ҳама шаб шавам бо «лам карин», мени ўртадинг даме  
келмайин,  
Ки намерасад ба ту нолаам, мени ҳамраҳим ҳама дам  
наво.

Дили ман зи тири нигоҳи ту, ажабо ки бўлди  
тўшук-тўшук,  
Ба кужо равам зи тазаллумат, яна айлагум санга  
илтижо.

Ҳама рўзҳо бе хаёли ту дилу жонда лаҳза қарор йўқ,  
Тапу тоби оташи ишқи ту чу самандар ўлди манга ғазо.

Бе кадом рў ғами ту ниҳон, этамен кўнгул оромин  
чу жон  
Чу кашад фиғон дили нотавон берадур нишонни руҳи  
каҳрабо.

Ба хаёли қадду санавбарат чекадур кўнгул ажиб оҳлар,  
Ба умиди лаъли лабони ту менга хун ёзар қадару казо.



Ба жаҳон мисоли ту кас надид, пари наслидинму эдинг  
магар,  
Ки баҳандаи ниғаҳи кунӣ, бори эл бўлур санга мубтало.

Ба даҳон, чу ғунча ту нозуки, чу хаёл нозук эрур  
беллинг,  
Чи сифат кунам ман, нотавон, тилим ўлмаса икки  
хомасо.

Чи шавад агар назар афкани, гаҳу гоҳлар карам  
айлабон,  
Ки, ба сўйи Сидқий хастаат, санга токи қилгуси жон  
фидо.

### ДАР ТАЪРИФИ ПАХТА...<sup>53</sup>

Ҳақ ўзи манга меҳрибон ўлди,  
Бошимга лутфи соябон ўлди,  
Толсим яна ҳамъинон ўлди,  
Мақсадим гул қилиб аён ўлди,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Ким бори ҳожатим равон ўлди.

Ман эдим бир кун нишот талаб,  
Ҳар тариқадин турур эдим сўзлаб,  
Мани то келди бир киши йўқлаб,  
Очди ул дам-бадам фасонага лаб,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Яъни бу тарзи қиссахон ўлди.

Дедиким: «Андижон эрур маъмур,  
Чунки Ҳақ раҳматин нишонин эрур,  
Барча офоқ аро эрур машҳур,  
Аҳли айшини нишот ила масрур,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Қамбағал тухми бенишон ўлди».

Ман дедим: «Бу эмасму фазли Худо?  
Бўйла давлат аларга қилди ато,  
Ки десанг ушбу айшу нўшу наво, —  
Бонси пахта, — бу сўз асру хато!»  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Бу сўзингдин санга зиён ўлди.

Ул деди: «Оре, фазли раб бўлғай,  
Қайда бир нарса беталаб бўлғай,  
Пахта олмоқда кўб тааб бўлғай,  
Саъийимиз, яъни рўзу шаб бўлғай,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Бош чекиб гўза зарсон ўлди».

Мен дедим: «Токи чекмас меҳнат,  
Қимса тобмас шарофату иззат,  
Қимки меҳнат қилур, анго раҳмат,

Қурусун қилса ким аноният,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Элни кўзиға ул ямон ўлди».

Иккимиз ўртамизда сўз қочти,  
Ёна ул ушбу сўзға лаб очти,  
Пахта мадҳиға дурии сочти,  
Таърифни хадди ғоядин ошти,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Андижон чунки зарға кон ўлди.

Бўлибон ушбу хайл фасонанавоз,  
Сўз самандиға берибон таку тоз,  
Анго ман айладим бу қиссани боз,  
Яъни йўқ Андижонда аҳли ниёз.  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Айшдин пирлар жавон ўлди.

Ул деди, ёна лутфи Ҳақ бирлан,  
Келди бу шаҳри Андижонға вагон,  
Келтирур тожир аҳли ғаллау дон,  
Шукриллилаҳ, бари эрур арзон,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Андижон аҳли комрон ўлди.

Ман дедим унга ушбу сўзни гўзал,  
Қилмайин шаҳри Андижонни ўсал,  
Сақласун ул худойи иззу жал,  
Етмасун чашми баддин анга залал,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Андижон гўйиё жиннон ўлди.

Ул деди: «Фасли кузда бир неча ой,  
Тўладур пахтага дўкону сарой,  
Солибон зовуд ичра бир неча бой,  
Қилғой обод пахтадин кўб той,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Пахталардин дўкону вагон тўлди».

Ман дедимки: «Худоё, шамсу қамар  
Солмасун аҳли Андижонга зарар,  
Ҳам яна қилмасун мизоҳи сақар,  
Эсмасун гулистониға сарсар,  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Лойиқи иззати Андижон ўлди».

Маркаб аҳли тозиёна уруб,  
Ҳар сори чобқай эрди они суруб,  
Ул арода келур эди югуруб,  
От бошини ман сори дер эрди буруб:  
«Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Ҳар киши ўз бошига хон ўлди».

Ушбу сўздин манго эрди бу мурод,  
Мани ҳар ким агар қилай деса шод,  
Яхши сўз бирла айласун мани ёд,  
Бўлсун ани, илоҳи, умри зиёд,  
Килким охирда хушбаён ўлди.

Килки Шеван бу қиссаларға чунон,  
Кўргузуб суръат ани ёзди равон,  
Қўйди даҳр ичра ўздин ушбу нишон,  
Ким гул умри келди бепоён.  
Хастадил турфа шодмон ўлди,  
Элға бу сўз чу армуғон ўлди.

#### ИБРАТ ТИЛСИМИ<sup>54</sup>

Бўлушуб дин юкида бегона,  
Кирмадук биз тарийқи виждона.  
Солубон ўзни турфа фарзона,  
Таън урармиз жамъийи адёна,  
Лек бормиз ҳақиқий девона.

Илм йўлиға кирмадук бизлар,  
Илма элни чоқирмадук бизлар,  
Фазлимизни оширмадук бизлар,  
Ҳеч ҳунарни қидирмадук бизлар,  
Биз анингчун забуну ҳайрона.

Бизға басдур ҳамиша бўлса ўюн,  
Сарф этармиз ўюн учун олтун,  
Келмағай фикримизға ҳеч фунун,  
Қасб аро биздин ўтти бас ёпун,  
Учуруб кема чархи гардона.

Қасби фазл этокиға урсак қўл,  
Бўлмас эрдук бу кунда мунча малул,  
Билмағаймиз қаю эрур ўнгу сўл,  
Ҳолимиз бўлса икки-уч йил шул,  
Бўламиз даҳр элиға афсона.

Роҳат ишташтук айлаб ишни табоҳ,  
Дуди гафлат дил уйин этти сиёҳ,  
Ақлимиз тобмади ҳунар сари роҳ,  
Билмадук ҳеч балони биз гумроҳ,  
Ҳайф бизлар каби мусулмона.

Худписанд ўлди борча катта-кичик,  
Катта қошида ёш ўтурмас тек.  
Ҳеч миллат эли эмас биздек,  
Баъзимиз ёдимиздадур каклик,  
Баъзимизга бас ўлса бедона.

Дин сўзидин даме гапурмасмиз,  
Рост сўз, йўл узрасида юрмасмиз,  
Бир сўз айтиб, анингда турмасмиз,  
Сидқи ихлосдин дам урмасмиз,  
Учрасаки ҳар қаю қадрдона.

Ҳар қаю иш аро қоришти нифоқ,  
Макру фан сори бўлди эл муштоқ,  
Ичлари қаб-қароу сийратлари оқ,  
Ўдилар ростлиқдан асру йироқ  
Евушуб ифтироу ялғона.

Кўрунуб яхши молу дунёлиқ,  
Ор бўлди аларга муллолиқ,  
Баъзининг фикри бўлди зеболиқ,  
Баъзининг зикри жомаоролиқ,  
Бизи (нг) элтар бу иш пушаймона.

Кўброқ элда йўқ илм ўқуғали тоб,  
Шул сабаб ҳолимиз забуну хароб,  
Нафъи йўқ ишға қисталангу шитоб,  
Тўкса бу ҳола яхши кўз хуноб  
Қилибон, навҳаи ғарибона.

Жаҳл элида йўқ илм ўқурға юрак,  
Қийса басдур силлиғ тўну телфак,  
Билмағай нимадур яқою этак,  
Гар десанг илм ўқу, дегай: «Не керак!»  
Бил эсиз, Сидқий, сўзни подона.

\* \* \*

Бу дам қон йиғлама муллолар\* ўлди ёринг эй, миллат,<sup>55</sup>  
Қи, бул кун тоғди равнақ маҳв ўлан осоринг, эй, миллат.  
Йўл олган эрди суйи икқироза кўпроқ осоринг,  
Биҳамдиллоҳ, ривож авжига минди коринг, эй, миллат.  
Гаму қайғуларинг чекмак билан умрлар эрди,  
Шабихуни жафодин зор ўлуб беморинг, эй, миллат.  
Қулоғимга «Сафохон»у «Ироқ»дин келур хўброқ,  
Ҳазин овоз ила ҳар соридин гуфторинг, эй, миллат.  
Тараққий авжида шодон яшаб минбаъд обод ўл,  
Ватан аҳлини шод этди гўзал атворинг, эй, миллат.  
Тамаддун чархида чун меҳри анвар нур, шон ўлғил,  
Ёруғ этсун жаҳонни(нг) зулматни анворинг, эй, миллат.  
Ватан аҳли ёмон душманларинг дафъи учун бўлсун —  
Зафар майдонида доим сипоҳсолоринг, эй, миллат.  
Ҳақиқатжў, ҳақиқатгў бўлуб ҳар бир ватандошим,  
Юруб бош ила бўлсун шонли хидматкоринг, эй, миллат.  
Забун ўлсун, йиқилсун, ики юзи қаб-қаро бўлсун,  
Қаю бадкор агар бузса сенинг рафторинг, эй, миллат.  
Қаю мажлисда бўлсам сўз — дуринг мадҳинг ҳавосида,  
Агарчи арзимас қилдим, бале ишлоринг, эй, миллат.  
Самимий қалб ила ҳар кимса, доим юрсаю турса,  
Азиз ўлсун жаҳонда бўлса гар ғамхоринг, эй, миллат.  
Адувлар хайлини дафъ этгали тиғи забон бирлан,  
Эрур Сидқий ҳамиша бир фидойи ёринг, эй, миллат.

*„Рабо(т)чилар намоиши ёхуд  
Ватан қаҳрамонлари“ китобидан*

**ФИРОҚ НАМУНАСИ<sup>56</sup>**

Дема ҳолинг нечук, шарҳи баёнидан адашганман,  
Қарни дарду ғам, шоди жаҳондан адашганман.

Агар бир пири комил илтифоти тутмаса илким,  
Таманно манзили роҳи равондан адашганман.

Юзум сарғарғони ҳоли дилим бир-бир баён айлар,  
Магар бу ҳол ила бир дилсентонидан адашганман.

Фалак зулми, замона гардиши бағримни қон этти,  
Бу янглиғ қаҳри фоний шодмонидан адашганман.

\* Муллолар — зиёлилар маъносида.

Недин кумрисифат фарёд ила ман ҳамнафас бўлмай,  
Назокат боғининг сарви равонидан адашганман.

Ўзум нодонлигим бошимга етти, камбаҳо бўлдум,  
Шарнат баҳрининг дурри гаронидан адашганман.

Кўрубон гунгу лол айб айламангиз, дўстлар, ҳаргиз,  
Хазон фасли чу булбул гулситонидан адашганман.

Билолмасман на ерга боришимни телбараб, Сидқий,  
Ки бул кун ихтиёримни инонидан адашганман.

### БАҲОР НАМОИШИ<sup>57</sup>

Ургулай мен бўйла келган мақдамингдан, эй, баҳор,  
Мурдаға жон берган Исодек дамингдан, эй, баҳор.

Сабзалар тифли замин маҳдида оройиш топиб,  
Яшнади хандон ўлуб шири намингдан, эй, баҳор.

Шарқдан келган сабо боди фараҳафзо эрур,  
Шоҳиди олий латофат ҳамдамингдан, эй баҳор.

Донмо шодобу сероб, ул йўқ эрса бир куни,  
Лола янглиғ қон ютарман мотамингдан, эй, баҳор.

Боғ аро булбул дамодам нола бирлан ҳамнафас,  
Юз юғон гул шавқи бирла шабнамнингдан, эй, баҳор.

Бош уза қўйғай зумуррабранг афсар коҳини,  
Бу саодат жумла базли аъзамингдан, эй, баҳор.

Бўлди файзингдин замин барча яшилгил фаршлиқ,  
Айлағон Сидқийни мундоғ хуррамнингдан, эй, баҳор.

### МУҲОРАБА ДАФЪИ УЧУН МУНОЖОТ\*

Қилди замона ахлини ҳайрон муҳораба,  
Ҳар гўша ичра айлади гирён муҳораба.  
Танг айладию, қилди бағир қон муҳораба,  
Гирмон қирилсун, айламай эълон муҳораба,  
Болқон ҳам ўлсун, этмайин альён муҳораба.

\* Қисқартирилиб берилди.

Уч йил эрурки, кетти халойиқни роҳати,  
Ҳеч бир кишини қолмади бир дам фарогати,  
Ҳам зуҳд элини қолмади лаззат-тоати,  
Ортуқча бўлди бизлара бу даҳрнинг офати,  
Кўзларда қилди ёшни қизил қон муҳораба.

Ё раб, сан элни сўзу гудозиға раҳм қил,  
Онларни қилгон ажзу ниёзиға раҳм қил.  
Ғам кунжи ичра онлари розиға раҳм қил,  
Қиш ўтди, лекин онлари ёзиға раҳм қил.  
Зеро, қилибдур онлари хисрон муҳораба.

Ошлиқ ғамида ўлди халойиқлар асру зор,  
Кўзларни ёши бўлди бу ҳасратда шашқатор,  
Ё раб, тараҳҳум айла, тугалсун бу кору зор,  
Шаҳ душманини (нг) айла бу кунларда тору мор,  
Яъни ду бора этмасун эълон муҳораба...

Кўб одам ўлди, оҳ, жигарбандидан жудо,  
Ё раб, аларға сабр — таҳаммул айлағил ато.  
Ботроқ сўғишни дафъини лутф айла, эй, Худо,  
Зероки бўлди кўброқ улус зору бенаво,  
Онларни қилди турфа паришон, муҳораба.

Ё қаҳр бирла чекти фалак элга тиги кин,  
Зероки қилди барчани мотамға ҳамнишин,  
Ўлди отау қолди етим неча позанин,  
Хотунлар ўлди бевау диллар баса ҳазин,  
Кўб сарвқадни қилди камонсон муҳораба.

Ё раб, дуои бандаларингни ижобат эт,  
Ё раб, аларға лутфу иноят каромат эт,  
Ё раб, ҳамиша онлари соҳиб шарофат эт,  
Лутфи умуминг ила бу элни саломат эт,  
Ким хушин олиб, айлади ҳайрон муҳораба.

Ё раб, айла сан Сидқий қулинг бу сўзин қабул,  
Ҳасратда қўйма они қилиб зору малул,  
Ё раб, дуони айлама рад ҳурмати расул,  
Сандин сўрар муродини, бас они қил ҳусул,  
Бас бўлсун эмди, тўхтасун альфон, муҳораба!



## „Рабо(т)чилар келиши“дан<sup>58</sup>

### СИТАМДИЙДА РАБО(Т)ЧИЛАР КЕЛИШИ

С а в о л :

Мунча муддатларда қолдингиз қаён, хуш келдингиз?!  
Қайси жойга бордингиз бермай нишон, хуш келдингиз?!  
Йиғламоқдин бўлди кўзлар ёши қон, хуш келдингиз!  
Ғамда қад бўлди дуто, тан нотавон, хуш келдингиз!  
Эмди ғамгин дил уйиға меҳмон, хуш келдингиз!

Ж а в о б :

Мунча муддатларда биз кетдук уруш майдониға,  
Баъзимиз тўп зов(у)тиға, баъзимиз мис кониға.  
Пўрма кийдук, олдук ўзни онда солдат сониға,  
Бўйнумиз сундук, бу золим шоҳнинг фармониға.  
Сиз сўранг биздин деб: «Эй, зиндониён, хуш келдингиз!»

С а в о л :

Борибон мис кониға, анда на ишлар қилдингиз?  
Ушбу кун золим ҳукумат зулмини хўб билдингиз,  
Мулқу бола-чақа, хотун — барчадин айрилдингиз,  
Барча золимлар қўлидин хўб қутулиб келдингиз!  
Ўлди золим шоҳу қолдингиз омон, хуш келдингиз!

Ж а в о б :

Бизни озод айлади, янги ҳукуматлар букун,  
Кўнглимиз шод айлади, янги ҳукуматлар букун,  
Дилни обод айлади, янги ҳукуматлар букун,  
Зулми барбод айлади, янги ҳукуматлар букун,  
Денгиз: «Озод ўлдингиз, ваҳ, бандиён, хуш келдингиз!»

С а в о л :

Чекдингиз мис конида қандоғ машаққат, сўзлангиз?!  
Юзлади, ул ерда сизға неча меҳнат, сўзлангиз?!  
Бердиму золимлар ул ерда ўқубат, сўзлангиз?!  
Не жафолар айлади эски ҳукумат, сўзлангиз?!  
Эй, асири юз балойи ногаҳон, хуш келдингиз!

Ж а в о б :

Бердилар мис конида эски ҳукумат минг азоб,  
Зулм ўтида айладилар бас жигарларни кабоб,  
Қимки оҳиста иш этса, ўн қадоқ нон иштароб,  
Тан уйини(нг) йиқти ер узра, бели қилди хароб,  
Демангизлар бизлара: «Эй, шодумон, хуш келдингиз!»

С а в о л :

Сизлара золимлар ул ерда нечук зулм эттилар?  
Зулм ила — ош ўрнига — бердиму ё хуни жигар?  
Ухлатурға қўймайин ишлаттиму шому саҳар?  
Оч ўлуб, муҳтож ўлуб, қон юттингизлар ё магар?  
Зулм ила қадди эгилғон нотавон, хуш келдингиз!

Ж а в о б :

Оре, ул зулм аҳли кўб биз барчани оч айлади,  
Парчан нон, бир пиёла чойға муҳтож айлади,  
Бизни неча зулм ила очу яланғоч айлади,  
Яхши ош ўлса, ўзи еб, бизға қирмоч айлади,  
Юзни ғам сўлдирди, денгиз: «Заъфарон, хуш  
келдингиз!»

С а в о л :

Зулм эли сизларни ул ерларда кўб оч этдиму?  
Ошу нон бермай алар, муҳтожи кўмоч этдиму?  
Ғам таоми бирла ё қурсоқингиз чоч этдиму?  
Зулм ила олиб либосингиз яланғоч этдиму?  
Пигламангиз бу ситамдин, шодмон, хуш келдингиз!

Ж а в о б :

Бизни ул эски ҳукумат турфа сарсон айлади,  
Бас олиб борди-ю, жойимизни мис кон айлади,  
Ошу нон ўрнига урди-ю, бағир қон айлади,  
Баъзимизни нотавону зору нолон айлади,  
Ҳолимиз ўтти бу хил, денг: «Бағри қон,  
хуш келдингиз!»

С а в о л :

Мис конида шунча муддат айладингиз қандоғ иш?  
Ер юзида қилдингиз иш, ё ер остида юмуш?  
Бошингиздин ўтди қандоғ меҳнат ила ушбу қиш?  
Сизлара қандоғ машаққат берди бориш, ҳам келиш?  
Инглашиб кетган эдингиз, бас амон, хуш келдингиз!

Ж а в о б :

Борибон мис конида бўлдук неча муддат муқим,  
Зулм тоғи остида қадлар дуто бўлди чу мим.  
Ер тағиға гоҳ туштук бир-икки, уч чақирим.  
Ер босиб қолғайму деб, жон титрар эрди, оҳким,  
Бизға лойиқ, десангиз: «Эй, тоза жон,  
хуш келдингиз!»

С а в о л :

Мисни кондин не тариқа олдингиз, айланг баён?  
Қўлда олдингизму ё лўм бирла, ё кетмон билон?  
Ёки бир асбоб бердимү қўлнингизга равон?  
Мисни олдингиз нечук қувват била, эй, нотавон?  
Эй, фалакдин зулм етган, бағри қон, хуш келдингиз!

Ж а в о б :

Берди бир қўлга чироғу ёна бир қўлга темур,  
Ер тағига ушбу ҳолат бирла кирдук биз гаюр,  
Баъзимизга берди гурзи, мисни тобсанг, мунда ур,  
Ер тағи намноку таплар ожиз ўлди мисли мўр,  
Айтингиз табрик этиб: «Эй, қахрамон,  
хуш келдингиз!»

С а в о л :

Ер тағида, ғор ичида оч ўлубон қолдингиз,  
Иш қатиг бўлгон жиҳатдин оҳ, беҳад толдингиз,  
Нонлож ўлгон учун бу ишга гардан солдингиз,  
Кечқурун чарчаб-ҳориб жойингизга йўл олдингиз,  
Ғам матоъини сотиб, эй кордон, хуш келдингиз!

Ж а в о б :

Сидқиё, қилғил дуо, ҳеч кимга бу иш тушмасун,  
Зулм элига Ҳақ таоло нотавонни қўшмасун,  
Барча давлат тинч ўлуб, ҳеч бир замон суғушмасун,  
Ёна элнинг роҳати тўшокига ўт тушмасун,  
Ғам самумидин юзи барги хазон, хуш келдингиз!

### СИЗЛАРГА МУЖДА

Фалакни жавридин синган ўшал болу парим келди,  
Вужудим боғи нахли, равшани чашми тарим келди,  
Худонинг шукрини қайси забон бирлан адо айлай,  
Қарам дарёси жўш урди, дурахшон гавҳарим келди.  
Фироқида дамодам, эй, кўзум қонлар тўкар эрдинг,  
Бас эмди қон ёшингни тўкмаким, ул дилбарим келди.  
Мусофирликда ранги қаҳрабо янглиғ сариғ бўлгон,  
Қизил гулдек юзи сўлгон, менинг боғу барим келди.  
Ғариблиғда жафо чеккан, ситам тортган, алам кўргон,  
Қади ғамдин дуто бўлгон, машаққатпарварим келди.  
Ғариблиқ юртида ҳайрону сарсон ўлмасун ҳеч ким,  
Ғарибу нотавон ўлгон ситамкаш раҳбарим келди.  
Ғариблиқ юртида очин-тўқун ишлаб совуғларда,

Қади хамлик, кўзи намлик, юзи чун заъфарим келди.  
Замона гардишидин кўб жафолар чекмаган ким бор,  
Худога шукрим, кўзимни нури — сарварим келди.  
Жафо бирла эзилгон дил шифо тобти, букун Сидқий,  
Ки ул ҳозик табиби гамзада нек ахтарим келди.

### ЭСКИ ҲУКУМАТ ЗУЛМИ

Оҳким, кўз тўкти қон, Эски Ҳукумат дастидан  
Бўлди танлар нотавон, Эски Ҳукумат дастидан.

Молимизни, жонимизни, зулм ила босиб олиб,  
Бўлди эл муҳтожи нон. Эски Ҳукумат дастидан.

Беваю бечоралар очу яланғоч йиғлашур,  
Бас, бузулди хонумон, Эски Ҳукумат дастидан.

Эҳтиёт этмас эсанг, пул деб... \* қўл урар,  
Тўзди, йиртилди чафон, Эски Ҳукумат дастидан.

Бир белат олмоқға беш сўм, баски, мандин олдилар,  
Айламайму юз фиғон, Эски Ҳукумат дастидан?

Зулм ўти бирла жигарлар, куйдию бўлди кабоб,  
Чунки ўртанди жаҳон, Эски Ҳукумат дастидан.

Гар бозорга бир нимарса тушса олди зўр ила,  
Кўрди кўб одам зиён, Эски Ҳукумат дастидан.

Хоину золим, қароқчи, киссабурлар эрдилар,  
Ўлдилар кўб кордон, Эски Ҳукумат дастидан.

Меҳру шафқат битди-ю, йўқ бўлди элнинг кўнглидан  
Ким, топилмас парча нон, Эски Ҳукумат дастидан.

Шод эмас ёшу қари ҳеч, ер аро бу жазм эрур,  
Ким бўлубдур нотавон, Эски Ҳукумат дастидан.

Мардикор олмоқ хусусида қирилди кўб киши,  
Бўлди бас, ўқға нишон, Эски Ҳукумат дастидан.

Солди қирғизларни бошига, билурсиз, қатли ом,  
Оқти сув ўрнига қон, Эски Ҳукумат дастидан.

\* Уят сўз.

Сотдуку бердук ҳама уйда йўқу бор нарсани,  
Қолмади синган қозон, Эски Ҳукумат дастидан.

Шукрим, Янги Ҳукумат, Сидқие, шод айлади,  
Йўқса, чиқгай эрди жон, Эски Ҳукумат дастидан.

### АЧИГ ШИКОЯТ

Ман мусофирману душманларим итдан ҳам кўб,  
Оре, ҳар ерда мусофирин топиб ит қопадур.  
Сидқие, бўлма жаҳон аҳлидин озурда, бале,  
Аввало, захм урубон, сўнгра табибга чопадур.

### УЛАМО ҲАҚИДА<sup>59</sup>

Билинг, эй илм эли, биз дини ислом узра офатмиз,  
Бу илми беамал бирлан бале шўри шарнатимиз...

Тириштук доимо ўз нафъимизга жон билан локин,  
Етиму бевалар ҳаққин ёшургон бедиенатмиз...

Хушомадгўй бўлдук ҳар йиғинда ағниёларга,  
Ки миллат нафъини кам ишлагон аҳли хиёнатмиз.

Ҳақиқий олим улдур қўрқмайин изҳори ҳақ айлар,  
Вале биз оқчага динини сотқон беҳамиятмиз...

### *„Тоza ҳуррият“дан*

#### САОДАТЛУ ҲУРРИЯТИМИЗ УЧУН ТАБРИК<sup>60</sup>

Сизларга бўлсун ушбу янги замон муборак,  
Беруҳ таңга киргон бу тоза жон муборак.

Ҳар кўчаларда «Урра!» тортиб, қилиб намойиш,  
Байроқ тагида айтгон нутқу баён муборак!

Янги ҳукуматимиз бизга бериб ҳуррият,  
Яхши кўз ила боқти, эй, мусулмон, муборак.

Ул барча эски зolim зиндон аро ёпилди.  
Сизларга, эй, мусулмон, мундоғ нишон муборак.

Борони адл бирлан бизларни бу вилоят  
Бўлса ажаб йўқ асло, рашки жинон муборак.

Хуррият ойн туғди адл осмони узра,  
Вақти садоқат ўлди, амну амон муборак.

Айлаб фидо тану жон хўб қилдилар намоёнш,  
Бас, бахтимизга бўлсун ёшлар омон муборак.

Ул шуму наҳс толеъ, Эски Хукумат аҳли  
Бир кунда эл кўзидин бўлди ниҳон муборак.

Миршаб-палиса итдек тишларди эл аёғин,  
Бир кечада йўқ ўлди, кетди қаён муборак.

Эл қонини ичарға кўб ташналаб эдилар,  
Хунхорлар йўқ ўлди, эй, мусулмон, муборак.

Ғам вақти ўтти, лекин севинч замони етти,  
Ким тўлди хушхабарлар оламға, жон, муборак.

Ийди ҳурриятингиз, Сидқий, бу шева бирлан  
Қилди на яхши иншо, эй, дўстон, муборак.

#### ҲОЗИРГИ НАМОЁНШЧИ ТАРАҚҚИЙНАРВАР ТОШКАНД ЁШЛАРИ ҲАҚИДА

Замоннинг офатидан доимо бўлсун амон ёшлар,  
Ситамгар чархдин ҳам кўрмасун зарра зиён ёшлар.

Тараққийнарвар ўлсун, сарвар ўлсун эл борисига,  
Амон бўлсун, эсон бўлсун, яшаб неча замон ёшлар.

Маорифу ҳаёт шахсиясини доим лисонидин,  
Жаҳолат аҳли иршодиға бўлсун таржимон ёшлар.

Таоли-ю тамаддун маслакидин заррача чиқмай,  
Тараққий худ агар жисм ўлса, бўлсун ҳам чу  
жон ёшлар.

Ҳама диндошларин\* бирлаштурурға хўб тиришгайлар,  
Талотўф бирла айлаб бир неча нутқу баён ёшлар.

Муҳаббатшевау хушхулқу боҳушу хирадпеша,  
Ҳаваскори тараққий ва тамаддун қаҳрамон ёшлар.

\* Миллатдошлар маъносида.

Илоҳи лутфи покнинг соясин ҳаргиз дариг этма,  
Ки бул кун юртимизга бўлдилар чун соябон ёшлар.

Киришгайлар на мушкул ишлар ўлса, жону дил бирлан.  
Тиришгайлар на мақсад бўлса, оре, комрон ёшлар.

Демаслар бу қазоқдур ё, нўғойдур, ё бу қишлоқи,  
Бўлаклаб ё, ўгайлаб четга қўймас ҳеч бир он ёшлар.

Разолатпешалар ахлоқин ислоҳиға саъй айлар.  
Тугушгондин знёда барча элга меҳрибон ёшлар.

Ҳамиша яшнасулар комронлиқ ямғури бирдан,  
Баҳор айёмида андоқки, яшнар бўстон, ёшлар.

Туну кун ўзларининг кори-бори бирла шуғл айлар.  
Тафаккур бирла ўтқаргайлар, ўтса ҳар бир он ёшлар.

Бу ҳуррият замонида аларни тарбият қилсак,  
Гумон йўқтурки солгайлар фалакға ошён ёшлар.

Келинг, ўглингизи мактабга йўллаб ҳиммат  
айлангиз,  
Иш ўрганса, ҳунар билса, ясар айрупилон ёшлар.

Аларга ғойибона, Сидқийё, арзи муҳаббат қил,  
Ажаб эрмаски бўлса, сан билан гар ҳаминон ёшлар.

### ҲОП!

Вақти иш ўтти, дило, эмди қачон уйғонасан?  
Етибон ғафлат аро, эмди қачон уйғонасан?

Кетти ғафлат, етти ҳуррият замони оғаҳ ўл,  
Етасанму уйқуда, эмди қачон уйғонасан?

Зулмату жаҳл этти кўнглингни, дариго, билмадинг.  
Тошкўмирдин ҳам қаро, эмди қачон уйғонасан?

Бодан ишрат билан бадмастдурсан, оҳким,  
Ақлу ҳушунг йўқ бажо, эмди қачон уйғонасан?

Меҳрибонлиқ, якзабонлиқ, ҳаминонлиқ фурсати,  
Келди бул кун, гофило, эмди қачон уйғонасан?

Одам ўлдинг сан, бале, илму фунун ўрганмайин,  
Янчилик жаҳл остида, эмди қачон уйғонасан?

Эмду тур, тезроқ югур, илму маорифга қўл ур,  
Ётма парқу кўрпада, эмди қачон уйғонасан?

Жаҳл бир ўтдурки, теккан кимса ёнмай қолмағай,  
Ётти ул ўт ёнинга, эмди қачон уйғонасан?

Хусну донниш доманин тутким, ҳама уйғондилар,  
Қилдилар ҳожат раво, эмди қачон уйғонасан?

Тур, тириш, илм иста, ётма, ўзгаларни табакай  
Қўл очиб, айлаб дуо, эмди қачон уйғонасан?

Бесиноат, беҳунар, бекасблиқ бирлан ўзинг,  
Шуҳрат эттинг, Сидқийё, эмди қачон уйғонасан?

### ХУРРИЯТ ИЙДИГА ТАБРИК\*

Хуррият ойн тугқоч, зулмат қаёна кетди?!  
Яъни жафоу жавру кулфат қаёна кетди?!  
Ислом эли бошига бултур бу дамлар ичра  
Ҳар лаҳза тоғча тушгон меҳнат қаёна кетди?!  
Мазлум элин, дарифо, ҳолина боқмагон ҳеч,  
Охир йиқилди золим, давлат қаёна кетди?!  
Мазлумларнинг оҳи гўёки тийри дилдўз,  
Золимни йиқти, анга лаънат, қаёна кетди?!

Оғоз: \*

Ийди хурриятингиз бўлсун бажо муборак!  
Ислом элина они қилсун Худо муборак!

Юз шукр, кетти биздан захроблик жафолар,  
Зероки бултур эрдук ғам бирла қад дутоллар,  
Ҳар лаҳза ичра тортиб ташвиши зулми золим,  
Гулдек юзини ғамдин сўлдурди маҳлиқолар.  
Золимни зулми елдек бизлардин ўтти, лекин,  
Селдек ўзин бошига ёғди ажаб балолар.  
Ҳар ғамга шодлиқ бор, оятни маънисин — бу,  
Ғамдин қутулдук эмди, эй, ёру ошнолар.  
Ойинан қўнгулдин ғам занги кетди яқсар,  
Гардунни даври берди шафқат била жиллар.

Бошларда эрди бултур мингларча шўру ғавғо,  
Эл барчаси эдилар бесабру бешикебо.

\* «Оғоз» ҳар банд сўнгида такрорлашиб келади.



Бизни аёқга олиб эзган гуруҳи золим  
Юз шукрим, охир чоғ бўлди бариси расво.  
Сабру таҳаммул этдук зулм аҳлининг ишига  
Ҳақ бизни шод айлаб, онларга солди яғмо.  
Намруд ҳаддин ошти, яъни ўзин унутти,  
Бир ланг пашиша йиқти Ҳақ амри бирла танҳо.  
Биз, ажэ эли, мабодо чексак фиғон шарорини,  
Золимни хонавайрон айлар бу ўт ҳамоно.

Чектук фалакни бултур турлук жафо балосин,  
Ҳар навъ бирла тутдук Ҳақнинг улуғ ризосин,  
Юз шукрим, ямонлар помолу хор бўлди,  
Чекти дам ўтмай онлар кирдори минг жазосин.  
Хўб бўлди бул кун онлар, ўз чоҳиға йиқилди.  
Мақбул қилди Оллоҳ, ажэ аҳлининг дуосин.  
Лутфи умуминг ила ҳар лаҳза қўл кўтарган,  
Мақбул айла, ё раб, биз банда илтижосин.  
Қул бўлмағай хатосиз, бу иш эрур табиий,  
Ё раб, кечур қулингни исён ила хатосин.

Зулм аҳли, оҳ, бизни ноком айладилар,  
Бас, яхши номимизни бадном айладилар.  
Чун рўзи равшан эрди бахт ила толеимиз,  
Қоплаб қаро булутдек чун шом айладилар.  
Жон риштасиға эй, жон, санчиб таадди тийгин,  
Ҳар лаҳзаларда кори ҳажжом айладилар.  
Биз сода халқларнинг йўлиға макру фандин  
Побанд айламоқға юз дом айладилар.  
Кўрганда зулм элини икром айладук биз,  
Бизларға лек тарки икром айладилар.

Қайғурма, эй, кўнгул, сен шулдур замона кори,  
Ким бўлмағай бир ишда ҳар доимо қарори.  
Бу даҳр золи элни юз ишва бирла алдар,  
Алданма ишвасиға йўқ аҳдин эътибори.  
Эй, содаваш, суюнма, беш кунлук ишратингга,  
Бахтингга доим ўлмас кўк даврининг мадори.  
Гаҳ сарбаланд қилса, гаҳ мустаманд қилғай,  
Гардуни дуннинг эрмиш рафтори шундоғ, оре.  
Золи сипеҳр эрмиш айёран фусунгар,  
Оғу бериб қотурғай, ким бўлса они ёри.  
Юз ҳамд биздин ўлсун халқоқи бемакона.  
Ким ўзгарилди они ҳукми билан замона,  
Наким кўнгулда бўлса, анга ҳамиша маълум,  
Пинҳон эмасдур анга эълону ниҳона.

Гар қодир эрсанг элга кўрма раво жафони  
Ким бўлмагай отингга бу даҳр жовидона.  
Кел, золимо, назар қил, Заҳҳок қайга кетди?!  
Сан ҳам кетарсан охир, иш қилма золимона\*.

Сидқий, дуо қил эмди, золим эли қирилсун!  
Дунёда хор бўлсун элнинг кўзиға матъун.  
Кўз ёшимизни қилди чун лола, раҳм қилмай,  
Чун сарв қаддимизни кулфатдин айлади нун.  
Золим эли ишонди дунёлиқға, оре,  
Лекин ҳалок бўлди моли билан чу Қорун.  
Бизларни ҳайдадилар саҳроу боғ сорн,  
Кезсун алар ҳам эмди бизларча кўху ҳомун.  
Ҳар марду зан дуоси охир вожиб ўлди,  
Ким ғайбдин етушти зулм аҳлиға шабиҳун.

Оғоз:

Ийди ҳурриятингиз бўлсун бажо, муборак!  
Ислои элини они қилсун Худо, муборак!

\* \* \*

Оҳким бўлдилар яқолар этак,<sup>62</sup>  
Яъни ўзди бу кунда оддин эшак.

Ушбу ишқа қилолмайин тоқат  
Реза бўлди бадан аро сўнғак.

Чунки ҳақ сўз айтарға қолмади тил  
Ноҳақ ишлар учун кўпайди кўмак.

Бу масални на хуш демишдурлар,  
Бўз — пайтоба, бошқа чиқди патак.

Мақсадимдур ҳақиқат изҳори,  
Наки бу сўзға элни кулдурмак.

#### ТАБИИЙ ҲАҚИҚАТ<sup>63</sup>

Ҳукумат бирла ҳар ким ўйнаса гўёки бош ўйнар.  
Ва ёким гарқадин хавф айламай, сел ичра тош ўйнар.

\* Банд бир байт кам келган.

Хукумат бир ёнар ўтдурки, исёнчини куйдургай,  
Эмас ақл ўт қошида катта дасторлар курош ўйнар.

Хукумат бир темир қўрғону теграсиндаги боғи,  
Гўдакларча камон отиб, этаклаб майда тош ўйнар.

Бу сўз кундин очикдур, қўл ювар ўз қони бирлан ул,  
Кишиким бемаҳал гар ихтилолу ихтишош\* ўйнар.

Кишиким юрса ўз ҳаддин билиб, ҳеч ерда тойрилмас,  
Улуғлуқ осмони узрасида чун қуёш ўйнар.

Ҳар улким иқтисод ила титар бўлса ҳама вақт иш,  
Ҳузур ила кечургай умри хони узра ош ўйнар.

Кўзинг оч, Сидқинё, ҳақ сўзни от майдонга ҳозирким,  
Бу майдон саҳнасида сенга эски тўн қалош ўйнар.

*1344 ҳижрий, 25 сунбула  
(милодий 1925 й. 15 сентябр)  
кечаси ишод ўлинди.*

### «ИҚТИСОБ»\*\*64ДАН

Тамаъ йўлбарсни чибин қилур

### ТАРЖЕЪБАНД

Дехқон ўгли соғ ўл, мудом яша  
Шодлиқ бирла субҳу шом яша.  
Яшасанг барча эл топар роҳат,  
Иzzат авжида некном яша.  
Остонингда бахт ястансун,  
Толёнинг бирла бўл тамом яна.  
Нечадур ўтқариб жаҳон ичра

\* Ҷғирлик.

\*\* «Иқтисоб» таржеъбанди кампа Сидқийнинг имровий, ахлоқий, тарихий жиҳатлардан иборат ҳангомасидур. «Иқтисоб» исмида, муаллифи Сирожиддин маҳдум Сидқий, муддати таълифи уч кувда бўлди. 1343 ҳижрий 27 жумодил аввал 1924, бо қалами Сидқий. (*Муаллиф изоҳи.*) Парчалар берилмоқда.

Золу Рўстамча хушхиром яша.  
Ой ила кун каби бўлуб порлоқ  
Хидмат эт элга, вассалом яша.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдан умид уз, ўлма хомтамаъ...

Меҳнат айланг ҳамниша, эй ўртоқ,  
Кетмон ушлаб қабартурунг бармоқ,  
Хор қилгай кишини ялқовлиқ  
Ярамас уйда ялпайиб ётмоқ.  
Ош еганларни луқмасига қараб  
Тиш кирини сўруб томоқ қоқмоқ.  
Яхшидур бу киби фано ишдан  
Мард ўлуб тоғу чўлда қўй боқмоқ.  
Бойға бўйнуниг эгиб, ема қазн сен,  
Қора нон есанг ишлаб-ул хушроқ.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдан умид уз, ўлма хомтамаъ.

Эртадан кечга ишласанг бир нон,  
Бойни миннатларидан ул осон.  
Безаковатларга қад эгиб токай,  
Бўласан эй фақир, мисли камон.  
Ҳар иш этмоқда бўл чоқин янглиғ,  
Судралиб юрма гангиб, эй нодон.  
Бир масал бор: Қимирлаган қир ошар,  
Уйқудан тур, бўл эмди йўлга равон.  
Ушла мақсад этагин маҳкам,  
Ишчиларни сафида қил жавлон.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдан умид уз, ўлма хомтамаъ.

Судралиб юрма, ўлмағил бекор,  
Оре, бекордан худо безор.  
Иш қилиб, нон топиб есанг, яхши,  
Хоҳ йўлга сув сепу қиш кура қор.  
Келса қўлдан раҳм қил ожизга  
Бўлсун ул хоҳ дўст, хоҳ ағёр.  
Негаким, бандасен банагоҳи  
Санда ҳам улча ожиз ўлмоқ бор.  
Сотма нонға баҳоли номусинг,  
Бўлма дангаса-у ема мурдор.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Йшламай юрсанг, ўласан бани,  
Қўқнори, қароқчи, найраңгни.  
Қир босиб, бит босиб либосингни,  
Хор ўлурсан, кетар юзунг рангни.  
Эрта-кеч елканг узра йиртиқ тўн,  
Бўладурсен гадони ҳамраңгни.  
Пора понга сотилдинг, эй бежон  
Иўқ экан сенда одами нангни.  
Уйғон эмди, қачонғача ётасан,  
Ишла, кетсун юзунг қаро чангни.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Сидқиё муждан баҳор келур,  
Гўйиё бўйи лозазор келур.  
Мен кибн меҳнат аҳлининг ийди  
Бўлғусидур баҳору ёр келур.  
Ҳар тараф сабза, тифли ўйнашибон  
Тоғ бағрида наю сувор келур.  
Ишлағил жону тан билан тиришиб,  
Демағилким, яна баҳор келур.  
Марднинг роҳати эрур меҳнат,  
Ишлағон роҳата дучор келур.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Барча эл қаҳрамони меҳнаткаш,  
Балки онларни жони меҳнаткаш.  
Мени олдимда шоҳдин яхши  
Бўлса ҳам эл ямони меҳнаткаш.  
Арслондек ўз устига олғай  
Борча жавру жафони меҳнаткаш.  
Бева-бечораларга қилса мадад,  
Сен деган дегайсен чин ани меҳнаткаш.  
Уёлиб ташласун гадолиғни  
Айла, ёраб, гадони меҳнаткаш.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Пахта эк, то кўпайсун элга либос,  
Қилди бизни либос кўб васвос.  
Шул қаҳат йилларида оҳу дариг,  
Жомамиз бўлди бўз бирла палос.  
Сотдилар неча камбағал чиқориб,

Уйида қўймайин тоғорау тос.  
Гўшту ёғ нархи онча эрди баланд  
Ҳар гузарларда ҳам сўюлса қўтос.  
Хидмат ортинда сақла номусинг,  
Чунки бегона сенга нон бермас.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Меҳнат этмаё эсанг бўлурсан танг,  
Айлашур бола-чақа сен била жанг.  
Онча ташвиш аро қолиб бошинг,  
Бўласен иш қилолмай анда гаранг.  
Таъбинг ойинаси губорланиб,  
Хира бўлғуси, яъни олиб занг.  
Мисли тоғ бошингга тушиб ташвиш,  
Ожиз ўлғунг эсанг агарчи паланг.  
Ишла арслон киби бўлуб оқриб\*  
Ишламас эрсанг ушбу қотинг нанг.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ:

Яхши бўлди замона, эй Сидқий,  
Тўйдимиз қора нона, эй Сидқий.  
Ул киби ҳодиса улус бошига  
Келмасун ёна-ёна, эй Сидқий.  
Очдан ўлгонлара халойиқлар  
Тўкти ёш дона-дона, эй Сидқий.  
Қанча ёзгон билан туганмайдур,  
Яъни сиғмас баёна, эй Сидқий.  
Пахта, буғдой экиб, топиб оқча,  
Мингил айруфилон\*\*<sup>2</sup>, эй Сидқий.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

**Тамаъ қолчиги ёхуд бой сувратидаги хўржинсиз гадоёу  
ишламайдурғон устихонфуруш тўртоёқлилар ҳақинда**

Эмди сотилма нонга, эй Эшон,  
Ишла пул бирла донга, эй Эшон.  
На қилурсен бўлуб хушомадгўй,  
Кунда яхши-ёмонга, эй Эшон.  
Кўчадан не келур деб боқма

\* Укуруб.

\*\* «Тайёра» ҳам дерлар (*Сидқий изоҳлари*).

Туну күн остонаға, эй Эшон.  
Рўзи бозоринг ўлди баски касод,  
Туштунг эмди зиёнға, эй Эшон.  
Манча сен\* ҳам қўлунгға кетмон ол,  
Борибон ишла коңға, эй Эшон.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Мен демасмен ёмон ҳама эшон,  
Ки бор онларда яхши бирла ёмон.  
Лекин эрур динфурушлари кўброғ,  
Яъни бу фирқаси эрур подон.  
На шариятни тўз йўлин билғой,  
На тариқатни уқбосин ошгон,  
Санадидур ота-боболари  
Ўл боболар эшон лақабли экан.  
Туф ангаким, чурук, сўнгакларни  
Юрушурлар олиб этаклашубон.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Эди пайғамбарим муни бил, сан,  
Яхши англа ики қулоғинг илан.  
Бир кун Фотимаға айди Расул  
Демағил дўхтари пайғамбар ман.  
Амал этгил қизим, амал этгил,  
Ки амал айласанг нажот топасан.  
Деса мундоғ пайғамбарим қизига  
Нега онлар сўнгак сотар эркан.  
Мендан онларни сўрса бир одам  
Динфуруш ҳам сўнгакфуруш дерман.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ...

Эди пайғамбар худойи жалол,  
Вақти охир аро чиқар дажжол.  
Қўрқмаюрман вале у дажжолдин  
Умматим ичра солса ҳам жанжол.  
Мен булардин валеқ қўрқормен  
Умматимга солур зиёну залол.

---

\* Бир минг уч юз қирқ учда жавзо ойида қазақ миллатдошларим бирда бир неча кунлар лимонат дедиклари шарбатға қўшуладургон қувван дафъиялық ширин туфроқ коњида офтобга куюб иштаб эрдим ва дафъи аҳтиёж қилгон эрдим. (Сидқий), 1343.

Яъни мундан мурод эрур эшон,  
Ки юрур эл аро кезиб маху гол.  
Фикру зикри булур ҳамиша таом  
Хоҳ бўлсун ҳаром, хоҳ ҳалол.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Ота-бобонг агар вали бўлса  
Кетти ўз авлиёлиги ўзида.  
Шундоғ ўлса бировни фазли билан  
Қиласен бунча бемаза даъво.  
Туф, сенингдек фирибгарларга,  
Қўлда тасбеҳу гарданинга ридо.  
Одам суратидаги шайтон  
Сен эурсен магар ҳақиқатда.  
Гар мажолинг эса бу сўзларга,  
Оят бирлан ҳадисдан сўзла.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

#### Оқилга ишорат нодонга калтак

Онгла Юнон\* замнида, эй дилбанд,  
Бор эди, яъни катта донишманд.  
Бўлди бир кун улуғ йиғин ичра  
Ки йиғин аҳли эрдилар хурсанд.  
Ногаҳон анда бир янги тўнлуқ  
Бир кишига чаёнча чекти газанд.  
Ул ҳаким айди янги тўнлуқга  
Нега ондин олурсан ўзни баланд.  
Ондин ортуқлуқунгму янги тўнунг,  
Орият тўнға бўлмағил дилбанд.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ...

Оҳким бўлдилар яқолар этак,  
Яъни ўзди бу кунда ондин эшак.  
Ушбу ишға, қила олмайин тоқат,  
Реза бўлди бадан аро сўнғак.  
Чунки ҳақ сўз айтарға йўқтур тил.  
Ноҳақ ишлар учун кўпайди кўмак.  
Бу масални на яхши айтмишлар,  
Бўз пайтоба бошқа чиқти патак.

\* Ал-ҳол «Македония» номи бирла машхурдур. (Сидқий).



Мақсадимдур ҳақиқат изҳори  
Нега элни бу сўзға кулдурмак.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Бу масал халқ аро эрур машҳур,  
Ишламай еган оғримай ўладур.  
Нега сен ҳаргиз оғримайдурсен,  
Ёки жонинг мисол тошу темир.  
Бўлма мағрур ўлуб силиғ дастор,  
Сени ҳам даҳр оқибат йиқитур.  
Суд бермас у дам пушаймонинг  
Ожиз ўлгон чоғингда ҳамчун мўр.  
Ташла дастору мен киби ишла,  
Яъни деҳқончилик ишиға қўл ур.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

**Хўқандли Қори Қундуз\*** агарчи нобино эрди ва лекин  
ҳақ сўз айтурда жасур ва доно эрди

Қори Қундуз эрди фасона навоз  
Борса бир ерға мажлис эркан соз.  
Қолди қори у дамда пойинда  
Дард қилди ўзиға, очмади роз.  
Дедилар: «Не учун Бухорода  
Қишда ит кўпу ёзда бўлғай оз».  
Қори Қундуз деди жавоб анга:  
«Муни сиррини мен дейин сиза боз.  
Ёзда онлар ҳама бўлуб Эшон,  
Элға чиқғай, бўлур шу боис оз».  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Қори бу сўзни айлағоч тақрир,  
Барчани кулгу олди бе таҳрир.  
Анда бул сўзға айлашиб инсоф

---

\* Қори зотан хўқандли ўлуб амир Музаффар замонида Бухорода таҳсилли илм қилгон киши бўлуб, Қуръони каримни ёд қилгон олим ва фозил ва шоир ўлуб шеърда ҳам «Қори Қундуз» тахаллус этир эрди ва мен ани шеърлариндан ўқуғон эрдим. Охир умринда Яъқуббек марҳум давринда, яъни Яъқуббек Хитойши Оқсув ва Хўтан киби шахрларини забт қилгон чоқларинда Қошғарға бориб, Қошғарда матоҳил ўлуб анда мадфуи бўлгондур, валлоҳи аълам. (Сидқий.)

Офарин қилдилар сағиру кабир.  
Ушбу мажлисдағи эшонларға  
Қорини сўзи бўлди тоғдин оғир.  
Воқеан қори эрди нобино  
Билмади ким эшону кимдур пир.  
Чунки пойинда қолғониға ўзи  
Бўлубон ўлтуруб эди дилгир.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Аҳли мажлис бири бириға қараб,  
Сўрмади ушбу бобдан ҳеч гап.  
Қори анда қилиб сухан оғоз,  
Мисли булбул ўқурди кўб сайраб.  
Қори номиға мажлис ул кун аро  
Бўлди ва сўнгра барча кетти жўнаб.  
Ҳеч дармонда бўлмағай ҳақгўй,  
Чўлда ҳам ташна қолмағай сувсаб.  
Ҳақ сўз айтгон киши кечар жондан,  
Вақт келғонда турмагон тўхтаб.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Оҳким, қани ҳақ тарафдори,  
Ҳақ сўз айтган кишига йўқ ёри.  
Уйнағай ҳар нафасда юз тўқмоқ  
Ҳақ тарафдори бошида ори.  
Нечаким, кўброғ эл эрур жоҳил,  
Боқмағай ҳақ сориға бир бори.  
Сиртлари пахтадин экан оппоқ,  
Мўрикондин қародур ичлари.  
Тушовидур эшакиға ярашур,  
Ўзларидек эрур Эшонлари.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Шул эшонларға қаршу бўлмоғлиғ  
Мени қошимдадур ғазо чоғлиғ,  
На учун ишламас экан онлар,  
Куч била қувватида биз чоғлиғ?  
На учун ишламас экан онлар,  
Қўл-аёғи эмас эрур боғлиғ?  
Еки ҳайвон эмаски, билмаса тил,  
Сўзи ширин, тили эрур ёғлиғ.

Шул сабаб неча гўлни йўлдан урар,  
Лўлидек кори жоду қилмоғлиғ.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

### Яхши эшонлар нишони

...На бировга бўлур хушомадгўй,  
На ки бир кимсадан тамаъ айлар.  
Хуш\* дар дам эрур қадам\*\*га назар.  
Анжуман\*\*\* хилвату ватанда сафар.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

### Ёмон эшон нишони

Ҳақ расулдан сўраштилар, эй жон...  
Зикр\*\*\*\* уруб ўйнадиму пайғамбар?  
Зикр уруб ўйнама, эсанг инсон.  
Айлашур бехудона рақсу самоъ\*\*\*\*\*  
Бил ҳақиқатда барчаси ёлғон.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Бир минг уч юз ўтуз учунчи йилиндаги қаҳатчилик-  
да бир эшон бир бойдан буғдой олди ва ҳаргиз сенсиз  
беҳиштга қадам қўймасмен деб ваъда берди.

Англадимким, менга деди бир бой  
Бир эшонга бериб экан буғдой.  
Ваъда бермиш эшон у нодонга

---

\* «Хуш дар дам», яъни алар ҳар не этсалар ақлу хуш бир-  
лан этурлар.

\*\* «Назар дар қадам», яъни алар юрғонларида қадамларинивг  
юзига боқарлар ёки назарлари на ерга етса, анда қадам қўяр-  
лар.

\*\*\* «Хилват дар анжуман», яъни аларга анжуман ҳам хил-  
ватдур.

\*\*\*\* «Сафар дар ватан», яъни алар ватанда ўлтуруб ҳам са-  
фарда бўлурлар.

\*\*\*\*\* Улдурки авинг бирла Худованди таоло орасинда маҳ-  
фий бир ҳол бўлгойки, ҳар на англаса, ул ҳол бирла англа-  
гой ва рақсу самоъ шундог одамга ҳалолдурки, пешонасига қи-  
лич бирла урсалар ҳам билмасе ва ҳозирги сўфиларга тикон  
тиқсанг ҳам бегоҳат бўлур.

«Шарҳи таъриф»дан ва «Мулло Шамсиддин Муҳаммад»дан  
таржима: (Сидқий изоҳлари)

Яъни сен бирла жаннат ичра кирай.  
Жаннат онлар қўлиндаму эркин.  
Сидқийё бу на фикру қандай рой?!  
Шафқат айлаб буларни эл бошидан  
Яхши бўлғай эди кўтарса худой.  
Бу эшонларни илкида қолсақ,  
Вой, аҳволимизга юз минг, вой.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Бу киби сўз билан қилиб гумроҳ,  
Неча одамни айлағай бериҳ.  
Халқнинг таъбиға мувофиқ сўз,  
Сўзлабон бўлғой усру хотирхоҳ.  
Ота-бобосининг ҳикоятини  
Дастмоя қилиб юрар ҳар чоғ.  
Қимки онларга берса кўб инъом,  
Қилғой онинг уйин зиёратгоҳ.  
Сарбасар ишлари эрур шул хил,  
Эмди мен қиссани қилай кўтоҳ.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Бир кимсанинг ўлғон отоси бир эшоннинг тушига кирди ва айди: «Мен пулсиротдин ўтолмай турибмен. Уғлумга дегайсизки, фалон оқ ёл отни сизга назр қилса, отдек югуруб ўтар эрдим».

Англағач, бу ҳикояни эй жон,  
Бармоқим тишлаб ўлдум — ўқ ҳайрон.  
Эй, диёнат эли, бу сўз қандай  
Бўлса ғайб олами аларга аён.  
Парда остинда ётса тева чўкуб,  
Билмағай они, ул не хил ҳайвон.  
Лек ҳангомаи қиёматни  
Тушларинда кўруб дегайлар аён.  
Ғайбдин сўзладиму пайғамбар  
Токи билдурмади худойи жаҳон.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Йўқотиб тевасини пайғамбар,  
Тобмади ҳеч ер ичра ондин асар.  
Сўзлашур эрдилар қилиб таъна,  
Ҳар тарафдан неча мунофиқлар.

Деди пайғамбарим они эшитиб:  
Мен эрурман билингки жинси\* башар,  
То Худо менга қилмаса эълom.  
Беролмам Сиза ҳеч ишда хабар.  
Борибон тевани олиб келингиз,  
Бўлмиш арқони\*\* шох аро чанбар.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Бу каби макру бу каби найранг  
Айлағай эл аро мисоли фаранг.  
Лек инсоф элиға ушбу қилиғ  
Ору номусу тоғдан оғир ланг.  
Бу эшонларни макру достонин  
Кўрмайин ўтти Гив бирла Пашанг\*\*\*  
Борча ерда буларни ҳамроҳи,  
Яъни озодаваш жувону сатанг.  
Аҳли сарват буларға қаҳфи амон,  
Камбағаллар билан эмас ҳамсанг.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Ҳар ким бу чашмадин ўз қавзасиға лойиқ сув олур

Ё раб, бу эшонлар шаридин менга пано(ҳ) бер,  
Ҳар не тиласам сендин они, менга яно бер.  
Токим тирик эрсам, мени қил онлара қаршу,  
Сендин тилагим шулки, бот онларга жазо бер.  
Яъники булар жонли балодур, карам айлаб,  
Ботроқ бу балолар бошиға жонли бало бер.  
Ҳужжат била жанг айлайин онлар била доим.  
Рустам қибн ҳам Золча, Найрамча\*\*\*\* ато бер.

---

\* Яъни айдиларки, мен ҳам сизлар қибн одам фарзандидан эрурмен. Ваҳи келмағунча девор орқасидаги нимарсани ҳам билмайдурумен.

\*\* Яъни тарафи ақдаеи илоҳидан ваҳи бўлгондан кейин ҳабар бердиларки, тева фалон ерда фалон тарафга қараб дарахтда ўралиб ётибдур.

\*\*\* ... Гив ва Пашанг уруши машҳурдур. Пашанг Афросиёбнинг отасидур. «Сарват» — давлат маъносида. «Қаҳф» — гор маъносида. «Ҳамсанг» — баробар маъносида.

\*\*\*\* Нўҳ пайғамбарнинг ўғли Сом, Сомнинг ўғли Найрам, Найрамнинг ўғли Зол, Золнинг ўғли Рустам, Форсийлар Найрамни Наримон ҳам дерлар. (Сидқий изоҳлари.)

Ул эшон ҳақидаким, инқилоб\* йилларинда Хандақлиқ-  
ға\*\* келиб хуфиядан жаҳрия яхши деб бир неча бемаза  
ваъз этти ва Сижжак қишлоғинда минбардан кўчага  
тортилди.

Англадимким яқинда бир эшон  
Номуборак оти Жаҳонгир экан.  
Борғон экан Сижжак сари бултур,  
Мурид овлаб неча киши бирлан.  
Тобтуруб анда бир кеча бесоқол  
Уйнамишлар анга қокил солибон.  
Эркан ул кеча жумъа оқшоми  
Тонгласи жумъага айтилмиш азон.  
Хутбаға минбар узра чиқғон чоғ  
Еқадан чекти бир йигит дар он.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

\* \* \*

Бўлмиш ул кўб ичинда шарманда,  
Лаънат айтмиш анга ҳама банда.  
Қочмиш оҳиста бир саҳар чоғи,  
Мен эшитгач дедим экан ганда.  
Доимо бу киби фано ишдан  
Пок бўлсун ҳамиша ҳар банда.  
Бу кибиларға сен яқин юрма  
Эй, кўзум нури, бўлма жон санда  
Асли ани отосининг жойи  
Сўрасанг, мен дейин Самарқандда.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

Бир эшон ила Сидқийнинг\*\*\* мужодала ва мунозараси

Бир кунн олдимизға бир эшон,  
Келдиким номн эрур Юсуфхон.  
Чорлади мени соҳиби хона,  
Гаплашинг деб бизинг эшон бирлан.

---

\* Яъни бир минг уч юз қирқ икки (1924) санасинда қиш  
фаслинда бу ҳодиса бўлғон эрди.

\*\* «Хандақлиқ» Сидқийнинг таваллуд топқан ерининг номи  
эрур.

\*\*\* Ушбу мунозарамиз Шарҳи Сирожиддин, «Таржиман мас-  
лакул муттақин» ном китобимизнинг бир мушкул еринда бир  
минг уч юз ўттиз саккизинчи ҳижрияда эрди. (Сидқий изоҳлари.)

Енгинамда бор эрди кўб абёт,  
Бердим олиб они қўлиға равон.  
Уқубон они ундану мундан,  
Гоҳ тўхтаб бўлур эди ҳайрон,  
Гоҳ ерға қўюб ичар эди чой,  
Гоҳ боқарди сақол силаб ҳар ён.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

\* \* \*

Деди, охир чоғида неча бу хил,  
Ушбу ерда кетурдингиз тамсил.  
Мен дедим бўлди усру қофия танг,  
Ҳожат эрмас бу ишға қол ила қил.  
Яна айди, агар эса мундоғ,  
Хўб бўлғайди бўлмас эрди тавил.  
Анда мен илгидин юлуб олдим,  
Айладим ул йиғинда хору залил.  
Уралибсен\* қозиқға эй ҳайвон,  
Айланурсен туrolмайин ҳар хил.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

\* \* \*

Қолди хижолатда, яъни кўб уёлиб,  
Жўнадим мен ҳам ўз уюмға чиқиб.  
Ушлаб илигим силади бошу кўзум,  
Узрлар бирла бир неча ялиниб.  
Жўнадим анга илтифот этмай,  
Токи ўлтурдим ўз уюмға келуб.  
Бу арода шу ҳодиса кечқоч,  
Тўхтамасдан кетиштилар жўнашиб.  
Бир хабар англадим замондан сўнг,  
Халқдан шул Эшонни ўлмиш деб.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

\* \* \*

Шул эшонларға қаршу бўлмоғлиғ,  
Мени қошимдадур ғазо чоғлиғ.  
На учун ишламас экан онлар,  
Куч била қувватида биз чоғлиғ.  
На учун ишламас экан онлар,

---

\* Бу ерда «дедим» ибораси зарурат, шеър жиҳатиндан махзүфдур. (Сидқий.)

Қўл-аёғи эмас эрур боғлиғ.  
Еки ҳайвон эмас билмаса тил,  
Сўзи ширин, тили эрур ёғлиғ.  
Шул сабаб неча гўлни йўлдан урар,  
Лўлидек кори жоду қилмоғлиғ.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

### Ҳайрат тилсими ёхуд ибрат ҳангамаси

Сана минг уч юз ўттуз бешда,  
Мен эрдим онда Тошканд ичра.  
Ногаҳон ўрда мавзуега бориб,  
Турар эрдим кўчада бир ишда.  
Тўполон бўлди бир замон қарасам,  
Келодур бир пиёда бир тусда.  
Бир юзи оқу усру шарманда,  
Бир юзидур они кўмурча қора.  
Бир хотунни олиб қочуб эркан,  
Оломон тутган эркан излаб то.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

\* \* \*

Они Тўйтефа\* ёғидин қочуруб,  
Маҳкама\*\*га келур эканлар олуб.  
Бўлмиш эрканлар онча овора,  
Турли ерларга от била югуруб,  
Эй биродар сира\*\*\* бу хил ошно,  
Ким кўрубдур жаҳонда шунча юруб?!  
Зоҳирона эмасмукин бу зиён,  
Пул кетуб, қанча обрў тўкулуб.  
Бўлмағай эрди ушбу ишлар ҳеч,  
Гар ўтурса ўз уйида кўмулуб.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

\* \* \*

Билмадим ониким, эшонму экан,  
Ё экан тўрт оёқли ҳайвон.  
Ушлашиб ит каби қилиб расво,  
Айлашиб бир юзин мисоли қазон.  
Нафси шайтон бу хил қилиб васвос,  
Магар оздурмиш они туз йўлдан.

\* Тошканднинг шарқи ёғинда бир ериниғ исми.

\*\* Яъни маҳкамаи шаръияга (Сидқий.)

\*\*\* «Сира» — ҳеч ва ҳаргиз ва асло демакдур, туркидур.  
(Сидқий.)



Суд бермас у дам пушаймонлиғ,  
Қуш каби учса-кетса иш қўлдан.  
Яхши ҳар қайда яхшининг номи,  
Яхши бўлмас кимики зоти ёмон.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

\* \* \*

Айлашур бу кибилара ихлос,  
Ки билурлар буларни хос-алхос.  
Тозадурлар дебон гумон этма,  
Сарбасар ишқ эрур мисол расос.  
Гоҳ беҳуда рақс уруб дер,  
Ишқ дарёси ичра биз ғаввос.  
Қутқаролмас ўзин ҳалокатдан,  
Қайдоғ айлар экан бировни халос.  
Ғафлат этма, тур уйқудан кўз оч,  
Яъни онларға айлама ихлос.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

. . . . .

Бин кимсанинг ўлғон отаси бир эшоннинг тушиға кирди ва айди: «Мен пулсиротдан ўтолмай турибмен, ўғлумға дегайсизки, фалон Оқёл отни сизға назр қилса, отдек югуруб ўтар эрдим» (1335/1917).

Англағоч бу ҳикояни, эй жон,  
Бармоғим тишлаб, ўлдум-ўқ ҳайрон.  
Эй, диёнат эли, бу сўз қандай,  
Бўлса, ғайб олами аларға аён.  
Парда остинда ётса тева чўкуб,  
Билмағай они ул не хил ҳайвон.  
Лек ҳангомаи қиёматни  
Тушларинда кўруб, дегайлар аён.  
Ғайбдин сўзладиму пайғамбар,  
Токи билдурмади Худойи жаҳон?!  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

\* \* \*

Йўқотиб тевасини пайғамбар,  
Тобмади ҳеч ер ичра андин асар.  
Сўзлашур эрдилар қилиб таъна,  
Ҳар тарафдан неча мунофиқлар.  
Деди пайғамбарим ани эшитиб,

Мен эрурман, билингки, жинси башар\*.  
То Худо менга қилмаса эълон,  
Беролмас сиза ҳеч ишда хабар.  
Борибон тевани олиб келингиз,  
Бўлмиш арқони шох аро чанбар\*\*.  
Мени қошимдадур ҳаром тамаъ,  
Элдин умид уз, ўлма хомтамаъ.

. . . . .

### Шайх Ҳасан Басрий\*\*\* етмиш саҳобани кўрган эрдилар

Айдилар шогирдлариға Шайх Ҳасан,  
Сухбат эттим неча саҳоба билан.  
Ончунон фақр этиб эди помол,  
Ҳамчунонки хасни босқой мол.  
Рангу рўйи чу заъфарон эрди,  
Камбағаллиқлари аён эрди.  
Онлар эгниға кийғон эрди палос,  
Айлашиб, яъни шолу жулни либос.  
Кўрсангизлар эди аларни агар,  
Яъни Сиз жинни дер эдингизлар.  
Гар алар Сизни кўрсалар ҳозир,  
Яъни жазман дер эрдилар кофир,  
Қилмайин ўзлариға зарра назар,  
Камбағалға иона айладилар.  
Сидқие кўрса, бу эшонларни  
Ушбулар ҳақида налар дер эди.

Ҳозирги эшонлар пайғамбар каби фақирпарвар эмас. Оқча ҳосил бўлур бўлса, охират сафариндан ҳам

---

\* Яъни айдиларки, мен ҳам сизлар киби одам фарзандидан эрурман, ваҳий келмагунча девор орқасидаги нимарсани ҳам билмайдурман.

\*\* Яъни тарафп ақдаси плоҳийдан ваҳий бўлгондан кейин хабар бердиларки тева фалон ерда фалон тарафға қараб дарахт-да ўралиб ётибдур.

\*\*\* Шайх Ҳасан Басрийнинг оноси пайғамбаримизнинг хотунлари ҳам саллаллоҳо разияллоҳо анҳонинг озода карда чўриларидан эрди. Ул хидматға тутунгонда ҳам саллаллоҳо разияллоҳо анҳо Ҳасан Басрийни эмизур эрдилар ва ул ҳам эмар эрди. Шул жиҳатдан фасоҳат энагаси бўлди. «Рух ал-баён»дан таржима.

Яъни ул саҳобан киромлар агар ушбу бидъатчи эшонларни кўрсалар налар дер эрдилар. (Сидқий изоҳлари.)

чекилмас. Шул жиҳатдин халифани расулилломиз деб қилгон даъволари ботил, балки аро йўлда қолгон алил жоҳилдурлар. Эмди ул халифот кўрсунки, расулиллонинг тутмиш маслаки на янглиғдур.

Пирлиқ, найрави расул ўлмоқ,  
Қамбағалларга суд еткурмоқ,  
Бўлмазлармуким расулиллоҳ,  
Бева-бечора ҳолидан огоҳ.  
Озуқи бўлғой эрди бир кунлуқ,  
Сақламас эрди, яъни ондин ошуқ.  
Анбарафшон лабида ушбу дуо  
Сақламас эрди, яъни ондин ошуқ.

Оллоҳума ажъал қувватал Муҳаммадин кафофан.  
Бор худоё, Муҳаммад хонадонининг озуқин бир кунлиқ қил.

Бу эшонларки, қўл олур онлар  
Ҳақ Расул жонишимиз, дерлар.  
Тўплашур симу зарни Қорунча,  
Қамбағал сори боқмағай асло.  
Балки онлардин айлабон нафрат,  
Аҳли дунё билан бўлур улфат.  
Аҳли дунёгадур хушомадгўй,  
Хоҳ саҳрода, хоҳ бўлсун уй.  
Ҳақ Расул маслаки шул янглиғму?  
Ҳақ Расулму эди хушомадгў?!  
Уқусанг сураи абосани сен,  
Ушбу сўзни билур эдинг таъин.  
Ушбу сура нузул\*идин сўнгра  
Ҳақ Расул бўлди қамбағал бирла.  
Йиғдируб ҳар тарафдин ушру закот  
Бева-бечорага берур эди бот.  
Неча\*\* юз беватан киши доим  
Ҳақ Расул олдида эди қоим.

\* Тушмоқ.

\*\* Ва онларни асҳофи суфа дерларки, Мадинаи Расулиллоҳда масжиднинг соясида ўлтурур эрдилар. Гоҳо етмишу саксон адад бўлур эрдилар. Ва улар ҳеч бир нимарсага молик эмас эрдилар. На Расулиллоҳ алар бирла ўлтурурга маъмур эрдилар. Ва борҳо дер эрдиларки, беҳишда мен бирла бўлурсизлар ва жамоан суфия аларга мансубдур. Ҳолбуки бу сўфиларда заррача аларнинг ахлоқидан йўқтур. «Мишкоти шариф»да тар-жума. (Сидқий.)

Кўчадан келса ҳар доим садақа,  
 Ер эдилар. Аларға жон садақа.  
 На аларда бор эди пора либос,  
 Борида бор эди бироз палос.  
 Ёшурур эрдилар базўр аврат,  
 Айлашур эрдилар мунга тоқат.  
 Ҳақ Расул жонишини давронлар  
 Лек ёлғончидур бу эшонлар.  
 Чунки даъвоси бедалил эрур,  
 Балки онлар ажаб алил эрур.  
 Ки дегайлар бизингча, эрди салаф,  
 Айлашур ўзларин салафға ҳалаф.  
 Салаф эрмас эди бу хил ҳошо,  
 Йиғмағон эрдилар алар дунё.  
 Бу эшонларки қўй, йилқисиға  
 Қамбағаллар кўрунса юз ўгулар.  
 Аҳли дунёға ғойибона салом  
 Ҳозир онда онларға мисли ғулом,  
 Ушбу ёлғончиларға бўлма мурид,  
 Узларин олсаларким гарчи саййид.  
 Сидқий онлар билан ҳамиша олиш,  
 Ақлу ҳушунг эса бу ишға чолиш.  
 Маҳкам ўлғил ҳамиша, бўш ўлма,  
 Маслакинг йўлға сол, хомуш ўлма.  
 Чиқар охир сўзунг тарафдори  
 Ерда қолмас бу гавҳаринг, ори.

*Интиҳо*

*1343(1924)*

#### УМИДИ ИТТИФОҚ 65

Эмди бизларға бу кун ғоятда ҳуррият керак!  
 Пок кўнгул, соф дил бирла тузук ният керак.  
 Айламайлук бўридек, тишлашқа дандонларни тез,  
 Шаҳр омонлиқ бўлса шояд, баски амният керак.  
 Бирлашайлук, ишлашайлук бас бўлуб қўлу қанот,  
 Бу фалонидур дебон, деманг салоҳият керак.  
 Барча ислом аҳли бирдурмиз салоҳият аро,  
 Демағаймиз бу замонда: «Бизға зиддият керак».  
 Жон қулоғи бирла тинглангким, ман айларман нидо,  
 Бу нидони оҳким, англарға мардият керак.  
 Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
 Филмасал, жисм ўлса, бирлик, гўйиё жон — иттифоқ!

Муттафиқликда агар билсанг шарофат кўб эрур,  
Худ чочилмоқлик эса—анда касофат кўб эрур.  
Чортоқи шодлиқ ичра яшармиз муттафиқ,  
Муттафиқликда ҳамон эмну саломат кўб эрур.  
Муттафиқлик биз, мусулмонларга бўлғай обрў,  
Яъни анда бизлара ҳифзу сиёнат кўб эрур.  
Емрулур, вайрон ўлур ҳар фирқадур ниттифоқ,  
Иттифоқу ихтилоф ичра ҳалокат кўб эрур.  
Чоҳи зиллат ичра охирда йиқитқай ифтироқ,  
Билсангизлар ушбу шум иш ичра офат кўб эрур.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал жисм ўлса, бирлик гўйинё жон—иттифоқ!

Билмадим недин жаҳонни тутти ғийбат, оҳким,  
Ёрни(нг) ёд этмоқ ўрнига шикоят, оҳким.  
Шунча кездим халқ орасида ва лекин кўрмадим,  
Бир кишида ҳолисона бир садоқат, оҳким.  
Гўшаларда ҳақ учун тоат-ибодат қолмади,  
Бўлса ҳам бўлди риёю беҳаловат, оҳким.  
Кимниким кўрсам тиришқай доим ўз нафъи учун,  
Қилмағай бир бенавоға зарра шафқат, оҳким.  
Муттафиқликнинг ҳумоси кетти, келгач ихтилоф,  
Булбул ўрнин олди буми, пурнаҳусат, оҳким.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал жисм ўлса бирлик, гўйинё жон — иттифоқ!

Бошимизга тушмагон ҳеч бир балолар қолмади,  
Яъни бизлар чекмагон ҳеч бир жафолар қолмади.  
Ҳар бир ишда кўрмадук, асло садоқатдин нишон,  
Ё, жаҳон ичра магар аҳли вафолар қолмади?!  
Ё магар тўлди жаҳон бухлу ҳасаддан сар-басар,  
Ҳақ учун эҳсон этарға ағниёлар қолмади.  
Бас, риё узра қурилди ҳар маҳалда кору бор,  
Оҳ, бу қандай замонким бериёлар қолмади.  
Қаб-қаро бўлди кўнгул тобмай ҳидоятдин нишон,  
Найлайин йўлларга холис раҳнамолар қолмади.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал жисм ўлса бирлик, гўйинё жон—иттифоқ!

Оҳким, миллат ғамида оқти ёшлар шашқатор,  
Қолмасун ҳақ бизни бул кундин баттар кунга дучор.  
Барча кўнгул ичра тўлмишдур. садоқат ўрнига,  
Оташин буғзу адоват бирла юз кину ниқор.  
Барчаға кундин очиқ равшандур аҳволи замон,  
Шул каби кунларда, ўйлангларки, тортишмоқ чи кор?!

Ҳеч бир дил йўқким, онинг муддаоси бўлмаса,  
Лекин бир мажлисда айтолмаским, ул беихтиёр.  
Бир неча аҳли иродат гўшаларда, войким,  
Уйлаб аҳволи замонни (нг) йиғлағайлар зор-зор.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал, жисм ўлса бирлик, гўйиё жон — иттифоқ!

Ҳар не миллат ўлса ўлсун, иттифоқи кетмасун,  
Иттифоқи кетса, омонни йўқолгай бус-бутун.  
Барча аҳли бесарупоу қолғуси сарсон ўлуб,  
Иzzату номуси ер узра отилгай сарнигун.  
Ҳинд шоҳи «Рожанал»ни қиссасини (нг) ёд этинг,  
Ихтилоф эълон бўлуб, воз кечти тахтидин бутун.  
Англингиз Хоразм шоҳиким Муҳаммад шоҳнинг  
Ихтилоф эълон бўлуб, тахтдан отилди вожгун.  
Яъни ҳаддидин ошиб, Чингизга тутди ихтилоф,  
Боши кетти, қолмади бир дона фарзанду хотун.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал, жисм ўлса бирлик, гўйиё жон — иттифоқ!

Халқ бирлан бирлашиб, нусратда бўлди Чингатой,  
Иттифоқ эълон бўлуб, олди жаҳонни Угтой.  
Эмди лозим бизга ҳам, бас иттифоқу иттиҳод,  
Ифтироқ, ўлса мабодо йиғлағаймиз ҳой-ҳой.  
Чочилиб юрсак шу аҳвол ила охир бўлғуси,  
Юз надоматлар билан турфа вой устига вой.  
Тинчимиз кетти дамо-дам англашиб юз хил хабар,  
Не бўлур бизларни хотиржам қилсанг, эй худой.  
Мухталифдур эрталабдан кечгача ҳар ер аро,  
Юрса-турса ҳар кишида, яъни юз хил фикру рой.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал, жисм ўлса, бирлик, гўйиё жон — иттифоқ!

Рост сўз сўзлай десанг, дерларки: «Ҳай-ҳай, очма лаб!»  
Оҳким, ўлдум бу йўлда, яъни таъбиға қараб.  
Ман ҳақиқатни демоқдин чекмағайман зарра бош,  
Ёнмағайман, гарчиким, беҳад оғирдур бу талаб.  
Шоҳиди мақсад тарафдори эрурман ўлгуча,  
Миллати исломнинг доим ривожини тилаб.  
Бир ҳақиқатчи агар, изҳори ҳақ айлар эса,  
Юз тарафдин ман этарлар: «Қолдиму деб, санга габ?»  
Ҳукм сурса ўртамизда гар шу янглиғ ихтилол  
Бас, яқин фурсатда босқай бизни ғам тоғи қулаб.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал, жисм ўлса, бирлик, гўйиё жон — иттифоқ!

Не бўлурким ўртамизда шўйла одат бўлмаса,  
Шўру шарға боис ўлгон бир жиноят бўлмаса.  
Муттафиқлиқ бўлгой эрди, ори, эл ўртасида,  
Гар нифоқу бухл ила буғзу адоват бўлмаса.  
Эл орасида, бале, фикри бузуғ ҳам кўб эрур,  
Бирлашиб ишлар эди, эл ушбу офат бўлмаса.  
Шиква қилманг норасолардин, гар ўлса бадхисол,  
Ҳайласун. ул камбағал, фикри саломат бўлмаса.  
Қўрқаманким ишлар ўлса, гар шу янглиғ беасос,  
Эл аро охир чоғи, шўри қиёмат бўлмаса.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал, жисм ўлса бирлик, гўйиё жон—иттифоқ!

Оқким. бизни бу ҳола солди шул бебошлиқ,  
Эл бўлуб, бир жону тан, ҳеч бўлмади кенгошлиқ.  
Ҳукм сурди тортишиб, ҳар бир замонда бу аниғ —  
Кимки бўлса, сержамоат, яъни кўб қардошлиқ.  
Тоқат этти кўб азиятга неча аҳли салоҳ,  
Кўх чоғлиқ собит ўлди, бас бўлуб бардошлиқ.  
Барча иш яхши бўлур эрди ва лекин аҳлимиз,  
Бир-бири бирлан ҳамоно этмағай йўлдошлиқ.  
Не-да бўлса оқибат, бир кун ўтар бу ихтилол,  
Бас, сўранг ҳақдин, бу йил унсун, кўпайсун ошлиқ.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал, жисм ўлса бирлик, гўйиё жон—иттифоқ!

Бас, зўрайди кунба-кун, эй дўстон, қимматчилик,  
Берди биздек камбағалларға зиён қимматчилик.  
Онинг устиға бало бўлди, бу янглиғ ихтилол,  
Етмағай эрдиму бизға, бу ямон қимматчилик.  
Тезда элнинг бошларидин, бас, кўтарсун ҳақ таол,  
Ҳам тилангиз бўлмасун, эмди замон қимматчилик.  
Кўчаларда кўп азизни зору сарсон айлади,  
Ҳукм сурди элға шўйла қаҳрамон қимматчилик.  
Лек бўлсақ, бир-биримиз бирла бизлар муттафиқ,  
Бас, ўшал дамда бўлур дорул-амон қимматчилик.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал, жисм ўлса бирлик, гўйиё жон—иттифоқ!

Бўлма аҳволи замондин бўйла ҳайрон, Сидқиё,  
Ҳар не бўлса бўлгусидур бўлма гирён, Сидқиё.  
Хоҳлағайсан доимо эл бўлсалар деб иттифоқ,  
Берса шояд бу тилакни санга даврон, Сидқиё.  
Сўзлама, қўй, жимжит ўл, ё гўшалар ичра ёшун,  
Йўқ эса, чекма бу хил беруғ афгон, Сидқиё.

Ҳақ сенинг бу сўзинг (г) а таъсир берсун, йўқ эса,  
Қолса бетаъсир бўлғай, турфа армон, Сидқиё.  
Сан мусофирсан, вале, дин важҳидин ислом эли,  
Сан билан қардош эрур ҳам холис ахвон Сидқиё.  
Бизлара лозимдур эмди, эй мусулмон, иттифоқ!  
Филмасал, жисм ўлса бирлик, гўйиё жон—иттифоқ!

*1336 18-рабиуссоний (1918 1 феврал) ба фармони  
хос Мулла Ҳасан Фулом Ҳасан махдум соҳиб матбаи  
Фуломия. Котиб ва шоири Сирожиддин махдум Сидқий  
Хондайлиқий.*



## ДОСТОН

РУСИЯ ИНҚИЛОБИ\*66

### Сабаби назми инқилоб

Йўқ эрди манинг бу каби хоҳишим,  
Ки йўқ эрди мундоғ иш ила ишим.  
Ғарибу фақир у залилу ҳақир  
Эдим, лек йўқ эрдим усиру далир.  
Эдим ҳаминон касби ойин била,  
Дилим шод эди сабру тамкин била,  
Бу суратда умрум ўтуб неча йил,  
Манго эрди ҳар ёнда сад сабил.  
Ки эски ҳукумат замони аро,  
Йўқ эрди бу хил журъат этмак манго.  
Алар асрида журъат этсам агар,  
Епар эрдилар турмага сарбасар.  
Чурутқой эдилар вужудум бале,  
Узулғой эди тору будум, бале.  
Алар бошига бўлди зулми бало,  
Йиқилдилар ўз қозигон чоҳиго.  
Жафо айлама элга, эй зўрманд,  
Ки ногаҳ фалак айлағай мустамамд.  
Замон макридин бўлма гофил, даме,  
Ки бошинга урғай жафо тошини.  
«Лаҳ-ул-минна кийят-ул офат» бугун,  
Ки етди бу янги ҳукумат бугун.  
Бу журъатга янги ҳукумат сабаб  
Бўлуб, шавқманд айлади, ё ажаб.  
Илоҳи, бу янги ҳукуматни сан,  
Мудом айла ҳамдўш адолат билан.  
Яна қайтадин бизни хор айлама,  
Ул эски балога дучор айлама.  
Ул эски балони чунон маҳв қил,  
Ки ҳибс ичра ўтсун ҳама ою йил.  
Мана боиси назми поким манинг,  
Мана сўзиши дардноким манинг.  
Дедим, назм бўлса бу зўр инқилоб,  
Халойиқ кўзига бўлур бас ажоб.  
Бу ишда бағоят қилиб эҳтимом,

\* Айрим қисқартиришлар билан босилмоқда.

Халаф тарзида қўйдум ўздин бу ном.  
Ки йўқтур жаҳонда сабот, эй ахий,  
Сабот истасанг, бас, уёт, эй ахий.  
Жаҳон мулкига айлама иттико (л),  
Ки қўб сан кабиларни қилди фано.  
Бировни қилур сарв янглиғ баланд,  
Бировга берур дарра бирла газанд.  
Тўла номдору тўла шаҳриёр  
Қаро ерни қаърида тут (д)и қарор.  
Бас, эмди мажолингни борида сан,  
Асар қўй, камолингни борида сан.  
Асар қолса сандин жаҳонда агар,  
Саннинг гўйинё эл тирик деб санар.  
Мана қолди Фирдавсийдан ёдгор,  
Гўзал номи алҳол эрур барқарор.  
Анинг назми бирла шаҳони Ажам,  
Эл оғзида гўё тирик ҳали ҳам.  
Бу сўзлар ҳунарварга маълум эрур,  
Вале шум ҳасадчиға мазмум эрур.  
Илоҳи, ҳасад аҳлин эт поймол,  
Анинг боғи умриға тез раҳна сол.  
Ҳамиша ани хору зор айлагил,  
Балоларға ёраб дучор айлагил.  
Муродиға еткурмай эт мустаманд,  
Бало риштаси бирла эт пойбанд.  
Машаққатни (нг) зиндониға банд қил,  
Фалокат балосиға пайванд қил.  
Ани рашк ўти бирла ҳамдўш қил,  
Мазаллат била, бас, ҳамоғуш қил.  
Анга зарра кўрсатмағил яхшилиқ,  
Ки худ этмади қилча яхши қилиқ.  
Ҳама фазл элидин шикоят тузар,  
Эрур воқеан ул лаин—динбузар.  
Ки дажжолдин ҳам бат (т)ар фитнаси,  
Бузулғой бале неча диллар баса.  
Ҳасадчидин, эй Сидқи (й) дод айлама,  
Алардин умиди мурод айлама.  
Масалдурким, ит ак-ак айласа ҳам,  
Бўлурму фалак узра ой нури кам.

Петроградда воқеалар нечук бошланди ва не равишда  
ўсди

Йигирма учунчи фебрал аро,  
Баногоҳ қўзғолди бу можаро.  
Қиёмат иши анда барпо бўлуб,  
Хужум аҳлидин кўб алоло бўлуб.  
Сигишмай тўлуб кўчау кўй аро,  
Келур ўйлаким халқлар тўй аро.  
Хотун-қиз, қари-ёш ҳо-ҳо билан,  
Алар ҳар бири турли савдо билан.  
Фалак узра юзланди беҳад фиғон,  
Қи, яъни дер эрди ҳама ошу нон.  
Хусусан, тўлуб эл Вибўрғ соридин,  
Фиғон этти золимлар озоридин.  
Бўлуб барча очлиқ балоси била,  
Иши йўқ эди қиз аноси била.  
Ато сориға ўғли боқмай даме,  
Қилиб эрди овора ўз мотами.  
Ниҳоятда жондин тўйуб, танг ўлуб,  
Занфликда мў бирла ҳамранг ўлуб.  
Кўрунмай алар кўзиға жисму жон,  
Ҳама дер эди: Нон! Эй-вой, нон!  
Кўруб беҳад онлар фалакдин жафо,  
Неча қадди нозуклар ўлди дуто.  
Этиб хоки зиллатда кўб нозанин,  
Суманбар пари, гайрати ҳури ийн.  
Қилиб очлиқ нечаларни ҳалок,  
Ер узра йиқти этиб сийна чок.  
Бу кунда халойиққа нон етмайин,  
Эмас нон, бир овучча дон етмайин.  
Чиқиб халқдин «нон»у «нон» деб садо,  
Йўқ эрди мунингдин бўлак можаро.  
Бўлуб беҳад одам гуруҳо гуруҳ,  
Замин бўлди эл зарбасидин сутуҳ.  
Агарчандким, кўҳи тамкин эди,  
Бале нон ҳавосида ғамгин эди.  
Новвойхона олдида кўб ўлтуруб,  
Қилурди фиғон нон дебон қичқуруб.  
Бу кун бу каби бас ўсуб инқилоб,  
Халойиқ ўз уйиға қилди шитоб.  
Алар баъзиси тарқади ўзича  
Ва баъзиси палитсалар сўзича.  
Икинчи кун андин ўсуб инқилоб,

Халойиқ шаҳр сори қилди шитоб.  
Фигондин тўлуб кўчага ҳой-ҳой,  
Баробар эди барча шоҳу гадой.  
Тўлуб шаҳрнинг маркази эл билан,  
Ародин кўтарилди доду фиғон.  
Халойиқ аро қаҳрамон ишчилар,  
Далирона йўл олдилар сарбасар.  
Палитса дамодам чекиб кўб нафир,  
Халойиқ йўли узрига тўкти қир.  
Ҳама гўшаларга қоровул қўюб,  
Ҳама кўчаларга чоповул қўюб.  
Шаҳрни кезиб юрди патрул базе,  
Ки қўзғамасун фитна ҳар бир касе.  
Шаҳр йўлларин қуршаб аскар олиб,  
Ҳама гўшаларни саросар олиб.  
Мунга боқмайин қаҳрамон ишчилар,  
Шаҳарга кириб айладилар мақар.  
Урамларга тарқалдилар ул гуруҳ,  
Бўлуб мавжи дарё каби кўҳ-кўҳ.  
Чу дарё ўшал дам бўлуб мавжизан,  
Зафар бўйи келди алар мавжидан.  
Алар халқ учун айлабон жон фидо,  
Ки яъни бу хил қилдилар можаро.  
Ушал кунда соат ўн икки эди,  
Шаҳр марказин тут (д)и одам базе.  
Ки Азтомински ўрамлар аро  
Ниқўлай воқзоли қаршусида,  
Ун икки минг одам алоло чекиб,  
Қиёмат куни шакли ҳо-ҳо чекиб.  
Йиғилдилар онларга йўқ сону ҳад,  
Киши билмас эрдик қилғай адад.  
Ушал дам аро тўхтади кўнкалар,  
Ки мўру малахдек эди ишчилар.  
Бўлуб анда шўру қиёмат бажо,  
Халойиққа юзланди кўб можаро.  
Хатиблар чиқиб халқ ўртасидан,  
Ажаб нутқлар бошлади шуълазан.  
Бу нутқ ила барча муассир бўлуб,  
Фигон эттилар йиғлашуб, оҳ уруб.  
Қизил байроқ ўлди намоён бу ҳол,  
Палитса кўруб они, бас, бўлди лол.  
Палитса они ояғоли зўр этиб,  
Ололмади ўзни ранжур этиб.  
Зафарлик бўлуб қаҳрамон ишчилар,  
Палитсага байроқни бермадилар.

Сўзин бас — адо қилғоч икки хатиб,  
Учунчи хатиб бошлади сўз туриб.  
Қазоқ аскар ул дамда бўлғоч паид,  
Халойиқ таралди бўлуб ноумид.  
Секин ҳар тараф сори тарқалдилар,  
Баҳона билан уйға йўл олдилар.  
Невский ила кетган эллар билан  
Литейнида кўб эл қўшулди равон.  
Шижоат бўлуб анда фармонраво,  
Ки бўлди алар барча бир тан аро.  
Палитса яна отлиқ аскар билан  
Урам бошини бўғди бориб равон.  
Қилиб қаҳр онларга, «Кетгил!»—деди,  
Қулоқ солмади анга онлар, бале!  
Бу ҳолатда золим палитса равон  
Халойиқни отти-ю, бас, тўкти қон.  
Ҳар отганда кўб кимса мажруҳ ўлуб,  
Кўз очқунча бир неча берух ўлуб.  
Неча кимса бўлди қотиг ерадор,  
Йиқилди ер узра бўлуб хору зор.  
Жафо бори қаддин дуто айлади,  
Фалак бу каби можаро айлади.  
Эрур бу каби кори гардуни дун,  
Гаҳи сарвар айлар, гаҳи сарнигун.  
Гаҳи паст айлар, гаҳи сарбаланд,  
Гаҳи ожиз айлар, гаҳи зўрманд.  
Гаҳи пашшани фила ғолиб қилур,  
Чумолини гаҳ шера ғолиб қилур.  
Ки, алқисса, эл ушбу ҳолат билан,  
Шаҳр Думаси сори бўлди равон.  
У кун Дума жамъияти бор эди,  
Шаҳр бошлиғин эл талаб айлади.  
Ки, яъни чиқиб бизга нутқ айласун,  
Қулоқ солиб анга сунайлуқ бўюн.  
Шаҳр бошлиғи айлаб у сўзни рад,  
Узин уйнда қолди ул муътамад.  
Қазоқ аскар элни жўнатти тамом,  
Алар ҳам жўнади у дам, вассалом.  
Яна халқ ўлубон гуруҳо гуруҳ,  
Қазонски кўчада этти шукуҳ.  
Бу ҳолатда ўн минглаб эл тўпланиб,  
Тўла ихтилол жирлари жирланиб,  
Фалак саҳнасин айлади, бас, батанг,  
Эшитган қулоқ барча бўлди гаранг.  
Қазоқ аскар ул дам аро келдилар

Халойиқни тортқоли сар-басар.  
Ушал дам халойиқ бир оғиз била:  
«Қазоқлар яшасун!»,—деб этти нидо.  
Яна элнинг оғзида «Нон! Нон!»,—дебон,  
Қулоқларға англанди сонсиз фиғон.  
Ҳама эрдилар ожизу нотавон,  
Ки онларға зулм эрди қўб хукмрон.  
Палитсаға ёрдамға аскар келиб,  
Халойиқни бутратти ваҳшат қилиб.  
Афисарлар отмоқ била қўрқутуб,  
Жўнатти халойиқни ҳар ён тутуб.  
Халойиқ таралди бўлуб фард-фард,  
Ки бўлди макони сари раҳнавард.

\* \* \*

Палитса учунчи кун кўб шошиб,  
Зулумона тадбири ҳаддан ошиб,  
Камингоҳлар ичра салдат туруб,  
Шаҳрнинг минориға тўплар қуруб,  
Пулимўтни элни(нг) қирарға қатор,  
Терилди, нечукким турар аждаҳор.  
Қаровул қўюлди ўрамлар аро,  
Ки дафъ айлағай бўлса бир можаро.  
Шаҳр йўллари барчаси бўлди сад,  
Шаҳрға кирарға чибинға на ҳад.  
Олиб ҳалқаваш жандармлар бори,  
Ки ўтқазмади кимсани ул сори.  
Бу кун ҳуррият тоза ойн топиб,  
Ҳама иш гўзал бўлди жойин топиб.  
Ҳама ишчилар иттифоқ айлади,  
Ки хос ўзлариға вакил сайлади.  
Бу ғавгода бўлмоқға бир раҳнамо,  
Гўзал жамъият айладилар бажо.  
Бу фикратда аҳли ҳунар барчаси,  
Ҳама бир тан ўлди магар барчаси.  
Ҳама матбаа ишчиси бир бўлуб,  
Қўшулди саноат элиға келуб.  
Бу кун кеч бўлуб бир неча шов-шув,  
Палитса билан бўлди зўр отушув.  
Неча нозанин анда қурбон ўлуб,  
Йиқилди ер узриға бежон ўлуб.  
Қазонски кўчада қон сув каби  
Равон ўлди. Бош ётти лимў каби.  
Халойиқни тўхтатти салдатлар

Отиб кўкка милтиқларин сарбасар.  
Фалак узра юзланди сонсиз сурон,  
Дер эрдинг, йиқилди магар осмон.  
Бўлуб нечанинг рўзгори қаро,  
Ажал илкида бўлди умри адо.  
Ярадорлар бўлди, баса беҳисоб,  
Йилондек ётар эрдилар печу тоб.  
Бўлуб хоку хун бирла оғушталар,  
Ўлукдин кўтарилди кўб пушталар.  
Саросар халойиққа етти жафо,  
Магар ёғди кўкдин аларга бало.  
Балойиқи йўқтур давоси аннинг,  
Халойиқ бўлуб мубталоси анинг.  
Чидолмай мунга, йиғлаб эл ҳой-ҳой,  
Дер эрдик, раҳм айлағил эй худой.  
Ки, биз—барчамиз ожизу зормиз,  
Бу золимлар илкида кўб хормиз.  
Худоё, бу золимни нобуд қил,  
Жаҳон аҳли чашмига мардуд қил.  
Бу хил йиғлашиб барча эл зор-зор,  
Думага ярадоринг этти қатор.  
Бу дамда келиб бир неча депутат,  
Думалар қаторида тутти сабот.  
«Юрайлик»лабон бола бирлан хотун  
Ўлукларни кўрмоққа келди у кун.  
Алар ичра бўлди чунон ошиғич,  
Ки ул кун азолар била бўлди кеч.  
Чу Азтомински ўрамлар аро  
Фристуф тиг ўқтолди бир ишчиго.  
Тўюб жонидан ишчи ҳам ул замон,  
Маташти фристуф била ногаҳон,  
Тегиб ханжар анга зиён айлади,  
Ҳазин кўнглини турфа қон айлади.  
Қазоқлар бўлуб ишчиға ҳамтараф,  
Фристуфни (нг) умрини этти талаф.  
Ки, яъни фристуфни ўлдурдилар,  
Ўзин ханжарин ўзиға урдилар.  
Бировга ямон бўлма, эй некбахт,  
Ки ҳолингни бир кун қилур турфа сахт.  
Ямонға ямонлиқ савоб ўлғуси,  
Анго яхшилиқ бас азоб ўлғуси.

## Вазирларнинг қамалуви. Прўтапўпўф

Таврически ном ўрда қапусидо  
Улуғлар турар эрдилар доимо.  
Келиб ногаҳон анда бегонае,  
Ўзин онлара қилди эълонae.  
Ки, яъни Прўтапўпўф эрканин  
Деди онлара. Ўлди ҳосил тайин.  
Бу эрса, Николай вазири эди,  
Бутун хуфя ишда дабири эди.  
Тўла ажз ила айлади арзи ҳол,  
Ки қилгон эди хавф ани поймол.  
Деди: Ман тиларман, ватан неқбахт  
Бўлуб яшнасун доимо чун дарахт.  
Шу боис келибман аёғим била,  
Борай қайда бўлса қапоғим била.  
Улуғлар камитетга кирди олиб,  
Прўтапўпўфни қўлидин тутиб.  
Камитетнинг аъзоси они кўруб,  
Улуғларни қичқурди дарҳол туруб.  
Улуғлар министрларинг олдиға  
Олиб келдилар анга этмай жафо.  
Ушал дам Керенски келди равон,  
Прўтапўпўф турди зуд секрибон.  
Деди: Сизға келтурдум эмди паноҳ, —  
Чекиб дамбадам оҳ устиға оҳ.  
Керенски они қамалмоғлигин  
Баён айлади камитет соридин.

## Добровольский

Иигирма еттинчи феброл аро  
Ҳама эскилар тушти бир ҳол аро.  
Чу Доброволски уйидин чиқиб,  
Ўзин элчихонаға олди қочиб.  
Телефўн-ла Радзанкўға бемалол  
Ялинди тавалло айлабон арзи ҳол.  
Ўтунди камитетга бормоғлигин,  
Шериклари бирла қамалмоғлигин.

## Мақореп

Мақорепни келтурди кўб қаҳрамон,  
Думалар ҳузурига бермай зиён.



Ямон ишларин солдилар ёдиға,  
Ғам ортти дил ҳасрати ободига.  
Пушаймон бўлуб анда тебратти бош.  
(Илоҳи у золимнинг оғзиға тош!)

### Сухўмлинеф

Сухўмлинеф келди то ушланиб,  
Ғулу бўлди салдатлар ичра ажиб.  
Алар ичра бўлди тўла шов-шув,  
Ки тўкса, ани (нг) қонини (нг) мисли сув.  
Кириб сўнгра салдатлардин вакил,  
Тилади ани (нг) пағўнин, англагил.  
Сухўмлинеф ўз пағўнин анго  
Узатти юлуб олиб ул дам аро.  
Чу дарё уруб жўш салдатлар,  
У дам анга: «Лаънат!»—деди сарбасар.  
«Қароқчи! Ватанни сотувчи!»—дебон,  
Ҳама қичқиришти қўпориб фиғон.  
Керенски онларни тинч айлади,  
Кўб онларға ваъз-насихат деди.  
Босилди бу сўз бирла салдатлар,  
Жўнашдилар ўз жойиға сарбасар.

### Кеноз Шаховски

Бу эрса тижорат вазири эди,  
Ўз асрини (нг) соҳиб сарири эди.  
Тушуб қўлға Бирланчи март ичра ул,  
Ажаб бўлди мундоғ паришон кўнгул.  
Таврически ўрдаға банд эттилар,  
Бу боис баса мустамад эттилар.

### Подшоҳнинг тахтдан тушуви

Худойимни (нг) фармонидин айланай,  
Ки воз кечти ўз тахтидин Николай.  
Анинг ҳукмида эрдилар Русия  
Яна Фўлша аҳли ва Финландия.  
Бу янглиғ қилур барчаға арзу ҳол,  
Садоқатли элға дебон бу мақол:  
Бу уч йилдаки, сахт душман билан  
Кураш айладук жону тан билан.  
Тушуб эл бошиға оғир ҳодисот,

Кўнгулдин йироқ ўлди сабру сабот.  
Азиз шаҳримиздин чиқиб ихтилол,  
Қўб эл бўлди бу ўртада поймол.  
Суғуш барча кўнгулға солди хатар.  
Бу фикрат билан эл ҳазин бўлдилар,  
Бизинг қаҳрамон ўрдумиз сақлануб.  
Эрур муттафиқлар билан орзу,  
Хусусан, ватан ҳолини (нг) сақламоқ,  
Халойиқни (нг) ҳар бир ишин ҳақламоқ.  
Усал душман-ўқ биз билан беллашур.  
Тану жонлари бирла хўб тирмашур.  
Бизинг қаҳрамон аскар ушбу сабаб,  
Зулоли зафарға эди ташна лаб.  
Адув хайлиға ғолиб ўлмоқ учун  
Ҳама халқ бирлаштилар ушбу кун.  
Урушни куч ила тугалтирғали,  
Ҳама бўлди бир жону тан, эй ахий.  
Суюкли ўз ўғлумдин айрилмоқим...  
Бу ишни ўзумға раво кўрмадим.  
Михаил Александрович—кеноз—  
Бериб тахтим, этдим, анга сарфароз.  
Ани тахт узриға ўлтуртубон,  
Ризолиқ берурман дилу жон илан.  
Бу ўз тугоним, шаҳр ишини (нг) тамом,  
Тузуб жори қилғай тузукрак низом.  
Ватандошлардин бу кунлар аро  
Тиларман: бир ўлсун Думалар била.  
Алар амриға барча сунсун бўюн,  
Ки ўз бурчини (нг) эл адо айласун!

### Янги подшоҳ

Бу сўнгги ҳаводис тақозосича  
Николай бутун тахтдин воз кеча.  
Икинчи Николайнинг ўрниға шоҳ  
Михаил бўлуб элға бўлди паноҳ.  
Билингиз Михаилни, сиз, эй ахи,  
Учунчи Александр ўғли эди.  
Икинчи Николайға тувғон эрур,  
Қу бу тарих ичра туғулғон эрур:  
Ки минггу саккиз юз етмиш секиз  
Эди ва туғулди ўшал ботамиз.  
Йигирма учунчи нўябр эди,  
Ушал кунда номи қўюлди ани.

Иил ўлғонда тўқсон тўқуз чун қуёш,  
Валиаҳд Русияда бўлди фош.  
Ки, яъни Алексей Ниқўлаевич  
Валиаҳд ўлуб, бўлди соҳиб қилнч.  
Михаилни (нг) мулкнй ҳуқуқларини  
Битирдилар ўлса, наким борини.  
Михаил Александрўвич чунон  
Урушда атанди буюк қаҳрамон.  
Ки Қофқозиё сарзамини аро  
Уруш сафида қилди ғайрат бажо.  
Бу боис билан топди кўб имтиёз,  
Адолат элин, ёраб, эт сарфароз.

### Янги Русия—янги ҳаёт

Чу Икинчи Николай императўр,  
Тушуб тахтдин бўлди ожиз чу мўр.  
Бериб тожу тахтини тувғониға,  
Ризо берди, бас Дума фармониға.  
Бу сўзни ҳама элға фош айлади,  
Вале ғам билан кўзни ёш айлади.  
Бу кунлар аро бу янги ҳукмдор,  
Худо хоҳласа, элға яхши боқар.  
Дума кенгаши бирла шаҳр ишлари  
Топиб тартиб, ўлғай асоси қавий.  
Бу янги ҳукумат тутуш маслагин  
Қилур ваъда аз таҳи дил, элға чин.  
Ки, яъни ҳар ишнинг ҳуқуқин адо  
Қилиб, элға берғай ҳуррият яно.  
Чу Учредительний соброннё  
Йиғинида бўлғой ҳама иш бажо.  
Тузулғой халойиқ, аро яхши иш,  
Халойиқ, яшар яхши ёз ила қиш.  
Бутун Русия ичра мундоғ замон  
Бўлур, деб қилурму эдингиз гумон.  
Бу иш мундин аввал қўзулғон эди,  
Вале ул пулонлар бузулғон эди.  
Бу кун Дума ва ишчилар ғайрати  
Магар бўлди мазлумлар роҳати.  
Бутун йиқти Эски ҳукумат борин,  
Денгиз: Думаларға ҳазор офарин!  
Халойиқ учун хонумондин кечиб,  
Деманг хонумон, жисму жондин кечиб,  
Ҳама элни кўнглини шод айлади,

Ки онларға базли мурод айлади.  
Бу иш турфа ҳайрон қолурлиқ бир иш,  
Наким бўш ўлуб, лолу ҳайрон қолиш.  
Бу янги ҳукуматқа ёр айлашинг,  
Аларнинг кучаймоқиға тирмашинг!  
Тараққий йўлинда қилинг жон фидо,  
Ки бўлсун бу кун жумла ҳожат раво!  
Очинг кўзни гафлатдан, эй мусулмон!  
Ки ётманг касолат, атолат билан!  
Имому муаллим, зиёли бори,—  
Керак боқсалар ушбу ишлар сори.  
Ки бўлди ҳуррият замони бу кун,  
Тирилди ҳама жисму жони бу кун.  
Йўқ ўлди аромизда зулму ситам,  
Ситам аҳлининг бўлди илги қалам.  
Яшайлук бу кун касби ойин била,  
Ҳамиша ҳамоғуш ўлуб дин била,  
Мунингдек замонда ҳуқуқ исташинг!  
Ҳуқуқ истамоқға тузук қатнашинг!  
Олинг Ҳуррият хонидин баҳрае,  
Топинг олами дин аро шуҳрае.  
Ясанг жамъият барча бир тан бўлуб,  
Фидокорлиқ ичра пурфан бўлуб.  
Наким бўлса ҳусну таважжухларинг,  
Бу Янги ҳукуматқа бот билдуринг.  
Биза ҳуррият берди тоза ҳаёт,  
Дуо айланг, этсун замонлар сабот.

**Улуғ кеноз Михаил Александрўвич  
тахтни қабул этмади**

Михаил Александрўвич—кеноз—  
Чиқиб тахт уза бўлди, бас, сарфароз.  
Бу янглиғ гўзал арзи ҳол айлади.  
Бу бобатда қўб қилу қол айлади.  
Ки, яъни: «Мунингдек уруш вақтида  
Ағом берди тож ила тахтин манго.  
Ватаннинг яшамоғи ҳар нарсадан  
Манга яхшидур ўйлаким жону тан.  
Бир андишада бўлсам эл бирла ман,  
Идора иши анда бўлғай ҳасан.  
Бу тўғруда келгон вакиллар тамом  
Идора усулиға этқай қиём.  
Муваққат ҳукуматни(нг) фармониға

Бўюн сунсун эл, ҳар на—виждониға.  
Ки Учредительний соброние  
Бу ишлар қарорини (нг) айлар бажо.  
Керенски онларни тинч айлади.  
Кўб онларға ваъз-насихат деди.  
Босилди бу сўз бирла салдатлар,  
Жўнашдилар ўз жойиға сарбасар.  
Ушал кун халойиқни огоҳ этар,  
Ки холис киши сайлабон шоҳ этар»,  
Бу узр ила шаҳликдин этти канор,  
Вакилларға берди бу хил ихтиёр.  
Ҳама мамлакат қору бори тамом,  
Думаларнинг илгида тобқой низом.  
Илоҳи, халойиқни эмди яшат,  
Ҳама зулм занжирларидин бўшат.  
Аларни карам бирла озод қил,  
Ҳазин дилларин лутф ила шод қил.  
Иккинчи, яна эзма бизларни сан,  
Солиб ўртамизға бу хил қўзғолон.  
Дуоларни, ёраб, қабул айлағил,  
Муродотимизни (нг) ҳусул айлағил.  
Аромизға солма яна тафриқа,  
Ки қилғай улусни гадо тафриқа.  
Адоватни эл ўртасидан йўқот,  
Ки бордур адоват бу кун кўб уёт.  
Адоват деган ваҳший ҳайвон иши,  
Наким бўлғуси ул мусулмон иши.  
Адоват қилур барча миллатни йўқ,  
Адоват қилур меҳру шафқатни йўқ.  
Адоват қилур барчани хору зор,  
Адоват қилур элни беэътибор.  
Адоват деган нарса бир шум иш,  
Улуғларни наздида мазмум иш.  
Адоват қилур ҳирсу хўку паланг,  
Адоват қилур одами хирсранг.  
Адоват қилур золими нобакор,  
Адоват қилур жоҳили бевиқор.  
Илоҳо, бу хислатдин эт бизни пок,  
Ки тўлсун адув хайлин оғзиға хок.

### Мақбул қурбонлар

Бутун дунёда ҳурриятчи аро  
Бу сўз бор эрур, англандиз, эй ағо!

Хуррият олинмас ҳеч имкон ила,  
 Магар олса мумкин эрур қон ила.  
 Хуррият олинмади қурбонсизин,  
 Ки тарихларнинг сўзидур чунин.  
 Қачонким хурриятдин ўлса нишон,  
 Билинг, олдилар тўкушуб неча қон.  
 Пуғочўф замонида бу ихтилол  
 Қўзулғон эди, халқ ўлуб поймол.  
 Ки, яъни қўзулғон эди можаро  
 Мингу еттиюз етмиш икки аро.  
 Ушал кунда бўлди тўла тортишув,  
 Тўкулди халойиқни қони чу сув.  
 Тўла эл хуррият учун берди жон,  
 Вале қўлга келмади бу иш равон.  
 Яна сўнгра хуррият эълон ўлуб,  
 Қўб эл бўлди йўқ, оҳ, қурбон ўлуб.  
 Неча минг зарифу неча минг ҳаким  
 Ситам тийгин остида бўлди ду ним.  
 Кесилди, узулди аёғ ила бош,  
 Бу ҳасратда хун бўлди кўзларда ёш.  
 Чуруб кетди зиндонда қўб файласуф,  
 На иш тушмиш онларға, тобмам вуқуф.  
 Бериб жон хуррият таманносида,  
 Адашти неча Сибирь саҳрәсида.  
 Неча мингча доҳий, азиз хонадон,  
 Ватандин кечиб бўлдилар бенишон.  
 Аёқда кишан, қўлда занжир ҳам  
 Етушти аларға ситам дамбадам.  
 Бу йўлда неча минг азиз қаҳрамон  
 Жафо тириға кўксин этти нишон.  
 Этиб ер юзин қон билан лозазор,  
 Бу хил гулистон эттилар ошкор.  
 Бале, хуррият муддаосида, бас,  
 Сўюлди, отилди, аниғ, неча кас.  
 Бу жонлар, бу қонлар худо наздида  
 Қабул ўлмайн келди бу дамғача.  
 Хуррият йўлинда қурулғон пулон  
 Ҳама йўмурулуб бўлди, бас, бенишон,  
 Хуррият элин отмоқ, осмоқ билан  
 Давом этти зулм аҳли, эй нуктадон.  
 Бутун Русия давлатида мудом  
 Тўкулди тўла қон, ўлуб хосу ом.  
 Хуррият тилаб ҳеч зарар кўрмағон  
 Шаҳр бўлса, ул эрди Туркистон.  
 Баногоҳ Эски ҳукумат шаҳи

Буён золимона жафо айлади.  
 Ки фармони оли (й) син эълон этиб,  
 Халойиқни хор этти сарсон этиб.  
 Этиб зулм ислом элин жониға,  
 Қўшулди ҳурриятчилар сониға.  
 У золимни фармони нохости  
 Нечаларни дор узриға ости.  
 Бу ерда у золимнинг амри билан  
 Қирилди, отилди неча мусулмон.  
 Ҳукуматқа қаршу турурлар дебон,  
 Кўз очқунча, бас, қилди бежисму жон.  
 Босиб зўр ила мулку молин олиб,  
 Узин оқчасидек ёниға солиб.  
 На фармонда бор мардикорға адад,  
 На одамни ҳозирламоқлиққа ҳад.  
 На бор эрди фармон аро муҳлати,  
 На бор эрди анда ҳақи, хидмати.  
 «Фрунт орқасида фақат ўр қазур»,—  
 Дебон олди хидматчини зўр базўр.  
 У золимни (нг) фармонида ушбу сўз  
 Бор эрди. Ани англа, эй дилфирўз.  
 «Раийятларим ўн тўқуз ёшидан  
 Ки қирқ учғача мардикор оламан!»  
 Бу фармон ила соддадил халқни (нг)  
 Ажаб қилди афтодадил халқни (нг).  
 Ҳама бўлди мотам билан ҳаминон,  
 Ёш ўрниға кўзлар аро оқти қон.  
 Бу сўз солди ҳаяжонға инсонни ҳам  
 Бир инсон деманг, балки ҳайвонни ҳам.  
 Бу сўз эли қаршу турурға чунон  
 Жасоратлик этти, қилиб қаҳрамон.  
 Бу ишлар бўлуши табийй эди,  
 Ки худ жабр эди амри олий баса.  
 Муни ўйламай ёзди эълон этиб,  
 Халойиқни кўнглин паришон этиб.  
 Буни англаб эл қолди мотам аро,  
 Ки, яъни улуғу кичик ғам аро.  
 На ёз кунлари айладилар бир иш,  
 Бале ўтти ул ёздек ушбу қиш.  
 Тириклик иши қолди бир ён сари,  
 Ки ёғди бало жисм ила жон сари.  
 Мусибат бўлуб барчаға ҳукмрон,  
 Халойиқни кўнглида тузди пулон.  
 Ҳақиқатни билмоқ учун маҳкама  
 Борур бўлса ким, солдилар турмаға.

Гунаҳсиз мусулмонни ўқға тутуб,  
Қиришлиққа бошладилар тўп-тўп.  
Қи, алқисса, бу ерни золимлари  
Чумоли каби элни хор айлади.  
Ўн олтинчи йил июль оyi аро  
Мусулмонни қирмоқға турди яно.  
Бу қиргинда Қолкин, Қалисникўф  
Халойиқни Тошқанда эзди сиқуб.  
Мачалўф деган лаънати бор эди.  
Ани кўрса Шош аҳли титрар эди.  
Чу шаддод эрди. Анга қору бор  
Ситампешау золиму нобакор.  
Эди қувват ичра тўнғуздин қавий,  
Эшакнинг думидин батар мўйлаби.  
Чунон забт қилғон эди Шош элин,  
(Йўтал) моқға ҳам кўрқар эрди секин.  
Мабодо бешиқда бола йиғласа,  
Босилғай эди: «Ол Мачалўф!»—деса.  
Ани дастидин йиғлаб эл зор-зор,  
Дуоға қўл очти чу барги чинор.  
На уйда, на ўйда, на йўллар аро  
Қўяр эрди ул бахти бад, рў сиё.  
Қопиб кўб қутурғон кучукдин бат(т)ар,  
Баногоҳ йўқ бўлди, кетти бадар.  
Жиз(з) аҳда на қилди Иванўф лаъин,  
Тутуб тўпқа айлади вайрон замин.  
Босиб неча қизларни салдатлар,  
Алар пардаи исматин йирттилар.  
Дариғоки, маъсума қизларни кўб,  
Босиб янчибон, булғади тўб-тўб.  
Ато қизға боқмай ўзин қутқариб,  
Аносининг ортида қиз ахтариб.  
На қолди бешиқ ичра ёш баччалар,  
Иморат босиб бўлди зеру забар.  
Совурди Жиз(з) ахни кулин кўк сари,  
Қабоб ўлди ул ўтда ёшу қари.  
Талаб олдилар беадад мулку мол,  
Бу ғоратда эл бўлдилар поймол.  
Семиречески облўстида, билмадим,  
Жафо айлади қирғиз аҳлиға ким.  
Тутуб нечани остилар дорға,  
Бўғуб нечани сўйди бекорға.  
Алар бошиға турфа ўрду ясаб,  
Дариғо, бу золимлар этти хароб.  
На яхши иморатға ўт урдилар,



Қаро ерға яксон этиб сарбасар.  
Хусусан, ўшал ерда савдо элин  
Отиб, ўлдуруб, айлади гўрнишин.  
Бу ҳайвонларинг зулмини умрлар  
Туганмас деган бирла шому саҳар.  
Бўлуб зулм бирлан қавий, қаҳрамон  
Намакхўрдаға хидмат этти чунон.  
На уйларда қолди хотун бирла қиз,  
Аларға ҳазорон сойилди бигиз.  
Упоқлар била чолу кампирлар  
Отилди, чопилди ҳама сарбасар.  
Бу ҳолатда жўш урди ҳақ раҳмати,  
Ки Янги ҳукумат йўқ этти ани.  
Алар бироз иш олдини (нг) тўстилар,  
Йўқ эрса, қилур эрди онлар налар.  
Ғазаб оти узра миниб ончунон  
Ичар эрдилар худ сув ўрниға қон.  
Мусулмон элин гўштин айлаб кабоб,  
Егай эрди мумкин эса хўб талаб.  
Халойиқни қатлини вирди забон  
Қилур эрдилар захм уруб чун чаён.  
Агарда яна ўтса эрди бир ой,  
Бўлурди ҳама элни ҳолиға вой.  
Ки қолмас эди шаҳру қишлоқлар,  
Борин ёндурур эрдилар сарбасар.  
Бу ерлар бўлур эрди вайроназор,  
На қишлоқ қолур эрди, на бу диёр.  
Ки, алқисса, Туркиястон аҳли барин  
Эзиб чил-чил этгай эди сўнгагин.  
Ҳурриятни йўлида биз, мусулмон,  
Ададсиз фидо айладук жисму жон.  
Ҳуррият учун бизни қурбонимиз,  
Ки берган ўшал кундаги қонимиз.  
Бўлак миллат аҳлин фидокоридан,  
Ҳамоно ошуқча эрур бесухан.  
Худо даргоҳида бу қурбон ҳама  
Ки мақбул бўлмишдур, эй жон, ҳама.  
Шаҳид қони ерни (нг) қилиб лозазор,  
Кўнгулларни қилгон эди доғдор.  
Кесилгон, осилгон, ҳама тоза қон,  
Эди ер юзидан ҳануз кетмагон.  
Ситамдийда ёши қурумай ҳануз,  
Худо берди бизларға мундоғча рўз.  
Ки зулм аҳли бўлди балоға дучор,  
Балоёки, йўқтур давоси дубор.

Алар шоҳи бирлан қоровулларин  
Худо ер билан яксон этти чунин.  
Минаҳи жўвдати\* мақбул қурбонимиз,  
Ки зулм аҳлини (нг) қўймади қонимиз.  
Хурриятни олдук бу бонс билан  
Ки сонсиз фидо айладук жисму жон.

### Распутин ила махлуъ подшоҳ хоними...

Бор эрди Тобольскида бир мужик,  
Тўнгуздин улуғроқ, эшакдин кичик.  
Эди номи нопок анга Распутин,  
Айтай яхшироқ, англағил қиссасин.  
На илму на касбу синоат анго,  
Синоат эди катта олат анго.  
Ки зўр эркан ул қадду қомат аро,  
Деганча бор эркан маҳобат аро.  
Надин билмадим ўрда хонимлари  
Кўнгул бердилар Распутинга бари.  
Эди ўрдада Распутин ҳукмрон,  
Ки, яъни хотушлар аро ул қобон.  
Чу бошланмағонда бу зўр инқилоб,  
Кеноздин бири қилди отиб хароб.  
Бўғуб чифтаға отги дарё сари  
Вижудидин ўлди бу олам бари.  
Келиб Распутин жойин ахтардилар,  
Неча суврат ва хат топиб олдилар.  
Топилди у хатлар билан, эй ахи,  
Икинчи Николай хотунин хати.  
Хотун ёзғон эркон ўзин номидан,  
Экан они мазмуни—дандоншикан.  
Ки ул Распутинга эди меҳрибон,  
Ики тан вале эрди бир жисму жон.  
Қилиб Распутин иззатини (нг) бажо,  
Бериб эрди хотун қаровул анго.  
Қаровул фақат Распутинни (нг) мудом,  
Уй атрофида пойлаб этгай қиём.  
Эди хатни (нг) мазмуни хурсандлиқ,  
Хотун кўрсатиб эрди дилбандлиқ.  
Ки хат ичра дебдурки, «Эй, Распутин!  
Манга энг биринчи керак нарса—сен!  
Менинг жисму жоним хаёлингдодур,

\* Тўқилган қонларнинг муносиблигидан.

Ҳаёлим ҳамеша висолингдадур.  
Упарман сени борибон зудроқ,  
Ушал дамда хандон ўлуб манга боқ!»  
Яна бир хатин мазмуни, эй ҳаёт,  
Айтиб бўлмагай, беҳад эрмиш уёт.  
Газитларда руслар ёзарлар чунон:  
«Газитга ёзиб бўлмас они»,—дебон.  
Охир чоғда, бадбахт ул, Распутин,  
Аямаб экан шаҳни (нг) ҳам қизларин.  
Хотун бирла тобса ҳар иш эҳтимом,  
Ҳамоно ул иш бўлғуси нотамом.  
Шаҳ авлоди бирла мужик ҳаминон  
Бўлур бўлса, бўлғай бу қандоғ замон?  
Хотунга керак, воқеан, ...\* сахт,  
Аларга чикора эрди тожу тахт.  
Аларни бу иш айлади хору зор,  
Ки эл қошида бўлдилар шармсор.  
Киши ўтса ўз ҳаддидан бир қадам,  
Йиқилса юзи бирла ерға не ғам?!

#### Дин душмани—мисйўнерлар фирқасининг аҳволи бадомоли

Замонлар эди. Бир ўрус ҳар бир он  
Газит бирла элға эди ҳукмрон.\*\*  
Газитга ёзиб турли ялғон-яшиқ,  
Хиёнат қилиб элға ҳаддин ошиқ.  
Эди фикрати элни бад эътиқод,  
Қилиб солғай онлар аро кўб фасод.  
Бу янглиғ қилиб доимо кору бор,  
Фасодин неча айлади ошкор.  
Босиб неча турки рисола мудом,  
Пул олмай таратти жаҳонға тамом.  
Бу қасд илаки, эл бузулсун ҳама,  
Ки дин риштасидан узулсун ҳама.  
Алар оқибат бўлса заъф эътиқод,  
Бўлур анда бозори дини касод.  
Ўзум кўрдум ики китобин, тамом,  
Қилиб эҳтиёт, айлабон эҳтимом.  
Биз эл ҳолиға кўб қилиб ифтиро,

\* Уят сўз.

\*\* Н. П. Остроумов (1846—1930) кўзда тутилади. У 1883—1917 йилларда «Туркистон вилоятининг газетаси»да муҳаррирлик қилган эди.

Рисола аро сўз қилибдур тўло.  
 Тушунгой эшитса, ани оми ҳам,  
 Анга лаънат айтгай, сўкуб дам-бадам.  
 Сўзи бас, ўр(г)умчакни торича суст,  
 Ки, яъни саросар эрур нодуруст.  
 Эди ишлари макру найранггу рев,  
 Халойиқни алдар эди мисли дев.  
 Халойиқ ҳам алданмади макриға,  
 Қулоқ солмади бу каби фикриға.  
 Худо қилса элни ҳидоят мудом,  
 Залолат сари қайда қилгай хиром?!  
 У муфсид бузуб бу каби нийятин,  
 Тилар эрди, биздин завол тобса дин.  
 Худо хор этар, динни хор этса ким.  
 Ки, яъни бу хил ихтиёр этса ким.  
 Шарият дарахти эрур кўб баланд,  
 Ҳамоно адувлар сололмас каманд.  
 Ҳар улким, гар урса анго теша,  
 Кесолмас бале заррача реша.  
 Ва лекин у бадбахт этиб ижтиҳод,  
 Солур бўлса кам-кам эл ичра фасод,  
 Паёнай урар бўлса гарданға чанг,  
 Баногоҳ қилур эрди кори паланг.  
 Тўкулгай эди неча хун бедариг,  
 Қолур эрди бир неча бош зери тийг.  
 Лаҳул миннаҳ, они пулони хароб  
 Бўлуб, оқибат чекти кўб изтироб.  
 Ҳарар ҳарнаким, сочса деҳқон ани.  
 Қулоқ солибон, англа, эй жон, ани.  
 Бу сўзлар хирад аҳлиға ошкор,  
 Баҳо бобида чун дурри обдор.  
 Ул эрди бузуқ, қасд ила шодмон,  
 Ки бўлди бу Янги ҳукумат аён.  
 Ҳама иш хиёнат аҳлидан тамом  
 Олинди. Тузулди гўзал бир низом.  
 Ки ўз аҳлимиздин амалдорлар  
 Бўлуб, яхши бўлди ҳама корлар.  
 Мусулмон бори бўлдилар шодмон,  
 Ки кирди тани мурдаға тоза жон.  
 Шарият иши жумла жорий бўлуб,  
 Наким бўлса, ул ихтиёрий бўлуб,  
 Тутулди, қамалди тамоми ямон,  
 Ки қолмади Астрамуф ҳам амон.  
 Кўрунди, мана не етти бошиға,  
 Дучор ўлди бадкори подошиға.

Ямонлар, илоҳи қамалсун мудом,  
Будур эл тилидан дуо—вассалом!

### Тафриқалар кўтарилуви

Бу Янги ҳукуматни таъсиридан,  
Эл осуда бўлди, тузуб анжуман.  
Бу неъматқа шукр айлагонмиз бажо.  
Тил ила, дил ила туну кун аро.  
Ки битди эл ўртасидан тафриқа,  
Эди бир балоу фитан, тафриқа.  
Бу Янги ҳукуматнинг амри била  
Ҳуқуқ ичра бўлди ҳама дин бажо.  
Ки ҳар динда бўлса на хил эътиқод,  
Ўз ахлига айласун они кўшод.  
Пўқ ўлди аромизда бузғунчулуқ,  
Нифоқу шикоку жафо—барча йўқ.  
Ки эрди буларға сабаб, неча тан  
Таратқай эди эл аро макру фан.  
Ул Эски ҳукуматни моҳонаси  
Аларнинг эди фахри шоҳонаси.  
Бўлуб гарра элни (нг) бузарға шитоб,  
Қилур эрдилар, бас, бўлуб печу тоб.  
Буларнинг пулони ҳама йўмурулуб,  
Епушти қаро ерға яксон ўлуб.  
Хусусан, баҳои деган тоифа,  
Эрур, яъни бобий деган тоифа.  
Халойиқни оздурғали диндан,  
Алар ичра бас солдилар қўзғалан...

### Хоин, золим, қароқчи эски амалдорлардин фарёд ва тазаллум

Десак эмди лойиқ эрур додлар,  
Ки йўқ бўлдилар эски жаллодлар.  
Билурсизки, бизға налар қилдилар,  
Кўб элни алар дарбадар қилдилар.  
Маҳал етти бизлар (ға) дод этқали,  
Ки, яъни умиди мурод этқали.  
Не арз айлар эрсак, солурлар қулоқ,  
Ки йўқ эскилардек алар бонифоқ.  
Хиёнат балосини йўқ қилдилар,  
Адолат навосин тузуб сарбасар.  
Ул Эски ҳукуматни зулми тамом,  
Пўқ ўлди улус бошидан, вассалом.

Качон бергай эрди биза эрку зўр,  
 Эзиб бизни қилғон эди ҳамчу мўр.  
 Аёғ остида айлади поймол,  
 Нечукким ётар мол тагида похол.  
 Эзиб зулм ила барча бечорани,  
 Жудо қилди неча жигар порани.  
 Узар эрди онлар бўридан батар,  
 Қўлиға ...\* тушса ҳам сарбасар.  
 .....\*\*қашимоқға эл эрди зор,  
 Гумон айлар эрдик, ул пул берор.  
 Халойиқда эрди бу хил таглиқ,  
 Заифлиқда мў бирла ҳамранглиқ.  
 Беш-ўн сўм берур бўлсангиз, норизо  
 Бўлуб ишни қилмас эдилар бажо.  
 Фристуфу мингбоши-ю оқсоқол  
 Бариди бор эрди ушбу хисол.  
 Халойиқ пулин беҳад олди алар,  
 Чу шаддод ўйларни солди алар.  
 Бу хил зулм бирлан кўпайтурди мол,  
 Худоё, сан онларни қил поймол.  
 Куюб битсун онларни ҳам хонаси,  
 Алардин куюб битди эл хонаси!  
 Бизинг бирла бўлсун баробар алар,  
 Эшикларда бўлсун гадолар алар!  
 Мана, бу сўзимға айтай бир мисол,  
 Эшит сомеъ, хўб қулоғингни сол.  
 Керак бўлди ногоҳ манга белат,  
 Қилиб азм маҳкамаға сурдум от.  
 Бориб маҳкама ичра кирдим равон,  
 Гувоҳнома илгимда эрди ул он.  
 Қўлимдан олиб анда, хунхорлар,  
 Ки, яъни гуруҳи дилозорлар.  
 Уқуб хатни мазмунини (нг) сарбасар,  
 Бошин тебратиб манга қилди назар.  
 Муни ёзғоли бизға бир сўм беринг,  
 Белат йўқ бугун, боринг, эрта келинг!  
 Ёнимдин олиб бир сўм анга ул он,  
 Бериб илгиға зуд бўлдум равон.  
 Анинг ваъдаси етти тонгла бўлуб,  
 Анингчун дилим шоду шайдо бўлуб,  
 Яна маҳкама сори бўлдум равон,  
 Аёқим қўлимда бўлуб шодмон.

\* Уят сўз.

\*\* Уят сўз.

Манга бўлди ул кунда жо маҳкама,  
 Деманг жоки, бошға бало маҳкама.  
 Тилаб тобмадим бир сўм олгонни ман,  
 Муродимни сўрдум яна ўзгадан.  
 Сўради бу ҳам хидмат этмоқға пул,  
 Белат олиб бермоқға берди кўнгул.  
 Ман ул кун ани макрига алданиб,  
 Бериб пул, вале олдим они таниб.  
 Яна тонгла бўлди-ю, чиқти қуёш,  
 Жаҳонтоб нуруни (нг) у этти фош.  
 Бориб маҳкама ичра тутдум ўрун,  
 Ани ахтариб тобмадим ушбу кун.  
 Яна бирлари мандин этти савол,—  
 «Эрурсиз надин бу каби хастаҳол?»  
 Ман айтдим: «Керак эрди манга белат  
 Олиб берсангиз яхши бўлғайди бот».  
 Бу сўздин қопоғин солди чунон,  
 Ёиқилди, дедим бошиға осмон.  
 Қашиб гарданин фикрат этти баса,  
 Югуртуб хирад кўрди пешу паса.  
 Замоне қолиб ушбу ҳолат аро,  
 Сақолин тутуб қилди сўз ибтидо.  
 Ки айди: «Бу ишлар — жуда оғир иш,  
 Хусусан, қийин эмди белат олиш».  
 Бўлуб ноилж оқча бердим анга,  
 Ки эрдим паришон белат ҳажрида.  
 Бугун бирла тўртунчи кун ўтти бас,  
 Ушал кун ул ўлди манга «дадрас».  
 Бу ҳам пул олиб тонгла келғил деди,  
 Дариғо пулим олди, ...\* дек еди.  
 Манго қилмагай ушбу пуллар алам,  
 Ва лекин алам қилгой андоғ ситам.  
 Ки эрди белат ўзи пулсиз текин,  
 Чиқорди пул олмоқни қайси лаъин.  
 Чиқорди магар маҳкама итлари,  
 Деманг итки маҳкама чурчитлари.  
 Яна тонгла бўлди, ёришти тонг,  
 Бу кун на ситам етгай манга қаранг.  
 Бугун ул сори айладим азми роҳ,  
 Кўнгуллар паришону ҳолат табоҳ.  
 Бориб айладим белат андин талаб,  
 Дуруштлуқ манга айлади, ё ажаб.  
 Келиб пайрав эттим дилини кушод,

\* Уят сўз.

Илоҳи алар тобмасунлар мурод.  
Олиб борди бир рус мирзо сори,  
Ки эркан анинг жойи кўб юқорн.  
Тушундурди анга манинг ҳолатим,  
Ки, яъни ҳануз тегмаған белатим.  
Қошин чекти ул рус ўшал дам аро,  
Дедим, анга бўлди жаҳон қобқаро.  
Деди анго: «Ул оқча берсун манго,  
Қилай то ани хидматини (нг) бажо».  
Ўшал дамда беҳад бўлуб ноилож,  
Олиб оқча анга узаттим қулоч.  
Бўлуб шоду шодона ул дамда бот,  
Езиб сунди илгимға янги белат.  
Мана, зулм аҳлин энг кичик ишлари,  
Эрур доимо бўйла қилмишлари.  
Бу иш зулмму ё адолатмудур?!  
Ва ё ўғрилиқ, ё хиёнатмудур?!  
Бу ишларни денгиз: Хиёнат, бале!  
Ўғурлуқта бордур жасорат, бале!  
Ўғурлуқ қилурлар далероналар.  
Бу йўлда бериб жонни мардоналар.  
Вале пора олмоқ хуноса иши,  
Хуноса деманг, балки расво иши.  
Хуноса ҳам айлар ўзи касбу кор,  
Бировларға ҳеч бўлмас умидвор.  
Неча халқ бу йўлда бўлди адо,  
Ки еб онлар, этти ани чун гадо.  
Дейин яна бир мингбоши қиссасин,  
Ки англаб эдим они қилғон ишин:  
Биров келди ва арзи ҳол айлади,  
Бериб пора, онинг тилин бойлади.  
Биров бирла ер қилғон эрди талаш,  
Бу розини ул дам анга этти фош.  
Олиб порани анда ул мингбоши,  
Ҳазаб бирла ёнди ичи ва тоши.  
Деди: «Қайда кетти ўшал баччағар?  
Бировни ерин олғали қўл чўзар?»  
У бечорани танги ҳол айлади,  
Чумолн каби поймол айлади.  
Уёлтирди беҳад ҳақорат била,  
Дилин гўйиё бузди ғорат била.  
Неча ҳайбат этти у бечораға,  
Ситам тийғи бирла жигарпораға.  
Шариат эгаси бўлуб ўзича,  
Неча сўз деди халқнинг кўзича.



Бу иш эрди худ қозининг ишлари,  
 Раводурму ё ани қилмишлари?!  
 Қочиб шаръидин неча минг тошлар,  
 Ҳукм қилди, оҳ-ей, қариндошлар.  
 Мана бир арақхўрни қилмишлари,  
 Мана эски золим элим ишлари.  
 У мингбоши қилди бу янглиғ ҳукум,  
 Бу янглиғ ҳукумга муносиб.....\*  
 Яна англа ..... хор,\*\*  
 Агар мумкин ўлса тамуғни ютар.  
 Тамуғ йўқ ютар гарчи... \*\*\* бўлса ҳам,  
 Агарчи қурсоқи тўқ бўлса ҳам,  
 Демасларки, йўқтур анга эмди жой,  
 Дегайларки, оре, берибдур худой.  
 Неча қозини омии нобакор  
 Шариатни шаънига келтурди ор.  
 Ўзидек махов-фес муфти билан,  
 Шариатни ҳукмини қилди ниҳон.  
 Ситамдийдага ул ..... \*\*\*\*  
 Билурсиз нечук зулмлар айлади.  
 Чунончи, ман айтай анга бир мисол,  
 Эшит сомеъ, хўб қулоғинингни сол.  
 Ки бир оми қозининг айбин тамом  
 Ёзиб айладим шуҳраи хосу ом.  
 Бале, ҳақ сўз айтган эдим сарбасар,  
 Ул аҳмаққа қилди бу сўзлар асар.  
 Ҳама ерда ҳақ сўз кўрунғай ачиғ,  
 Ачиғ сўз ҳамоно тегар, бас қатиғ.  
 Бу сўздин мани кўб гунаҳкор этиб,  
 ..... \*\*\*\*\* дин мададкор этиб.  
 Мани гоҳ қасд этти ўлдурғали,  
 Гаҳи турмага ҳукм этиб сурғали.  
 Охир чоғда, бас, қолдилар гўнг ебон,  
 Этиб бу ситам, айламайму фиғон?!  
 Демангиз, бу сўз барча ялғон эрур,  
 Алар ҳаққиға ёки бўҳтон эрур.  
 Бу сўз ялғон эрса қасамёд этай,  
 Қасам бирла номимни барбод этай.  
 Агар ялғон айтсам, маломат қилинг,  
 Бошим узра шўру қиёмат қилинг.  
 Замон етти-ю, шарҳи ҳол айладим,  
 Ки ман, яъни рафъи малол айладим.

\* Уят сўз

\*\* , \*\*\* , \*\*\*\* , \*\*\*\*\* Бўялган.

Алар, бас, шариатни хор айлади,  
 Олиб пора, пул бешумор айлади.  
 Расул эдилар қозни беамал,  
 Қиёматда заҳмат чекар ул дағал.  
 Ки, яъни жаҳаннамда бир води бор,  
 Тегирмон бор анда, ҳама тоши-нор.  
 Алар бошлари анда бил, донавор  
 Уқубат русуми била тортилар.  
 Бу хил қозини шиква этмоқ савоб,  
 Худоё алар ҳолин этгил хароб.  
 Эшик узра итларча сақлаб вакил,  
 Бир эрди алар бирла, бас, ою йил.  
 Бу ўғрилар эрди .....\*,  
 Ки дидин эдилар алар беҳабар.  
 Шариатни кўб хору зор айлади,  
 Кўб одамни қақшатди, хор айлади.  
 Бироз иш эса судратиб ўн бир ой,  
 Неча камбағалларни қилди гадой.  
 На қолди алар дастидан хонумон,  
 Кўб эл этти молдин кечиб тарки жон.  
 Манинг бу сўзум зарра ялғонмудур?  
 Алар ҳаққиға ёки бўҳтонмудур?  
 Агар ялғон ўлса, денгиз ошкор,  
 Қилиб тавба айлай бу ишқа дубор!  
 Агар рост бўлса, бўлунгиз гувоҳ,  
 Алар рўзгорини (иғ) айлай табоҳ!  
 Алар барчаси киссабур, ўғрилар,  
 Ки йўқ .....\*\*  
 Қаю кимса ҳаққоният сўзласа,  
 Ва ё холис одам ишини кўзласа,  
 Пўқ эрди ўрун анга дарбор аро.  
 Қолур эрди ул ранжи бисёр аро.  
 Қувар эрдилар ани минг тошча,  
 Инқар эрдилар ер уза бошча.  
 Қўяр эрдилар «муттаҳам» деб лақаб,  
 Эди ўзлари муттаҳам, ё ажаб.  
 Қилур эрдилар барча ялғонни рост,  
 Қасамёд этиб барча бўҳтонни рост.  
 Эшикда неча муттаҳамдин амин,  
 Сотар эрди бир пулға дунёу дин.  
 Ичар эрди бир пулға ўн қоф қасам,  
 Лақабда «махов», ном аро «муттаҳам».

\* Бўялган.

\*\* Бўялган.

. . . . . \* ўзи йўқ эди,  
 Вакиллар, бале, дин сотиб тўқ эди.  
 Қилиб ҳийлау макру найранглар,  
 Кўб эл ҳолатин айлади танглар.  
 Ҳаром пул йиғиб, бас, кўпайтурди мол,  
 Сўкуб, силтаб, элни қилиб поймол.  
 Халойиқ на қилсунки бечорадур,  
 На ҳукм этса, ул қозиға борадур.  
 Сўзин сўрмайин ҳеч адолат била,  
 Дили шод эди кўб хиёнат била.  
 Неча ростгўйларни қилди адоқ,  
 Қасамхўрни сўзиға тутти қулоқ.  
 Алар зулмидин неча бехонумон,  
 Бўлуб оқти ёш ўрниға кўзда қон.  
 Деманг қон ани, балки лахта жигар,  
 Ки заҳмат билан кўздин ўлди бадар.  
 Эзилди, йўқ ўлди неча камбағал,  
 Ушал мустабидлар, бас, этти ўсал.  
 Босиб-янчиб этти кўб одамни лол,  
 Илоҳи аларни (нг) ҳам эт поймол.  
 Масалдур: «Ямон тухмдан яхши бор  
 Ҳамоно кўкармас»,—бу сўз ошкор.  
 . . . . . \*\* қилмиши.  
 Бўлурму бу янглиғ шарият иши.  
 Бошим кетса ҳам рост сўз сўзладим,  
 Шариат паноҳим дсбон кўзладим.  
 Кўзум бирла кўрдум неча ботамиз,  
 Бу золимлар илгида бўлди эсиз.  
 Ҳақ иши бўлса, албатта, ёшурдилар,  
 Кими пора бермишдур ошурдилар.  
 Бировнинг сўзи ҳақ, ўзи камбағал,  
 Тефиб кетиға айладилар ўсал.  
 У бечора беҳад бўлуб сўхта,  
 Кетар эрди, бас, хотир афрўхта.  
 Бу золим элин зулминин (нг) субҳу шом,  
 Тилим минг бўлуб айтсам, ўлмас тамом.  
 Деди бўйла фирдавсний покзод,  
 Муборак табору муборак ниҳод.  
 Ки ёраб, равонаш, баоташ басўз,  
 Дилибандан мустаҳиқ бар фуруз...  
 Ки бечорагонро чунин хор кард,

\* Бўялган.  
 \*\* Бўялган.

Ба дунёйи дун шаръиро хор кард\*  
 Тўнғуздек тўнғуз . . . . .\*\*  
 Биз, ожизлара кўб жафо эттилар.  
 Эканмиз ҳама, воқеан филча, —  
 Алар зулмини (нг) кўрмадук қилча.  
 Етиб эски золимдин онларға ёр,  
 Бу хил айлади бизни кўб хору зор.  
 Алар зулми биздин ўтуб кетти ҳам,  
 Алар бўлмади зулм ила муҳтарам.  
 Алардин шикоят қилай тобакай?!  
 Кууб, бас, ҳикоят қилай тобакай?!  
 Аларнинг жазосини берсун худой,  
 Ки, яъни эшикларда бўлсун гадой.  
 Алар кўчаларда гадо бўлса, хўб,  
 Кезиб дарбадарлар адо бўлса хўб.  
 На мулло, на донони кўйди алар,  
 Забонидин сойиб ҳар неча ништар.  
 Кўнгулларни, бас, ёрадор эттилар,  
 Шақилиқларин ошкор эттилар.  
 Лаҳул-минна, Янги ҳукумат тамом,  
 У золимларинг қилмади эҳтиром.  
 Амалдин кўюб дилфигор айлади,  
 Бу янглиғ адолат шиор айлади.  
 Ситамдийдалар барча шод ўлдилар,  
 Чу гул, яъни кўнгул кушод ўлдилар.  
 Кўзимиз билан кўрдук онларни ҳам,  
 Ки итдин батар бўлдилар муттаҳам.  
 Тузулди янгинин амалдорлар,  
 Кўнгул софу покизакирдорлар.  
 Хусусан бўлуб қози адл аҳлидин,  
 Ўқ ўлди жаҳондин тамоми лаъин.  
 Хиёнат элидин жаҳон бўлди пок,  
 Тўкулсун алар оғзиға тошу хок.  
 Улар чоғда ўлсун алар ташналаб,  
 Ки бизлар уза солди зулму тааб.  
 Фалакдин алар узра ёғсун ситам,  
 Ки бизларға еткурдилар кўб алам.  
 Алар сарбасар бўлсун афтодаҳол,  
 Ки афтодани (нг) қилдилар поймол.  
 Вафо айламас бу жаҳон, эй кўнгул,

\* Маъноси—Е раб, (жазоға) мустаҳқиқин оловда куйдиргилки. бечорани шу қадар хор қилди. шарнатни мол-дунё йўлида оёқ ости этди.

\*\* Бўялган.

Ки ҳар дам қилур қасди жон, эй кўнгул.  
Бу золимлар аҳволидан ибрат ол,  
Дамодам бу ишларни ёдинга сол.  
Бу ҳасратларинг борин айлаб тамом,  
Чек эмди варақ кунжиға вассалом.

**Шўройи исломияға тарғиб, илмға ташвиқ,  
жаҳолатдан таҳзир**

Худоға дейин эмди ҳамду сано,  
Ки қилди ҳуррият билан ошно.

Бу неъматни шукрин агар субҳу шом  
Десам ҳам қила олмағайман тамом.

Тегиб қўлға дин эҳтиёжи ҳама  
Бу ниш худ эрур дин ривожии ҳама.

Халоїиқ ҳама шоду ҳуррам эрур,  
Бале эмди пошод эли кам эрур.

Бўлуб бизға раҳбар ҳидоят эли,  
Йўқ ўлди ородин хиёнат эли.

Хусусан бу Шўройи исломия,  
Эрур худ таманноийи исломия.

Бу Шўройи исломия фирқаси,  
Хирад соҳибии хуш элидур баса.

Ҳама одилу оқилу хушманд,  
Ҳама фозилу комилу, аржуманд.

Ҳама бошарофат, ҳама бовафо,  
Ҳама бошижоат, ҳама боҳаё.

Алар асрида топди бидъат завол,  
Шариат иши жумла топди камол.

Қилурлар алар ҳал маориф ишин,  
Тузарлар (ҳар маҳал) маориф ишин.

Наким бўлса эл мақсади доимо,  
Қилурлар кенгаш ила они бажо.

Наким камчилик бўлса онларга бод,  
Демоқлик керак этмасангиз уёт.

Алар бирла ҳар ишда кенгош этинг,  
Дилингиздаги розингиз фош этинг.

Шариат эрур онлар андозаси,  
Эрур ишлари барча иш тозаси.

Қишининг шариат эса ҳамдами,  
Ҳамоно ҳидоят бўлур маҳрами.

Шариатсизин кимса топмас ривож,  
Агарчи эрур соҳибн тахту тож.

Шариатни ким хор этар, хор ўлур,  
Гирифтори савдойи бисёр ўлур.

Илоҳи шариат ишин доимо,  
Ривожини бер, аҳли ислом аро.

Келинг, эй халойиқ, то... \* том,  
Шариат элин айлангиз эҳтиром.

Ки сизларни онлар ҳидоят қилур.  
Тузук йўлга, яъни далолат қилур.

Алардин даме ёрдам этманг дариг,  
Агарчи келур бошингиз узра тиг.

Тузулди ҳама иш бу кунлар чунон,  
Ки душман ҳама кўздан ўлди ниҳон.

Жафожўлардин шаҳр бўлди пок,  
Ки тўлди жафожўлар оғзиға хок.

Тиламанг ушбу кунларда тарвижи дин,  
Ки, яъни ўтурманг хотундек чунин.

Очинг яхшилаб мактабу мадраса  
Ўқунг саъй ила бўлмангиз дангаса.

Ки дангасалик динни қилғай хароб,  
Бу иллат ила ўлмангиз дил кабоб.

---

\* Уқиб бўлмади.

Бу иллатни занжирларидан бўшол,  
Маориф элин сафига ўзни ол.

\* \* \*

Билурсанки, беилм ҳайвон эрур,  
Бале, гўйиё жисми бежон эрур.  
Билурсан, қилур жисм бежон на иш,  
Деёлмас чибин қўнса гар анга «киш!»  
Бас, ўғлонларинг айлагил бокамол,  
Ки, яъни ўқутмоқ била моҳу сол.  
Уқуса, ҳунар билса, бўлғай азиз,  
Йўқ эрса, бўлур донаи бемағиз,  
Уқуса бўлур нодири даҳр агар,  
Йўқ эрса, бўлур тўдан гову хар.  
Уқуса, бўлур барча эл сарвари,  
Йўқ эрса, бўлур барча эл камтари.  
Уқуса, бўлур элни бошиға тож,  
Йўқ эрса, бўлур доимо беривож.  
Уқуса, бўлур оқилу хушманд.  
Йўқ эрса, бўлур лойиқи қайду банд.  
Уқуса, бўлур бас, ҳақиқатда бой,  
Йўқ эрса, бўлур кўчаларда гадой,  
Уқуса, бўлур доимо сарфароз,  
Йўқ эрса, бўлур фосиқу бенамоз.  
Уқуса, бўлур барчаға мисли жон.  
Йўқ эрса, бўлур бангги-ҳангги ямон.  
Уқуса, бўлур барча тенгиға фош,  
Йўқ эрса, бўлур нон даҳонида тош.  
Уқуса, бўлур соҳиби ному нанг,  
Йўқ эрса, бўлур бу жаҳон анга танг.  
Уқуса, бўлур барча кўзға исик,  
Йўқ эрса, бўлур хрусу хуку айик.  
Уқуса, бўлур эл кўзин мардуми,  
Йўқ эрса, бўлур кўк эшакнинг думи.  
Уқуса, бўлур мафхуру аҳли ҳуш,  
Йўқ эрса, бўлур ёввойи чун вуҳуш.  
Уқуса, бўлур маъдани ҳар камол,  
Йўқ эрса, бўлур даҳр аро поймол.  
Уқуса, бўлур махзани касбу кор,  
Йўқ эрса, бўлур хору безътибор.  
Уқуса, бўлур мисли боғи беҳишт,  
Йўқ эрса, бўлур жоҳили бадсирришт.  
Эрур илм икки жаҳон-чун чароғ,  
Эрур жаҳл гардунға мисли тузоғ.

Эрур илм нури тажаллойи ҳақ,  
 Эрур жаҳл қаҳру газабҳойи ҳақ.  
 Эрур илм ҳар банданинг иззати,  
 Эрур жаҳл ҳар фирқаннинг зиллати.  
 Эрур илм ҳар баста ишға калид,  
 Эрур жаҳл бир дард, саҳту шадид.  
 Эрур жаҳл бир норн афрӯхта,  
 Ким анга ёвушса, бўлур сӯхта.  
 Эрур жаҳл бир дард, анга йўқ даво,  
 Ки худ ул эрур жуда катта бало.  
 Эрур жаҳл бир дашт беобу хок,  
 Анга ким қадам қўйса, бўлғай ҳалок.  
 Эрур жаҳл заҳри ҳалоҳул, бале,  
 Улумға берур ўзни жоҳил, бале.  
 Жаҳон ичра йўқ жаҳлдин бадтар иш,  
 Тур эмди, маориф ишиға кириш.  
 Ётарсанму бу хоби гафлат аро,  
 Бўлуб ташна дашти жаҳолат аро.  
 Бўлурсан бу хил гар иш этсанг ҳалок,  
 Яқонгни надомат қилур чок-чок.

### Иттифоқ замони

Аё, аҳли ислом, диндошлар,  
 Ки бир-бирға борсиз қариндошлар.  
 Ародин кўтарилди кину нифоқ,  
 Етушти анинг ўрниға иттифоқ.  
 Яшанг, иттифоқ ила бир тан бўлуб,  
 Ҳама шодмон, мисли гулшан бўлуб.  
 Ҳама одам ўғли бир аъзо эрур,  
 Ки хилқатда бир дурри танҳо эрур.  
 Бир узвингни ранжитса, гар рўзгор,  
 Бўлак узвларда қолурму қарор?!  
 Бас эмди, тузунглар дуруст иттифоқ,  
 Йўқ ўлсун ародин балойи нифоқ!  
 Нифоқ элни кўб беқарор айлағай,  
 Ки охир чоғи хору зор айлағай.  
 Нифоқ элни йўллар балолар сари.  
 Нифоқ элни бошлар жафолар сари.  
 Букун етти навбат, турунг уйқудан,  
 Ётарсиз бўлуб токай осуда тан?  
 Бағоят бу кунлар муҳим вақтидур!  
 Ки ҳар бир дақиқа минг олтунчадур!  
 Минг олтун дедим, бас, ғалат сўзладим,  
 Ки қимматда бордур чу дурри ятим.



Тиришмоқ, киришмоқ керак ушбу кун,  
 Ки бордур тиришсак, киришсак ўрун!  
 Таассуб, адоватни йўқ айлангиз,  
 Садоқатда бўлмоқ керак бир тегиз!  
 Тараққий топармиз садоқат билан,  
 Разолат топармиз адоват билан.  
 Буюк мақсад узра жанг урмоқ керак!  
 Тилаб матлаб, эмди югурмоқ керак!  
 Жаҳолат деган дардимизга даво,  
 Топайлук бугун, яъни тезроқ шифо.  
 Бу иллат халойиқни хор айлади,  
 Қасолат тўшагида зор айлади.  
 Қилиб ҳиммат, андин қутулсак раво,  
 Ҳама иш бўлур, чунки сўнгра, бажо.  
 Ул Эски ҳукуматни зулми билан,  
 Эзилдук, сиқилдук — ҳама то бу он.  
 Етушти ҳуррият замони бу кун,  
 Ки, яъни адолат замони бу кун.  
 Тиланг чораи жумла нуқсу қусур,  
 Ки йўқтур бу кунларда зулм ила зўр.  
 Йўқ ўлди жаҳондин жафокорлар,  
 Ки яъни гуруҳи дилозорлар.  
 Қошуқлаб алар ичтилар қонимиз,  
 Ки чиқмоққа етти азиз жонимиз.  
 Бу навмидлик, вақтида зул-жалол,  
 Жафожў борин мундоғ этти ўсал.  
 Алар тобмади тебранурга мажол,  
 Илоҳи қирилсун ҳама бадфаол.  
 Бу кун ўтти қўрқунчлуқ фурсати,  
 Етушти ҳамият элин навбати.  
 Бу кунларда ҳеч монеъи йўқ эрур,  
 Ҳама мақсад истаб етушмоқдадур.  
 Етушти биза, бас, бу янглиғ замон,  
 Тиришмоқ, керак танда борича жон.  
 Далерона бел боғламоғлиқ керак,  
 Адувлар дилин доғламоғлиқ керак!  
 Бутун Рус халқи ҳуқуқ исташур,  
 Ҳуқуқ истамоқга тузук қатнашур.  
 Ҳукумат берибдур бу кун бори ом,  
 Тиланг эмди мақсадни сиз ҳам тамом.  
 Йўқ айланг ародин бутун тафриқа,  
 Ки қилгай зиён ушбу кун тафриқа,  
 Яна ўлманг аввалгидек бонифоқ,  
 Нифоқ ўлса кетқай бутун иттифоқ.  
 Адоватни дил лавҳасидин солинг,

Ўзингиз садоқат сафига олинг.  
Ки биз барча ислом фарзандимиз,  
Ҳидоят аҳлининг жигарбандимиз.  
Яшайлук бу кун бир жону тан бўлуб,  
Қилайлук ҳар ишни қадрдон бўлуб.  
Замона садосига солинг қулоқ,  
Ки ҳар дам дегай: Иттифоқ! Иттифоқ!  
Олинг хони шафқатдин эмди насиб,  
Бўлунг даври меҳнатдин, эй дилфириб.  
Жафоларга майдонда берманг ўрун,  
Хатоларга майдонда берманг ўрун!  
Жафо сори ҳар онда майл айламанг.  
Фароғатқа они туфайл айламанг!  
Ки исломият шаънида йўқ жафо,  
Эрур шони ислом доим вафо.  
Эрур меҳрибонлиқ — мусулмончилиқ,  
Жафо айламоқ элга ҳайвончилиқ.  
Шариатни ҳам амру фармони — шул,  
Ки, яъни бўлушлуқ керак оқ кўнгул.  
Мунофиқ каби бўлмангиз икки тил,  
Халойиқ қошида бўлурсиз хижил.  
Керак эмди дил мисли ойина соф,  
Йўқ ўлсун ародин иноду хилоф!  
Бу янглиғ агар иттифоқ айласак,  
Бу бобатда кўб иштиёқ айласак.  
Ҳамоно берур Тангри матлубимиз.  
Ки, яъни кўнгулдаги мақсудимиз.  
Дегаймиз муни оли/й/шон иттифоқ,  
Муборак нишону инон иттифоқ.  
Жаҳолат, атолат — йўқ ўлсун ҳама!  
Разолат, касолат — йўқ ўлсун ҳама!  
Яшасуч Ҳуррият билан Иттифоқ!  
Қирилсун Хиёнат эля ва Нифоқ!  
Нифоқ аҳлидин яхшироқдур эшак,  
Бас эмди, ачақдин йироқлиқ керак.  
Кўруб, сан нифоқ аҳлин-ўқ Сидқиё,  
Алардин санга етти беҳад жафо.  
Сан онинг жафосига, кел, сабр қил,  
Ки худ сабрнинг мевасин шаҳд бил.  
Чу сабр айласанг ғўра ҳалво бўлур,  
Ҳама ком сабр ила барпо бўлур.  
Кишининг агар сабр эса ҳамдами,  
Ажаб йўқтур очилса, ҳар ён раҳи.

1335 — 1917

(Муаллиф изоҳлари)

**Родзонкў** — Ҳоронски губирнада туғулгон ҳам ўшāl ерда ўқуб тарбия топгон, ўзи'кадет фирқасиндан Думаға киргон, 1904 йилда.

**Керенски** — ҳозирда ёши 32 да. Гимнозиё мактабини/нг/ Тошкандда тамом қилгон ҳам Тошкандда туғулгон. Ўзи сотсиал револутсиянер. Государственни Думаға 1912 да киргон. Саратўф шаҳриндан вакил сайлангон.

**Гучгўф** — ўзи ўктабрис фирқасиндан. Учинчи Думаға киргон, 1908 йилда.

## ҲАЖВИЁТ

### МУТОЙИБАЛАР

#### МУХАММАСИ ШАВКАТ ИСКАНДАРНИЙ БАР ҒАЗАЛИ ХИСЛАТ ЭШОН<sup>67</sup>

Ҳар дамда минг балоға бўлгон дучор кафшим,  
Юз жойиндин ямалгон чоруквор кафшим,  
Киймоқға тавба қилдим эмди дубор кафшим,  
Эрди аёғларимға кўб тангу тор кафшим.  
Сиктню қилди эхир юрмоқға зор кафшим.

Эскиб охир, узулди чармини тору пуди,  
Эмди етар зиёни, бўлғуси қайда суди,  
Кўзумға яхшироқдур кўрунмаса вужуди,  
Устодин олгонимда эрди ажаб намуди,  
Босмоқға айлар эрдим туфроқға ор кафшим.

Кафшимдан эрди, бўлсам ҳар ерда қилу қолим,  
Қотиг босарға ерға келгай эди вуболим,  
Боқиб юзига ҳар дам хушнуд ўлурди ҳолим,  
Йўл узра юрганимда илкимда рўймолим,  
Артар эдим дамо-дам бўлса губор кафшим.

Чармиси эрди қаттиғ, сарпанжаси мулойим,  
Яъни эди ав (в) алда киймоқға бопу қойим.  
Тобқай эди ҳаловат, кийгон чоғида пойим,  
Янги эканлигида иззатда эрди доим,  
Эскибки, кетди қадри кўб бўлди хор кафшим.

Ёғқонда тўлғай эрди ёмғур суйига жиқ-жиқ,  
Ташлар эди ўзини кўрунса қайда балчиқ,  
Ҳар дам ушбу сабабдин кўнглум бўлур эди зиқ,  
Дастаклари босилди, бир ёнға бўлди қийшиқ,  
Катта-кичик бу ҳолда кўрса кулор кафшим.

Кафшимни кўрса ҳар ким, ҳаргиз сўрашмас эрди,  
Ҳам дўстлар тағофул айлаб, қарашмас эрди,  
Ҳар ўзга кафшлардек иззат талашмас эрди,  
Кўб кафш ичида қолса, асло адашмас эрди,  
Киймай агарчи қўйсам, минг йил турор кафшим.

Қасди билан тамошо, бўлгон чоғида ер лой,  
Қўймай аёғдин асло, кийгай эдим йилу ой,

Кўб қадрдон эдилар манго бу икки фаттой,  
Фаттойи ўғрисидин ешгон еримда қўймои,  
Тушганда такаларға танҳо ётор кафшим.

Эй, вой, таънагарнинг ўлдим ачиғ сўзидин,  
Ҳар ерда токи кўрдум, қочтим анинг кўзидин,  
Тунда уёлур эрдим гардунни (нг) юлдузидин,  
Маҳсимни гулчинини то илгари ўзидин,  
Ҳам қилди тилка-тилка бу нобакор кафшим.

Йўқлуқни йўқ иложи — дардига манда, Шавкат,  
Ушбу сабабдин ортар ҳар дамда юз маломат,  
Бул кунда турфа бўлдум беқадру, кетти қиммат,  
Кийсам агар бирор ой, ман они ёна, Хислат,  
Эл ичра қилғай эрди мажнун шиор кафшим.

#### МУҲАММАС БАР ҒАЗАЛИ МУҚИМНИ \*

Бори меҳнат остида бир турфа нолон кўсамен,  
Ҳам фақирю нотавон бебаргу сомон кўсамен,  
Дарбадар доим кезиб, муҳтожи бир нон кўсамен,  
Оҳ, соқол қадри ўтуб, кўнглумда армон кўсамен,  
Ҳафтада ойнаға боққанда ҳайрон кўсамен.

Йиғламай нетсунки, ул одамда бир тук бўлмаса,  
Бўлғуси машҳури офоқ, онда бир тук бўлмаса,  
Мажлису маҳфил аро шарманда, бир тук бўлмаса,  
Барчада бўлса соқолу манда бир тук бўлмаса,  
Йиғлабон ушбу аламдин гоҳ пинҳон кўсамен.

Токи келтурди бу оламга Худованди карим.  
Даври Заҳҳок ўткарибдурман бўлуб онга надим.  
Садди Искандарда лой ўрниға мис қуйган ўзим,  
Йил суруштурма, билолмайсан, ўзум ҳам шунчаким,  
Катта-катта муйсафидларға падархон кўсамен.

Шатта берғайлар манга ҳар ерда бўлсам, аҳли дун,  
Бу сабабдин, оҳким, ҳолим паришону забун,  
Даги сизлар ҳам мазох айлаб, манга кулманг бу кун,  
Еш гумон этманг кўруб, афтим, соқолим йўқ учун,  
Маллахондан\* қолгон эски қарри таллон кўсамен.

\* 1858—1862 йилларда Қўқонда ҳукмронлик қилган хон.

Қисматим рўзи азалда зўрлиғидин келди дур,  
Қувватим йўқ пашшача, албатта мандин пашша зўр,  
Тобу тоқат манда йўқтур то анга қилсам гурур.  
Еш гўдак бирла кураш тушсам, чил (л) акдек оширур,  
Суратим кўрсанг агар ўлгунча полвон кўсамен.

Кўрмади аъжуба мендек то бу дам чашми жаҳон,  
Доимо фарсудау фартутлиғини билмагон,  
Ешим ожузонау қаддим — кўтаҳ, афтим — жавон,  
Бўлма овора, билолмайсан, суруштургон билон,  
Бир чигилменким, ешилмас асли чистон кўсамен.

Токи фарши сабза олам арсасиға ёйилур,  
Таъни ношодим саёҳат қилмоға озим бўлур.  
Бир шаҳарда турмағаймен, бир бошимда минг гурур.  
Бир шаҳарда кўб агар юрсам, бир ой юргум келур,  
Найлайн савдойи, аҳволи паришон кўсамен.

Ақрабо, хешу таборимдин сўрарга йўқ кишим,  
Бу жиҳатдин оҳу афғон ўлди доим варзишим,  
Фақру фоқа шиддатидин ўзгачадур нолишим,  
Найчилик бўлди фалак бедодидин охир ишим,  
Йўқса бир вақтида сурган даври даврон кўсамен.

Ман ўзум пўк, пучу бир турфа ҳайрондур, гаранг,  
Ҳамнишиним доимо ҳар ерда танбур ила чанг,  
Икки бетим он чунон дафким, тиришгону таранг,  
Жағларим Шайдонни даштидек гиёҳ йўқ, яф-яланг,  
Энгакимдин барало маҳрам намоён кўсамен.

Қилмади даҳр элидин ё насоро қавмидин,  
Ё равофиз ёки ҳиндуйн мажусо қавмидин,  
Ёки аҳли Аҳримандин, яъни гумро қавмидин,  
Найлай эрдим қилса тарсоу яҳудо қавмидин,  
Шукрим, Фарғона халқидин мусулмон кўсамен.

Сен эшит. най не ҳикоят қилғуси, эй, аҳли ҳол,  
Ким жудолиқдин шикоят айлабон, қилғай мақол,  
Ушбу бонсдин аниси най эрурман моҳу сол,  
Жўйбори гулшани файёздин тобқон қамол,  
Булбули шўрида аҳволу хуш илҳон кўсамен.

Утқарурман кулфати даҳр ила моҳу солими,  
Ўз-ўзимдан айлабон ҳар ерда қийлу қолими,  
Эй, биродар, то кўруб бу кўзда ашки олими,

Сўрма мазмунини, қил найдин қиёс аҳволими,  
Ёзу қиш бир ерда мундоғ соҳиб афғон кўсамен.

Токи хуршид олама ёйғуси нур оқу сариғ,  
Комронлиғ узра сизга тегмасун ранжи қатиғ,  
Базм этмакликда Ҳотамға қилиб ҳампешалиғ,  
Бу фақирдин бир бақирни, дўстлар, тутманг дариг,  
Ман дуогўйи Муқимийман, қадрдон кўсамен.

**МУҲАММАС БАР ҒАЗАЛИ МУЛЛО ВАСЛИЙ АФАНДИ  
САМАРҚАНДИЙ ҚҰНҲАВЗИЙ<sup>69</sup>**

Лаззат бағишламоқда шароби жинон қимиз,  
Лойиқ этарға кайфу сафо ҳар замон қимиз,  
Не хушки, бўлсангиз, ичушуб саргарон қимиз,  
Албатта нўш айлангиз, эй, дўстон, қимиз,  
Бўлғай тамоми жисмға руҳи равон қимиз.

Қанча ичилса суд берар, зарра йўқ зиён,  
Гар, филмасал, қари киши ичса бўлур жавон,  
Алқисса, манда васфини қилмоқға йўқ забон,  
Ман қайси бир ҳавосини сизга қилай баён,  
Дилға мадору бошқа — фараҳ, танға — жон қимиз.

Эмди қимизни ичғали бас одат айлағил,  
Билким қимизча ҳеч шароб ўтмағай асил,  
Аҳли назарға гўё эрур оби салсабил,  
Ҳар ким қимиз ичур — бўладур ранги қиб-қизил,  
Гўё гулоби гулшану боғи жинон қимиз.

Айланг қимиз ичишни сиз, эй, аҳли дил, ҳавас,  
Зеро жаҳонда бу каби йўқ ҳеч ҳамнафас,  
Оти қимизу лек худ оби ҳаёту бас,  
Кавсар суйи десам ани мадҳида тонг эмас,  
Кўп кўҳна қарриларни қилур навжавон қимиз.

Сидқийча эмди боиси қувват билинг они,  
Жон нақди бирла олиғу давлат билинг они,  
Ғамгин кўнгулға дафъи малолат билинг они,  
Васлий каби ичингу ғанимат билинг они,  
Ҳар кимға лозим ичмоғи ушбу замон қимиз.

## БЕДАНА ИШҚИ

Муҳаббатинг тушубон кўнгул ичра то беданам,  
Кўюнгда кездурубон айладинг адо беданам,  
Жаҳонда ман каби йўқ санга мубтало беданам,  
Дариф ўлмадинг, аммо сан ошно беданам,  
Висол базмидин эттинг мани жудо беданам.

Саҳарда бордим у сайрар ерингни ахтардим,  
На ерда эрканингни билмай ҳар сори бордим,  
Талани кезмоқ ила анда турфароқ ҳордим,  
Умининг ила Худоға ҳазор ёлбордим,  
Тўрумға банд этайин деб, қилиб дуо, беданам.

Кўнглумни олғучи бир дилрабойи маҳваш эдинг,  
Парилар аҳли каби жилвалар ила хуш эдинг,  
Ҳазор ноз била баски турфа дилкаш эдинг,  
Кўнгулда йўқ ғаразинг тилло шакли беғаш эдинг  
Жамъи кину ситамдин дили сафо беданам.

Вавақлабон отар эрдинг ҳазор «битбилдиқ»,  
Нафас-нафасда дебон беғубор «битбилдиқ»,  
Эшитгач айлади кўнглумни зор «битбилдиқ»,  
Юракни эздию қилди фиғор «битбилдиқ»,  
Саҳарда сайрагонингда наво беданам.

Қўлумға дом олиб айланурда атрофинг,  
Дилимға ўрнади у, меҳри сийнаи софинг,  
Ки ома худ эрур ожиз ёзишдин авсофинг,  
Ёвушмадинг, йўқ экан манга зарра инсофинг,  
Тағофул ила даме боқмадинг қиё беданам.

Ёзиб чу дом, тилаб васлинг анда кўб шоштим,  
Қўлу путумда мадор ўлмай асрў титроштим,  
Гаҳе қувонмоқ ила етти чархдин оштим,  
Либосим ичра сиғишмай у дам тўлуб-тоштим,  
Тушурсам эрди дебон токи дом аро беданам.

Ҳазор макр ила бердим у дамда бир гурддек,  
Бошимни буқтуму ўт ичра бас ўтурдум тек,  
Юрокларим ошуқуб анда урди кўб диқ-диқ,  
Худо-Худо дер эдим ҳар нафас аро эллик,  
Ки берса эрди сани анда деб менго беданам,



Секин-секин юрубон ман сори равон ўлдинг,  
Қадам босиб, яна тўхтаб асири дон ўлдинг,  
На бўлдиким, бу каби фикра ҳаминан ўлдинг,  
Кўзумға анда кўрунмай, даме ниҳон ўлдинг,  
Кароматингму магар ушбу авлиё беданам.

Тўрум тағиға келиб, ўзни айладинг маълум,  
Ушал дам ичра сани ўз кўзум билла кўрдум,  
Илиндинг эмди дебон зуд секрибон турдум,  
Тўрумни йиртиғидин кетдинг айлабон маҳрум,  
Ки айладинг мани Сидқийни дилсиёҳ беданам.

### ДАР ҲАЖВИ БУРГА<sup>70</sup>

Водариғо, ажаб замон ўлди,  
Бургадин манга кўб зиён ўлди,  
Қон тўкарда чу қаҳрамон ўлди,  
Қутулиш илкидин гумон ўлди,  
Бошга битган балойи жон ўлди,  
Ким анинг зулми кўб ямон ўлди.

Ит каби кечалар келур искаб,  
Бириси ирғибон, бири сакраб,  
То менушлай десам берур манга чаб,  
Ухламай, қўл яқода, деб «ё раб!»  
Бошга битган балойи жон ўлди,  
Ким анинг зулми кўб ямон ўлди.

Чекилиб ҳасрату вовайло,  
Ҳужра ҳар кечаси бўлур ғавғо,  
Бурга тан мулкиға солиб яғмо,  
Қўймағай ухлайини десам асло,  
Бошга битган балойи жон ўлди,  
Ким анинг зулми кўб ямон ўлди.

Гўйинё қон тўкди шеру паланг,  
Келибон қасди жонда солғай чанг,  
Қутулурман қочиб қўлидан аранг,  
Уйқу, бир соридин қилур мени танг,  
Бошга битган балойи жон ўлди,  
Ким анинг зулми кўб ямон ўлди.

Бўлди дегил ҳамал, бўлубон маст,  
Халқнинг қонига қўярлар даст,  
Яъни ким бўлса, уйқуға побаст,

Бориб оҳиста бергай анга шикаст,  
Бошга битган балойи жон ўлди,  
Ким анинг зулми кўб ямон ўлди.

Бўлса жавзо билан агар саратон,  
Қутуруб эл аро солур талон,  
Илкидин бир кимса тобмас амон,  
Гарчи уй ичра бўлса ҳам пинҳон.  
Бошга битган балойи жон ўлди,  
Ким анинг зулми кўп ямон ўлди.

Турфа заиф ўлди ушбу жисму бадан,  
Хужрада лаҳза ухлаёлмасдан,  
Бургалар жавридин ман эй, Шеван,  
Кимнинг олдида ҳасрат айларман?  
Бошга битган балойи жон ўлди,  
Ким анинг зулми кўб ямон ўлди.

#### ДАР ҲАЖВИ ТОИ 71

Ургонда бир қимирлар минг тозиёна тойим,  
Ҳар бир қадамда кишнаб, қилгай тарона тойим,  
Товлаб, тефиб дамо-дам, айлар баҳона тойим,  
Юрмай, кетиға боқиб, кирғой фиғона, тойим.  
Иқлимиде чаманлик, сўрсанг, ягона тойим.

Иккиға киргон эрди, гар сўрсанг, они ёши,  
Қор этмағайди қамчин аъзоси ёки тоши,  
Ҳақдин, умид қилдим, кесилмадики, боши,  
Ўлса, бўлгай эрди гўшти улуснинг оши,  
Пинғлар эдим бошида айтиб фасона тойим.

Боғлаб борурға белни бозорға Скандар,  
Мингашкан эрдуқ анга икки киши баробар,  
Жон хавфидин йиқилмоқ ҳар дам бадаанда титрар,  
Судралгай эрди пойим ернинг юзида яқсар,  
Гаҳ юрмайин, бўлурди гоҳо равона тойим.

Ул баччағарнинг эрди ранги совуқ, ўзи оқ,  
Йўқ эрди тола ёли, қуйруғи доғи чўлтоқ,  
Ҳурқар эди кўрунса, йўл узра тўда янтоқ,  
Андоқки тоғ кўрунгай кўзига ўлса ботқоқ,  
Қилгон ишини сўрсанг, сифмас баёна тойим.

Қийнаб йўл узра асло, жонимни қўймади ҳеч,  
Бир ерга етқузолмай, ул кунни айлади кеч,  
Кўнгулға бу сабабдин ҳар дамда тушти юз печ,  
Улдурғуси ғам ила чиқсанг, чу ҳар тафарруж,  
Ғусса билан аламдин бўлғон нишона тойим.

Ким кўрса йўлда бизни беихтиёр кулди,  
Овози раҳгузардин йўл қийқуруққа тўлди,  
Ҳар товлағонда ирғиб, ёшим равона бўлди,  
Бу ғуссадин, ёронлар, кўнглум ажаб чўкулди,  
Хуни жигар насиба қилди бу жона тойим.

Икки қўлум яқода, деб тавба, йўлда ҳар дам,  
Икки кўзум тўкуб ёш, ҳолимға тутти мотам,  
Хуррам кўнгулни мулкин яқбора қоплади ғам,  
Охирда кетти ташлаб ким бўлса бизга ҳамдам,  
Умрингда тўймағайсан асло сомона тойим.

На тортқуси ароба, на қўш ила жувозинг,  
Ба бўлғуси бир ишда бу санга чорасозинг,  
На йўлда ўзга отдек бўлғуси дилнавозинг,  
Манзилға еткуролмай, қилғай қазо намозинг,  
Мингил, ишонмас эрсанг, бир имтиҳона тойим.

Эй, вой, қилди диққат йўлларда бениҳоят,  
Юзланди ҳар қадамда манга ҳазор ҳасрат,  
Юз шукр, уйга келдим охир даме саломат,  
Ғар бўлса ушбу хил от, албатта, минма Шавкат,  
Минбаъд, тавба қилдим минмоққа ёна тойим.

#### ДАР ТАЗМИНИ БАР ЯКБАЙТИ МАЖРУҲИ УШИИ<sup>72</sup>

Оламда бўлай шод, десанг, бўл такасалтанг,  
Ғамдин бўлай озод, десанг, бўл такасалтанг.

Дунёни зару молиға ҳарғиз назар этмай,  
Кўнглум қилай обод десанг, бўл такасалтанг.

Пир эшикида хидмат этиб шому саҳарлар,  
Ғар ман топай иршод, десанг, бўл такасалтанг.

Бир пулни кишидин тамаъ этмай кеча-кундуз,  
Ҳақни қилайин ёд, десанг, бўл такасалтанг.

Ёрим сари кўйиҗа бориб, анда ман айлай,  
Нола била фарёд, десанг, бўл такасалтанг.

Бу дунё аро охират уйиҗа борурҗа  
Гар ман... \* зод, десанг, бўл такасалтанг.

Сан тарки жаҳон айлағон одамлар ичида  
Яксар бўлай устод, десанг, бўл такасалтанг.

Узлатқа чекиб ўзни, манга токи назарлар  
Солсун ҳама автод, десанг, бўл такасалтанг.

Сидқий, бу жаҳон жоҳини меҳрини кўнгулдин,  
Бўлсун бори барбод, десанг, бўл такасалтанг.

---

\* Уқиб бўлмади.

## ИБРАТЛАР ВА ҲИКМАТЛАР

### АЁЗНИНГ НАЗАРИ ҲАМИША ЧОРУҚИ БИРЛА ПЎСТИНИҒА МАСРУФ ЭДИ

Бор эди махсус Аёзнинг ҳужраси,  
Чоруқи ва пўстини анда эди.  
Қирибон ҳужрага оҳиस्ताғина,  
Кўз солурди пўстини чоруқина.  
Қул чоғинда чоруқу шул пўстин,  
Ёшурур эрди аёғу устин.  
Дер эди: эй қуллуқумда ҳамроҳим,  
Эй, менинг мунглуғлуқумда ҳамроҳим.  
Меҳнату шиддатда эрдингиз паноҳ,  
Барча азиятда эрдингиз паноҳ.  
Эмди иззат авжида тутдим қарор,  
Толеим қилди мадад, Ҳақ бўлди ёр.  
Ҳеч унутмам, чоруқум, эй чоруқум,  
Эй либосим, пўстунум, бору йўқум.  
Ҳеч иковингни унутмасмен дами,  
Гарчи Маҳмуд Ғозининг мен маҳрами...  
Ўзгаларнинг неъматин еб ошмаса,  
Сел янглиғ лойланиб кўб тошмаса.  
Сел суйи бермас экинға фойда,  
Балки экинни қурутқай жойида.  
Одам эрсанг, қил ҳазар ул селдин,  
Солма экинға, қурур лекин экин.  
Сидқиё, ул-селни (нг) тафсир бил,  
Яъни ул селни замона шайхи бил.  
Элни моли бирла туғён айлағай,  
Ўзни обод, элни вайрон айлағай.  
Эл дилининг экини ул селдин,  
Фоида олғай қачон, эй аҳли дин.  
Қаб-қаро уй нурдин холи бўлур,  
Йўлчи ялдо ичра қандоғ йўл билур.  
Дил уйи бўлса тамаъдин қаб-қаро,  
Ёқса ҳам юз минг чироғ ўлмас зиё.  
Сидқиё, ҳамчун Аёз инсоф қил,  
Ишлабон еб, ҳалқумингни соф қил.  
Шайхча очма оғзинг кўчаға,  
Гоҳ қанду гоҳ зардолучаға.  
Гоҳ ёғлиғ нону кулча истама,  
Яъни текин ошни қилча истама.

Бир сичқон бирла бир қурбақа ошино бўлуб, қамоли муҳаббатдин оёғларига иф боғлашиб қўйдилар. Қузгун сичқонни олиб қочқоч, қурбақа ҳам ифга осила жўнади.

Эмди мен сизларга бир тамсил этай,  
 Ушбу тамсилимни ҳам таъвил этай.  
 Тутса ким шайхи замона этакин,  
 Сичқону қурбақача бил иқовин.  
 Ногаҳон сичқонни қузгун қилса сайд,  
 Қурбақа ҳам ул билан бўлғуси қайд.  
 Қузгун илкидин бирисининг бири  
 Қутқара олғайму менга айт они?..  
 Алдабон назру ниёзинг оладур,  
 Олибон ўз қопчиғина соладур.  
 Наки ондин баҳра олғай бир етим,  
 Наки бир беваға берғай, эй ҳаким.  
 Қайда борса, ўйлағай ул ўз ғамин,  
 Камбағал қилғай, чунончи, туз ғамин.  
 Қисса кўтаҳ: алдаса ҳам ул дағал,  
 Ҳеч анга алданмағил, эй камбағал..  
 Фикр қил, лафзи тамаъ уч ҳарф эрур,  
 Яъни ул уч ҳарф ҳам бенуқтадур.  
 Нуқта ҳам қочиб тамаъ тўграгидан,  
 Ор этарди, ақл эгаси, англа сан.  
 Нуқта ор этса қўшулмоқдин анга,  
 Фарз бўлди ор қилмоқ барчаға..  
 Ишлабон топган қора нондур ширин,  
 Заҳрдин аччиғ тамаъдин қоч кейин.  
 Бўлма ёлқовларга ҳаргиз ошна,  
 Ошино бўл, яъни заҳматкаш била.  
 Ўйла қурбақау сичқон қиссасин,  
 Сенга бердим ушбу қисса ҳиссасин.  
 Ўйласанг бу қиссадин маъни чиқар,  
 Бунга сарф этгон кучунг эрмас бекор.

Бир боғда булбул бирла бир тонфа чумоли қўшни эрди. Ёз кунларида булбул гуллар узра сайрамоқ бирлан кечинди ва чумолилар донakashлик бирлан бўлушур эрдилар. Ногаҳон қиш бўлуб эрди. Булбул оч қолди ва ҳақиқий қўшнисини бўлгон чумоли эшикига гадойлик русуми бирлан келди. Чумолилар айдилар: Эй булбул, сен ҳам бизлар каби иссиғ офтобда куюб ишлаб, ошлиқ тўпласанг эрди, бу ҳолга тушмас эрдинг.

Ёз чоғи ҳар кимки, меҳнат қилмаса,  
 Ёздаги меҳнатни роҳат билмаса,  
 Оре, андоғ кямсадин яхши тўнғуз,  
 Чунки бўлғай ҳар эшикда қора юз.  
 Тамаъ истаб бўлу си беобрў,  
 Беҳаёлиқ бирла юргай кў ба кў.  
 Чикса ногоҳ қайси мўридин тутун,  
 Ул сари элтарга нафс айлар забун.  
 Бўлғай ул бадбахт нафсин бандаси,  
 Беҳунардур гандаларнинг гандаси,  
 Айлар эрди касб, ганда бўлмаса,  
 Эй қароғим, ғайрат айла, иш яса.  
 Барча ялқовларни одам демагил,  
 Эмди онларга қўшулмасдин чекил.  
 Ким қўшулса онлара ялқов бўлур.  
 Яъни ялқов суҳбатни ялқов қилур,  
 Оқибат, ялқов гадолиқ айлағай,  
 Меҳнат этган подшолиқ айлағай,  
 Ер юзида бўлмағай ялқовча хор,  
 Бўлма, бўлса ғайратинг ялқовга ёр.  
 Сидқие, ялқовни ургил бошига,  
 Ушлабон топшур анн юзбошига.

\* \* \*

Эр кишининг калласида мияси бўлсун, силлиг дастори бўмасун. Халқ они тоғиб олур. Кишининг дастори катта бўлгон бирлан одам бўлмас, чунки ёр қовоқнинг ҳам калласи каттадур. Эшакга атлас ёпсанг ҳам эшакдур. Эшакмунчоқ дур бўлмайдур. Ширин сув сафол кўзада бўлсун ва ё тилло идишда турсун тафовут қилмайдур. Ҳунарга кўра мартаба истамоқ керак. Найшакар найшакар эрур, қамиш баланд бўлса ҳам қамишдур.

Эшакмунчоғ демиш ул ақли йўқга,  
 Ки балчиқдин тоғиб эрди баногоҳ.  
 Тўкуб атлас аро овора бўлма,  
 Мени дур фаҳм этиб дилпора бўлма.  
 Мени бир пулча қадру қимматим йўқ,  
 Қаю заргар кўрар бўлса тонурлук.  
 Гўзал гар бўлмаса, Сидқий, матоинг,  
 Мол олғонлар билан чиқғай чатоғинг.  
 Риёдин чолмағил бошингга дастор.  
 Ки, қалб иш келмағай бозор аро кор...

Аларча қилма Сидқий макру дастон,  
Ки, эмгак аҳлидин бўл, бўлма эшон...  
Лаб очқунча эл ошиға, сан ўл оч  
Эшонлар киби бўлма мисли саноч.  
Ҳалол эрмас тамаъдин тўплагон нон,  
Кўрунмакликда нондур, аслида қон....

Мияси йўқ калла бирла дасторға ишонмағил... Эмгак чек! Эмди халқ кўзин бўяб оқча топа олмассан!

Қатта дасторинг агарчи савлатинг,  
Макру афсун бирла бўлғай давлатинг,  
Бўлмағил ул орият мағрур сен,  
Алдабон есанг, мисоли бўри — сен.  
Бўриликни ташла, бўлма беҳунар,  
Қўй киби бўл манфаатлик, бўлма шар.  
Қўйни ҳар аъзосида бор фойда,  
Жунлари бўлғай азиз ҳар жойда.  
Қатта дасторингдин оё, зоҳидо,  
Бизга йўқтур фонда, эй, беҳаё.  
Лек андин сенга кўб суд ўлғуси,  
Ким иярмас сенга, мардуд ўлғуси.  
Кўзга сурма, остинга мин арғумоқ,  
Салла ичра калла эрмас, ёғқовоқ.  
Бу қуруқ савлат билан эй, беҳунар,  
Алдабон кўб элдин олма сийму зар.  
Ишлабон ҳар кунда топсанг қора нон,  
Ўзгаларнинг болидин тотлиқ ҳамон.  
Ишлабон иссиғда куйдурсанг жигар,  
Ит киби кезмас эдинг, эй, беҳунар.  
Лек сенда ишламоқға тоб йўқ,  
Чунки қорнингдур тамаъ нониға тўқ.  
Эмди сендек беҳунарлар яшамас,  
Беҳунарлар ҳеч ош-нон ошамас.

\* \* \*

Аббос номлиқ тиланчиликда моҳир бир араб бор эрди. Бир куни ани олдиға бир киши келиб айтдики: «Ё Аббос, мен букунғача ҳунар ўрганмадим. Отамни (нг) ўлганиға уч кун бўлди. Қариндошларимнинг нафақаси менга қолди. На иш қиларимни билмай, галдираб, ўйлай-ўйлай ўзумға тиланчиликни маъқул кўрдим. Локин ҳар бир ишни бир йўли бор. Шунинг учун сенга келдимки, они тариқатларин (йўлларин) сендин ўрганғаймен». Аббос



шул ҳолда ҳаммомда эрди. Айди: «Эй биродар, тиланчиликда уч турли иш бор. Аларни билмагунча тиланчилик қилиб бўлмайдулки, ул уч иш будур: ҳар қайда бўлса, сўрағайсен, ҳар кимдин бўлса сўрағайсен, ҳар не бўлса сўрағайсен». Ул киши Аббосни (нг) ўпуб, «Йўқса ҳозир менга бир нимарса берғил» деди. Аббос доврираб, «Ҳаммомда тиланчилик қилиб бўлмайду», деди. Ул айди: «Ҳар қайда бўлса тилағил, демадингму? Аббос айди: Оре, лекин мен ҳам сен киби фақирмен».

Ул айди: «Ҳар кимдин бўлса сўрағил, демадингму?».

\* \* \*

Аббос айди: ҳозирда мен ялонғочмен, кийимларим ташқаридадулки, (устимдаги) лунгидан ўзга ҳеч нимарса йўқду.

Ул айди: Ургатган қондаларингни учунчиси бу эрдик, ҳар на бўлса сўрағайсен деб эрдинг. Эмди мен ушбу лунгиға розимен деб, Аббосни енгиб, лунгисини (устидин) шилиб олди.

Фақир Сидқий айтур, шунга ўхшаш бизнинг замонамиздаги шайх исмин қозонмиш гадойлар ҳам ҳар қайда борсалар, меҳмон (қўноқ) бўлмоқни сўрарлар. Агар ҳеч бир чора бирла бир нимарсани қўлға иликтура олмасалар, алар «туш чоғи» кўруб чиқарлар-да, шул каромат сабаби бирла олурлар...

Ушбу ҳикояни бир деҳқонға ўқуб бериб эрдим, ул ҳам бир қисса бошлади ва айди: «Бир кечаси уйқуда эрдим, ногоҳ ер тегидин қулоғимға товуш эшитилди. Сакраб туруб қарасам, тун ярмиға яқин эркан. Дарвозани очтим. Кўрдумки бир киши дарвоза(да) турубду ва айтур: «Дар он жой бўшатиинки, эшон тўрам келмоқдалар. Алҳосил, бола-чақани турғузуб, қанча ташвиш бирла жой тайёр қилдим ва эшон тўрани қўндурдум. Тонг отқоч, чойдин сўнг ширгурунч қилиб бериб едирдим. Эшон тўра жўнамоқларинда шафқат бирла менинг ҳаққимда демишларки, бу одамни ихлоси йўқ эрконки, бизларға ширгурунч қилиб берди».

Фақир Сидқий айтур: «Ушбу нафснараст хоин ул камбағал деҳқонни шунчалик заҳмат чекиб қилгон хидматиға шукр этмоқдин кўз юмуб ва ани шул қадар фидокорона ҳаракатини аёғ остиға солиб, энг сўнг чоғинда «хидмат» қилиб кетар...»

Вайронада ётган бир онча бойўғлининг ичига янгилиб  
бир қарчиғай кириб қолди. «Қарчиғайни урунлар, жой  
берманглар!» деб барча бойўғлидин шўриш кўтарилди.

Қарчиғай шулдурки, бўлса бетамаъ,  
Қарчиғай деманг, агар қилса тамаъ.  
Қарчиғай бойўғлининг вайронасин  
Эшикига келмасун мундин кейин.  
Тоғу саҳроларда урсун дасту по,  
Бергай эрди они ризқини Худо.  
Тоғу тузларга чиқиб сайд айласун,  
Меҳнат айлаб ризқини топиб есун.  
Чорламасдин борсанг элнинг уйиға,  
Ўғридин бадтар бўлурсен, эй оға.  
Мард шул; кеткурмасун ўз ҳурматин,  
Чекмасун ҳар бир кишининг миннатин.  
Сақласун ўз номусини доимо,  
Яъни меҳнат соясидин нон еса.  
Кезмасун халқ эшигини нон учун,  
Сотмасун ўз иззатини нон учун.  
Қарчиғайдек бўлмасун беобрў,  
Қамбағал аҳлиға солмасун ғулу.  
Ўзиға тобсунму оё камбағал,  
Анга нон берсунму оё камбағал.  
Қамбағалнинг ҳам аёғу илги бор,  
Ул дағалнинг ҳам аёғу илги бор.  
Қасбу кор этмоқға бордур қуввати,  
Балки яхши камбағалдин ҳурмати.  
Яъни қассобнинг ҳўкузидин семиз,  
Қамбағалдин ақли ҳам кўб ботамиз.  
Қамбағалдин лек ортуқ бир ери,  
Яъни дер: мен камбағалларнинг пири.  
Пирлар кўрсатди йўл Оллоҳ учун,  
Қайда йўл кўрсатди молу жоҳ учун...  
Эй гуруҳи камбағаллар, эмди сиз  
Бу киби қарчиға (й) ларни ҳайдангиз.  
Биз, гуруҳи камбағал, безормиз,  
Бу киби қарчиғайдин озормиз.  
Қарчиғай демангу денг: мурдор, хор,  
Ишламай донм бўлур умидвор.  
Қайдаким бўлса ўлумса, қора қуш,  
Кўрғай эркан охшом ичра они туш.  
Ҳар қачон тонг отса ҳозир анда ул,

Қора қушни доимо қилғони шул.  
 Қора қуш гар ногаҳони бўлса оч,  
 Елға оғзин очса бўлғай қорни оч.  
 Халқ аро бор шул масал, эй зуфунун,  
 Етти кун элдин ва елдин етти кун.  
 Етти кун гар еса элдин қора қуш,  
 Айлар эрмуш етти кун елдан емуш.  
 Топмаса, яъни қаноат айлағай,  
 Сабр бурчида иқомат айлағай.  
 Эй мучам, соғ ўл, қилай ўз меҳнатим,  
 Яъни меҳнат — роҳатим — хуш роҳатим.  
 Сидқи (й), меҳнат айла доим, соғ бўл,  
 Ялқов аҳлининг дилига доғ бўл.  
 Учраса ялқов на ерда, янч они,  
 Яъни меҳнат сўнграсида санч они.  
 Меҳнат этсун, ерни обод айласун,  
 Ўзини қуллуқдин озод айласун.  
 Ортиқ эрмас ҳеч кимдин ҳеч ким,  
 Бандаликда барча бирдур, эй ҳаким.  
 Яхши банда шулки, қилса ўз ишин,  
 Бошқаларға солмаса оғирлиқин...  
 Ўзгаларни гарданиға бўлма юк,  
 Бўлсанг озода, бўлур қадринг буюк.  
 Яъни меҳнат бирла бўлғил, вассалом,  
 Сўз гулини сўзлабон қилдим тамом.

\* \* \*

Кабутардин сўрдиларки, на учун иккидин зиёда жўжа  
 очмассен, товуқ кўб очадур. Кабутар айди: ман жиғил-  
 донимда дон ташиб жўжа боқурмен.

Жўжа боқ ҳамчун кабутар, Сидқиё,  
 Нон топиб бер жўжаға заҳмат била.

\* \* \*

Бир оч ит шаҳр дарвозасиға бориб туруб эрди. Шаҳр-  
 дин бир нон чиқиб даштға қараб думаланиб жўнади. Ит  
 айди: эй оромижон, қайда борурсан?

Нон айди: бир неча қоплон ва сиртлонлар бирла ошно  
 эрдим, аларнинг зиёратиға борурман.

Ит айди: мени қўрқутмағилки, наҳангнинг оғзиға  
 тушсанг ҳам ортингдин қолмасмен.

Сидқиё, ўрганса ҳар ким кўчаға,  
Тотли қанду турш зардолучаға.  
Тепсалар гар кўкрагиға филмасал,  
Юз жиюрмас, бўлмағай ҳаргиз ўсал.  
Эл эшигида кезар оч ит киби,  
Демағил, дин дарди, чурчит киби.  
Яхшироқ андин қаноатлик кўпак,  
Хўб эрур охурдаги боғлиғ эшак.

\* \* \*

Чироғни шамол ўчирур, шайхларни, олимларни та-  
маъ бирлан кибр бузар.

Шайху олимни тамаъ вайрон этар,  
Кўзларин эл илкиға ҳайрон этар.  
Донмо эл илкида икки кўзи,  
Ағниёнинг мадҳидур доим сўзи,  
Ағниёлар уйларин қилғай ётоғ,  
Камбағал аҳлидин ўлғайлар йироғ.  
Ушбуларда ушбу янглиғ бўлса ҳол,  
Яхшидур онлардин эмгакчи кулол.  
Чунки доим лой тепар, қилмас тамаъ,  
Бу киби меҳнат чекар қилмас тамаъ...  
Эрта-кеч лой ишлар ул қадри буюк,  
Шайхларча бўлмас эл кифтиға юк.  
Қап-қаро лойға чўмуб ҳар эрта-кеч,  
Арзи ҳожат айламас бойларға ҳеч.  
Меҳнатининг соясида нон егай,  
Камбағаллар суҳбатидин безмағай.  
Камбағалдур шайхларнинг душмани,  
Ағниё даргоҳи онлар маъмани.  
Эй гуруҳи камбағал, душман тутунг,  
Мумкин ўлса, шайхни босиб ўтунг.  
Чунки бизлардек алар ҳам ишласун,  
Ишлабон, бизлар киби нон тишласун.  
Бизни қишлоқларда ҳоло гўл кўб,  
Гўлларни молин олғой кулдуруб.  
Онларинг табъиға лойиқ сўз этар,  
Тотли сўзлаб, молини олиб кетар.  
Шайхларға камбағалнинг ҳақ сўзи,  
Ёқмағай, андоққи, ёқмасди ўзи.  
Шайхни сен хушлама, эй камбағал,  
Хушламайдуру сени зеро ул дағал.  
Гар улар дард деса, сен дегил бало,

Эл бошидин кўтарилсун бу бало.  
Бу бало элни қилур охир хароб,  
Яъни ялқов айлағай мисли симоб.  
Ерда қандоғ ушлағунг симобни,  
Ўйла, андиша қил бу бобни.  
Қайда ялқов бўлса, кўб битқай ҳунар.  
Беҳунарлар оре бўлғай дарбадар.  
Кўрди Сидқий, беҳунарни сони йўқ,  
Сурати бой худ гадоу қорни тўқ.

\* \* \*

Бир кимса қинғир кўз кишидан сўрдикки, қинғир кўзликлар бирни икки кўрар эмиш, ростму?

Айди: ростдур. Шул далил бирлаким, сен кўзумға тўрт оёқли кўрунурсан.

\* \* \*

Бир сичқон бир баққолнинг дўконида юрар эрди ва ширинликлардан ер эди ва баққол ҳам парво қилмас эрди. Бир куни баққолнинг ҳамёнидаги оқчасин ўғирлади. Баққол уни хонасин қазиб оқчасин топти. Сичқонни мушукиға берди, токи жазосин чекти.

\* \* \*

Тулкининг болалари онасидан ўтундиларки, бизларға бир ҳийла ўргатгилки, анинг бирла тозидин қутулғаймиз. Онаси айди: ҳийла кўбтур. Локин ҳамадан шул яхшидурки, ўз уйингда ўлтурур бўлсанг, този сени кўрмас ва сен тозини кўрмағайсен.

Сидқиё, хонангдаги нону кумоч,  
Қилмағай албатта қурсоқингни оч.  
Қил ишингни, ҳар эшикға юзлама,  
Бемаҳал ҳар кимни ошин кўзлама.  
Хорлик бирла тўқунғай ул киши,  
Тулки янглиғ ҳийла бўлса қилмиши.  
Бу замона шайхи тулкидин батар,  
Тозидин қўрқмай кезарлар дарбадар.

\* \* \*

Бир чумчуқ ўз хонасин тарк айлаб, лайлакнинг уясига хона ясади. Сўрдиларки, лайлакға на яқинлигинг бордурки, анга паноҳ этибдурсен. Жавобида дедикки, ҳар

Йил хуни жигар еб боқғон болаларимни йилон еб қўяр  
эди. Шул сабабдин ушбу бўзўрг паноҳиға сиқиндим.

Сидқиё, хуни жигар еб оқча топ,  
Оқчани сарф айла, жойи бўлса боп.  
Бўлмағил ҳар бир йилоннинг емуши,  
Яъни ул шайхи замоннинг емуши.  
Бўлғуча аҳли тамаънинг сарвари,  
Яхши бўлсанг фақр элин хидматқори.  
Ул йилонлар заҳматидин нари қоч,  
Ул паноҳлар оғзиға туфроқни соч.  
Чекмасун чумчуқча лайлакға паноҳ,  
Ишлабон сонсун ўзини мардироҳ.

\* \* \*

Бир итдин сўрдиларки, нега сен бор ерға гадойлар  
келмаслар. Ит жавоб бердики, мен қаноат бирла қурсоқ  
тўйғузарман ва гадойлар тамаъгинлик билла кўча кезар-  
лар.

Бўлса ҳар кимда қаноат, Сидқиё,  
Айлағай борича роҳат, Сидқиё.  
Қимниким, кечса тамаъ бирла иши,  
Кўчада тентиб қолур ёзу қиши.  
Мард бўлсанг, қўй тамаъни, меҳнат эт,  
Бўлма шайху меҳнат ила роҳат эт.

\* \* \*

Бир тулкиға дедиларки, юз танга олгилу қишлоқ  
сиртлонлариға хабар берғил. Тулки айди: эй биродар,  
оқча фаровондур, локин бу муомалада хатари жон.

Сидқиё, ушбу замонда шайхлар,  
Ҳар хатардин ҳам амонда шайхлар.

\* \* \*

Бир тева бирлан қорақулоқ ва тулки саҳро борур  
эрдилар. Йўлдин бир нон топиб олдилар. Қорақулоқ  
айди: мен еғайменки, Нўҳ пайғамбар кемаға ёғоч тарош-  
лағонда ҳамроҳ эрдим. Тулки айди: мен еғаймен, худо  
одамни туфроқдин яратқони хотиримда бор. Сўнгра тева  
гарданини (нг) чўзиб нонни кўтарди ва айди: қарағилки,  
шул буюклиғим бирлан ўтган кечаси туғулмишмен.

Урма лоф, эй шайх сен ўтган азизлар коридин,  
Тулки янглиғ нон тополмасдин қолурсан ногаҳон.

Тева янглиғ гүл бұл, юк чек тамаъгин бұлмағил,  
Қайда юрсанг, шул йўлунгда учрагай покиза пон.

\* \* \*

Бир дўкондорнинг бир хотун ва қизи бор эрди. Бир кун дўкониға бориб кўрдикки, калид уйида қолибдур. Хотунидин калиднин тилади. Хотун гумон қилдикки, чошт-гохлик ошин тилайдур. Қизиға айди: турғил, қозонға ўт қўйғилки, отанг дўкондин чиқиб келмишдур. Қиз гумон қилдикки, ани эрға берурлар. Айди: эй онаи меҳрибон, эрни найларменки, сенинг хидматинг керакдур.

Ҳар не ишким, дўст тутсанг, Сидқиё, фикрингдадур,  
Ташна сув савдосида, оч кимса нон ғавғосида.  
Хонақоҳнинг кунжи нчра шайхлик даъво қилур,  
Боқингиз бу беҳунарға нафсининг игвосида.

\* \* \*

Бир қароқчининг уйига меҳмон келмиш эрди. Қароқчи ўз аҳлина айди: агар қўлларим, аёғларимни (нг) боғлаб қўймасангиз, меҳмонни (нг) отини ўғурлаб кетурмен. Кечкурун бўлғоч, оби оташдин ўз аҳли ани қўлларин, аёғларин боғлаб қўйдилар. Тонг отқоч, қароқчининг хотунни ош пиширмақ бўлуб темур ўчоқни истаб топмади. Қароқчи айди: «На истарсенки, темур ўчоқни фалон ўрунга ёшуруб келмишман. Зероки, ахшомда уйқум келмади. Токи темур ўчоқни ёшуруб келуб ухладим. Ўз ода-тимни ўтаб тинчидим.

Фақир Сидқий айтур: шунга ўхшаш халқ тарафидан еб ўрганган тамаъгирлар ҳам тамаъ қопчиғини олиб гадолиқ (қилмаса) кўнгли тинмаски, ўрганган кўнгул ўртанса қўймас.

### ҚИНГИР ДАРАХТНИНГ СОЯСИ ҲАМ ҚИНГИР

Субҳи козиб козиб ўлғай, қўйма дил,  
Эй, биродар, содиқ ўлсанг, уз кўнгул.  
Субҳи козибни тамаъгин шайх бил,  
Субҳи содиқ дема они, эй кўнгул.  
Субҳи козиб корвонларни урар,  
Чунки тонг отмиш, деб онлар йўл юрар.  
Субҳи козиб бўлмасун элға далил,  
Қилмиш ул кўб карвонларни залил.  
Субҳи козиб бирла бўлма ошино,  
Субҳи содиқни таниб ол, Сидқиё...

## ЎГУТ

Бетамаънинг гардани бўлғай баланд,  
Бетамаъ бўлмас кишига пойбанд.  
Кимниким, айлаб тамаъ нонин есанг,  
Эҳтимоли бор ани ёдин десанг.  
Суймамиш ерларга меҳмон ўлмағил,  
Тушмағил кафш ичра чун қум бўлмағил.  
Бургадек пойжома ичра изтироб  
Қилмағил, оламни этма кўб хароб.  
Кун совуғда бўлмағил, чун ҳўл чопон,  
Соҳибинг титратмағил, берма зиён.  
Гар тамаъгинсен, мисоли томчи\* сен,  
Ул оғир бир шўру шардур, бас қийин.  
Анжиру ўт шохиға осма қозон,  
Ким ани бўйидин эл қилғай фиғон.  
Минган отинг йўлда гар йўртоқидур,  
Борғуча манзилға бағринг қон қилур...  
Оқчасиз чоғингда пул деган гадо,  
Қишдаги яхдин совуғроқ, англа, ҳой.

\* \* \*

Жаҳд қил, ўлтурма эй, ялқов киши,  
Ким тушар ҳамёнға ҳар ким қилмиши.  
Сув кетурғойсен олиб борсанг челақ,  
Ош буюр ўз илкинга, қилғай кўмақ.  
Ўзгаларга қад эгиб бўйсунмағил.  
Ишлабон мумкин қадар топиб егил...  
Не керактур ўзгаларнинг миннати  
Аҳли миннатнинг кўб ўлғой иллоти.  
Гарданингда чекма миннат борини,  
Жон борича қил тириклик корини.  
Риштан тақдирни тебратмасанг,  
Ош тушуб кўкдин қачон тўлғай косанг?  
Риштан тақдирни тебрат, югур,  
Анда ризқинг толиб ўлғай, эй ғаюр.  
Қулф очилмас токи очқу солмасанг,  
Очқуни қўзғотқали қўзғолмасанг...

---

\* Чакка (*Сидқий изоҳи*).



**ШАЙХЛАР НА УЧУН СЕМИЗ ЭРУР, КАМБАГАЛ ДЕХҚОНЛАР  
НЕГА ОРИҚ БЎЛУР?**

Шайхлар надин семиздур, сўзлагил?  
Ул семизликка сабаб бор, яхши бил.  
Ул сабаб — бул доимо роҳатдадур,  
Борса қайси ерға иззатдадур.  
Соҳиби хона бу меҳмонлар учун  
Тортибон ташвиш, бўлғай бағри хун.  
Шайх они ташвишидин беҳабар,  
Ухлағай охур тагида мисли хар...

**УРОҚДА—ИУҚ, МАШОҚДА—ИУҚ, ХИРМОНДА—ҲОЗИР!**

Жону тан бирлан ишлабон деҳқон,  
Сарфи қувват қилиб йиғар нон.  
Ёзнинг иссиғларига, чун дўзах,  
Шул иссиғларда ишлашур бағ-бағ.  
Ҳаракат бирла баракат, эй жон,  
Гўйиё ул икови эгиз ўғлон.  
Эгиз ўғлон чучук бўлур, хуш-хуш,  
Бирин кетса, бирин бўлур нохуш.  
Ҳаракат бирла баракат сероб,  
Бириси бўлмаса, бириси хароб.  
Яъни, алқисса, эй мусулмонлар,  
Ҳаракатсиз тирик эмас жонлар!  
Сидқий, йўқ ўйлаки беҳаракат,  
Бўлса бир луқма ошида баракат...

\* \* \*

Тевақушиға қушлар киби учғил, десалар, — «Тева-  
ман»,— дер эмиш. «Тева бўлсанг, устинга юк қўяли»,—  
десалар, — «Қушман!» (деб) баҳона этар.

Тевақуш янглиғ эрур шайху гадой,  
Меҳнат этмай, бўлса-қўйса, катта бой.  
Ишла, десанг, кўр, баҳона айлашур,  
Сояпарвар ит каби войвойлашур.  
Юк кўтармаским, алар озодадур,  
Касб қилмаским, алар бекзодадур.  
Яъни доим кори-боридур — тамаъ,  
Ҳамзабону ёри-оридур — тамаъ.  
Кимда-кимдин бўлса қилсун касбу кор,  
Бўлса озода тамаъдин қилсун ор...

Сидқиё, фарз ўлди касб этмоқ сенга,  
Шундоғ ўлса, иш буюр ўз илгинга.

### ТОШКАНД ҲОКИМИ — БЕКЛАРБЕГИ ҲИҚОЯСИ

Бир сигири бор эрди чанбар шох,  
Шул сабаб эрди ул раис гўстоҳ.  
Бир кун они йўқолди ул сигири,  
Қолмади истамағон они ери.  
Бир кун ўз ҳўкизини бир деҳқон  
Сугорурға олиб борурди равон.  
Ул раис ўлтурарди эшикида,  
Не қилурсиз, боқинг ани ишига.  
«Айланай сендин, эй ҳалол молим,  
Сен йўқолгач, бузулди аҳволим», —  
Деди-ю, тутди ҳўкуз арқонин.  
Ичди сувдек у камбағал қонин.  
Судрар эрди ҳўкизни ўз уйиға,  
Хотини кўрғоч, они деди анга:  
«Эй отаси, бу сигир эмас ҳўкуз,  
Ҳўкуз бўлмас сигир — недур бу сўз?!»  
Ул раис айди: «Эй хотун, ахир  
Сигир этса ҳўкузни Ҳақ қодир!»  
Бўлса эрди агар раиснинг эси,  
Қилмас эрди жафо фақирға баса.  
Сидқиё, камбағал дилин ўртаб,  
Шул киби бехирадлар этти хароб...

\* \* \*

Кўршабпарак кун душмани бўлғонидек ҳақиқатчиға  
ҳам душман кўбдир. Локин ҳақиқатчи кўршабпарақлар-  
дин кўрқуб мақсадини чекилмас.

Кундузини кўршабпарак суймағай,  
Бошқа жондор кун кўзиға тўймағай.  
Кун кўзини суймаса кўршабпарак,  
Они нури бўлмағай кам, қилма шак.  
Бўлмас онинг равнақи бозори кам,  
Гар ани (нг) кўршабпарак суймаса ҳам.  
Эй ҳақиқатчи, йўлунгдан қолмағил!  
Кўршабпарақлар юк ўлмас, толмағил!  
Ушбу юкни, қодир ўлсанг, ерға ур!  
Ерға ур, сўнгра юзиға қора сур!  
Ўртадин ушбу булутларни кўтар,

Бонси — зулмат бўлур мисли ғубор.  
 Ул ғуборларни йўқ айла мисли сув,  
 Ул булутлар зиддида бўл жангжў.  
 Ул булутларға сен ўл мисли шамол,  
 Пора айлаб бағрини қилғил ўсал.  
 Сунса гарчи қатлинга онлар илик,  
 Сен илик сунма аларға, тиг чек!  
 Қим иликдин тиг кескунроқ эрур,  
 Бил, илик тиг олдида тўмтоқ эрур.  
 Сидқиё, охир ўлумдин чора йўқ,  
 Охир ўлғунг — хоҳ очу хоҳ тўқ.  
 Чун ўлур бўлсанг, баланд дор узра ўл!  
 Яъни ҳақ сўз сўзла, ул кор узра ўл!  
 Бойпарастларнинг дилига оташ ўл,  
 Қиздур (ҳ)ўл ўтунни, ваҳ ўтункаш ўл!

\* \* \*

Ҳақиқатчини ҳар бир даврда яшатадилар, балки  
 бўйнига зовлу солиб, оёғига кишан уруб, зиндонда чу-  
 рутдилар.

Ҳар ҳақиқат оқибат тутса ўрун,  
 Бўлғуси душман ҳамона сарнигун.  
 Бил, ҳақиқат кўб машаққатлар билан,  
 Қўйилур майдонга меҳнатлар билан.  
 Бўлғуси бу йўлда жисму жон фидо  
 Ҳамда бўлғай молу хонумон фидо.  
 Кўб ҳақиқатчи осилди дор уза,  
 Кўб ҳақиқатчи отилди дор уза.  
 Кўб ҳақиқатчини қонин тўктилар,  
 Кўб ҳақиқатчини ноҳақ сўктилар.  
 Кўб ҳақиқатчи терисин шилдилар,  
 Фурсат илан қилғонини қилдилар.  
 Кўб ҳақиқатчини бошин кестилар,  
 Балки оянинг ичу тошин кестилар.  
 Кўб ҳақиқатчини қўлин кестилар,  
 Йўл кесарлар, яъни йўлин кестилар.  
 Кўб ҳақиқатчиға зовлу урдилар,  
 Шул сифатда суи зиндон сурдилар.  
 Кўб ҳақиқатчиға ёри бўлмади,  
 Бориларнинг ҳам мадори бўлмади.  
 Яъни кўб ноҳақ тарафдори ҳамон,  
 Эй ажаб, эл ичра бу одат ямон.  
 Сидқиё, ноҳақ элидин қўрқмағил,

Маслакинг ҳаққониятдур, сўзлагил.  
 Элға қил ҳаққоният ўз жойина.  
 Ултурур ҳаққоният ўз жойина.  
 Ногаҳон кўк ичра чиқса офтоб,  
 Маҳв қил, зулматни ҳолин қил хароб.  
 Ушбу зулматларға бўлғил нурча,  
 Чунки зулмат аҳли бўлғай кўрча.  
 Зулмат аҳлини жонига солғил шарор,  
 Ул шарора бирла қилғил беқарор.  
 Ул булутлар ичра бўл мисли чақин,  
 Ушбу зулматлар . . . . . \*

### ЯШАСҲН ЭМГАКЧИ ДЕҲҚОНЛАР, БИТСҲН НАЙРАНГЧИ ЯЛҚОВ ЭШОНЛАР!

Сен обод ўлурсан, магар эй жаҳон,  
 Ялангбош бўлуб ишласа деҳқон!  
 Алардин олур баҳра мўру магас,  
 Ҳақиқатда онлар — жувонмарду, бас!  
 Кими ишлар, оламда мангу яшар,  
 Топар роҳат улдур, эзгу яшар.  
 Яша, барча эмгакчилар! Хуш яша!  
 Ҳунар бил! Ўқи илм! Боҳуш яша!..  
 Ялангбошланиб ишлар деҳқон,  
 Ки ишлар эрсанг, тўқ ўлғай жаҳон!  
 Ки эл тўқ бўлса, дунё обод ўлур,  
 Ҳама ободлиқ бирлан эл шод ўлур!..

### РИЁИ ШАЙХЛАР<sup>24</sup>

Идрис алайҳис-салом халойиқларни (нг) — жамоасини (нг) музд учун тикар эрдилар ва қўлларининг кучи бирлан ҳосил бўлгон касбдин унгон нимарсадин ер эрдилар. («Бадоеул зуҳур»дан таржима.)

Бизнинг замонамиздаги самур, санжоб пўстинни (нг) кийгон, тўпчоқ минган зоти шарифлар касб қилурдин ор қилурлар. Буларнинг касби мухлислардин фойдаланмоқдур. Халқ эшигидаги паришон тамаъ бирла бўғзини ҳалолламоқ, узум дуоларға қўл чўзмоқ, ота-бобосининг руҳига топшурмоқ, асалдин тотлиқ, парқудин юмшоқ сўз бирлан гўлларни ўзиға қул қилмоқдур. Оё, жаҳонда мундин катта касб синоат (хунар) топилурмики, охири хорлик бўлғай.

\* Давоми йиртилган.

Суюгон ковак ерда турмағил,  
Упурулуб кетгусидур ўлтурмағил.  
Суюгон ер кибидур тамаъ ҳам  
Зоҳири зебо, ичидур ўрам.  
Гар инонсанг онга бўлғасем ҳалок,  
Бўлса йўлбошчи кўрайлик, эмди боқ.

### ЭЙ, ИКИ ЮЗЛИ ШАЙХ

Ҳазрат Саҳвий сенга андоғ неъмат каромат қилмиш-  
дурки, ичингда бирғина кўнгул яратмишдур, токи ани  
муҳаббатида якрави (якдил) бўлғойсен ва андин ўзга-  
дин юз учурғойсен ва ул сори юз қўйғойсен. На андоғ  
бўлғойсенки, бир дона кўнгилини юз пора қилғайсен ва  
ҳар порасин тамаъ майдонида чоптуруб, халқ эшикида  
овора қилғайсен.

Бир кўнгулға сиғмағай бир дўстдин ўзгау лек,  
Эй тамаъгир юз жиюрдинг дўстдин ағёрға.

Ағниёни қибла қилдинг, ҳожатинг онлардин ол,  
Чиқ ародин, ҳожатинг йўқ воҳид-ал-қаҳҳорға.

Ҳожатинг бўлса эди Оллоҳға юзланғай эдинг,  
Чиқмас эрдинг уй ичидин кўчау бозорға.

Маҳкам ўлса эрди дининг кезмас эрдинг эл аро,  
Сидқи (й) янглиғ урғай эрдинг қўлни касбу корға.

\* \* \*

Жаҳд қил, ўлтурма эй ялқов киши  
Ким тушар ҳамёнға ҳар ким қилмиши.

Сув кетурғойсен олиб борсанг челак,  
Ош буюр ўз илкинга, қилғай кўмак.

Ўзгаларға қад эгиб бўйсунмағил  
Ишлабон мумкин қадар топиб егил...

Не керактур ўзгаларнинг миннати  
Аҳли миннатнинг кўрулғой иллоти.

Гарданинға чекма миннат борини  
Жон борича қил тириклик корини.

Риштаи тақдирни тебратмасанг,  
Ош тушуб кўкдин қачон тўлғой қосанг.

Риштаи тақдирни титрат, югур,  
Анда ризқинг топиб, улғой эй ғаюр.

Қуфл очилмас токи очқу солмасанг,  
Очқуни қўзғотқали қўзғолмасанг.

Одат Олло жори эрмас, эй лаванд,  
Қуш тутулса, яъни беванду каманд.

Фазлнинг очилмоқи гарчи калидга боғлудур, локин  
қўлунгни тебратмоқ ҳам керак бўлур, яъни тақдирда  
ёзилғони бўлур деб тебратмасанг, оч қолиб тамаъ доми-  
га илинурсен.

#### **БИР СИЧҚОН ТЕВАНИ ЕТАҚЛАБ ЎЗИН ПАҲЛАВОН СОНДИ**

Бир кунни бир тевани бир сичқон  
Арқонидин ушлабон бўлди равон.  
Онинг ортидан равона тева ҳам,  
Деди сичқон, кучли эрканмен менам.  
Теваға урди бу сўзнинг шуъласи,  
Деди анга, ҳоли билғайсен, баса.  
Токи келдилар улуғ анҳорға,  
Фил ўтолмас эрди ондин, эй оға,  
Сичқон анда тўхтади ҳайрат билан  
Тева айди, эй биродар, кеч равон!  
Сен, қиловуз, яъни йўлбошчи менга,  
Эмди бу йўл ўртасида тўхтама.  
Айди сичқон, бу йўл эркан чуқур  
Ғарқ ўлурмен, мунда кирсам, эмди юр.  
Тева айди, мен билай сув ҳаддини  
Сувга солди тева ул дам ўзини.  
Деди: Сувнинг ҳадди тизға келодур,  
Эмди эй сичқон ўзингни сувға ур.

Айди сичқон: Менга бул сув оз дема,  
Бизни тиздин фарқи бордур, эй оға.  
Сенга бўлса, ушбу сув гар тизғача  
Мен анга тушсам агар, бошдин оша...

## ЕТИБ ЕГАН ТАМАЪГИНЛАРДИН ЖУВОЗКАШ ХҲКИЗ ЯХШИ

Тамаъгиндин гўзалроқдур хўкуз,  
Балки қилмишмен ғалат, яхши тўнғуз:  
Хўкуз меҳнат қилур ҳар эрта-кеч,  
Меҳнат этмакдин чекилмаз ҳеч-ҳеч.  
Ҳар саҳаргоҳдин чекарига жувот  
Меҳнат айлар, яъни айлар туъма — соз.  
Шул сабабдин нақд ўлур кунжараси,  
Ерасиннинг марҳами ўз чораси.  
Эй тамаъгин, фикри истиқбол қил.  
Ишла, инсон дунёсин икмол қил.  
Одам ўлғил, фикр илан бир иш туза,  
Шухрат ўл ойина янглиғ ер уза.  
Кўкрагинг ойина янглиғ соф қил,  
Шайхлиқни ташла, тарки лоф қил.  
Айлағайсан табакай мадҳи падар,  
Ушбу мадҳинг бўлмағай ғайр аз зарар...  
Бас, пишур ўз ўтунинг бирлан кабоб,  
Ҳар туну кун хизматиингни қил ҳисоб,  
Хидмат эт, икки жаҳон мангу яша,  
Эк экин, сероб қил, чун сув яша.  
Сидқи (й) га меҳнат билан бўл ҳамсабақ,  
Макру найрангингдан ағдарма варақ.  
Макру найрангинг бу дам қўл келмағай,  
Макру найрангингга Сидқий юрмағай.

\* \* \*

Бор эди бир қизу кампир, эй ағо,  
Бир-бирига дер эди, мен авлиё.  
Ногаҳони чиқса кўк узра булут  
Кампир айтур эрди ёқғай ул булут.  
Қиз дер эрди, эй она ул ёғмағай,  
Ёмғурин эмгакча ерға солмағай.  
Ёғса кампир бўлғай эрди авлиё.  
Ёғмаса қиз бўлғай эрди авлиё.  
Ҳозир онларча валийлар кўп эрур,  
Ғайб дунёси сўзидин сўзлашур.  
Халқнинг бўйнига банд ўлғоч каманд,  
Яъни бўлғойлар анга ихлосманд.  
Эй биродар, бу каманд оғир каманд,  
Ақлинг ўлса онга бўлма пойбанд...

\* \* \*

Бир кабобпаз бозордин икки семиз эчку олиб қўшоқлаб, чўкуб ётқон нортеванинг ёнига боғлади. Ногоҳ эчкулар итдан чўчуб теванинг бўйни узра ирғиб эрди, тева ҳам эчкулардин чўчиди ва қўшоқлангон икки эчкуини сангиллатиб кўтарди ва қозуқни суғуруб бозор растасида тамошо бўлди ва халойиқни бир тарафдин яна бир тарафга сурар эди. Ва кабобпаз тева ортидин югуруб ҳар замонда эчкуларга тиг уруб қон чиқорур эрди ва заруратда ҳалол бўлур дер эдики, мол аччиғи жон аччиғидин бадтардур.

\* \* \*

Бир чумолини кўрдиларки, ўзиға неча баробар донани олиб борур. Айти: бу чумолини кўрунгларки, ўзидин қатгани олиб борадур. Чумоли жавоб бердики, бизлар заҳмат чекиб номусимизни сақлармиз.

#### ЕЗДА СУТ БУЗУЛУР

Езда иссиғ кунда ора сут ачир,  
Ачиса ҳар бир идиш ичра сасир.  
Ачиған сут ҳеч ишға келмағай,  
Кўчаға ташланғай они, ит еғай.  
Шайхларни шул киби бузғой тамаъ  
Деди пайғамбарки, зилли мин тамаъ\*  
Гар кичикроқ ҳавз аро бўлса гулоб,  
Заррача мурдор ани қилғай хароб.  
Шайхларни ҳам тамаъ бузғай шу хил,  
Бас тамаъгин тўдасин билма асил.  
Ул асилдир, Сидқиё ишлаб еса,  
Ишлабон еб ризқини ҳақдин деса...

---

\* Тамаъ таги тубанликдир.



МАСНАВИИ

Бор эди бир кампир, ўзи эрди тул,  
 Анго бор эрди бир эсайғон ўғул.  
 Ани боқиб муддате эмгак чекиб,  
 Тунлар аро ухламайни сут бериб.  
 Кўзи анинг бирла эди бас ёруғ,  
 Токи бўлуб қолди ул ўғлон улуг.  
 Суду зиёнларни, бас ажратди ул,  
 Ҳар кима-ким бўлса олиб сотти ул.  
 Аввалида ҳеч нимаси эрди йўқ,  
 Бу иш ила қорни бўлуб қолди тўқ.  
 Айш суруб юрғой эди кўб маҳал,  
 Ногаҳ анинг бўлди аноси касал.  
 Анда сўраб онасинин ул етим,  
 Борди-ю, келтирди тузукроқ ҳақим.  
 Токи аносиға даво айлағай,  
 Ҳар нимаким деса бажо айлағай.  
 Тутқоч у кампирни ҳақим томурин,  
 Сўзлади бир-бир касали қиссасин.  
 Яъни деди мундоқ анинг ўғлиға,  
 Ҳеч даво айламағай суд анга.  
 Фоида берғай магар ул қилса эр.  
 Чунки хирад — ҳикмат ила бўйла дер.  
 Кампир у сўзни эшитиб, чекти оҳ,  
 Хасталиғи ошиб, ўлиб дилсиёҳ.  
 Айди ҳақимға боқиб, «Оҳ айланай,  
 Манга қани пушту паноҳ, айланай,  
 Ҳар дам эрур дилни таманноси шул,  
 Лек қабул этмағай ушбу ўғул.  
 Бўлса эди манга букун эр агар,  
 Манда қачон бўлғай эди дардисар».  
 Қаҳ-қаҳ уруб анда йўл олди ҳақим,  
 Ким эди фикри улуг, ақли салим.  
 Сидқини (й), киши ҳар неча ер ўлса ҳам,  
 Қайда бўлур нафси таманноси кам.  
 Нафс оти ўйла эрурким асов,  
 Ҳабли риёзат била қилғил етов.  
 Йўқ эса отқай эгасин жар сори,  
 Ким қочар арқони йўқ от ҳар сори.

ТОШКАНД ТАБЛАСИ ЧИМБОЙЛИҚ ҚИШЛОҚИДА БЎЛГОН  
БИР АНТИҚА ҲИКОЯЧА

Бор эди хожан тўра лақаб,  
Қиссасин айтай ани анланг ажаб.  
Хожа, бас ул от ила машҳур эди,  
Сарту қозоқ оғзида мазкур эди.  
Умр кечурғай эди бу ҳол аро  
Шод бўлуо жумла маҳу сол аро.  
Эрди ингин ичра қазоро, тўра,  
Эл ҳама пойиндаю боло — тўра.  
Хидмат аро эрди ададсиз киши,  
Яъни эди хидмат аларнинг иши.  
Мажлис элидин уланиб кўкға ун,  
Жумла нишот ила қилурди ўюн.  
Базм қизишқон чоғи бир мўйсафид  
Тўрага айди, «Пиру сиз, биз—мурид.  
Эмди бу дам сиздин этай бир савол,  
Токи жавобим беринг, этмай ўсол».  
Тўра бу сўздин булубон даргазаб,  
Бонг уруб айдики, «Аё беадаб!  
Вақти савол ушбу маҳалму бўлур?  
Мунча сўзунг тўнгу дағалму бўлур?  
Эл борисн қилсалар айшу тараб.  
Менму қилай айш, дейин санга гап?!»  
Анда ачигланди туруб мўйсафид.  
— Эй тўра, сиздин йўқ эди бу умид,  
Тўрага ачиг сўз ўтиб қилди зам,  
Жаҳли келиб сўкти ани тўра ҳам,  
Айди анга: «Сийлаки, ман тўраман,  
Чунки ўзум аҳли насаб кўраман».  
Они жавобида деди мўйсафид,  
«Ким биллик иқлимиди эрди фарид.  
Оре, билурман, тўрадирсиз баса,  
Лек эрурсиз сиз ўрус тўраси».  
Бу сўз ила халқ кулушти у дам,  
Кулди аларға қўшулуб тўра ҳам.  
Они гуноҳиға қалам чекти ул,  
Асли ҳақиқатда эрур яхши шул.  
Чунки ямон дил аро кин сақламоқ,  
Душманиға буғз ила сўзлар демоқ.  
Сидқи ( ) й, кишининг эса ақли расо,  
Бўйла бўлур өнинг иши доймо.  
Кини адоватқа кўнгул боғламас,  
Халқни ранжитқали бел боғламас.

## МАСНАВИИ

Бор эди Унқўрғон элин қозиси,  
Қатта-кичик ҳукмин эди розиси.  
Омийн маҳз эрди-ю, нодон эди,  
Яъни саводи бору ноҳон эди.  
Аввали ҳолида бўлуб камбағал,  
Қонии кумоч эди ҳар маҳал.  
Эрди яна ҳам ўзи гулханнишин,  
Ўз дилидек қора қилиб уй ичин.  
Ҳарнаки, эл дер эсалар кайфи бор,  
Они бисотида эди шашқатор.  
Яъниким ул тарёку кўкнору банг,  
Чўнтокида бўлғой эди ранг-баранг.  
Неча замон эрди бу ҳолат аро,  
Ўзни тутуб турфа касолат аро.  
Бир кунн ул қилди магар ул хаёл,  
Бу ҳол уза токай ўлай моҳу сол.  
Қози бўлиб халқни додин сўрай,  
Ушбу қаро уй аро токай турай.  
Ҳам эди элатияларға эшон,  
Макр ила онлардин олиб қурту нон.  
Роҳи ҳидоятға бирин йўлдамай,  
Гумраҳу йўл озганини қўлдамай.  
Гарди риёзат юзиға юқмаган,  
Шаръи шариф аҳли сўзин уқмаган.  
Эрди ўзи кони дағоу тамаъ  
Аҳли тамаъда бўладурму вараъ.  
Чунки тамаъ шаръ аро эрмиш ҳаром,  
Жийфа эрур тамаъи эт вассалом.  
Шаръи шариф ичра аниғ сўз будур,  
Гарчи бу сўз борасида бош кетур.  
Пирким этса тамаъ айлаб дуо,  
Пир демаслар ани марди худо.  
Бу каби томеъни дуосин бори  
Чиқмағусиму белидин юқори.  
Алғараз, ул ушбу хаёлот ила  
Йиғди муридин ҳаммасин от ила.  
Барча муридларға берилғоч шулон,  
Кўнглидағи розини этти баён.  
Айдики: «Дерман қилайин қозилиқ,  
Эмди берурсизму мунга розилиқ.  
Адл ила борчасини тиндурай,  
Барча ямонлар иликин синдурай.  
То бўлайин элға шариятпаноҳ,

Кўнглини овлай,— деса — ҳар кимса оҳ».
 Анда чубурлашти муридлар туруб,  
 Яхши бўлур бўлсалар андоғ деюб.  
 Айди муридларға у дам: «Барча тенг,  
 Бўлса гар андоғ, сиз иона йиғинг.  
 Кўргузайин токи тўла жустужў,  
 Эл аросида қилиб ўқ обрў!»  
 Айтганидек барчаси пул йиғдилар,  
 Сўнгра эшон илгиға тобшурдилар.  
 Хожа қилиб сарф пулин неча йўл,  
 Қози бўлуб қолди баногоҳ ул.  
 Бир-икки йил халқни додн сўруб,  
 Юрғай эди яхши-ямонни кўруб.  
 Ҳар қаю қишлоқ уза тушса агар,  
 Банги-ю, кўкнори йиғилғайдилар.  
 Гоҳ алар бирла бўлуб, банг чекуб,  
 Гоҳ ебон тарёку кўкнор ичиб.  
 Халқнинг арзи сориға боқмайин,  
 Анга булардин бўлак эл ёқмайин.  
 Шаръ ишин айлади бас поймол,  
 Хоки мазаллат уза айлаб ўсол.  
 Ришва деса ташлаб ўзин томдин,  
 Қилмайин андиша ямон номдин.  
 Ҳукмин эди барчаси хотунчалиш,  
 Қилмас эди эр кишилар янглиг иш.  
 Қўрқар эди барча илмдордин,  
 Оқсоқол, элликбоши бадкордин.  
 Бир кун арз айлади бир оқсоқол,  
 Ангаки тақсир деди, бу на ҳол?  
 Бор эди ялғузғина бир айғирим,  
 Гўё эди ўғлуму ёхуд пирим.  
 Эрди ул отимнинг ўзи тезрав,  
 Чопса ета олмағай эрди биров.  
 Бир кун саҳрода фалон деҳқон.  
 Байталини (нг) қўйғон экан ҳайдабон.  
 Ҳам яна қирчанги ва эрди яғир,  
 Елкасида гўйинё чорак хамир.  
 Айғирим ул байтал уза секраминш,  
 Токи у кундан буён ўлди хариш.  
 Эмди жанобидин этарман умид,  
 Ушбу ишим сўрсалар айлаб мурид.  
 Эрди ҳақиқатда бу сўз худ ялон,  
 Қилғон эди чин каби они баён.  
 Қози у деҳқонни у дам тобтуруб,  
 Тобқоли ҳар сори киши чобтуруб.

Қозининг олдиға олиб келдилар,  
Гаҳ урубон, гаҳ сурубон алар.  
Қозини ҳукми била ул дамда бот,  
Зўр-базўр ўтти у деҳқонга от.  
Отқакки сексон сўм этилгоч баҳо,  
От пулини (нг) айлади деҳқон адо.  
Асли у от эрди ўтуз сўм ўзи,  
Ким хариш эрди-ю, яна шум ўзи.  
Ўртаубон анда у деҳқон уйи  
Баски худ айланди азога тўйи.  
Гунг ўлубон демади ло-у-наам,  
Олди хариш отни, чиқиб кетти ҳам.  
Ўз уйиға борди ўшал дамда ул,  
Сўнгра ривоят тилабон олди йўл.  
Сойлуқ аро бор эдилар олимни,  
Ўзлари вақтида эдилар вали.  
Шаръ билан элға бўлуб раҳнамо,  
Фард эдилар тоат-ибодат аро.  
Деҳқон ўшал кун келибон, эй ахий,  
Воқеани ул кишиға сўзлади.  
Айдилар ул дамда сан, эй деҳқон,  
Оқсоқол отиға эмассен зимон.  
Чунки экан бўш иковинг отинг,  
Яъни ани айғирню байталинг.  
Шаръида бу ҳол аро бўлғунг зимон,  
Қасд билан яъни етурсанг зиён.  
Яна демишларки, қизиклиқ била  
Эйки жафо боридин ўлғон дуто.  
Қозининг олдиға бориб эрталаб.  
Байталиинги маҳрини қилғил талаб.  
Байталиинг ўлмиш негаким ушбу кун,  
Оқсоқол отиға ҳақиқий хотун.  
Ушбу латифа била ул деҳқон.  
Кулмишу ўз йўлиға кетмиш равон.  
Сидқи (й), чу илм аҳлиға келса қаҳат,  
Ишни бариси бўладур бу наMAT.  
Шаръ иши бўлғуси зеру забар,  
Жаҳл эли мансаб уза ўлтурсалар.  
Бўлғусидур қилгон ишин бори хом,  
Қўлни ю (в), қўлтўғинга ур, вассалом.  
Ушбу сўзум ялғон эмас сарбасар,  
Берған эди манга ул олим хабар.

## БИР БАХИЛ ҚИССАСИ

Англамишам Сойлуқ аро бир ғани,  
Бор эдиким, бухл эди кору фани.  
Йиллар ўтуб уйда қазон осмағон,  
Бил, ўз уйининг эшигин босмағон.  
Кун кечурур эрди юруб тентираб,  
Қарздор аҳлидин этиб пул талаб.  
Кечуруб онларни уйинин хўрок,  
Бўйла юрур эрди бўлуб завқнок.  
Ақчасига бўлмай анинг ад ва ҳад,  
Мулкига ҳам келмайин онинг адад.  
Гўйиё ўз асрида Қорун эди,  
Лек ғами оқчада дилхун эди.  
Яъни чиқормай кўчага бир пулин,  
Боғлаб эди халққа хайр эшигин.  
Келса гадо эшикига ногаҳон,  
Тири жафога этар эрди нишон.  
Енғай эди дилхун ўлубон гадо,  
Гаҳ дебон, ё ҳақу гаҳ ё худо.  
Қўшнисига тушса агар офтоб,  
Мунга ҳам ўлғай эди кўб печу тоб.  
Кийса баногоҳ биров янги тўн,  
Бўлғай эди бухл била бағри хун.  
Мундоғ ўлуб кори анинг муддати,  
Баски кўпайди пул илан мулкати.  
Халқ анга қўйди «купас» деб лақаб,  
Ул қувонур эрди бу сўздин ажаб.  
Лек купасларча эди бенамоз,  
Қилмағон ўз умрида назру ниёз.  
Бир куни ўз кўнглида фикр айлади,  
Тонглага масжидга боройин деди.  
Тонгла бу сўзига вафо айлабон,  
Турди-ю, масжид сари бўлди равон.  
Қирди бориб масжида ҳуркуб-шошиб,  
Бошида пул фикрати ҳаддин ошиб.  
Билганича суннат адо айлади,  
Эл кўзича ёди худо айлади.  
Гоҳи бош айлаб юқори, гоҳ тубан,  
Оҳ чекарди вале қилмай сўхан.  
Ҳаддин ошиб ҳардам анинг диққати,  
Кетса чиқиб тобмас эди фурсати.  
Бу ишига асру пушаймон эди,  
Ушбу сабаб ҳоли паришон эди.  
Такбир этиб токи муаззин тамом,

Айлади-ю, турди намоза имом.  
 Айладилар қавм ҳама иқтидо,  
 Тонг намозини (нг) этарға адо.  
 Токи намозини тугатти имом,  
 Фотиҳа юзға чекиб этти тамом.  
 Борча бўлуб ўз уйиға раҳнавард,  
 Икки-ики ва уч-учу фарду фард.  
 Анда ўшал бой чиқиб, фард ўлуб,  
 Дунё ғамидин дили пурдард ўлуб.  
 Бор эди бир оғилда қўш ҳўкуз,  
 Англағасиз бойдин эмди бу сўз.  
 Бой намоздин келибон эрталаб,  
 Айдики, оғилға келайин қараб.  
 Соғми ётқон кин анда ҳўкуз,  
 Қаприқибон кўнглида юз тобу сўз.  
 Салла-чафончин қозуқға илиб  
 Аста-секин кетти оғилға кириб.  
 Гўр каби оғил ичиде туртунуб,  
 Гаҳ қўлини пасту юқори сунуб.  
 Оқибат-ал-амр топиб ҳўкузин,  
 Ул икисн бошиға олди ўзин.  
 Кўрди икавдин бири қотмиш ҳаром,  
 Бўлди қаро кўзиға дунё тамом.  
 Оҳ деди қўл урубон ёниға,  
 Истади ул дам ажал ўз жониға.  
 Айди ўзиға сабаб ушбу роз,  
 Бўлди магар бул кун ўқуғон намоз.  
 Масжида гар қўймасам эрди қадам,  
 Бул ҳўкузум ўлмас эди ҳеч дам.  
 Манга ҳамоно бу намоз ёқмади,  
 Оннинг учун бахт манга боқмади.  
 Гўё атоси ўлубон анда бой,  
 Пиғлар эди ёш оқузуб ҳой-ҳой.  
 Ўлсам эди яхши санингчун ўзум,  
 Ҳўкузум-эй, ҳўкузум-эй, ҳўкузум.  
 Қайда топай эмди санингдек ҳўкуз,  
 Гар ҳўкузум бўлсун ўну ё ўтуз.  
 Ким манга сен онча қадрдон эдинг,  
 Бал ўз отамдин манго қолғон эдинг.  
 Эмди на қилғумки, ўлубсан ҳаром.  
 Гар ҳалол ўлсанг егай эрдим тамом.  
 Гўштунги еб бўлғай эдим баҳравар,  
 Сан ҳаром ўлдинг, манга бўлди зарар.  
 Гар ҳалол ўлсанг эди ҳар бобдин,  
 Олмас эдим гўштни қассобдин.

Бу каби сўзларни деб айлаб хуруш,  
Бошига мушлаб уруб ўлди хамуш.  
Олди ҳўкузининг терисини сўюб,  
Кўзга жаҳон тор, ичи-тоши куюб.  
Бу иш уза бир неча кунлар ўтуб,  
Ешти у қолгон ҳўкузини тутуб.  
Қасд этиб эдики, сани (нг) суғорай,  
Яъни булоқ бошига элтиб борай.  
Ул ҳўкузи эрди бағоят семиз,  
Ўйлаки йўлбарс эди масту тез.  
Бой ани кўчага чиқғоч олуб,  
Анда ҳўкуз арқонин узди чўчуб.  
Мағраб у дам тутти биёбон йўлин,  
Бой югуриб олди ўнг ила сўлин.  
Қайда ҳўкуз борса анго борибон,  
Онча югурмоқлиқ ила ҳорибон.  
Ёна югурмоқга тополмай мажол,  
Бориб ўзидин бўлубон хаста ҳол.  
Дер эди бу ҳол аро айлаб товуш,  
Яъни дебон ҳўкузини хук вухуш,  
Эмди на ерға борадурсен қочиб,  
Бўйла мени зору паришон топиб.  
Гар ўқур эрсам яна бир кун намоз,  
Ўлдурадурмен сени ҳам анда боз.  
Ким ўқуб эрди намоз ўлдинг биринг,  
Эмди санинг ҳам сўядурман теринг.  
Ўлгон ҳўкуз ёнига жо айлайин,  
Токи вужудингни фано айлайин.  
Сидқи (й), бу сўз ялгон эмас, барча чин,  
Ким дедилар санга халойиқ чунин.  
Халқ деганича бўлуб қиссасоз,  
Бўлдунг ажаб бўйла фасонанавоз.  
Ибрат олиб токи бўлак яхшилар,  
Айласалар бу каби ишдан ҳазар.  
Ҳаққинга қилмасму эканлар дуо,  
Айласанг оз яхшилара жон фидо.  
Кимки эса бу каби паст эътиқод,  
Икки жаҳон ичра тополмас мурод.  
Ҳар кишида ўлмас эса маърифат,  
Бўлғай ишини барчаси ушбу сифат.  
Гар тонумас эрса ўзин ҳар киши,  
Қайда Худони (нг) тонур андоғ киши.  
Ераб аларни (нг) шаръидин бер паноҳ,  
Ман каби ожизга ўзинг такягоҳ.



Тасаддуқ улдурки, ҳар на ёшурун тутқонингни ўртага қўйгайсен ва ҳар на қўлунгда бўлса, бергайсен ва ҳар наки санга юзланса, сабр этқайсен.

\* \* \*

Ихлос улдурки, ҳар на яхши иш қилсанг, Худодин савоб талаб қилгайсен ва раво кўрмагайсенки, анинг бирла сени халқ ёд қилгайлар ва анинг учун сени чўнг ва катта тутқайлар.

\* \* \*

Жувонмардлик улдурки, биродарларингдин воқеъ бўлгон хато ва ёзуқ борасида аларни маъзур тутқайсен ва алар бирла андоғ муомала қилгайсенки, узр сўрагудек бўлмагай.

\* \* \*

Мол барча халқнинг маҳбуби эрур. Кимда-ким мол (дор) бўлса, ани ҳамма эъзоз қилурлар ва қачонки ани қўлидин моли кетса, бирор кимса анинг олдига келмагай. Ҳар на қадар молинг бўлса, ўзинг учун сарф қил ва андин фойда элит, зероки, мол умрнинг осойиш ва роҳати учундир, умр мол йиғмоқ учун эмасдур.

\* \* \*

Қачонки халққа насиҳат қилур бўлсанг, керакки аввал ўз нафсингга насиҳат қилгайсен. Агар нафсинг амру фармонингдин бўюн тўлғамаса, ўзгаларга насиҳат қилгани тургил, йўқса худои таолодин уётқил.

\* \* \*

Шафқатли насиҳатчи улдурки, мардумни хайру салоҳга тарғиб қилгай, туз кабиким, гўштни салоҳга кетургай. на онки, шарр бирла фасодга тезлагай чибин кабиким, гўштни фосид қилур.

\* \* \*

Ҳар киши етти нимарсани етти нимарса узра ихтиёр қилса, эранлар мартабасига эришур: фақирлиқни бойлиқ узра, очлиқни тўқлиқ узра, шикасталиқни зўрлиқ узра, хорлиқни азизлиқ узра, тавозеъни манманлиқ узра, ғамни шодлиқ узра, ўлумни тириклик узра.

\* \* \*

Халойиқнинг донороқи улдурки, Худонинг ёдидин гофил бўлмағай ва ўлумни ўзига ҳамроҳ билғай ва бировнинг борасида яхшилик қилиб ани хотиридин фаромуш қилғай.

\* \* \*

Одамиятлиқ улдурки, кимки сенга ёмонлиқ қилса, ани ўрнида яхшилик қилғайсен ва кимки сендин узулса, анга уланғайсен ва кимки ноумидлик хатини (нг) номинг узра чекса, ани эҳсонининг доирасига ўзингни олғайсен.

\* \* \*

Ҳақ таоло уч фирқани душман ва уч фирқани душманроқ тутқай: фосиқни душман тутқай, фосиқ олимни душманроқ тутқай; бахилни душман тутқай, бахил бойни душманроқ тутқай; мутакаббирни душман тутқай, камбағал мутакаббирни душманроқ тутқай.

\* \* \*

Ҳақ таоло уч фирқани дўст тутқай ва уч фирқани дўстроқ тутқай: порсо ва обидни дўст тутқай, порсо йиғитни дўстроқ тутқай; жувонмардни дўст тутқай, жувонмард фақирни дўстроқ тутқай; тавозеъ қилғувчинини дўст тутқай, тавозеъ қилғувчи иззат эгаларинини дўстроқ тутқай.

\* \* \*

Агар Ҳақ таоло хоҳласа, дўстлардин баъзисининг иззати пардасининг остида ағёр назаридин ёшурун тутқай, зоҳиран аларни ғанийлик ва борлиқ либоси бирла ёшурғай, ток зоҳирбинлар аларни дунёталаб гумон қилғайлар, бу сабаб бирла аларни ҳолларининг жамоли номаҳрамлар кўзидин ёшурун қолғай.

\* \* \*

Дўстлиқ улдурки, санга инъом қилғай. Дўстлиқдин ошуқча иш будурки, санга инъом қилмағай ва ўз ҳақингни ўзунгға қўйғай.

\* \* \*

Холис дўст улдурки, суҳбатлашмоқда малул бўлмағай, виждонликда унутмағай, меҳнат бирла роҳатда ўзгача бўлмағай, ҳозир ва ғойиблуқда бўлакланмағай...

\* \* \*

Рост дўст улдурки, вақтики сени кўраски, тўғри йўлдин озиб, тўғён ёрасидин саргардон бўлуб, исён чорсусида йиқилибдурсан, сани иршод ва ҳиддатингға саъй қилғай. Бу борада санга ёри ва мадад бермоқни ўзига вожиб билғай.

\* \* \*

Ҳар ким беайб дўст истаса, анга дўст топилмағай ва кимки дўстга ҳар хитоб учун (бир) итоб қилса, душман кўпайғай. Кимки дўстлардин ул нимани кўз тутсаки, фойдаларни ҳосил қилмоқда ани ўз нафсларидин муқаддам тутқайлар, андоғ кимарса доимо ранжур ва аламзада бўлғай.

\* \* \*

Икки душман орасида андоғ сўз қилғилки, агар дўст бўлсалар шарманда ва уётлиғ бўлмағайсен. Ва ҳар на сирринг бўлса, дўст бирла ароға қўйма, зероки, эҳтимоли борки, бирдан душман бўлғай. Ва ҳар на ямонлиққа қудратинг етса, душманга еткурма, чунки бир вақт дўст бўлса, ажаб эмасдур.

\* \* \*

Дўст бир жафо сабаби бирла душман бўлур ва душман мурувват ва сахо бирла дўст бўлмағай, агар душманларни мурувват ва эҳсон бирла дўстлик доирасига келтура олмасанг, керакки, дўстларни ямон қилғилар сабаби бирла душман қаториға санамағайсен.

\* \* \*

Агар бировға дўст бўлмоқ хаёли кўнглунгға тушса, аввал ани ахлоқи нақдини (нг) ғазаб чоғида эътибор маҳақига урғил. Агар холис ва тоза чиқса, анинг бир-

ла дўстлик қилғил. Ёўқ эрса, ани ўз сирингдин огоҳ қилмағил, то кимки сен билан борҳо ва неча навбат суҳбатлашмаса, анинг бирла дўстлик риштасини боғламаки, синамаган кишини дўст қилғали бўлмағай.

\* \* \*

Халойиқнинг бадтарроқи ул кишиндурки, беғуноҳ халқни душман тутқай, мардумга изо ва жафо еткурмакни раво кўрғай ва кишининг хато ва ёзуқидни ўтмағай, узрни қабул қилмағай.

\* \* \*

Халойиқнинг донороқи улдурки, вақтнки бир қобил дўстни қўлга келтурса, ҳар фойда тўғрисида ани ўзидан муқаддам тутқай.

\* \* \*

Ҳар кимки, ўз тенги билан чиқишса ва мадора қилса, душман қўлидин саломат бўлур, ахлоқ ва сифотда дўстлар бирла мувофиқ бўлса, аларнинг муҳолифатларидин амон бўлур.

\* \* \*

Содиқ дўст улдурки, қачонки санинг айбингдин огоҳ бўлса, ани изҳорига саъй қилғай. Агар сиррингдин огоҳ бўлса, ёшурғай. Санинг тўғрингда эҳсон қилса, дилида тутмағай ва сандин анга бирор фойда етса, фаромуш қилмағай ва сандин бирор хато ва норасолиқни фаҳм қилса, юз ўгурмағай ва узр айтсанг, қабул қилғай.

\* \* \*

Ҳар дўстки дунёлик ғарази бирла дўст бўлур бўлса, оз нимарса сабаби бирла душман бўлур ва ҳар дўстки рост дўст — ул дунёлик важҳи бирла айрилмағай. Ва шижоат аҳлини жанг майдонда синаса бўлур ва диёнат арбобини муомала бирла озмойиш этса мумкиндур. Ва хотун бирла фарзандларнинг меҳру вафосини қашшоқлик ва камбағал чоғида имтиҳон қилса бўлур. Ва дўстларнинг ҳақиқатини мусибат кунларида билса бўлур.

\* \* \*

Хушёр киши ул эрурки, агар оламни ҳаммаси ани хусуматиға турсалар, анинг ҳеч ким бирла хусумати бўлмағай...

\* \* \*

Дўстинг сафарга кетганда андоғ ёд қилғилки, сени  
дўстдорлиқингни ёд қилғай ва хотирини унутмағай...

\* \* \*

Ҳар вақт бирор кимарсага давлат юзланса, ани шаҳ-  
вати ақл хидмати қилур. Ва агар ани нақбāt ва кам-  
бағаллиқ тутса, аҳли шаҳватга пойбанд ва мусаххир  
бўлур.

Кишининг эса, гар ҳиммати баланд,  
Дилин қилмағай оқча меҳрига банд.

Агар тутса, йўқлуқ хирад ёқасин,  
Тутар мардлар ҳам гадолиқ йўлин...

\* \* \*

Уч нимарсага уч нимарсадин чора йўқдур: подшоҳ-  
қа сиёсат лозимдур, вазирга омонатдорлиқ лозимдур,  
фуқарога итоат ва фармонбардорлиқ лозимдур.

#### МАСНАВИИ

Керакким, шаҳ ўлғай сиёсат билла,  
Бори ишда бўлғай адолат билла.

Вазир омонатлиқ ўлғай ани,  
Дабир диёнат (лиқ) ўлғай ани.

Ранят керакким итоат қилур  
Ки, бу иш аро яхши роҳат қилур.

\* \* \*

Уч нимарсанинг бақоси бўлмағай: баҳс ва жадалсиз  
илм, ва тижоратсиз мол, ва сиёсатсиз мулк.

#### МАСНАВИИ

Илм ўрганмоқ тиларсен, айлагил жаҳду жадал.  
Токи бўлғай мушкулнингни барчаси онинг-ла ҳал.

Гар тўла бўлсун десанг молнинг, (тижорат) айлагил,  
Барқарор ўлсун десанг мулкнинг, сиёсат айлагил.

\* \* \*

Офият, яъни саломатлик уч қисмдур: офияти тан ва офияти мол ва офияти дин. Таннинг офияти кам емоқда ва кам жимоъ этмоқда эрур ва молнинг офияти адои закот этмоқ ва ҳожат элини (нг) сийламоқда бўлур ва диннинг офияти нафснинг ҳавосидин қочмоқ ва кўнгулни кина бирла ҳасаддин пок этмоқда эрур.

\* \* \*

Тўрт нимарса нодонлик далили турур: бири ўзидин донороқ била жанжал қилишмоқ, иккинчиси синамаган кишига ишонмоқ, учунчи хотунлар макридин эмнн бўлмоқ саъйн, тўртинчиси ёш болалар бирла ўлтурушмоқ.

\* \* \*

Эранларга ҳақорат кўзи бирла боқмағил, эътибор кўзи бирла боқғил, хотунларга шаҳват кўзи бирла қарамағил, шафқат кўзи бирла қарағил.

\* \* \*

Суҳбат узра узлатни ихтиёр қилғилки, агар ўзунгдин кичик бирла улфат бўлсанг, сени жаҳли бирла ранжа қилур ва ўзингдин катта бирла улфат бўлсанг, санга такаббурлук қилур ва агар ўз тенгинг бирла улфат бўлсанг, санга ҳасад элтар.

\* \* \*

Қобил кишини тарбият қилғил ва ноқобилни тарбият қилмағилки, қобилиятликни тарбият қилмасдан ноқобил кишини тарбият қилмоқ зулм турур.

*Савол:* — Кўзлик кесак, тирик мазор кимдур?

*Жавоб:* — Тайёрхўр сояпарвар.

*Савол:* — Дунёнинг азоби нимадур?

*Жавоб:* — Ёмон қўшни, тор ўтук.\*

*Савол:* — Ул нимадурким, кичкина деб эътиборсиз ташлаб бўлмайдур?

*Жавоб:* — Огриқ, олов, душман, қарз, синамаған ёв.

*Савол:* — Иши қуртлаған деҳқоннинг душмани кимдур?

*Жавоб:* — Ишсиз дангаса.

*Савол:* — Ул нимадурким, кишини асир қилур?

*Жавоб:* — Инъом, эҳсон.

Кўзини кўрким, еса бир зарра ноц,  
Эгасининг ортидан бўлғай равон.

*Савол:* — Ул нимадурким, андин ҳеч нарса қутулмайдур?

*Жавоб:* — Ғайрат...

Ғайрати камдан — яхши хотун,  
Ундоғ одам печкаға бўлсун ўтун.

*Савол:* — Икки ўртоқнинг аросидаги хафалик нимадан пайдо бўлур?

*Жавоб:* — Оқча бирла оғишмоқдин.

*Савол:* — Камбағални бездурмоқнинг чораси нимадур?

*Жавоб:* — Унинг бўйниға узолмайдурған даражадаги қарзни юкламоқ.

*Савол:* — Оиладаги хиралик нималардур?

*Жавоб:* — Томчи (чакка) томиб турса, ҳўл ўтни ёниб қозонни қайнатмаса, ҳўл жома устингда бўлса, увоқ болалар йнглашиб турса, қарзни пулдор қистаб турса, чироғ ёғн бўлмаса — ана шулар.

---

\* Этик

*Савол:* — Нодон дўстан ким яхшидир?

*Жавоб:* — Билимлик душман.

*Савол:* — Оғриқ нимадан туғулур?

*Жавоб:* — Оғриқ ошдан, дов қариндошдан.

*Савол:* — Боеган изи орқага кетган кимдур?

*Жавоб:* — Иши ўнгмаган бебахт.

*Савол:* — Ул нимадурким, гоҳ рост келур, гоҳ ёлгон бўлур?

*Жавоб:* — Атроф хабарлари.

*Савол:* — Дунё юзидаги энг ёмон кимдур?

*Жавоб:* — Бировга оғирлигин солиб ётқан киши.

*Савол:* — Ҳаёт масаласидаги энг ёмон нарса нимадур?

*Жавоб:* — Қайтиб келган қиз, қайтиб чопқан ёв.

*Савол:* — Ул кимдурким, деворсиз ҳовли кабидур?

*Жавоб:* — Эрсиз хотун (тул).

*Савол:* — Номард кимдур?

*Жавоб:* — Ўз оиласин ташлаб, ёлғуз ўзининг тинчлигини кўзлаб қочқан киши.

Номард экан ул, Сидқиё, гўё урушдан қочмиш у, Майдондан они қувлангиз, эрларни ҳам ҳез айлағай.

*Савол:* — Ул нимадурким, ажали етса аробанинг изига тушадур?

*Жавоб:* — Илон.

Кун битган киши ҳарчанд юрсун эҳтиёт айлаб, Қазо ҳайдовчиси айлангириб тикғай чуқур сорн.

*Савол:* — Охир кишини нима йиқадур?

*Жавоб:* — Ғам, деворни нам.

*Савол:* — Оёқга боғ, юракга доғ нимадур?

*Жавоб:* — Бола-чақа меҳри.

Ҳар бирининг меҳри, эй Сидқий, аёғимга кишан,  
Ҳар бирининг дарди ўртанган юраким узра доғ.

*Савол:* — Ул нимадурким кўзга яхши кўринур?

*Жавоб:* — Туғулгон ер (ватан)

Туғулгон ер агарчи култефа бўлсун, бўлур иссиғ,  
Кўрунғай Сидқи (й) нинг қишлоғи ҳам ўз кўзиға гулзор.



*Савол:* — Ўл кимдурким, ўз оши ўзиға ҳаромдур?  
*Жавоб:* — Судхўр, бахил.

Судхўрнинг ошу нони ўзиға ҳаромдур,  
Бўлсун ҳарому тотмасун уйида ош тузин.

*Савол:* — Ёмон йўлдошдан зериккан киши уни(нг) жў-  
наб кетишида нима дейди?

*Жавоб:* — Шул кетганингдан, келма! Йўлингға жува\*  
битсун.

Ёмондан қоч, ёмондан қоч, ёмондан,  
Қутулгайсен неча турли зиёндан.

*Савол:* — Чибин нимаға қўнадур?

*Жавоб:* — Шираға.

Оқча кўб бўлса келур бегона-ю агёв ҳам,  
Кўб бўлурлар маслаҳатгў, ошно-ю ёр ҳам.

*Савол:* — Кимдурким, уни харжиси икки ҳисса бўлур?

*Жавоб:* — Мумсик.

Харжи мумсик икки ҳисса бўлганининг сирри бул —  
Олгай арзон нарсаниким, ул эса иллатлик бўлур.

*Савол:* — Қаю дарддурким, бедаводур?

*Жавоб:* — Бадхўйлуқ.

Не касалким бўлур — иложи бўлур,  
Яъни, бадхўйлуққа йўқ дору.

*Савол:* — Ул нимадурким, қорин тўйғузур?

*Жавоб:* — Қаноат. Қаноат қорин тўйғузур. Беқаноат  
ёлғуз отин сўйғузур.

*Савол:* — Қаю косадурким сира тўлмайду?

*Жавоб:* — Тиланчининг косаси.

*Савол:* — Сўралмайдурган касал нимадур?

*Жавоб:* — Кўз офриғи, тиш офриғи.

*Савол:* — Ул кимдурким, халтаси тешукдур?

*Жавоб:* — Топишиға қарамай сарф қилғувчи.

Юзи бирла йиқилгай ҳар киши беҳуда сарф этса,  
Яна аввалгидек қалқиб, шу ётқанча туролгайму?

---

\* Саримсоқ киби бинафша гулли ўсимликдурким, оғу дерлар. (*Сидқий изоти*).

*Савол:* — Энг шўр сув қаю сувдур?

*Жавоб:* — Ҳасрат ёши.

*Савол:* — Хамири ачимаган кимдур?

*Жавоб:* — Ишлик кишини гапга туткан эзма (сергап).

*Савол:* — Қаю сўздурким, кўнгилга мадор бўлур?

*Жавоб:* — «Бугун хафа бўлсанг — эрта куларсен  
Чечан бўлсанг, сўзни сўзга уларсан!» ашуласи.

*Савол:* — Ул нимадурким, икки тарафдин ҳам кетадур?

*Жавоб:* — Эр қартайса, эрки кетар,  
Хотун қартайса, кўрки кетар.

*Савол:* — Фалончи хўб ўзининг ишига пишиқ, эпчил-да,  
дерлар. Ул қандай кишидур?

*Жавоб:* — Уйиға ит кирмаған мумсикдурким, биров-  
нинг уйида енг шимариб, дастурхон ёзадур.

*Савол:* — Ҳақиқий қўпол кимдур?

*Жавоб:* — Икки сўзловчи сўзининг аросиға дахли йўқ  
сўз солиб, сўзни сўзга қўшмаса.

*Савол:* — Ҳар бир элнинг тараққийси нима бирла бўлур?

*Жавоб:* — Ўзиға хос урф (одат), тил, тарих бирла.

*Савол:* — Инсоният нимадур?

*Жавоб:* — Юқори қадам босмоқға (кўтарилмақға)  
тиришмоқ.

*Савол:* — Ҳаёт нимадан иборатдур?

*Жавоб:* — Ўзгалар бирла яхши муомалада бўлмоқдан.

*Савол:* — Ким ғарибдур?

*Жавоб:* — Дардлиқ.

Ғариб ўлса — ғариб йиғлар,  
Биз ғарибға ким йиғлар?

*Савол:* — Ул нимадурким, бир қозонда қайнамайдур?

*Жавоб:* — Икки кўчқорнинг боши.

Ҳасад кучи шу хил авж олган, эй биродарлар —  
Қозонда ҳам урушур икки каллаин кўчқор.

*Савол:* — Бутун дунё юзидаги энг нозик буюм нимадур?

*Жавоб:* — Фақир Сидқийнинг гулхонасидаги ранго-ранг  
гуллар.

*Савол:* — Саодат нимадур?

*Жавоб:* — Ҳақиқат сари қадам урмоқ.

*Савол:* — Орғамчиға қил қувват дерлар, унинг маъноси нимадур?

*Жавоб:* — Ночорлиқда, қийинчиликда бир дўстға берилган ёрдам.

*Савол:* — Ул нимадурким, бошланғиши аччиғ, оёғи чуқурдур?

*Жавоб:* — Қийинчиликға чидаш.

Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар,  
Сабрсизлар ўз оёғидан йитар.

*Савол:* — Қаю ердурким, чуқури кўпдур?

*Жавоб:* — Кўрмаган ер. Кўрмаган ерни чуқури кўп. Шул сабабдан мусофир ҳар бир қадамда адашур. Ҳар кимдан фалон ер қайда, деб сўрашур.

*Савол:* — Шуҳрат нима бирла бўлур?

*Жавоб:* — Қулоқға тушмоқ бирла.

*Савол:* — Бир йиғитдан сени ким улуг қилди (катта қилди) деб сўраганларида нима деди?

*Жавоб:* — Улуғларнинг ўлуми. Яъни, улуғлар ўлдилар, мен уларнинг ўрунлариға ўлтурдум. Мендин сўнг биров(нинг) ҳам менинг ўрнумға ўлтурур(лар).

*Савол:* — Қаю чоғда кўнгил қолмайди, маърака бузулмайди?

*Жавоб:* — Борича бозор бўлғонда.

*Савол:* — Ул нимадурким, бир терининг ичида неча семуруб, неча озадур?

*Жавоб:* — Қўй. Шу хил оилавий иш. Гоҳ бору, гоҳ йўқ Сидқий, жаҳоннинг ишиға доим ғаму ғусса аралашдур.

*Савол:* — Тажриба нимаға ўхшайдур?

*Жавоб:* — Сўз тинглатиб бўлмайдурған бир гўзал қиз киби дурким, уни енгмоқ учун кўб йиллар ўтадур. Қачон у қўлга кирса, ҳар икки тараф ҳам қартайғон бўлур.

*Савол:* — Шоир нимаға рози бўлур?

*Жавоб:* — Шоир ўз уйининг йўмурурға (қўпорурға) рози бўлур, аммо шеърлариндан бир йўлни йўмурурға рози бўлмас.

*Савол:* — Тенгсиз хазина нимадур?

*Жавоб:* — Тежалган рўзгор. Хотунким, эрнинг топқанин тежаса (тергаса), ҳар буюмини ўз ўрнида тутса, шояд шундоғ рўзгор ўнгалса. Аммо ҳар хотунким, қўшининг уйига ташиб емоқға ўрганса; ярамас хотунлар бирла ҳангома қилишмоқға йўл олса, бот фурсатда ундоғ рўзгор хароб бўлуб, хоку туробға қоришурким, не эрнинг топқонида барака бўлур, не тутқонида. От топади, эшак ейди, деган сўзнинг чин маъноси шул бўлур. Лаънат ул хотунғаким, фурсатни яхши сақламай эрни топқан-тутқанин совурса мисли гирдбод\*.

Оннинг-ла онла аҳволи не бўлғай, фикр қил.

Ўз ериға сарф бўлса, они дерлар иқтисод.

Сидқиё, рўзгор ишида ўрта йўлга қўй қадам,

Сен бир иш қилғилким, ўлсун бул иш ўз тенгингға ёд.

*Савол:* — Қаю неъматдурким, есанг тишингга кирамен, емасанг тушунгга демиш?

*Жавоб:* — Гўшт.

*Савол:* — Дард устига чипқон қаю чоғда бўлур?

*Жавоб:* — Камбағал деҳқонининг бир қўйини минг қўйлик бойнинг қўрасида бўри еса, яна шул кечаси тугайин деб турган семиз сигирини ўғри олиб, оқсиз қолса — дард устига чипқон ана шул бўлур.

*Савол:* — Юрак оғриғига не ерда даво топилур?

*Жавоб:* — Юртчиликда. Юртчиликда юрак оғриғига даъво топиламай қолмас.

*Савол:* — Уй ичининг оғир тоши нимадур?

*Жавоб:* — Хотун кишининг боши.

*Савол:* — Ул нимадурким сўзлагувчинин шарманда қилладур?

*Жавоб:* — Ғаразли фикр.

*Савол:* — Қўли суст косибдан ким яхши?

*Жавоб:* — Оёғи чаққон гадой.

*Савол:* — Гадойларнинг гадойроқи кимдур?

*Жавоб:* — Аҳмоқ. Аҳмоқнинг кўнгли оғзидадур, оқил-

\* Шамол

нинг тили кўнглида. Онингким ақли йўқтур,  
жонсиз сурат каби эрур. Жоҳилликча даво-  
сиз дард йўқтур.

*Савол:* — Кимдурким, ҳамишахўрдур?

*Жавоб:* — Тамаъгир.

*Савол:* — Ақлнинг камолға етқанин қайлин билур?

*Жавоб:* — Гап камаюр.

*Савол:* — Азизлик нима бирла бўлур?

*Жавоб:* — Элнинг қўлидаги молидан навмид бўлмоқ  
бирла бўлур. Озод киши улдурким, элнинг  
қўлидаги буюмдан кўз тутмаса! Қул киши  
ул кишидурким, элдин кўз тутса.

*Савол:* — Ул нимадурким, тубандин юқори кўтарур?

*Жавоб:* — Билимлик. Билим молдин яхшидурким, ул  
сени сақлайдур, молни сен сақларсен; билим  
ҳокимдур, мол маҳкум эрур.

*Савол:* — Ул нимадурким, юқоридин тубанға тортадур?

*Жавоб:* — Билимсизлик.

*Савол:* — Ул нимадурким, кишини юзаға чиқармайдур?

*Жавоб:* — Бахиллиқ. Бахил ҳамиша ўзини фақир қи-  
либ кўрсатур, гадойларнинг тириклигинин  
бадтар тириклик қилур. Бахилда шарофат  
бўлмас, кишида ҳиммат бўлмас.

*Савол:* — Ул кимдурким, тезлик қилмайдур?

*Жавоб:* — Иш охириини ўйлагон киши.

Андиша бирла иш юрут; кенгаш сўра ҳуш аҳлидин.  
Юрсанг шул икки йўл билан енгилмағайсен доимо.

*Савол:* — Ул кимдурким, қиммати оз эрур?

*Жавоб:* — Билими оз кишиким, ҳар бир йигитнинг қим-  
мати билим бирладур, билим киби шарофат  
қайдадур?

*Савол:* — Ул нимадурким, ишониб бўлмайдур?

*Жавоб:* — Бойлиқ. Бойлиқ эл йўлиға екилгон экин киби  
эрурким, бир улуг сел босса бенишон бўлур.

*Савол:* — Ул кимдурким, саломатлиги гумон бўлур?

*Жавоб:* — Кўпчиликға бош бўлгон киши.

*Савол:* — Ул кимдурким, кўзи ёришмайдур, ёқаси оқар-  
майдур?

*Жавоб:* — Қарзи кўб кишиким, мушукдин қўрқғон сичқон киби бўлуб уй чуқуридин чиқа олмайдур?

*Савол:* — Роҳат қайдадур?

*Жавоб:* — Роҳат ёлғузликда, бойлик — қаноатда, тинчлик бировға оғир сўз айтмасликда.

*Савол:* — Сўзнинг яхшиси қандоғ бўлур?

*Жавоб:* — Оз бўлуб кўбға далолат қилса, очниқ бўлса, эшитгувчига оғир бўлмаса, бировнинг шаҳсиға тегмаса.

*Савол:* — Энг улуғ инъом нимадур?

*Жавоб:* — Савол қилмасдан келғон нарса.

*Савол:* — Оқилнинг нима бирла кифоялангани яхши эрур?

*Жавоб:* — Ўз айбларини (нг), ўз нуқсонларини (нг) санамоқ бирла. Ана шунда бировларнинг нуқсонидин кўз юмадурким, ўзини тануғон киши севадур.

Не қадар фазлу камолинг бўлса, кулма ўзгаға,  
Беўрин кулсанг бировға, ёш гўдакдурсен ҳануз.

*Савол:* — Ит эгасини (нг), мушук бекасини (нг) қаю чоғда танймайдур?

*Жавоб:* — Бош-бошдоғлиқ ҳукм сурган тўйда.

*Савол:* — Неча нарса кишини беҳузур қилур?

*Жавоб:* — Утуғға тушган қум, шалварға қамалган бурға, ош устидаги жанжал...

*Савол:* — Чин бозор нимадур?

*Жавоб:* — Болалиқ уй.

Болалиқни уйи эрур гулистон  
Боласизни уйи эрур гўристон.

*Савол:* — Хомушнинг мозори нимадур?

*Жавоб:* — Боласиз уй.

*Савол:* — Ул нимадурким, семирған бирла ботмон бўлмайдур?

*Жавоб:* — Чумчуқ.

Ўзунгда йўқ ашё учун урма лоф,  
Очилғай сиринг чекма тилни чу шоф\*.

*Савол:* — Бургага аччиг қилиб кўрпага ўт қўйгон ким-  
дур?

*Жавоб:* — Тажрибасиз нодон.

Шошма ҳар бир ишда, хўб андиша қил,  
Бўлма енгил не бўлур иш охири.

*Савол:* — Кимдурким ўз қадрини(нг) билмайдур?

*Жавоб:* — Емон.

*Савол:* — Тилаб олгон ёмғур бошга бало деган сўзнинг  
чин маъноси нимадур?

*Жавоб:* — Меҳмоннинг ўз иззатича кетмасдан туя киби  
чўкуб ётқони.

*Савол:* — Ул нимадурким, қўл ба қўлдур?

*Жавоб:* — Жаҳоннинг мулки.

Кўнгил қўймағил қўлдаги молинга,  
Юрар эркан ул қўл ба қўл доимо.  
Бўлуб келгон иш шундоғ, эй Сидқий, бил,  
Буюк боболар аҳволни андиша қил.

*Савол:* — Дўстига ишониб фириб еган тулки нима деди?

*Жавоб:* — Ишонмағил дўстинга — сомон тикар пўс-  
тинга.

Ўзунга пухта бўл; алданма Сидқий киссабур-  
ларга — Жаҳонда сенга тулкининг сўзи ян-  
глиғ ўгут борму?

*Савол:* — Ул кимдурким, кулдуруб айтадур?

*Жавоб:* — Душман.

Яхши сўз айтиб, кулдурса душман.  
Боқғил у сўзга кўб фикр бирлан.  
Юрма сўзининг бўлса зиёни,  
Гар фойдалиқдур, ол секин они.  
Яъни ишингни ўзинг билиб қил.  
Сақлан зиёндин ҳам ою, ҳам йил.

*Савол:* — Ул кимдурким, ачитиб айтар?

*Жавоб:* — Дўст. Дўст ачитиб айтар.

Дўстунг ачитиб айтса, уни фикрига юрғил. —

\* Шамъи-илмик.

Сабу\* аччиғ эрур, лек уни фойдаси кўб.  
Жон куйдурубон сенга чу кўрсатса садоқат,  
Сидқий они ул кенгашининг жон била қил  
жуп\*\*.

*Савол:* — Ул нимадурким, эр йигит қўлин боғлайдур?

*Жавоб:* — Йўқлиқ...

*Савол:* — Эбин тошиб икки ошаган кимлардур?

*Жавоб:* — Каперативдаги молдан ўз тегишларига оши-  
риб, бозорга чиқазган каператифчилар.

*Савол:* — Қаю хондурким, ўз саройидаги канизлардан  
бир ёш канизга кўнгул бериб, балоғатга ет-  
маганлиги учун вақт кутуб канизнинг муро-  
дига етолмай, муҳаббатига вафот бўлди?

*Жавоб:* — Хўқанд хони Амир Умархон.

*Савол:* — Дўст қаю чоғда билинур?

*Жавоб:* — Мусибатда, қариндош—камбағалликда, меҳ-  
рибонлиқ — бекор қолганингдаким, шунинг  
бирла мартабангни билурлар.

*Савол:* — Жонлик бало нимадур?

*Жавоб:* — Тўдаси бирла камбағалнинг уйига бостириб  
келгон эшонзода.

*Савол:* — Ул нимадурким, кишини асир қилур?

*Жавоб:* — Инъом, эҳсон.

Қўзини кўрким, еса бир зарра нон,  
Эгасининг ортидан бўлғай равон.

*Савол:* — Ул нимадурким, андин ҳеч нарса қутулмайдур?

*Жавоб:* — Ғайрат...

Ғайрати камдан — яхши хотун  
Ундоғ одам печкага бўлсун ўтун.

*Савол:* — Ул кимдурким, олтунлуқ ўрага солсанг ҳам  
бой бўлмайдур?

*Жавоб:* — Гадой. Суқ тўймас, гадой бойимас.

Очингдан гарчики ўлсанг тиланма,  
Бўридек бўл — талабдин зарра ёнма.

---

\* Бир турли ғоятда аччиғ дору. Руслар «сопура» дерлар.

\*\* «Матқул» маъносиданким кўшнинг сўзи «жуп» дерлар.

(Сидқий ивоқлари:)



*Савол:* — Тил югуругидин қандай натижа чиқар?

*Жавоб:* — Охир чоғи бош кетар.

Тил югурүги бошқа  
Оғиз югуруги ошқа.

*Савол:* — Ул камбағал ўз ўртоқиға қандай таъсирлик сўз деди?

*Жавоб:* — Агар эсингда бўлсам, эски ошинг бирла йўқларсен.

Камбағаллик — кишини давлатидур,  
Ўтда куйсуи саховати йўқ бой.

*Савол:* — Кимға ким кулур?

*Жавоб:* — Тиззаси йиртиқ иштонсизға кулур, иштонсиз оламға.

*Савол:* — Етилган қиз нимаға ўхшайдур?

*Жавоб:* — Пишган қовунғаким, сақлаб бўлмайдур.

Қиз сақлағунча туз сақла.

*Савол:* — Тулкининг ҳунарманди қаю биридур?

*Жавоб:* — Тозининг кўзиға кўрунмағони.

Душман агар кичкина, ёлғуз йўлуқмаким,  
Елғиз чу топти сени ҳар иш бирла янчадур.

*Савол:* — Арпа-буғдой ош экан, олтун-кумуш тош экан, жумласини(нг) ким демиш?

*Жавоб:* — Очарчилик йилида далада бир чол кезар экан. Ногоҳ бир халта марварид топти, қўғурмочму экан гумони бирла қувониб очти, марваридни кўрғач, ўксиб, ул сўзини деди:

Очлик илон едургай тошбақа гўшгини ҳам,  
Қон едилар челақлаб, ўз кўзум билла кўрдүм.

Боболардин онгладимким, қаю бир очлик йилида очлар йўл-йўлда чизилишиб ўлтуруб, нон шундоғ думолоқ бўлур эрди деб, туфроқни қўллари бирла чизиб, нон хаёлида жон берар эрдилар. 1916 йилдаги очлик ҳам яхши бўлган йўқ.

*Савол:* — «Туя кўрдингму?—Йўқ»ни қаю чоғда айтилур?<sup>78</sup>

*Жавоб:* — Иш битими учун рншва (пора) берилғонда.

*Савол:* — Энг ёқимли овоз нимадур?

*Жавоб:* — Сихдаги кабобни шир-шири, каклик гўшти босган паловнинг биқ-биқи.

*Савол:* — Ул нимадурким, ўртачаси яхшидур?

*Жавоб:* — Қишмиш солингон паловнинг қоқ ўртасига қўюлгон каклик, қирғовул, бедана гўшти бирла зиралик қази.

*Савол:* — Қаю ошдурким, минг уруғдур?

*Жавоб:* — Маҳалла подачисининг мундисадаги оши ҳалоли.

Эй подачийи сода — оши ҳалоли қайда?

*Савол:* — Қаю ўчоғдурким, инган оёғин тикар, нимаган таёғин?

*Жавоб:* — Бесиёсат идора

Мамлакат бўлғай сиёсат бирла ободчилик  
Пўқса диқонларни ҳар қўрғончада ўғри босар.

*Савол:* — Ул нимадурким, мазорнинг тоши кабидур?

*Жавоб:* — Емай, ичмай тўплаб, ўзидан қолдургон судхўрнинг оқчаси.

*Савол:* — Ул кимдурким, кўр киши каби бўлур?

*Жавоб:* — Йўлчи (мусофир).

«Кўрмаган ернинг чуқури кўп»нинг маъноси шудур.

*Савол:* — Ул нимадурким, жон билан тенг чиқадур?

*Жавоб:* — Сут билан кирган феъл.

*Савол:* — Ул нимадурким, агар ул бўлмаса оплавий ишлар тўхталур?

*Жавоб:* — Гугурд (чақмоқ).

Камбағал деҳқон уйда кам топилғай бу мато,  
Шул сабаб Сидқий баён этти ўзи(нг) ҳолини.

*Савол:* — Йиғинда ўлтурган нодоннинг иззати нимадур?

*Жавоб:* — Жим ўлтурмоқи...

*Савол:* — Ул икки киши қандай кишидурким, бирининг оёғи тинмас, яна бирининг қулоғи?

*Жавоб:* — Эшак минган бирла қўш хотун олгон. Эшак минганни оёғи тинмас, қўш хотунликни қулоғи.

*Савол:* — Ул нимадурким жон семуртурур?

*Жавоб:* — Яхши сўз.

*Савол:* — Ҳингитнинг роҳати нимада?

*Жавоб:* — Ишлаб емоқда.

*Савол:* — Ҳининг шайтони маълумдур. Одамнинг шайтони кимдур?

*Жавоб:* — Қўлунгдан нақд оқчангни ваъда бирла олиб, ана-мана деб алдагон шарлатон (муғамбир)...

*Савол:* — Ярамас йўлдошдан нима яхши?

*Жавоб:* — Ҳар куни ясовул қўлидан ўн таёқ емоқ.

*Савол:* — Ул нимадурким, бир вақтда қон баробарида бўлур?

*Жавоб:* — Экинға керак бўлган кунларда ўзинға қиймат орттурган сув.

Сув бўлмаса на ток, на хашак ўнгғаладур,  
Дунё юзида жонли буюмнинг ҳаёти сув.

*Савол:* — Қаю кишидурким, агар ўз майлича суюлса, куракда турмайдур?

*Жавоб:* — Сўнғи замонларда пайдо бўлган эшонзода (тўрабачча).

Парсуқуб учма ҳавоға ориятдур бу қанот,  
Ерға шолпиллаб йчқилсанг, ўлмасанг бўлғай уят.

*Савол:* — Ерилмайдурган без нимадур?

*Жавоб:* — Сўзингни олмай қиморхонаға кетадурган ўғлон.

Олти бармоқлиқ кишининг бармоқидек бу бола  
Кесмасанг элдан уятдур, кессанг оғрийдур ёмон...

*Савол:* — «Мусофир итнинг думи қисиқ» деган сўз машҳурдур.

Бўйни қисиқ кимдур?

*Жавоб:* — Молдор хотунни олиб, туртки еган камбағал.

Молдор хотунни олгунча, эй шўрли камбағал

Сабру қаноат эгаси бир камбағални ол!

Тенг-тенги бирла дейдиларму боболаринг?

...чиқти нздан адашти бўлиб ўсал.

*Савол:* — Воҳасрато кунни қайси кундур?

*Жавоб:* — Бойлар молини(нг) мусодара қилинган кунни.

*Савол:* — Одам боласининг қиймати нима билан бўлур?

*Жавоб:* — Озодалик, бир нарсани бировлардан кўз тутмаслик билан...

Қачон ҳақиқат майдонга қўюлса, ноҳақлик ер остига кирар, локин ҳақиқатни юзага чиқорурга эрк бермаслар.

\* \* \*

Ҳақиқатчини ҳеч бир даврда яшатмадилар, балки бўйнига завлу солиб, аёғига кишан уруб, зиндонга ёптилар.

\* \* \*

Кўршабпарак кун душмани бўлгонидек ҳақиқатчиға ҳам... душман кўбдур. Локин ҳақиқатчи кўршабпараклардин қўрқуб мақсаддин чекилмас.

\* \* \*

Баҳорға бир муайян вақт бўлгондек, ҳақиқат ҳам бир вақтға боғлидур. То ўз вақти бўлмаса, юзага чиқмас ва ҳақнинг ёндургон чироғи ўчмас.

\* \* \*

Булут келгон бирлан офтоб нури камаймас ва офтоблик исми йўқолмаски, ҳамон офтоб офтобдур. Шунга ўхшаш ҳақиқатни ҳам қаро булутлар ёшира олмаски, ҳамон ҳақиқат ҳақиқатдур, охир юзага чиқар.

\* \* \*

Ҳар кишининг руҳи илм бирла қувватланса, шафқатли ва бетамаъ бўлур.

\* \* \*

Масъуд яшовчи киши шулдурки, киши миннатин чекмасун ва кишиға юк бўлмасун. Бебахт киши улдурки, кишининг миннатли ошини еб, бўйниға юк бўлур.

\* \* \*

Бўридан қассоблик келмас, итдин дўзандалик.

\* \* \*

Зўр бирла хушбахтлик ҳосил бўлмас.

\* \* \*

Қаромуг донаси бўлгунча бугдойни самони бўл,  
Ямонни яхшиси бўлгунча яхшини ямони бўл.

\* \* \*

Хуш қилиғлиқ бўлур саодатманд,  
Хоҳламаским, етурғай элга газанд.

\* \* \*

Ҳеч бир қоронғу зулм қоронғуси киби эмасдур,  
яъни золимларнинг зулмининг олдида қоронғу кечалар  
ҳам ойдинлик кибидур. Шундоғ бўлса, ночорларни  
эзмакдин, зулм балосидин сақламоқ ҳар бир одам бо-  
ласининг вазифаси бўлсун.

\* \* \*

Жаҳоннинг харобазор ҳолина келуви золимларнинг  
зулму сабаби бирла бўладур, қачонки шул золимлар  
йўқ бўлмасалар ҳамон жон харобдур.

\* \* \*

Қиличнинг кўчи, қаламнинг учи.  
Жаҳоннинг барқарор турмоғи шул икки нарсага  
боғлиқдур. Агар шул иккови бўлмаса эрди, жаҳон  
харобазор ҳолина келур эрди.

\* \* \*

Қаердаки илонни кўрсаиғ, бошини (иғ) янғил, шун-  
га ўхшаш ҳар бир ерда, ҳар бир ўринда ноҳақ иш  
юритувчи золимларни (иғ) лойиқинча чорасин бермак  
ҳар бир эр кишининг вазифаи миллияси бўлсун.

\* \* \*

Ҳар бир кишини (иғ) кўрсаиғ, ўзингдин яхши бил  
агар ўзгалардин ўзингни баланд билсаиғ, сен ҳам зо-  
лимлар тўдасидин бўлурсен, балки улардин ҳам бад-  
тарроқ, ёмонроқ бўлурсен.

\* \* \*

Зиёни тиклаган одамларнинг номусларин тўкмоқ,  
аларнинг ҳақина ноҳақ тажовуз қилмоқ зўр, энг ёмон  
зулм жумласидан саналур.

#### «РАҲИМО» ТАРЖИМАИ «КАРИМО»<sup>90</sup>

Раҳимо; бағишла менинг ҳолима;  
Ки бормен асри каманди ҳаво.  
Узингдин бўлак бизга йўқ додрас,  
Ёзуқ аҳлига сен хатобахшу бас.  
Хатонинг йўлидин мени айла дур,  
Тузук йўлни кўрсат, гуноҳим ёшур.

#### Пайгамбар алайҳис-саломнинг санолари баёнида

Қачон тил оғизда эса жойгир,  
Муҳаммад саноси бўлур дилпазир.  
Набилар улуғи, ҳабиби Худо,  
Ки арши мажид анго муттако.  
Минубон жаҳонгир якрон Буроқ  
Қи қасридин ошти шаҳе кўк равоқ.

#### Мусаннифнинг ўз нафсиға ишорат

Санинг қирқ йил ўтти умринг эсиз,  
Қилиб ёшлиқ, бўлмадинг ботамиз.  
Барин орзу бирла қилдинг тамом,  
Даме қилмадинг яхши ишқа хиром.  
Суянма, эрур умр нопойдор,  
Бўл огоҳ замон макридин зинҳор.

#### Карамнинг мадҳини баёнида

Дило, ҳар киши ёзса хони карам,  
Бўлур номдори жаҳони карам.  
Карам номдори жаҳон айлагай,  
Карам комгори замон айлагай.  
Карам мояи шодмони бўлур,  
Карам ҳосили зиндағони бўлур.  
Карам ортида дунёда кор йўқ,  
Ва мундин исиқ ҳеч бозор йўқ.  
Карамдин бори эл дилин тоза тут,  
Жаҳонни саходин пууровоза тут.

Бағишлашда бұл доймо мустақим,  
Ки жонни(нг) яратқувчи бордур карим.

### Саховатнинг сифати баёнида

Саховат қилур некбахт ихтиёр;  
Ки кимса саходин бўлур бахтиёр.  
Қилиб лутфу эҳсон; жаҳонгир бўл;  
Саховатнинг иқлимида мир бўл.  
Саховатдур аҳли басират иши;  
Саховат бўлур яхшининг варзиши  
Саховат эмиш айбға кимё,  
Саховат бори дардларға даво.  
Чу қодир эсанг, айлағайсан сахо;  
Ки етгай улуғлуқ саходин санго.

### Бахилнинг мазаммати баёнида

Бахил қасдиға гар жаҳон айланур,  
Вар иқбол анинг ғуломи ўлур.  
Ва гар илкида ганжи Қорун эса,  
Ва гар тобеъи рубъи маскун эса,  
Бахл арзимас улки, тутқунг отин,  
Ва гар рўзгор этса ҳам хидматин.  
Бахил молиға қилма бир илтифот,  
Бахил молнининг отин айтмоқ уёт.  
Бахил ар эса зоҳиди баҳравар,  
Беҳишт аҳли йўқ деди хайрул башар.  
Бахил арчи моли билан бўлса бой,  
Чекар хорлиқ ўйла пулсиз гадой.  
Карам аҳли молин егай ҳосилин,  
Бахиллар егай олтунининг ғамин.

### Тавозеънинг сифати баёнида

Тавозеъ гар этсанг, дило, ихтиёр,  
Бўлур халқи дунё санга дўстдор.  
Тавозеъ зиёд айлағай жоҳни,  
Ки кун партави ёрутар моҳни.  
Тавозеъ бўлур мояи дўстлиқ,  
Ки ўлғай бинг пояи дўстлиқ.  
Тавозеъ кишини қилур сарбаланд,  
Тавозеъ улуғлардин ўлғой писанд.  
Тавозеъ қилур ҳар ким эрса киши,  
Ярашмас кишидин ямонлиқ иши.

Тавозеъ қилур оқил, нуктапош,  
Қўюр шохи пурмева ер узра бош.  
Тавозеъ бўлур иззатафзо сенга,  
Беҳишти баринда қилур жо сенга.  
Тавозеъ беҳишт эшикига калид,  
Бўлур жоҳу давлат сариға навид.  
Тавозеъ кишини эса одати,  
Улуғ бўлғучи ортибон давлати.  
Кишиким, они давлати бор эрур,  
Тавозеъни андин топиш яхшидур.  
Тавозеъ сени айлағай аржуманд,  
Улуғлар қошида ўлурсан писанд.  
Халойиқдин этма тавозеъ дариг,  
Тавозеъдин эт бўйнунг андоққи, тиг.  
Тавозеъ улуғлардин ўлғай гўзал,  
Гадо гар тавозеъ этар, ул ўсал.

### Такаббурнинг мазаммати баёнида

Такаббурдин албатта қил ўзни пок,  
Ки бир кун қўлидин ўлурсан ҳалок.  
Такаббур улуғдин ўлур нописанд,  
Қилур кам мунн ким эса хушманд.  
Такаббур бўлур одати жоҳилон,  
Улуғлардин ўлмас такаббур аён.  
Такаббур азозилни хор айлади,  
Ки лаънат чоҳиға дучор айлади.  
Кишини такаббур эса хислати,  
Тўла бўлғуси бошида фикрати.  
Такаббур ямонларни (нг) бўлғай иши,  
Такаббур бўлур зоти нокас киши.  
Чу билдинг, такаббур нега айлағунг,  
Хато айлағунг ва хато айлағунг.

### Илмнинг фазилати баёнида

Топар илмдин одам ўғли камол,  
На давлат билан топилур бу хисол.  
Тилаб илм ёнмоқ керак шамъвор,  
Ки беилм тонулмағай кирдикор.  
Бўлур оқил одам талабгори илм,  
Ки доим қизиқ келди бозори илм.  
Кишиға азалда эса бахт ёр,  
Қилур ул кимса ўқуш ихтиёр.  
Талаб айламоқ санга илм ўлди фарз,



Яна вожиб истаб этиш қать арз.  
Югур илм этокиға, маҳкам қўл ур,  
Ки илминг муродинға қотиштирур.  
Уқуш айламоқ доим оқил иши,  
Ки беилм бўлмоқ бу — жоҳил иши.  
Санга илм дунёу динда тамом,  
Ки коринг топар илм ўқусанг низом.

### Жоҳиллар суҳбатидин қочмоқ баёнида

Дило, гар эсанг оқилу ҳушёр,  
Жаҳолат элиға даме бўлма ёр.  
Қочиншликда нодондин ўл тайрдек;  
Қовушмасда бўл шакару ширдек.  
Санго аждаҳо бўлса гар ёри гор,  
Ямон ёрдин яхшидур сад ҳазор.  
Агар душманни жонинг оқил эрур,  
Гўзал, дўстдинким, у жоҳил эрур.  
Жаҳонда чу жоҳил киши хор йўқ,  
Ки жоҳил каби бир ямон кор йўқ.  
Ямондин ямон ишдин ўзга келмас,  
Гўзал сўзни андин киши англамас.  
Саранжом, жоҳил жаҳаннам бўлур,  
Ки жоҳил гўзал оқибат кам бўлур.  
Сари дора жоҳил осилғони хўб,  
Ки жоҳил элин хор бўлғони хўб.  
Ямондин ҳазар қилғил, эй тоза дил,  
Ики дунёда бўлғунг андин хижил.

### Адолатнинг сифати баёнида

Чу, эзид сани айлади подшоҳ,  
Нечук бўлмагайсен адолатпаноҳ.  
Адолат эрур зевари хисрави,  
Нечук адл учун тутмағунг дил қавий.  
Санга мамлакат бўлғуси барқарор,  
Адолат иши бўлса гар дастёр.  
Чу Нўширавон қилди адл ихтиёр,  
Гўзал номи ал-ҳол эрур барқарор.  
Адолат нишонидур ороми мулк,  
Ки ҳосил бўлур адлдин коми мулк.  
Жаҳонға адолатча меъмор йўқ,  
Бийикроқ адолат каби кор йўқ.  
Санго яхши мундин не ҳосил бўлур,  
Ки номинг шаҳаншоҳи одил бўлур.  
Саодатдин истар эсанг гар нишон,

Жафо эшигин боғла элга аён.  
Раийят дилин сақлагил барқарор,  
Ситамдийдаларнинг муродин чиқор.

### Зулмнинг мазаммати баёнида

Хароб ўлғуси зулм бирла жаҳон,  
Чу бўйстонки, қўрғай хазондин зиён.  
Жафо сори майл этма ҳеч дар ҳол,  
Ки мулкингни хуршиди топмас завол.  
Киши ёқса зулм оташин бегумон,  
Чиқарғувси олам элидин фиғон.  
Ситамдийда гар чекса бир ўтлуғ оҳ,  
Суву лой ҳам бўлғай андин табоҳ.  
Қила кўрмағил нотавонларға зўр,  
Ўзинг ўйла, охир эрур тор гўр.  
Ситамдийдаға кўрма зулмнинг раво,  
Сани ўртар эл ўтлуғ оҳи било  
Эл озорини қилма, эй тийра рой,  
Ки ногаҳ, етар санга қаҳри Худой.  
Ситам бирла бечорани қилма танг,  
Ки золим тамуғқа кетар бедаранг.

### Қаноатнинг сифати баёнида

Дило, гар қаноатқа ҳамроҳсен,  
Фароғат жаҳонни аро шоҳсен.  
Қатигликдин, эй камбағал, қилма дод,  
Ки мол оқил олидадур ўйла бод.  
Фақирликдин оқил нечүк қилғай ор,  
Паямбарғадур фақирдин ифтихор.  
Ганининг эса оқча оройиши,  
Вале яхши фақр аҳли осойиши.  
Чу йўқсан гани, қилмағил изтироб,  
Шаҳ олмас хирож, ўлса бир ер хароб.  
Қаноат ҳама вақт аро хўб эрур,  
Қаноат қилур, кимки маҳбуб эрур.  
Қаноатни нуридин эт дилни соф,  
Агар некбахт эрсанг, эй бехилоф.

### Ҳирсинг мазаммати баёнида

Бўлан ҳирс домига эй мубтало,  
Бу ҳирсинг эрур бошқа битган бало.  
Адо қилма умрингни йиғмоқда мол,

Ки ҳамнаrx гуҳарға бўлмас сифол.  
Киши тушсаким ҳирс банди аро,  
Олур борча умрини боди фано.  
Қилай фараз амволи Қорун санго,  
Бори неъмат, рубъи маскун санго.  
Сан охир бўлурсан гирифтори гўр,  
Бўлуб ўйла бечора, эй бешуур.  
Нечук куйгасен зар хаёлотидан,  
Чекарсен эшак киби бори миҳан.  
Чекарсен нечук ранжлар мол учун;  
Ки ногаҳ бўлур бир кун сарнигун.  
Чунон жой олибдур дилингда дирам,  
Ки завқидин ўлдунг надими надам.  
Бўлубсен чунон ошиқи рўйи зар,  
Ки кезгунг жупун аҳлидек дарбадар.  
Тило сайдиға санда қасд ўйла бор,  
Ки ҳеч этмагунг ёд рўзи шумор.  
Илоҳи у нокас дилин тутма шод,  
Ки дунё учун қилса, динин фасод.

### Ибодатнинг сифати баёнида

Кишинингким иқболи бўлса ғулом,  
Бўлур майли тоат сорига мудом.  
Бўюн тўлғамоқ бандаликдин ямон,  
Ки давлат топилғай ибодат билан.  
Саодат бўлур тоатингдин ошуқ,  
Дилингу нури тоатдин ўлғай ёруқ.  
Чу тоат учун боғлар эрсанг миён,  
Очилғайдур давлати жовидон.  
Хирадманд тоатдин этмас ҳазар,  
Ки тоатча йўқ бир бийикроқ ҳунар.  
Ибодат суйи бирла пок эт бадан,  
Ки тонг-ла қутлуғунг сақар ўтидан.  
Намозингни сидқ ила қил зинҳор,  
Ки сен топқосен давлати пойдор.  
Ёрур тоатингдин бадан ичра жон,  
Ки ёруқ бўлур кундин ушбу жаҳон.  
Яратқувчининг бўл парастандаси,  
Бўл айвони тоат нашинандаси.  
Агар ҳақпараст ўлсанг эй дин паноҳ,  
Бўлурсан жаҳонида давлатни шоҳ.  
Бошинг зуҳднинг яқосидан чиқор,  
Ки жаннат бўлур жойи парҳезкор.  
Чироғи равон зуҳддин қил ёруғ,

Ки сан яхшиләрдек бўлурсан улўғ.  
Шариатдин ўлса кишиға шиор,  
Қиёмат куниндин қачон ваҳми бор?

### Шайтоннинг мазаммати баёнида

Дило, кимки маҳкуми шайтон эрур,  
Туну кун гуноҳ ичра сарсон эрур.  
Кишиғаки шайтон эса пешво,  
Қачон ёнғусидур Худо йўлиғо?  
Дило, қилма қасди гунаҳ зинҳор,  
Ки ҳақ қошида бўлмағунг шармсор.  
Гунаҳдин қилур хушманд эҳтироз,  
Ки бўлғувси сувдин шакарға гудоз.  
Гунаҳдин қилур некбахт ижтиноб,  
Ки пинҳон қилур кунни нурин саҳоб.  
Ямон нафсингга бўлма албатта ёр,  
Ки ногоҳ бўлурсан гирифтори нор.  
Гуноҳдин агар ёнмас эрса дилинг,  
Бўлур асфаласофилин манзилинг.  
Тириклик уйин қилмағайсен хароб,  
Ямон феъл селобидин, эй шабоб.  
Сан ўлсанг агар фиксдин бир сори,  
Бў(л)массан беҳишт гулшанидин нари.

### Муҳаббат шаробининг баёнида

Кетур соқнё, оби оташлибос,  
Ки масти қилур аҳли дил илтимос.  
Майн сурхи нақшинналиқ жом аро,  
Бўлур лаъли дилбар каби жонфизо.  
Хушо, оташи шавқ арбоби ишқ,  
Хушо, лаззати дард асҳоби ишқ.  
Кетур ул шароби чу обиҳаёт,  
Ки тобқой ҳидидин дил аз ғам пажот.  
Хуш ул дилки, тутқай тамоннойн дўст,  
Хуш ул, кимки бандида савдойн дўст.  
Хуш ул дилки, шайдосидур рўйи дўст,  
Хуш ул дилки, маъвосидур кўйи дўст.

### Вафонинг сифати баёнида

Дило, бўл вафо узра собитқадам,  
Ки бесикка ҳеч ерда юрмас дирам.  
Вафо йўлидин бурмасанг, гар инон,  
Адув кўнглида дўст бўлғунг, ҳў жон.  
Ўгурма вафо кўйидин рўйи дил,

Ки ёр олида бўлмагайсен хижил.  
Вафо йўлидин ташқари қўйма по,  
Ки аҳбобдин арзимайдур жафо.  
Бори дўстлардин жудолиқ хато,  
Узулмоқ ёрондин хилофи вафо.  
Бўлур бевафолиқ хотунлар иши,  
Сан ўрганма хотун ишини, эй киши.

### Шукрининг фазилати баёнида

Кишинингки, кўнгли эса хақшунос,  
Керак йўқки боғлар забон сипос,  
Дам урма худо шукридин ўзгага,  
Ки вожиб эрур шукри эзид санго.  
Тўла бўлгуси шукрдин неъматинг,  
Эшикдин кирар фатҳ ила нусратинг.  
Худо шукрини (нг) гар қиёматғача  
Мингидин бирин қайда қилгунг адо.  
Вале шукри (нг) айтмоқ авло дурур,  
Ки ҳақ шукри миллатға зевар эрур.  
Чу банд этмасанг шукри ҳақдин забон,  
Келур илкинга давлати жовидон.

### Сабрнинг фаслини баёнида

Санга гар сабурий эса дастёр,  
Келур илкинга давлат пойдор.  
Сабурий эрур жумла мурсал иши,  
Ўгурмас юзин мундин эслик киши.  
Очар сабр мақсуди жон эшигин,  
Ки очилмас ул сабрдин ўзгадин.  
Сабурий чиқорғой муроди дилинг,  
Ки илм аҳлидин ешилур мушкилинг.  
Сабурий калид дар орзу,  
Дағи фотиҳи кишвари орзу.  
Сабурий баҳар ҳол авло эрур,  
Анинг тахтида неча маъно эрур.  
Сабурий санинг мақсадингни берур,  
Бало ва аламдин сани қутқарур.  
Сабурий қилурсан санга бўлса дин,  
Ки шошмоқ эрур кори шайтон лани.

### Ростлиқнинг сифати баёнида

Дило, ростлиқ айласанг ихтиёр,  
Бўлур давлатинг ҳамдаму бахт ёр.

Бошин чулғамас ростдин хушманд,  
Ки ном ўлғуси ростлиқдин баланд.  
Даминг ростдин урсаиғ ар субҳвор,  
Жаҳолат тунидин тутарсан канор.  
Дам урма бажуз рости зинҳор,  
Ки сўлдин ошукдур ўнг, эй номдор.  
Гўзал ростдин дунёда кор йўқ,  
Ки садбаргида ростнинг хор йўқ.

### Ялғоннинг мазаммати баёнида

Кишигаки порасолиқ бўлса кор,  
Қачон рўзи маҳшар бўлур растгор.  
Кишигаки бўлса забони дуруғ,  
Чароғи дили они бўлмас ёруғ.  
Дуруғ одамини қилур шармсор,  
Дуруғ одамини қилур бевиқор.  
Хирадманд каззобдин тутқай ор,  
Ки одам деб они қилинмас шумор.  
Дуруғ, эй йиғит, сўзлама зинҳор,  
Ки козиб бўлур хору беэътибор.  
Жаҳон ичра ялғонча иш йўқ батар,  
Йўқ андин бўлур ном нек, эй писар.

### Ҳақ таолонинг санъати баёнида

Назар қил бу нақшин кўк узра ду бор,  
Ки томи эрур бесутун пойдор.  
Фалак хаймасин кўрғил, айланғувчи,  
Кўр анда тўла шамн(инг) ёнгучи.  
Биров посбону биров подшоҳ,  
Биров додхоҳу биров тожхоҳ.  
Биров шодмону биров дардманд,  
Биров комрону биров мустаманд.  
Биров бождору биров тождор,  
Биров сарфарозу биров хоксор.  
Биров бўрёда, биров тахт аро,  
Биров жанда ичра, биров шоҳида.  
Биров бенавоу биров молдор.  
Биров номуроду биров комгор.  
Биров бою бир кимса меҳнат аро,  
Бировға бақоу бировға фано.  
Биров тандурусту биров нотавон.  
Биров қорну ёна бир навжувон.  
Биров тўғри йўлда, биров дар хато,

Бировдир дуода, биров жанг аро.  
 Биров яхшикирдору нек эътиқод,  
 Биров фарқ баҳрида фиқу фасод.  
 Биров яхши хулқу биров тундхўй,  
 Бировдур ҳалиму биров жангижўй.  
 Биров роҳат ичра, бировда азоб,  
 Биров меҳнат ичра; биров комёб.  
 Бировдур улуғлуқ жаҳонида мир,  
 Ҳаводис камандиға бирдур асир.  
 Биров гулшани роҳат ичра муқим,  
 Биров ранжу ғам бирла донм надим.  
 Биров йиғди андозадин нори мол,  
 Бировда ғами нону харжи аёл.  
 Биров шодликдин чу гули хандазан,  
 Бировни дили хаста, кўнгли ҳазан.  
 Биров боғламиш тоат этмоқға бел,  
 Гуноҳ ичрадур бир киши ою йил.  
 Шабу рўз мусҳаф биров илкидо,  
 Ётур кимса майхона кунжи аро.  
 Биров шаръ эшикидадур михвор,  
 Биров куфр йўлида зуннордор.  
 Биров муқбилу олиму ҳушёр,  
 Биров мудбиру жоҳилу шармсор.  
 Биров ғозну чобуку паҳлавон,  
 Биров бедилу сусту тарсандажон.  
 Биров қотиби аҳли диёнат замир,  
 Биров ўғри ботинки, оти дабир.

### Маҳлуқотдин умид узмоқнинг баёнида

Кўнгул қўйма дунёға мундин сўғун,  
 Ки ногаҳ жонингдин чиқорғой тутун.  
 Ишонма эса лашкаринг беадад,  
 Ки йўқтур ажаб, тобмас эрсанг мадад.  
 Ишонма бу жоҳ ила мулкинга сен,  
 Ки бор эрди сендин бурун ҳам кейин.  
 Ямон бўлма, кўргунг зиёнини ёр,  
 Ямон тухмдин унмағай яхши бор.  
 Тўла подшоҳон султоннишон,  
 Тўла паҳлавонон кишварситон.  
 Тўла тунд гурдони лашкаршикан,  
 Тўла шерн мардонн шамширзан,  
 Тўла моҳирўёни шамшодқад,  
 Тўла нозанинон хуршидҳад,  
 Тўла хўбрўёни навхоста,

Тўла наварусони ораста.  
 Тўла номдору тўла комгор,  
 Тўла сарвқадду тўла гулъузор.  
 Ки кўнглак умрин қилишиб табоҳ,  
 Бош индурдилар ер яқосиға оҳ.  
 Ел олди алар барча умрин чунон,  
 Беролмади кимса андин нишон.  
 Кўнгул қўйма дунёға, эй дилрабо,  
 Ки ёққай сипехридин оннинг бало.  
 Бу манзилға дил қўйма, эй навжувон,  
 Ки анда дили кўрмағунг шодмон.  
 Кўнгул қўйма, бу эски дунёға сен,  
 Ки холи эмас ғам била ранждин.  
 Жаҳон тутмағуси сабот, эй писар,  
 Тугалтурма ғафлатда умринг чу хар.  
 Кўнгул қўйма дунёға, эй номдор,  
 Бу бир сўзини Шавкатдин эт ёдгор.

**Қитъаи таърих «Каримойи турки» аз  
 таъъизод ...Асирий Хўжандий**

Муқаддас назми поки Шайх Саъдий,  
 «Каримо» форсилафз эрди собиқ.  
 Бизим-ла ҳамватанлар туркдурлар,  
 Деюрлар туркиға турки мувофиқ.  
 Агар туркия нақл ўлса бу эъжоз,  
 Чуғолур эрди ҳар ер узра шойиқ.  
 Анинг нақли-ла этмиш сўзини соз,  
 Чолишмиш шавкати ул ёри содиқ.  
 Асири (й) дан савол этмиш хат илан,  
 Хитоми-чун бирор таърих лохиқ.  
 Жавобина туруб килки\* адабсанж\*\*,  
 Деди «Назми Каримоси» мутобиқ\*\*\*. (1331)

\* Қалам.

\*\* Адабдан хат битгувчи.

\*\*\* Мувофиқ.



## НАСРИЙ ҚИССАЛАР

### «ТАЗКИРАИ ИМОМ АЪЗАМ<sup>81</sup>» ДАН

(Имом Аъзам қиссаси)

#### БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РОҲИМ

Алҳамдулиллоҳи раббил-оламин вал оқибат-у лил муттақийм вас-саловоту-васаллам ала расулиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмайн.

Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор андоғ ривоят қилибдурларки, кунларда (н) бир кун Ҳазрати Расул саллаллоҳи алайҳи васаллам масжиди муборакда саҳобалар бирла ўлтуруб эрдилар. Ҳазрати Маъоз Жабал разияллоҳу анҳу кириб келдилар, салом қилиб айдиларки:

— Ё Расулуллоҳ, бу кеча андоғ туш кўрубдурманки, осмонда ҳамма юлдузларнинг орасида бир юлдуз пайдо бўлди. Юлдузларнинг боридин равшан, ҳамма оламини ёрутти. Осмон ичра андин ёруғроқ юлдуз кўрмадим. Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам гул гунчадек очилиб айдиларки:

— Ё Маъоз Жабал, ул юлдуз мандин кейин юз йил бўлғонда, менинг умматларим орасида бир умматим пайдо бўлур, ани оти Нуъмон бин Собит бўлғай. Ҳамма умматларимга шул умматим ривож берғай, яна ҳар икки дунёда барча умматларимга шул умматим раҳбар бўлғай. Ани илмининг нури умматларим орасида қиёматгача боқий бўлур. Шул умматимнинг нурини кўрубдурсиз, — дедилар.

Анда олдиларида бир табақда хурмо турур эрди. Ул хурмодин бир хурмо олиб оғзилариға солдилар, оғизларида тутуб туруб андин олиб хожа Абдулла Ансорийға бердилар ва айдилар:

— Ё Хожа Абдулла Ансорий, бу хурмонни шул умматимга берғайсиз. Аммо ул умматимни вақтигача умрингиз ёри бермағай. Бу омонатларимни умрингиз охирида Анас ибн Моликға берғайсиз. Ани ҳам охир вақтида фалон кунни, фалон маҳалда ул умматим ота-бола келурлар, ўглининг оти Нуъмон, отасининг оти Собит. Мундоғ оғинлар ва мундоғ суратлар бирла ул умматимга сад салом ва сад паём дегайсизлар. Ҳар умматим ани мазҳабида бўлса. Худои таоло дўзах ўтини ани баданиға ҳаром қилур, деб — бу васиятларни тамом қилиб, бир қатра муборак оби даҳанларини Хожа Абдулла Ан-

сорийга бердилар. Хожа Абдулла Ансорий тишларининг тубида сақладилар. Қачонки пайғамбар алайҳис-салом оламдин бордилар, Абдулла Ансорийнинг ҳам умрлари охирига етти. Анас ибн Моликнинг йигитлик вақтлари эрди, Хожа Абдулла Ансорий айдилар:

— Ё Анас ибн Молик, сизга васият ва омонатим борки, мандин эмас, бу омонат, пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васалламдин турур. Бир кун бир хурмо ва бир қатра муборак оби даҳанларидин бериб айдиларки:

— Ё Хожа Абдулла Ансорий, мендин начанд муддат ўткондин кейин бир кимарса чиқғай, умматларимнинг тож ва сарвари бўлғай. Мендин ул умматимга сад салом ва сад паём дегайсиз ва бу хурмо бирла оби даҳанимни анга сақлағайсиз, умрингиз вафо қилмас, бу омонатни умрингиз охирида Анас ибн Моликга берғайсиз. Анн ҳам қартайган вақтида вужудга келур — деб нишонларини ва вақтларини айтиб, бу хурмо бирла муборак бир қатра оби даҳанларини бериб эрдилар — деб хурмо бирла муборак оби даҳанларини Анас ибн Моликни оғизлариға солиб бердилар, ваъдалар ва сўзларинки, ҳазрат пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам Хожа Абдулла Ансорийга айтиб эрдилар, ҳаммасини Анас ибн Моликга айттилар. Сўнгра Хожа Абдулла Ансорий ҳам оламдин ўттилар. Анас ибн Моликнинг ҳам умрлари охирига етти.

Аммо андоғ ривоят қилибдурларки, бир кунн ҳазрат пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳамма саҳобалар бирла масжиди муборакда ўлтуруб эрдилар. Икки шаҳзодан кавнайн, яъни ҳазрат имоми Ҳасан ва имоми Ҳусайн разияллоҳи анҳо кириб келдилар. Ҳазрат Жабраил алайҳиссалом даҳян калбининг суратида бўлуб, ҳазрат пайғамбар алайҳис-саломнинг ёнларида ўлтуруб эрдилар. Ҳазрат Имоми Ҳасан ва Имоми Ҳусайн келиб уларнинг бўйунлариға осилиб, қўйунлариға қўлларини солдилар. Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам хижил бўлиб айдиларки:

— Ё биродарим Жабраил, маъзур тутсулар, бу фарзандларим сизни танитай, даҳян калбиға ўхшатиб, бу беадабликни қилурлар, — дедилар.

Ҳазрати Жабраил алайҳис-салом айдилар:

— Ё Расулудлоҳ, бу манга фахр ва мубоҳот турур. Ҳар вақтоки Шоҳимардон Муртазо Али ҳазрат Фотиман Зуҳро разияллоҳи анҳо бирла уйқуда бўлса бу икки шаҳзодан кавнайн гиря қилсалар, Худои таолодин фармон бўлур эрдикки:

— Эй Жабраил, ҳабибим Муҳаммаднинг икки нури

дийдаси йиғлади. Кўзларидан қатра ёш чиқмасунким, аршу курси, лавҳу қалам тебрангайлар. Ботроқ борғил, шерим Шохмардон Муртазо Али канизи Фотимаи Зухрони ҳаловатлиқ уйқусидин беҳаловат қилмағайлар. Ул икки шаҳзодаи кавнайн бешукларини тебратқил.

Мен борҳо фармони Ҳазрат раббул иззат бирла буларнинг бешукларини тебратур эрдим. Анинг учун манга ёпушурлар. Иншооллоҳи таоло қиёмат кунн ҳам мени тануб шафоат қилурлар.

Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам айдилар:

— Даҳия калби ҳар бора мунда келса, қўйнига емиш солиб келур эрди, ани олур эрдилар. Ҳазрати Жабраил алайҳиссалом дарҳол қўлларини узатиб беҳишддин бир олма олиб қўйунлариға қўйдилар. Ани ҳазрати Имоми Ҳасан ва Имоми Ҳусайн разияллоҳи анхумо олдилар, кўрдиларки, ажойиб, хушранг ва хушбўй олма турур. Ани искаб емай қўюнлариға солдилар. Модомики, ҳазрат Имоми Ҳусайнни Карбало даштида шаҳид қилдилар, бу олма қўюнларида эрди. Қўюнларидин Фирог дарёсиға қочиб тушиб эрди. Бу олма кела-кела, бир ариққа кирди. Ул ариғ бир кишини боғининг ичи бирла ўтуб борур эрди. Ул боғ эгасининг бир қизи бор эрди. Ул бир дўндуқча нозанин эрди. Боғда, ариғ лабида ўлтурур эрди. Ногоҳ бу олма оқиб келди. Ул қиз шавқи тамом бирла ул олмани тутуб олиб ёртисини еди. Дарҳол пушаймон бўлуб дедиким:

— Бу кимнинг олмаси турурки, мен кишининг ҳаққини ейдурман.

Сўнгра ул қолған ёртисини ариғқа солиб юборди ва йиғлаб ўлтурди. Отаси келиб кўрдикки, қизи паришонҳол йиғлаб ўлтурур эди.

— Эй жон фарзанди дилбандим нима бўлди?

Қиз айдн:

— Эй ота, ногоҳ бир олма оқиб келди. Ани тутиб олиб ёртисини едим. Билмасманки кимнинг ҳаққи турур?

Отаси айдн:

— Эй қизим, сабр қилинг, анинг бадалида бу боғни назир қилоли.

Ровий андоғ дебдурки, Собит деб бир деҳқон кимарса бор эрди. Луқман ҳалол учун деҳқончилик қилиб, сув суғориб юрур эрди. Ногоҳ бу олманиннг ёртиси ани экинниға келиб кирди. Собит уч кеча-кундуздн бери оч эрди. Дарҳол олиб еди. Ул ҳам андиша қилиб пушаймон бўлдикки, бу олма кимнинг ҳаққи эрдикки, ани

сбдурман. Тонгла қиёматда эгасига нима жавоб айтурман, — деб бу ҳам йиғлаб олма эгасини истаб равон бўлди, токи эгасини топиб рози қилгайман. Қиёмат куни азоби абадийга гирифтор бўлмагайман, эрса бу сувни ёқалаб сўрай-сўрай уч кунда бир боғқа келди. Гумон қилдики, ул олма бу боғдин оқиб боргандур. Боғнинг эшикида пойлаб ўлтурди. Шул соат боғнинг эгаси чиқиб келди. Кўрдик, бир кимарса паришонҳол ўлтурур. Собит қўнуб салом қилди.

Ул киши айди:

— Сиз қандай киши? Не ишда ўлтурурсиз?

Собит айди:

— Бу сувни тубонида сув суғориб юрур эрдим. Ногоҳ бир ёрти олма оқиб келди. Ани олиб едим. Ани эгасини истаб келибдурманки, топиб рози қилгайман. Токи қиёмат куни менга даъвогар бўлмагай. Ул олма бу боғдинму эркин деб, бу боғ эгасини йўқлаб ўлтурурман.

Боғбон ҳайрон бўлуб айдики:

— Ул олма менинг боғимдағи олмадин турур.

Собит айди:

— Бир динор берсам ризо бўлурмусиз?

Боғбон:

— Йўқ, — деди.

Собит яна айдики:

— Ун динор берсам ризо бўлурмусиз?

Боғбон унамади.

Собит яна айди:

— Юз динор берсам ризо бўлурмусиз?

Боғбон унамади.

Собит айди:

— Йиллар хизмат қилсам ризо бўлурмусиз?

Боғбон унамади.

Собит айди:

— Мени қул деб сотиб, баҳомни олиб, ризо бўлурмусиз?

Боғбон:

— Йўқ, — деди.

Анда Собит йиғлай бошлади. Андоғ йиғладики, бадқол бўлуб, ўлар ҳолатқа етти. Қизни отаси ани мусулмончилиқига ҳайрон бўлуб, ўзиға айдики, қизимға мундин хўброқ эр топилмагай. Сўрдик:

— Эй йигит, бир еўзум бор. Агар шуни ўтасанг, ризо бўлурман

Собит шодмон бўлуб дедик:

— Жону дил бирла ўтагайман.

Боғбон айди:

— Бир қизим бор турур. Бадбашара, икки кўзи кўр, қўли қинғир, оёғи чўлоқ, тили гунг. Ани ҳеч ким хоҳламайдур. Агар сен ани хоҳласанг, ризо бўлурман. Йўқса бўлмасман.

Собит айди:

— Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло қиёмат кунни кишининг ҳаққини нимага единг деб азоб қилур, аммо кўр, кар, оқсоқ хотунни нимага олдинг деб азоб қилмас. Сўнгра айдики:

— Қабул қилурман.

Анда қизни никоҳ қилиб бердилар: Собит кўрдик, қиз юқоридақи сифатда эмас.

Ҳайрон бўлуб айдики:

— Муни тўрт айби бор деб эрдилар, мундоғ демакда бонс на эрди?

(Қизнинг) отаси айди:

— Кўр демакда бонс ул эрдик, номаҳрам юзини кўрғон эмас ва номаҳрамнинг кўзи бу қизга тушқон эмас. Кар демакда бонс Худон таоло зикридин ўзгани эшитгон эмас. Чўлоқ демакда бонс қўлнинг дунё ишига узатқон эмас.

Ул қизни Собит бу кеча тасарруф қилди. Ул олма қувватининг ёртиси Собитда, ёртиси бу қизда эрди. Ҳомиладор бўлди. Ул ҳазрат Имоми Аъзам раҳматуллоҳу алайҳ эрдилар. Ул қиз туғди, бола отини (нг) Нуъмон қўйдилар. Ул боланинг тили аввал «Ашҳаду анна ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаю ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу»<sup>82</sup> деб чиқти. Андин илгари ҳеч нима демадилар. Тўрт ёшқа етқонда саводларни тамом чиқиб каломуллони аз сар то по ёд олдилар. Энди лозим бўлдики, бир олимда ўқуғайлар. Ул вақтда Анас ибн Молик р.а.\* дарс айтур эрдилар. Умрларни тўқсонга бориб, ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васалламни Хожа Абдулла Ансорийга айтқан вақтларни етиб эрди, ногоҳ ҳазрати Нуъмонни оталари Анас ибн Моликнинг қошларига олиб келдилар. Уларнинг қошларида олимлардан юз киши бор эрди. Собит ҳазрати Нуъмонни олиб келиб пешгоҳда ўлтурдилар. Анас ибн Молик кўрдиларки, бир нур келиб хонақоҳларига кирди. Бир учи ариша, бир учи бу ўғулнинг пешонасида турур. Сўрдиларки:

— Сиз қандай киши? Отингиз нима турур? Бу ўғул кимнинг ўғли? Оти надур? На ишқа келдинглар?

\* Разиаллоҳу анҳу. Нашрда шундай қисқартириб берилган.

Собит айди:

— Ё бузруквор, мен фақир турурман. Уғлумни жаноблари қошлариға олиб келдим, токи ўқутгайлар. Муборак нафасларидин файз топиб мусулмон бўлса керак.

Анас ибн Молик кўрдиларки, пайғамбар алайҳиссалом ҳар нишонанки Хожа Абдулла Ансорийға деб эрдилар, ани ҳаммасини бу ўғулда кўрдилар ва яна бу ўғул бирла сизни отингиз на деб сўрдилар.

Айди:

— Менинг отим Собит, ўғлумнинг оти Нуъмон турур.

Анас ибн Молик р.а. дарҳол қўпуб таъзим бирла айдиларки:

— Ассалом алайк, эй сирожни уммат ва эй муқтадои футувват ва эй муравважи шарнат ва эй тожи авжи фитрат ва эй имоми аввални ва охирини ва эй пешвои муттақийни ва эй соҳибни илмул-яқини. Бу салом бирла паём ўзумдин эмас, ҳазрати пайғамбар алайҳиссаломни салом ва паёмларини айтурман, — деб ҳазрати Нуъмонни бўйунлариға кўтариб тахтқа ўлтургузуб қўйдилар ва айдилар:

— Сизларға ҳазрати Расули акрам саллаллоҳи алайҳи васалламни омонотлари бор турур. Бу омонотни Хожа Абдулла Ансорийға бериб эканлар. Ҳазрат пайғамбар алайҳиссаломнинг ваъдаларинча Хожа Абдулла Ансорий бу омонотни менга бериб эрдилар. Ҳазрати Расули алайҳиссаломнинг муборак оби даҳанларини тишимнинг орасида сизға сақлаб эрдим. Эмди сизға берай, — деб ҳазрати Нуъмонни оғизлариға ул муборак оби даҳанни солдилар ва бу хурмони ҳам енг, — деб бердилар. Мужаррад смоқлари бирла юқори боқтилар, арши тоқини (нг) кўрдилар, тубан боқтилар пушт моҳини (нг) кўрдилар. Дилларида бир нур пайдо бўлди, гўёки офтоби тобон эрди. Пайғамбар алайҳиссалом неча васият ва неча сўзларни Хожа Абдулла Ансорийға, — деб эрдилар. Хожа Абдулла Ансорий Анас ибн Моликға деб эрдилар. Анас ибн Молик Ҳазрат Нуъмонға сўзлаб бердилар. Ҳамма ўлтургон халойиқ ҳайрон бўлдилар. Анас ибн Молик айдилар:

— Алҳамдулиллоҳ бу омонотларни сизға саломат еткурдум. Эмди умрум охириға етти, бизни руҳимизни бирор фотиҳан пурфайз бирла йўқлағайлар.

Собит хушҳол бўлуб, Ҳазрат Нуъмонни олиб чиқти. Кўрдикки, ҳазрат Нуъмонни ранг-рўйлари ўзгача бўлбур. Айди:

— Эй фарзанди дилбандим, ўзингизни нечук кўрар-сиз?

Ҳазрат Нуъмон айдилар:

— Эй падари бузруквор, алҳол илм аввалини ва охирини дилимда жилва қиладур, ҳеч гириҳ кўрмайдурман. Энди рухсат берсалар бориб Каъбатуллоҳни тавоф қилиб равзан мунаввар(г)а Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васалламни зиёрат қилгайман. Собит айди:

— Эй бўтам, сиз тақи кичик, балогатқа етқон эмас-сиз.

Ҳазрати Нуъмон айдилар:

— Манга балогат лозим эмасдур, аммо дилимга тушубдур.

Собитни ночор Маккага олиб келдилар. Ҳазрати Нуъмон кўрдиларки, Маккатуллоҳнинг эшикларни қуфл турур. Айдилар:

— Эй шайх жорубкашлар, эшикни очинглар, кириб бу қаро юзимни Каъбанинг туфроқига сургайман. Шайх жорубкаш айдилар:

— Сиз кичик, бола экансиз, Макка сизга фарз эмасдур ва яна Каъбага кирадурғон вақт ҳам эмас, — деб эрдиларки, Каъбатуллоҳнинг қуфли очилиб, эшикларни кушода бўлушқа бошлади. Шайх жорубкашлар ҳайрон қолдилар. Ҳазрати Нуъмон Каъбага кириб, хонан муборакда ўнг қадамларини ерга қўйуб, чап қадамларини қўймай, икки ракъат намоз бошладилар. Аввалқи ракъатқа «Фотиҳа»дин бошлаб суран «Бақара»ни зам қилиб, суран «Каҳф»да «Вал-йаталаттаф»\*да тўхтаб сажда қилдилар. Иккинчи ракъатда чап оёқларини ерга қўйуб, ўнг оёқларини қўймай фотиҳадин бошлаб «Ва ло яъш уранна»\*\*дин то «мин ал-жиннати ваннос»\*\*\*гача ўқуб салом беришларида Каъбанинг томларидин овоз келдики:

— Эй бандам, раҳмат бод! Сени олими рўйи замин қилдим. Илм аввалини ва охирини бердим. Муҳаммад Расулаллоҳни умматлариға пешво қилдим. Ҳар масалаки, айтурсан ани арши соқиға ёзарман. Ҳар бандам сенинг бир масаланг бирла амал қилса, ани бир нур қилурман. Қиёмат куни ул нур бирла менинг раҳматимга доҳил ва мушарраф бўлур. Сенинг айтқон масаланг-

\* Лутф қилмоқ. Суран Каҳфнинг 18-оятини охиридаги сўз.

\*\* Шу оятдаги сўз.

\*\*\* Ушбу ибора «Ал-нос» ва Худ» сураларида учрайди.

нинг баракотидин ҳэзор минг ва сад ҳэзор минг бандаларим менинг раҳматимга уланур ва дўзах ўтидин қутқарурман, — деб овоз келди.

Ҳазрати Нуъмон беҳуд бўлдилар. Бир соатдин сўнг хушларига келдилар, боқсалар лавҳул-маҳфузда, ҳар илмики бор эрди, ҳаммасини билдилар. Модомики ҳаёт эрдилар, ҳар илмга дарс айтур бўлсалар ва ҳар масалаки иктиҳод қилур бўлсалар, лавҳул-маҳфузда муъояна кўруб айтур эрдилар. Оламдин борғунларича ҳаргиз кўзларига пинҳон эмас эрди.

Қаъбатуллоҳдин чиқдилар. Шайхи жорубкашлар ҳайрон бўлуб, таъзим бирла узру тақсир қилуб, айдиларки:

— Эй бузруквор, бизлар сизни танумай хато қилиб дурмиз. Кечургайлар.

Ҳазрати Нуъмон йиғлаб, қатғи наъра тортиб беҳуш бўлдилар.

Шул соат Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам пайдо бўлуб, айдилар:

— Ё Имоми Аъзам, раҳмат бод сизга. Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу илм аввалин ва охирин берди ва умматларимга пешво қилди. Бир иш қилингики, умматларимга йўл осон бўлсун. Қиёмат кунин умматларим ҳолини сиздин сўрарман. Ҳар умматим сизни мазҳабингизда бўлса, ҳар масалангиз бирла амал қилса, дўзах ўти анга ҳаром бўлғай.

Ҳазрат Имоми Аъзамнинг аввалқи отлари Нуъмон ибн Собит эрди. Ҳазрати Расули акрам саллаллоҳи алайҳи васаллам — «Ё Имоми Аъзам» — дедилар. Андин кейин Имоми Аъзам деб машҳур бўлдилар.

Аммо андоғ нақл қилибдурларки, Маъмун ар-Рашиднинг ўғли Хорун ар-Рашид Шомга подшоҳ эрди. Ҳар кечани уч ҳисса қилур эрди. Аввалқи ҳиссада китоб мутолаа қилур эрди, иккинчида намоз ўтар эрди, учинчида зикр айтур эрди. Ҳар кун юз қўйни ошини халойиққа назр қилур эрди. Аммо тўрт хотуни бор эрди. Қазоро, бир кеча китобхонасида китоб мутолаа қилур эрди, бир ҳадис чиқдики, пайғамбар алайҳиссалом дебдурларки: — Ҳар киши тонг намози суннати-ни(нг) уйида ўқуб, масжидга боришида хотунининг бўйнини қучоғлаб, бўса қилиб чиқса, савоби андоғ бўлғайки, Қаъбанинг атрофларини бўса қилғон бирла баробар бўлғай. Ҳар ким Қаъбанинг атрофларини бўса қилса, ҳар қанча гуноҳи бўлса, ҳазон яфроғидек тўкулғай, гўёки онадин янги туғулур.



Хорун ар-Рашид бу ҳадисқа амал қилиб, гунаҳдин пок бўлай деб таҳорат қилди. Ул кеча хотуни Зубайда олдида эрди. Анга кўп майли бор эрди. Тонг намози суннатини (нг) ўтаб, масжидга боришида кўрдик, Зубайда бистари олийда чалқосича\* ётадур, айни ноз уйқусида турур. Чирогнинг ёруқида кўзига тўлун ойдек кўрунди. Уйғотай деди, тақи уйқуси бузулур деб оғзини юзига элт(и)б эрди, Зубайда: — Эй дўзахи,—деб ани оғзига урди. Хорун ар-Рашиднинг оғзи қонади, дархашм бўлуб айдики:

— Агар мен дўзахи бўлсам, сен менга уч талоқ турурсан.

Аммо бу сўздин пушаймон бўлди, фойда бермади. Охир таҳорат тоза қилиб, масжидга чиқиб намоз адо қилди. Тўрт юз мударрис уламиси бор эрди, ҳаммасини ҳозирладилар. Хорун ар-Рашид айди:

— Эй уламолар, бир мушкул масалам бор, анга жавоб беринглар. Масала буки, мен беҳиштийму ё дўзахий? Агар беҳиштий бўлсам, Зубайда уч талоқ эмас, агар дўзахий бўлсам; Зубайда уч талоқдур,—деб воқеани сўзлади.

Уламолар ҳайрон бўлиб айдиларки:

— Шоҳо, ҳеч оят ва ҳадисда Хорун ар-Рашид беҳиштий ё дўзахий деган ер йўқдур. Биз қайдин билולי?

Хорун ар-Рашид дарғазаб бўлуб, ҳар тора мўйи найзан обдор бўлди ва айди:

— Эй уламолар, вазифа ва улүфаларимни еб, бу масалани билмаймусизлар? Агар жавоб беролмасанглар, ҳаммаларингни ўлтуруб, терингларга самон тикарман, —деб аҳд қилди.

Уламолар беҳуш бўлуб айдиларки:

— Шоҳо, бу бир катта иш турур. Қирқ кунга муҳлат бергайлар. Биз китобларни мутолаа қилиб сўнгга жавоб айтоли.

Подшоҳ қабул қилди. Аммо қирқ кунгача хўракдин қолиб, арзу дод сўргали ҳам чиқмади. Ҳеч кишига сўзламади. Бу воқеа ҳаммага фош бўлди. Аммо подшоҳ ҳар куни уламоларга киши юбориб, жавоб топтиларму ё йўқ деб, хабар олдурур эрди. Аммо уламолар кеча-кундуз китоб мутолаа қилиб баҳс ва мунозара бирла ҳеч жавоб тополмас эрдилар. Охир қирқ биринчи куни уламоларни ҳалок қилғоли олиб келур эрдилар.

---

\* Чалқанча демоқчи.

Ҳикоят қилурларки, ул вақтда ҳазрат Имоми Аъзам тўққиз ёшда эрдилар. Йўл узасида ўлтурур эрдилар. Уламоларни ийзо ва эҳонат бирла ҳайдаб олиб боришларини кўруб сўрдиларки:

— Буларни қаён олиб борурлар?

Уламолар айдилар:

— Эй ўғлон, бизлар бирла на ишинг бор? Уйинингни бил. Биз жон қайғусида турурмиз.

Охир бир кичик мулло воқеани сўзлади. Ҳазрат Имоми Аъзам айдилар:

— Эй мулло, гар жавоб беролмасанглар, бизни бир шогирдимиз бор, шул жавоб берур, дегайсизлар. Қачонки подшоҳ мени чорласа, иншооллоҳ бу масалаға жавоб берурман.

Бу муллолар ўтиб кеттилар ва яна ҳикоят қилибдурларки, ҳазрат Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ бир кун бир ерға келдилар. Кўрдиларки бир жуҳуд кўчанинг ёртисини ҳовлисиға қўшуб иморат қилибдур. Айдилар:

— Эй жуҳуд, бу кўчада машриқдин мағрибғача халойиқнинг ҳаққи бор турур. Роҳи омни ҳовлингға қўшубдурсан. Иморатингни аввалқи ўрнидин қилғил.

Жуҳуд айди:

— На ишинг бор? Ўз йўлингча бораберғил.

Имоми Аъзам айдилар:

— Мен ҳақ сўзни дерман, вақфни мулк қилмоғлиқ Худо ёрлиғида йўқ турур.

Жуҳуд айди:

— Сен сиғарсан, ўтаберғил.

Имоми Аъзам айдилар:

— Мен сиғарман, аммо ароба сиғмас.

Жуҳуд айди:

— Қачон сен ароба олиб келсанг, анда бузарман.

Имоми Аъзам қабул қилдилар.

Алқисса, бу муллоларни подшоҳ қошиға элттилар. Подшоҳ сўрдики:

— Эй уламолар, жавоб топтингларму?

Уламолар айдилар:

— Шоҳо, ҳеч банди Худони беҳиштий ё дўзахий дегали бўлмайдур. Биз билмасмиз, Худо билур.

Анда подшоҳ бу тўрт юз уламони ўлумға буюрди. Бояқи кичик мулло айди:

— Шоҳо, бир ўғул подшоҳнинг масаласиға жавоб айтурман, деб эрди.

Подшоҳ айди:

— Ул ўғул қайда турур?

Айди:

— Фалон ерда, фалон сувратда, оти Нуъмон бинни Собитдур.

Подшоҳ ул нишона бирла ясовул юборди. Ул ясовул сўраб топиб айди:

— Эй ўғул, сен подшоҳнинг масаласига жавоб бергучиму турурсан?

Имоми Аъзам:

— Оре, — дедилар.

Ясовул айди:

— Юринг, сизни подшоҳ чорлайдур.

Имоми Аъзам айдилар:

— Подшоҳнинг ҳожати менга борму ё менинг ҳожатим подшоҳга борму?

Ясовул айди:

— Подшоҳнинг ҳожати сизга бор турур.

Имоми Аъзам айдилар:

— Агар андоғ бўлса, сен бирла подшоҳингда ақл йўқ эркан. Мени таадди бирла олиб боролмассан.

Ясовул яниб бориб подшоҳқа айтти. Подшоҳ айди:

— Рост дебдур. Менинг тўфичоқи\* ироқимни олиб борғил. Дарҳол подшоҳнинг тўфичоқи ироқисини олиб келди.

Имоми Аъзам айдилар:

— Мунинг асли на турур?

Ясовул айди:

— Елдин турур.

Имоми Аъзам айдилар:

— Мунинг асли елдин бўлса, менинг аслим туфроқдин турур. Ел бирла туфроқ қачон жинс бўлур? Мунга минмасман.

Ясовул яниб кетти. Подшоҳ англаб, тева олиб боринглар, — деди.

Тева олиб келдилар.

Имоми Аъзам айдилар:

— Бу катта ва эгиз нима экан, йнқилсам ўларман, подшоҳнинг масаласи нотамом қолур.

Яна подшоҳ хачир юборди, Имоми Аъзам айдилар:

— Ул ҳаромзода, мен ҳалолзода турурман, анга ҳам минмасман.

Андин кейин подшоҳ айди:

---

\* Тўбчоқ, от.

— Үзидин сўрангларки, нимага минар эркин. Келиб сўрадилар. Имоми Аъзам айдилар:

— Ман кичик бола турурман. Манга андоғ нима бўлғайки, йиқилмағайман. Тақи ўлтуруб китобимни мутолаа қилғайман, токи подшоҳнинг саволи тамом бўлғай.

Бу сўзни подшоҳқа бориб айттилар. Подшоҳ айди:

— Агар андоғ бўлса, менинг аробамни олиб боринглар.

Жиловдор подшоҳнинг аробасини бисотҳои олий солиб, олиб борди. Имоми Аъзам аробага ўлтуруб боёқи том солгон жуҳуд кўчаси ила борурман, ўзга йўл бирла бормайдурман, — дедилар. Эrsa, ул кўчанинг бошига келиб айдилар:

— Эй жуҳуд, ароба келтурганинда томимни бузай деб эрдинг. Мана ароба олиб келдим.

Жуҳуд ночор бўлди. Имоми Аъзам подшоҳнинг ёрлиғи деб, ани томини буздурдилар ва ароба бирла ўтдилар. Ҳамма халойиқ бу ишларга ҳайрон қолдилар. Имоми Аъзам келиб, подшоҳнинг ўрдасига бордилар, кўрдиларки, тўрт юз уламо қатор ўлтурубдурлар. Имоми Аъзамни ҳеч ким кўзига илмади. Имоми Аъзам келиб, подшоҳнинг назарида турдилар. Подшоҳ айди:

— Эй ўғул, менинг масъаламга жавоб айтадурғон сизму?

Айдилар:

— Оре! Худон таолонинг инояти бўлса, жавоб айтурман.

Подшоҳ айди:

— Айтингки, мен беҳиштийму ё дўзахийму?

Имоми Аъзам айдилар:

— Сиз толибму ё ғолибму?

Хорун ар-Рашид айди:

— Мен ғолибдурман.

Имоми Аъзам айдилар:

— Агар андоғ бўлса, сиз тахтда, мен тубанда. Қайси шариятдурким, сўз сўрғувчи тахт узасида туруб, жавоб берғувчи ерда турғай? Пайғамбар алайҳис-салом дебдурларки, «Ман тааллама ҳарфан фахува мавлаҳу»\*.

Подшоҳ дарҳол тахтдан сачраб тушуб, Имоми Аъзамни тахтқа ўлтурғузди ва ўзи Имоми Аъзам қаршуларида тавозеъ бирла туруб айдикки:

— Ё Имоми олам, ман беҳиштийму ё дўзахийму?

\* Ҳадис: Кимки бир касбни ўрганса, ўшанинг эгаси бўлади.

Мунча ерға масжид бино қилдим. Беш юз ерға лангар ва ғарибхона солдим. Беш юз ерға қудуқ қаздим. Беш юз ерға кўприк солдим. Ҳар кеча беш юз ракъат намоз ўтайдурман. Ҳар куни беш юз кишига шулон берурман, — деб тамоми яхши амалларини сўзлаб берди.

Имоми Аъзам айдилар:

— Мунинг бирла киши беҳиштий ё дўзахий бўлмас. Шоҳо! Умрингизда ҳеч бир гуноҳнинг бошига бориб Худодин қўрқиб, андин яниб эрдингизму?

Хорун ар-Рашид бошини тубан солиб, бир фурсатдин сўнг айдик:

— Отам Маъмун ар-Рашиднинг бир канизи бор эрди. Ул кўб соҳибжамол эрди. Бир куни боғқа кирдим. Ани менга кўб майли бор эрди. Мен ҳам онча завқлик эрдим. Ногоҳ ул каниз ҳам ортимдин боғқа кирди. Боғни ҳоли топиб, менга ошиқлик қилди. Менга ҳам шайтон ғолиб келди. Ул изорини солди, мен ҳам изоримни солдим. Шул аснода хотиримга келдики, бу отамнинг канизи. Менга ҳаром турур. Отам қарагон бўлғай ё қараб тургон бўлғай. Бу тақи отамнинг мулки турур, — деб яниб эрдим.

Имоми Аъзам айдилар:

— Шоҳо, андоғ бўлса, сиз беҳиштий турурсиз. Мен ҳукм қилдим хотунингиз талоқ бўлмайдур.

Ул тўрт юз уламо айдилар:

— Эй гўдак! Мунинг била кишини беҳиштий деб ҳукм қилиб бўлмас.

Имоми Аъзам айдилар:

— Эй уламолар, мен айтмасман, балки Худои таолонинг ваъдасича айтурман.

Уламолар айдилар:

— Ул ваъда қайси турур.

Имоми Аъзам айдилар:

— «Аузубиллоҳи минаш-шайтонирражим. Ва аммо ман хофа мақома раббиҳи ва наҳа-нафса анилҳаво фаиннал-жанната хиял маъво»\*. Сўнгра ҳамма уламолар Имоми Аъзамнинг оёғларига йиқилдилар. Подшоҳ ҳам шод бўлди. Тўрт юз уламо Имоми Аъзамнинг шогирди бўлдилар. Тўққиз ёшларида тахтқа чиқиб, ҳамма оламга машҳур бўлдилар. Чароки, Худои таоло Имоми Аъзамни илм тахтига ўлтуртиб эрди, андин кейин Хорун ар-Рашидга ҳар мушкул иш пеш келса, Имоми Аъзамдин сў-

\* «Ан-нозеъат» сураси 40—47-оятда.

рар эрди. Ани мушкулини осон қилур эрдилар ва яна андоғ ривоят қилибдурларки, бир кеча Хорун ар-Рашид тушида Ҳазрати Азроил алайҳис-саломни кўрдилар. Сўрдиларки:

— Ё Азроил, менинг қанча умрим қолибдур? Ҳазрати Азроил алайҳис-салом сўзламай, беш панжаларини кўрсатдилар. Хорун ар-Рашидга ваҳми тушуб, ҳамма уламони йиғди ва ани таъбирин сўрди. Уламодин бири айди:

— Умрингиздин беш соат қолибдур.

Бири айди:

— Беш кун қолибдур.

Яна бири айди:

— Беш йил қолибдур.

Ало ҳазал қиёс ҳеч қайси Хорун ар-Рашидга маъқул бўлмади. Имоми Аъзамдин сўрдилар. Имоми Аъзам айдилар:

— Азроил алайҳис-салом дебдурларки, беш нимарсани Худон таолодин ўзга киши билмас. Аввал кишини умрини билмаски, қанча қолибдур. Иккинчи—кишини ризқини билмас. Учинчи — никоҳни билмас. Тўртинчи — имони бирла боришни билмас. Бешинчи — ўзи беҳиштийму ё дўзахийму, ани билмас, деб беш панжаларини кўрсатибдурлар.

Анда ҳамма уламо офарини ўқидилар. Подшоҳ ҳам шод бўлди ва яна андоғ ривоят қилибдурларки, Имоми Аъзам тўрт юз уламо бирла Хорун ар-Рашиднинг мажлисида ўлтуруб эрдилар. Бир кимарса келиб айди:

— Эй уламолар, бир масалам бор, сизлардин сўрай-дурман. Уламолар сўрғил дедилар. Ул киши айди:

— Руку ва сужуд қилмай намоз ўтайдур, Худон таолонинг фарзини душман тутадур ва душманини (нг) дўст тутадур ва раҳматидин қочадур, беникоҳ хотунларни ҳалол билиб, мужомеъат қиладур. Бу беш ишни қилгон кишини мусулмон дерсизларму ё йўқ?

Уламолар айдилар:

— Бу беш ишни қилгон киши мусулмон эмасдур.

Имоми Аъзам айдилар:

— Ул мусулмондур.

Уламолар айдилар:

— На учун?

Имоми Аъзам айдилар:

— Беруку ва бесужуд намоз жаноза тутур, Худон таолонинг фарзи ўлим турур, ҳеч киши они дўст тут-

майдуур ва душмани дунёдуур, ҳеч киши ани душман тутмайдуур ва раҳмати қору ямғурдур, анда ҳеч киши ўлтурмайдуур. Беникоҳ хотун каниз турур. Ани бирла мужомеъат қилмоқ ҳалол турур.

Хорун ар-Рашид бошлиқ ҳаммалари офарин қилдилар. Борҳо мундоғ ишларни ҳал қилур эрдилар.

Андоғ келтурубдурларки, ул куники Расул алайҳиссалом саҳобаларга ҳазрат Имоми Аъзамни таъриф қилиб айдиларки:

— Ман Имоми Аъзамнинг нурини меърож кечаси тўртинчи қат осмонда байтул-маъмурда кўрдум. Андоғки, «қоба қавсайна овадно» мақомига бориб, Оллоҳи таолодин роз эшитдим. Худои таоло манга айди:

— Ё дўстим Муҳаммад, сизга икки уммат бердимки, андоғ олим умматни ҳеч пайғамбарга бермаб эрдим. Бир Имоми Аъзам ва яна бири имоми Шофийдуур. Вақтики ул мақомдин яниб, байтул-маъмурга келдим. Мусо пайғамбар олдимни тўсуб айдики:

— Ё Муҳаммад, сиз айдингизки, манинг баъзи умматларим бани Исроил қавмидақи пайғамбарлардин афзал турур. Ман бани Исроил пайғамбаридурман. Қани қайси умматлари мандин афзалдуур.

Онҳазрат саллаллоҳи алайҳи васаллам арш тарафига боқишлари бирла Имоми Аъзамнинг нурлари ҳозир бўлди.

Ҳазрати Мусо айдилар:

— Эй Муҳаммад Расулиллоҳнинг уммати, отинг ни ма турур?

Имоми Аъзамнинг нурлари айдилар:

— Менинг отим Нуъмон, отамнинг оти Собит, онаминг оти Хуршид, бобомнинг оти Паримуз, ани онасининг оти Хўрмўз, ани отасининг оти Нўширавон, ани отасининг оти Қайқубод ва ало ҳазал-қиёс начанд отабоболарининг отини айтдилар.

Ҳазрати Мусо дарғазаб бўлуб айдилар:

— Эй Нуъмон, ман санинг отингни сўрдим. Ўзгаларнинг отини нимага баён қилурсан? Ва манга гўстоҳлиқ қилурсан?

Имоми Аъзамнинг нурлари айдилар:

— Эй Мусо, сен Худои таолога гўстоҳлиқ қилдинг. Ман санга гўстоҳлиқ қилсам на бўлубдуур?

Ҳазрати Мусо айдилар:

— Ман қачон Худои таолога гўстоҳлиқ қилдим. Имоми Аъзамнинг нурлари айдилар:

— Вақтики, Худои таоло Тур тоғида сўрдики: — «Ва

мо тилка биямийнака, ё Мусо»\* яъни, «Эй Мусо, қўлингдақи на нимарса турур?» Сен айдинг: — «Қала хия, асоя аттавакку алайҳо ва аҳушшу биҳа ғанами ва лийя фийҳо маорибу ухро»\*\* яъни, «Қўлумдақи таёқдур, қайтарурман, мунинг бирла қўйларимни боқадурман. Ут ейдур, сув ичадур, кофирлар сеҳрини ютадур ва ҳам асо бўладур».

— Худои таоло олимдур. Бу ғўстоҳлиқ эмасму? Худои таоло қўлингдақи нима деб сўрғон била мунча жавобларни бердинг.

Мусо алайҳис-салом мулзам бўлдилар.

Имоми Аъзамнинг нурлари ҳазрат Расули алайҳис-саломға боқиб айдиларки:

— Менга рухсат берсалар, ҳазрати Мусо алайҳис-саломға бир неча баҳс қилсам.

Расул алайҳис-салом айдилар:

— Ё Имоми Аъзам сабр қилингики, набийларға ғўстоҳлиқ қилмоқ адабдин эмасдур. Андин сўнг Имоми Аъзамнинг нурлари ғойиб кетти.

Хожа Абдулла Ансорий ривоят қилибдурларки, кунлардан бир кун, Ҳазрати Расул алайҳис-салом менга айдилар:

— Эй Хожа Абдулла Ансорий, қачон қиёмат қойим бўлса, халқи аввалин ва охирин қиёмат саҳросида ҳозир бўлурлар?

Ул вақтида шайтон алайҳил-лаъна Худои таолоға даъвогар бўлуб айтурки:

— Бор худоё, бу ҳамма халойиқ фармонингни тутмадилар, сенинг банданг бўлса эрди, фармонингни тутуб беҳиштқа кирар эрдилар. Менинг бандам эканларки, фармонимни туттилар, андоғки хамир ичтилар, зуннор тақтилар, ялғон сўзладилар, ғийбат қилдилар, махлуқ подшоҳ фармонини (нг) туттилар, киши пулини (нг) ноҳақ олдилар, етимлар ҳақини едилар ва хуни ноҳақ қилдилар, номашруъ ишни қилиб, амри маъруфни қилмадилар, яъни намоз ўтамадилар ва рўза тутмадилар ва закот бермадилар, хайру саховат қилмадилар. Бу халойиқ ҳамма менинг қавмим турур. Буларни ўзум бирла дўзахқа олиб кирарман. Худои таолодин нидо келгайки: — Эй дўстим Муҳаммад, на дерсиз?

Ҳазрати Расули алайҳис-салом айтқойларки:

— Парвардигоро, булар менинг умматим турурлар.

---

\* «Тоҳа» сурасидан 17-оят.

\*\* «Тоҳа» сурасидан, 17—18-оятлар.



Мен буларни шафоат қилиб беҳиштқа олиб кирарманки, намоз ўтагон, рўза тутқон, закот бергон, хайру саховат қилгон турурлар.

Шайтон алайҳил-лаъна айтқой:

— Агар андог бўлса, буларнинг аъмолларини тортқайлар, эрса, тарозуда тортқайлар. Буларнинг ямонлиқлари яхшилиқларидин оғир келгай. Шайтон алайҳил-лаъна шод бўлуб, пайғамбар алайҳис-салом ғамгин бўл-гайлар.

Худон таолодин нидо келгайки:

— Эй иблис, мен аввал дунёда қози ва муфти яра-тиб эрдим. Ҳар вақтики, икки даъвогар даъво қилиш-са, муфтининг фатвосига қози амал қилур эрди. Сен ҳам бу даъвода муфтининг фатвосига унармусан?

Шайтон алайҳил-лаъна шодмон бўлгай ва қабул қил-гай. Худон олам ва Жаббори Аъзам айтқойки:

— Эй фаришталарим, мен ул дунёда икки олим яра-тиб эрдим. Ани олиб келинглар. Ул икки бузрукворни олиб келиб, аршни ўнг тарафига нурдин бир курси, сўл тарафига яна нурдин бир курси қўйғойлар. Ҳазрати Имоми Аъзамга беҳиштни ҳуллаларидин кийдуруб, бош-ларига шоҳона тож қўйуб, аршнинг ўнгидақи курси уз-ра ўлтуртқойлар. Андин кейин имоми Шофнийга бе-ҳишт ҳуллаларидин кийдуруб, бошларига тож қўйуб, аршнинг сўлидақи курсига ўлтуртқойлар.

Худон оламдин нидо келгайки:

— Эй олим бандаларим, сизларга илм бериб, олим қилдим. Дўстим Муҳаммад бирла иблис алайҳил-лаъна-нинг фатвосига на дерсизлар?

Ҳазрати Имоми Аъзам дарҳол бошларини саждага қўйғонлар. Худон оламдин нидо келгайки:

— Эй Имоми Аъзам, сажда вақти эмасдур, қасос вақти турур. Бу икки даъвогар даъвосини адо қилинг-лар.

Имоми Аъзам айтқойлар:

— Парвардигоро! Доно ва бино турурсан. Мен ул дунёда бир кимарсага фатво бериб эрдим, кўнглимда шубҳа қолиб эрди, андин қўрқарманки, сенинг дарго-ҳингда нечук эрди?

Худон олам ва Жаббори Аъзамдин нидо келгайки:

— Е Имоми Аъзам, ул фатво нечук эрди?

Имоми Аъзам айтқойлар:

— Поко парвардигоро! Ул дунёдан бир кимарса кел-ди. Айдики: — Имоми Аъзам, қанча бугдойим бор эрди. Бу кеча ҳукузум бўшолиб бугдойимни еб ҳаром ўлуб-

дур. Қорнидақи бугдойини олиб келдим, ул ҳалолму ё ҳаромму?

Мен айдим:

— Ул бугдойини олиб бориб экғил, ўруб, янчиб менга келтурғил.

Сўнгги йили келиб, ўруб янчдим, — деди. То уч йил экиб, тўртинчи йили олиб келди. — Эмди ҳалол бўлубдур егил, — дедим.

— Парвардигоро! Бу сўзим даргоҳингда нечук бўлуб эрди. Худон олам ва Жаббори Аъзамдин нидо келғайки:

— Эй Имоми Аъзам, ер юзида рост айтибсан. Ҳар нарсаки, ер остида олти ой ётса, ани ҳар чирк ва шей-ҳасини ер олур. Ул нимарса ҳалол бўлур.

Анда Имоми Аъзам айтғойларки:

— Парвардигоро! Андоғ бўлса коғаз, қалам, даво тилайдурман, токи фатво битгайман.

Худон оламдин Жабраиља фармон бўлурки, коғаз, қалам, даво келтуруб берғил. Жабраил беҳиштдин коғаз, даво, қалам келтуруб берғайлар.

Имоми Аъзам фатво биткайлар. Андин кейин айтқойлар:

— Парвардигоро! Ул дунёда фатвоға муҳр босар эрдукки, киши таарруз қилолмас эрди. Ҳоло ҳам сендин муҳр тилайдурман.

Парвардигори оламдин бекому безабон камоли қудрати бирла фатволари босилғай. Фатволари муҳрлиқ бўлғай. Худон оламдин нидо келғайки:

— Ё Имоми Аъзам, бу фатвони кимға тутсанг тутғилки, ҳеч киши таъна ва таарруз қилолмағай.

Имоми Аъзам айтғойлар:

— Парвардигоро! Бу фатвони ўзунгға тутурманки, сенинг буюруғунгда ҳар нарса ернинг остида олти ой ётса, пок бўлур эрмиш. Ул гуноҳқорлар солҳойи бисёр ва қарнҳои бешумор хору зор ернинг остида ёттилар, пок эмасмудурларки, ҳоло ожиз ва қосир турурлар?

Худон оламдин нидо келғойки:

— Ё Имоми Аъзам, мани танг ерда қистадинг. Бас, сўзумға амал қилмасам бўлмас. Оре, бандаларим покдурлар, агарчи гуноҳқор бўлсалар ҳам, гунаҳлари ул дунёда қолғондур. Неча муддатдин бери ер остида ётиб, пок бўлғандурлар.

Шайтон алайҳил-лаъна расво бўлуб, дегайки:

— Бу кишининг сўзлариға унамағайман. Имоми Шофийнинг сўзлариға унағайман. Имоми Шофий айтғойлар:

— Парвардигоро! Доно ва биносан! Ман ҳам ул дунёда бир кимарсаға фатво бериб эрдим. Қўрқарманки, даргоҳингда начук эрди?

Худон оламдин нидо келғойки:

— Ул воқеа қаядоғ эрди?

Имоми Шофийий айтғойлар:

— Парвардигоро! Бир куни икки киши келдилар. Бири айди:

— Е Имоми Шофийий. Бу одам менинг еримни неча йиллар экиб, ҳосил олуб эрди. Эмди ер манинг, — дейдур.

Мен айдим:

— Ер кимнинг эрди?

Бири айди:

— Ер асли манинг эрди.

Ман фатво бердимки, ҳар нарсаки экибдур, ами экфон киши олур. Ер асли эгасиға қолур.

Худон оламдин нидо келғайки:

— Эй Имоми Шофийий, рост фатво берибсан. Ер асли эгасининг турур.

Имоми Шофийий айтғойлар:

— Парвардигоро! Фатво битгайман.

Жабранл коғаз, давот, қалам келтурғайлар. Имоми Шофийий фатво биткайлар, Худон олам тарафидин нур бирла муҳр босилғай.

Нидо келғайки:

— Е Имоми Шофийий! Бу фатвони кимға тутсанг тутки, ҳеч киши таарруз ва баҳона қилолмағай.

Имоми Шофийий айтқойлар:

— Парвардигоро! Ўзингга тутарман.

Худон оламдин нидо келғайки:

— Е Имоми Шофийий. манга нима даъвоинг бор?

Имоми Шофийий айтқойлар:

— Ер асли сеннинг турур. Поку покиза турур. Шайтон алайҳил-лаъна гунаҳ экти ва маъсиятларни ундирди. Гунаҳ экфон шайтон турур. Ул анинг бўлғай ва ер санинг бўлғай.

Худон оламдин нидо келғайки:

— Е Имоми Шофийий, мани ажаб масала бирла танг қилдинг. Оре, ер манинг мулкум турур ва мулкум пок турур. Шайтон манинг мулкумда зироат қилди. Зироат анинг турур. Сўнгра ёрлиғ қилурки, эй фаришталарим, дўстим Муҳаммад Расулиллоҳнинг ҳамма умматларининг гунаҳини бу икки олим фатволарининг мазмуни бирла шайтоннинг гарданиға юкланглар.

Шайтонға теваға юк юклағандек юклағайлар. Бўйнига ўтлуғ занжир солиб, теванинг бўйдасини тортқандек тортқайлар ва орқасидин ҳайдағайлар ва дўзах сариға судрағайлар. Шайтон алайҳил-лаънанинг наърасиға арасот халқи тоқат қилолмағай. Аммо шайтони лаънин дўзахқа кирғоли унамағай, фаришталарнинг кучи етмағай. Шул вақтда дўзахдин бир ит чиқиб, мушук сичқонни тишлағондек тишлаб олиб кириб кетгай. Аршнинг икки тарафидағи халойиқни Расули акрам саллаллоҳи шафоат қилиб беҳиштқа олиб кирғойлар. Бу икки олимнинг сўзлари бирла ҳамма халойиқ қиёмат шиддатидин нажот топқайлар.

Бас, эй бандаи мўмин! Олимларнинг мундоғ шарофатлари бўлса, нима учун сўзларини дўст тутмайсиз ва эшитмайсиз ва аларни хор кўрарсиз? Тонгла қиёмат кунн Худои таолонинг даргоҳида, пайғамбар алайҳис-саломнинг олдиларида нечук жавоб берурсизки, пайғамбар саллаллоҳи алайҳи ва олиҳи васаллам айтибдурлар:

— «Ман аҳаббал илма вал уламаъ лама туктаб хатнатуҳу ма-дама ҳаётиҳи», яъни кимки илми ва уламони дўст тутса, битилмағай ани гунаҳларини, қачонки ул киши тирикдур.

Валлоҳу аълам ва аҳкам бис-савоб бирраҳматука ё арҳам ар-роҳимийн.

### РОЗНОМАН МУСО АЛАЙҲИС САЛОМ

Алҳамду-лиллаҳи раббил-ъаламина вал оқибату лил мутаққийн вас салавату вас салому ало Расулуҳи Муҳаммадийн ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмайн. Ваҳаб ибн Мунаббиа ривоят қилибдурларки, бир кунн Ҳазрати Мусо алайҳис-саломға Худои таолодин Ҳазрати Жабраил алайҳис-салом ваҳий келтурдилар:

— Ё Мусо, худои таолодин фармон бўлдики, Тур тоғиға чиқиб, ман бирла роз айтсун, бевосита сўз эшитсун!

Ҳазрати Мусо алайҳис-салом Тур тоғи бошиға чиқтилар, фаришталар чаҳор атрофларини қуршаб турдилар. Жабраил алайҳис-салом айдилар:

— Ё Мусо, дасторингни юзунгға чулғағил.

Андоғ қилдики, юзини икки кўзидин ўзга ери қолмади. Анинг учунки, юзи нурдин куймағай.

Мусо алайҳис-салом асоларини таяниб, Тангри таолонинг бекому ва безабон сўзини эшитмоқға қулоқ солиб турдилар.

Худои таоло айди:

— Сенга яқин бўлсам, менинг ризолиқимни тилар-мусан?

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Оре!

Худои таоло айди:

— Дўстум Муҳаммадга кўб дуруд\* айтқил.

Ҳазрати Мусо Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам номларини эшитиб, Таврот китоби қўлларидин тушти.

Худои таоло айди:

— Ё Мусо! Дўстум Муҳаммад бўлмаса, беҳишт ва дўзах, ой ва кунни яратмас эрдим. Сенки Мусо турурсан, агар дуруд айтмасанг, куйдурур эрдим, агар Иброҳим Ҳалилulloҳ бўлсанг ҳам.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё, дурудни кўб айтурман ва лекин мен сенга дўстроқму ё Муҳаммад Расулиллоҳ дўстроқму?

Худои таоло айди:

— Эй Мусо! Сен калимим турурсан. Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳабибим турур. Калимдин ҳабибим азизроқ бўлғай. Эй Мусо, сен бирла Тур тоғида сўзлашурман. Дўстум Муҳаммад бирла аршининг юқорисида сўзлашурман.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё, на учун Ҳазрат Муҳаммад Расулиллоҳни кўб ёд қилурсан?

Худои таборак ва таоло айди:

— Эй Мусо, қиёмат кунини Ҳазрат Иброҳим Ҳалилulloҳнинг ўғлонларидин безор бўлурсан ва яна ҳар қайси пайғамбарлар ўғлонларидин ва умматларидин безор бўлурлар ва лекин Ҳазрат Муҳаммад Расулиллоҳ умматларидин безор бўлмаслар ва умматларини тилайдурлар ва яна дўстум Муҳаммад умматининг ўн фазилати бор турур.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё! Ул ўн фазилат қайси турур?

Худои таоло айди:

— Аввал таҳорат олурлар, намоз ўтарлар; иккинчи — рўза тутарлар; учунчи — ҳаж қилурлар; тўртунчи — закот берурлар; бешинчи — ашуру кунларида йиғларлар; олтинчи — намози жумъа ўтарлар; еттинчи — риёзул-хутба қилурлар; саккизинчи — ғусли жанобат қи-

\* Салом, дуо.

лурлар; тўққузунчи — фийсабилуллоҳ эморат қилурлар; ўнунчи — масжид бино қилиб, хайру саховат қилурлар.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Худовандо! Риёз ул-хутба на турур?

Худои таоло айди:

— Риёз ул-хутба ул турурки, анда уламолар илм ўқурлар ва илм ўргатурлар. Ҳар ким аларнинг сўзини эшитиб амал қилса, қаро тоғча гуноҳи бўлса ҳам зарра қолмас.

Эй Мусо, дўстум Муҳаммадни барчадин кейин пайгамбарликга юбордим. Ани умматларини барчадин кейин яраттим. Анинг учунким туфроқда кўб ётмағай.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё, ани умматларини мунча дўст тутарсан?

Худои таоло айди:

— Эй Мусо! Дўстум Муҳаммаднинг умматлари ҳар куни беш вақт намоз ўтайдур ва рўза тутадур, закот берадур, ҳаж қиладур, масжид бино қиладур, жанобатда ғусул қиладур, олим сўзини эшитиб, қулоқда тутадур. Эй Мусо! Уларким, кеча-кундуз намоз ўтарлар. Пайгамбар савобини (нг) топарлар, уларким, гунаҳларидин яниб тавба қилсалар, етмиш минг савобини топарлар.

Худои таоло айди:

— Эй Мусо! Менинг ҳаққимда кеча намоз ўтасалар, ман уётлиғ бўлурман, анга азоб бермоқдин. Гарчи гуноҳкор бўлса ҳам ҳаммасини кечарман. Эй Мусо! Онча илм ўқуғилки, кафшинг бирла асонгни темурдин қилғил, то булар адо бўлғунча илм ўқуғил, ҳар ишиким беамал бўлса, ҳеч нафъи бўлмағай. Илм билиб, амал қилғил, закот берғил, ҳаром емағил, кишини айбини кишига айтмағил, ушоқ сўз тўшамағил, олтун-кумуш бўлса, менинг йўлумда сарф қилғил.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Сенга ким душман турур?

Худои таоло айди:

— Улки, кишининг айбини кишига айтғай.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Худовандо! Қайси банданг зийрак турур?

Нидо келдики:

— Улки, ўлумни кўб ёд этса.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Қайси банданг яхши турур?

Худои таоло айди:

— Улки, одамиларға фойдаси етқай.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Сендин ким йироқ турур?

Худои таоло айди:

— Улки одамларға фойда еткурмаса.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё! Мендин хушнудмусан?

Худои таоло айди:

— Қўшниларингдин сўрғил, фақир мискинлардин сўрғилки, алар хушнуд бўлса, мен ҳам хушнуд бўлғайман.

Эй Мусо! Ғарибларға меҳрибон бўлғил, қариндошдек сенга меҳрибон бўлғайман. Одамиларға раҳм қилғил, мен сенга раҳм қилғайман. Эй Мусо! Фақир, мискинларға ғазаб бирла бўлма! Эй Мусо, одамилар менинг халқим турур. Одамлар қанча ориғ бўлса, уётлиғ бўлурман. Анга азоб қилмасман. Агарчи кофир бўлса ҳам яхши ният бирла бўлса, рўза тутқучилар ва намоз ўтағучилар даражасини берурман. Эй Мусо! Фақир, мискинларни иззат қилғил, андоғки бойларни иззат қилурсан. Агар фақирларни хор кўрсанг, қилган амалингни бекор қилурман. Яхшилиқни рўяки қилмаки, азоби қотиг турур. Эй Мусо? Ҳар на эксанг, ўрарсан.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Худоё! Аршнинг устида ҳар кимарса турур, ул пайғамбарму ё фариштаму?

Худои таоло айди:

— Пайғамбар эмас ва фаришта ҳам эмас. Одам турурким, кишини айбидин сўзламағай ва ушоқ сўз тўшамаған турур. Анинг учун аршда ётибдур.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё! Бандаларинг ямони ким турур?

Худои таоло айди:

— Улки сенга зулм қилса.

Ё Мусо, сен сабр қилиб кечурғил. Уруғ-хешларинг сендин йироқ бўлса, сен яқин турғил. Улки сенга дашном берса, сен ато берғил, улки сенга аччиғ қилса, анга сучук сўзлағилки, қиёматда эҳсон бўлғай.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё! Қайси банда сенга яқин турур?

Худои таоло айди:

— Эй Мусо! Ўзунгға онча ғам етса, ўзгаға ҳам андоғ ғам еғайсан.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё! Қайси бандангни кўнгли равшан турур?

Худои таоло айди:

— Улки, ўлумни ёд қилғай.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Дили қотиг ким турур?

Худои таоло айди:

— Улки, ўзидин кичикга раҳм этмаса, озга қаноат қилмаса, ўлумни йироқ тутса. Эй Мусо, хоҳлармусанки, фаришталар ва одамлар сени дўст тутқайлар?

Ҳазрат Мусо айдилар:

— Худовандо! Ул қайси иш турур?

Худои таоло айди:

— Бечораларга раҳм ва шафқат қилғил. Ё Мусо, уламони дўст тутғил, карамимни ёд қилиб, неъматимга шуқр қилғил. Эй Мусо, киши ёзуқини кечуруб, айбини ёбғил. Одамиларнинг оғриқини сўрғил. Эй Мусо! Хоҳлармусанки, қиёмат куни яхшилиқингни тарозуда оғир қилғайман?

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Оре!

Худои таоло айди:

— Гийбат қилма! Кишини (нг) айбини ёшур. Эй Мусо, хоҳлармусанки, сенга дўстум Муҳаммаднинг саҳобаларини дўст қилғайман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Оре!

Худои таоло айди:

— Ҳар соат дўстум Муҳаммаднинг муҳаббати шаробидин ичкил...

Аччиғ бирла бўлмағил. Кимки ёзуқ қилса кечурғилки, ҳеч киши ёзуқсиз эмасдур. Мутакаббир бирла гунаҳ қилғучиларни дўст тутма.

Эй Мусо, хоҳлармусанки, қиёмат куни халойиқ ичра сўрмағайман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Оре!

Худои таоло айди:

— Эй Мусо! Мусулмонларга озор бермағил ва пардасини йиртмағил. Ҳар кимки бировни шарманда қилса, охиратда мен ани шарманда қилурман. Эй Мусо! Тилармусанки, ҳар вақт дуо қилсанг, мустажоб қилғайман.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Оре!



Худои таоло айди:

— Ҳаром емағил, кимки ҳаром еса, шароб ичса, қирқ кеча-кундуз дуосини ижобат қилмағайман.

Эй Мусо! Хоҳлармусанки, фаришталар қошида сени дўст атағайман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Оре!

Худои таоло айди:

— Олимларни дўст тутғил.

— Эй Мусо, хоҳлармусанки, сендин рози бўлғайман.

Ҳар кунда етмиш маротаба гунаҳ қилсанг ҳам кечур-ғайман.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Оре!

Худои таоло айди:

— Эй Мусо, ота-онангни иззат қил, кофир бўлса ҳам.

Эй Мусо, менинг азобим ул кишига бўлурки, ота-онасига озор берса, ҳар ким ота-онасини рози қилса, мен ҳам рози бўлғайман. Ҳар кунда етмиш маротаба гунаҳ қилса, кечурурман. Эй Мусо, ҳар ким ота-онасига озор берса, ҳар кунда лаънатим анга бўлур. Эй Мусо, ҳар киши қилган шартидин янса, омонатқа хиёнат этса, ани юзини терисини (нг) сўюб дўзахқа солурман. Утлуғ илонлар кўзидин кириб бурнидин чиқғай, қулоқидин кириб оғзидин чиқғай.

Эй Мусо! Тилармусанки, дўзах ўтини ҳаром қилғайман.

Мусо айди:

— Оре!

Худои таоло айди:

— Омонатқа хиёнат қилма.

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё! Ҳар киши сени кўб ёдласа ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Юзини нур бирла мунаввар қилиб, беҳишт ато қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Киши илм ўқуса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Анга раҳматимни нисор қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Киши уруғ-хешига яхшилиқ қилса ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Умрини дароз қилурман ва дуосини ижобат қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Қишиким, ота-онасини рози қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Гунаҳларини афу қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики «Ло илоҳа иллаллоҳи Муҳаммадин Расулиллоҳ» деса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Анинг узрига раҳматимни сочарман, ҳамма гунаҳларини афу қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, очқа таом берса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Минг балони андин йироқ қилурман, ризқиға баракат берурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики ғусул қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Ҳар қатра сувки, узридин томса, номан аъмолиға етмиш минг савоб битурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики одина кунн ғусул қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Яна одинағача гунаҳ ёздурмасман, юзини пурнур қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики бемор кўрса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Анга раҳматимни сочарман. Номан аъмолиға минг савоб ёзарман, гунаҳларини афу қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики жаноза, яъни тобут кўтарса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Ҳар бир қадами учун номан аъмолиға минг савоб ёзурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики ўлукға кафан қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Беҳиштдин эгин кийдурурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики кишини кўнглини оғритса ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Ҳар кун итмиш мартаба лаънат ўқурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики ямон ҳамсоясини яхши икром қилса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Уларга имон насиб қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики меҳмонға иззат қилса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Ўз неъматимни вожиб қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики сендин қўрқиб йиғласа, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Гунаҳларини афу қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики тиловати Қуръон қилса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Ани сирот кўприкидин осон ўткарурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики бир кишини гунаҳ қилмоқдин яндурса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Ул бандани қиёмат кун и азоб қилмоқдин шарм тутарман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики бир кишини ҳожатини (нг) раво қилса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Ҳар икки оламда муҳтож қилмасман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Балоға сабр қилса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Ҳар ҳожатини раво қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики қудуқ қазиса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Қиёмат кун и кавсардин сероб қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики масжид бино қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Беҳиштда зумраддин кўшк бино қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики кўприк солса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Пули сиротдин осон ўткарурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики мусулмонга хайр қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Бир донаға минг дона баракат берурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики бир афтода ҳолға дастгирлик қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Етмиш қул озод қилгошнинг савобини берурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики таҳорат қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Ҳар мўйики баданида бордур, ани миқдорича савоб ёзурман, гунаҳини афу қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Кишики бировга ялғон айтса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Эртадин охшомғача лаънат юборурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, толиб киши омиға масала таълим берса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Ҳамма гунаҳларини афу қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики ҳамсоясини икром қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Ўрнини беҳиштда қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики етимнинг молини еса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Дуосини ижобат қилмасман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики қариндошларига озор берса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Умринни қисқа қилурман, намоз ва рўзасини қабул қилмасман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики кишининг молини еса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Риққини кам қилурман, жон берар вақтида ақлини бартараф қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики зино қилса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Утдин эгин кийдурурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики омонатқа хиёнат қилса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Ҳар кунда лаънатим шунга бўлғай.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики ошлиқни оғир олиб, енгил сотса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Ҳарна қилғон яхшилиқини ёмонлиққа мубаддал қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики бир мусулмонни хор кўрса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Дунё ва охирадда ман ани хор кўрғайман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики олимни хор кўрса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Куръонни хор кўрғондек бўлур.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики суханчин бўлса, ажри на турур?

Худон таоло айди:

— Андин фаришталар безор бўлурлар, мен ҳам безор бўлурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, кишики олимни иззат қилса, ажри на турур?

Худои таоло айди:

— Ман ани охирида икром қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, Сен ухлармусан ё йўқ?

Худон таоло айди:

— Бир қадаҳни сувга тўлдуруб турғил, фармон бўлмагунча ерға қўймағил.

Мусо алайҳис-саломға уйқуни мусаллат қилди, кўзлари уйғоч, қадаҳ илкидин тушти.

Худон таоло айди:

— Бир соат гофил бўлсам, аршу курси, лавҳ ва қалам, офтоб, моҳитоб барбод бўлур.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, сени емакинг ва киймакинг нимадур?

Худон таоло айди:

— Менинг емаким, бандаларим гунаҳлариға сабр қилмоқимдур, киймаким ўзумнинг азаматликимдур. Ҳар банда яхши ният бирла бўлса, кўнглини равшан қилурман. Ямон ниятда бўлса, дилини қаро қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, Осмон ва ерни, арш ва курсини яратмасдин бурун қайда эрдинг?

Худон таоло айди:

— Менга макон йўқдур... Аввал бир тоғ яратиб анга назар қилдим. Сув бўлди, сувга назар қилдим, қайнаб мавж урди. Сувнинг кўфукидин елни яраттим, яна қолғоши тош бўлди. Ул тошдин байтул муқаддасни яраттим. Қиёмат бўлса, ул тошни ер қилурман, ул ҳолда халойиқни гўрдин қўфориб узасида мазлумларға дод берурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Ё раб, ул ерни яратмасдин бурун қайда эрдинг?

Худон таоло айди:

— Қудрат ҳавосида эрдим. Андоғ қодир тангри турурманки, қушларни ер бирла кўк орасида муаллақ турғузурман. Эй Мусо! Менинг илмимдин сўрдунг, агар раҳматим қўлунг тутмаса эрди, сени бу сўзинг учун куйдурур эрдим. Эй Мусо, зотимин, ибтидо ва интиқосини ҳеч ким билмайдур. Ҳамиша бор эрдим, менин ўзга ҳеч киши йўқ эрди. Аввал саксон шаҳар яраттим, ҳар шаҳарнинг улуғлуқи бу дунё бирла баробардур. Ҳар шаҳарнинг ичини оқ кучи\* уруги бирла тўлдурдум. Сўнгра бир яшил қуш яраттим. Ул қуш кунда бир донадин еди, охири ул шаҳристон ичидақи оқ кучи\*\* тугади эрса, бир дона қолди, қуш йиғлаб ай-

\* Англаб бўлмади.

\*\* Ўша сўз.

дики: — Бор худоё! Менга узун умр бердинг, осонлиқ билла жонимни олғил, анинг учунким шунча йилдин бер сенга тасбеҳ ва таҳлил айтмадим.

— Бу сўздин етмиш қатла кейин ўлум бердим. Охир ул қуш ўлди. Андин кейин яна етмиш минг шаҳар яраттим. Ҳар шаҳарда минг жондор яраттим, улар одам ва фаришта ҳам эмас. Уларга тириклик бердим. Начанд вақтдин кейин менга ёзуқ қилди. Барчасини бир-биринга уруб ҳалок қилдим, ҳеч киши қўймадим.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Ул халқ нима гунаҳ қилиб эрдилар?

Худон таоло айди:

— Гунаҳларни буки, бир кунни айдиларки, яхшилиқ биздин, ямонлиқ тангридин турур. Анинг учун ҳалок қилдим.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Бир кишининг гуноҳи учун ҳар на борини ҳалок қилдингму?

Худон таоло айди:

— Эй Мусо! Бориб бир дарахт тубида ўлтурғил, менинг қудратимни кўрғил.

Бориб бир дарахт тубида турдилар. Кўзлари уйқуға борди, бир минг чумолиға фармон бўлдики, Мусонинг путиға тармашинглар. Чумолилар келиб Мусо алайҳис-саломнинг оёқларига тармаштилар. Бир чумоли тишлади, Мусо алайҳис-салом уйғониб, ҳамма чумолини ўлдурдилар.

Ниндо келдики:

— Ё Мусо! Сени тишлаған бир чумоли эрди, нега ҳаммасини ҳалок қилдинг?

Мусо алайҳис-салом айдилар:

— Бор худоё, хато қилдим, кечурғил.

Худон таоло айди:

— Ё Мусо! Андин кейин дўстум Муҳаммадни ўз нурумдин яраттим. Менинг қошимда эрди бир қабза нурумдин анга солдим, сажда қилди, анга бомдод намозини яраттим. Яна ўз нурумдин бердим, сажда қилди. Анга пешини намозини яраттим, ҳар турғанда ўн етти минг йил турди, ҳар бир саждада анга бир намоз бердим, андин ўттуз минг йилдин кейин аршини яраттим. Сувда эрди, бир фаришта яратиб, анга фармон қилдимки, аршини кўтарғил. Ул фаришта аршини кўтаролмади. Бир чумоли яратиб, анга: — аршини кўтарғил; — дедим. Ул чумоли кўтариб айдики:

— «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм. Тавакалту ала

аллоҳи ва аъзамати аллоҳи вало ҳавла вало қуввата илло биллоҳил алийул азим».

Худон таоло айди:

— Эй фаришталарим, менинг ёдимни қилсангизлар, сизларга ҳам мунча куч-қувват берур эрдим, андоғки бир чумолига бердим. Сизларни аршнинг нуридин яраттим, дўстум Муҳаммаднинг нуридин аршу курси, лавҳ ва қаламни яраттим. Дўстум Муҳаммаднинг нури менинг нуримдин турур.

Эй Мусо! Елни сувни кўфигидин яраттим, тоғларни сувнинг мавжидин яраттим, беҳиштни ёқут ва лаъл ва гавҳар ва зумрад ва забаржад ва олтун ва кумуш ва маржон ва марвариддин яраттим. Кимки, тоатимни қилса, беҳиштда даража бергайман. Эй Мусо, булардин кейин Ҳазрати Одами Сафийни яраттим. Эй Мусо, шаҳарлардақи оқ қучи донасин билдингмуки, қанча турур?

Мусо алайҳис-салом Худон таолога сажда қилиб бехуд бўлди. Етти кеча-кундуз ётти, ўзига келиб айдики:

— Бор худоё, тавба қилдим, мундин сўнг сендин ҳеч савол қилмасман ва лекин бир савол қилурманки, сенга ким яқин турур?

Худон таоло айди:

— Эй Мусо! Кимки тоат ва ибодатни кўб қилса, намоз ва рўза, тасбеҳ\* ва таҳлил\*\* этса, закот ва садақа берса, етимга шафқат қилса, ул яқин бандам турур. Эй Мусо, кимки ўз айбини ёпқондек киши айбини ёбса, ул яқин бандам турур.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Ул ишлардин бирини менга кўрсатгил, мен ҳам қилгайман.

Худон таоло айди:

— Эй Мусо, яқин бандам ул турурки, хомуш бўлса, тўла сўзламаса, ўзи оч туруб, фақирларга берса, зино бирла залолатдин йироқ бўлса, кишини дилини оғритмаса, яланғочқа эгин берса, ямонлиқ бирла яхшилиқни ўзига баробар кўрса. Эй Мусо, кимки бир мусулмон дилини оғритса, мани оғритқандек бўлур. Кимки андин мусулмонлар рози бўлса, ман ҳам розидурман. Эй Мусо, кимки олимнинг дилига озор берса, манга озор бергандек бўлур. Эй Мусо, толиблар омиларга бир оғиз масала ўргатсалар, алар яқин дўстум турурлар. Оми

---

\* Худо номини тилга олиб, «Субҳоноллоҳ, субҳоноллоҳ» — демоқ ва намоз ўқимоқ («Ғиёсул луғот»дан).

\*\* «До илоҳо иллоллоҳ» демоқ. («Ғиёсул луғот»дан)



бир оғиз масалаға амал қилса, дилини пурнур қилурман, дуосини ижобат қилурман.

Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё! Ҳаммажлис дўстунг ким турур?

Худон таоло айди:

— Улки Ҳамиша масжидда ётса. Эй Мусо, дарвешлар бирла Ҳамсуҳбат бўлғилки, раҳматим аларға хос турур?

Ҳазрати Мусо алайҳис-салом айди:

— Бор худоё, бандаларингға тавфиқ берғайсан.

Оллоҳумма ағфирлий ва ливолидайя ва лиҲаммиинил муъминина вал-муслимина вал-муслимот, иннака Гофируз-занби вал-хатияти бираҳматика ё ар Ҳамарроҳимийн!\*

### ЭР БИРЛА ХОТУНЛАР БАЁНИДА

«Қола аннабийю, алайҳиссалому аттазвижу барака-тун ва ал-валаду раҳматун факриму авлодакум фонна икрамаҳу ибодатун», яъни Онҳазрат буюрдиларки, хотун олмоқ баракатдур, фарзанд тобмоқ раҳматдур. Бас, ани икром қилмоқ ибодатдур.

Онҳазрат айдилар:

— Ҳар ким хотунини иззат қилса, ани Оллоҳи таоло иззат қилур.

Абдулла ибн Аббос Онҳазратдин нақл қилурки, Онҳазрат айдилар: — Агар одамға сажда қилмоқ жоиз бўлса эрди, буюрур эрдим, токи, хотунлар эрларига сажда қилур эрдилар.

Мадина хотунларидин бир хотун Онҳазратни олдиларига келиб сўрдик:

— Ё Расулиллоҳ, менда эримни на ҳақи бор.

Айдилар:

— Агар эрингни баданидин қон оқса, тилинг бирла яласанг, минг ҳақидин бири ҳам адо бўлмас ва яна ҳар хотунки, эрини ризолиқи бирла ўлса, ани ўрни беҳиш-да бўлғай.

Онҳазрат бир хотунга насиҳат қилиб айдиларки, эрингни молини бегонаға берма, агар берсанг, эрингни рози қил.

Бир хотун тириклигида эридин сўрамай бировга бир нима берди. Ул хотун ўлди. Онаси тушида кўрдик, қизини азоб қилурлар. Онаси мун кўруб, паришонҳол

\* Дуо.

бўлуб, Онҳазратни олдиларига келди ва қизини аҳво-  
лни баён қилди.

Онҳазрат эрини чорлатиб айдиларки:

— Бу заифани (нг) қизини гуноҳидин ўт.

Айди:

— Мен андин рози бўлмасманки, менга номувофиқ эрди. Ризолиқим бирла иш тутмас эрди, нофармон\*лик қилур эрди.

Онҳазрат айдилар:

— Эй бандан худо, раҳм қилгувчиларини худон таоло дўст тутар. Агар сен раҳм қилмасанг, худон таоло сенга ҳам раҳм қилмас.

Ул кимарса айди:

— Ё Расулиллоҳ, агар менга шафоат қилсалар, мен сиз учун ўттум, хотунумни ҳар қанча гуноҳи бўлса кечтум.

Қизни онаси уйига борди. Кечаси тушида кўрдикки, қизни беҳиштда сайр қилиб юрур. Беҳишт ҳуллаларидин каромат қилибдурлар.

Онаси айди:

— Эй қизим, ҳолинг нечукдур?

Қиз айди:

— Эй она, эрим мендин рози бўлди, мендин азобни кўтардилар ва беҳишт ҳуллаларидин каромат қилдилар ва мени аҳволимни хотунларга еткурғил, токи мендин ибрат олиб эрларини ризосини истасунлар, токи мен тортқон азобга гирифтор бўлмасунлар.

Онҳазрат айдилар:

— Хотунларни эранларда беш ҳаққи бор турур. Аввал улки хотунига иш буюрса, уй ичида буюрғай, иккинчи шарнат ва таҳорат ва гусл ва намоз ва рўза ва имон ва ислом ва ушбу имарсаларни ва онча яхши амалларни ўргатқай. Учунчи—ҳалол таом бергай, тўртунчи—зулм қилмағай, бешинчи—яхши сўзлар билан кўнглини хурсанд қилғай.

Ҳазрат Расул алайҳис-салом айдилар:

— Ё Фотима, ўзингни хушбўй қилғил, таҳорат ва истиғфор бирла, аммо ипор, заъфарон бирла ўзингни хушбўй қилма, зероки ҳар хотунки ўзини ипор ва заъфарон бирла (ўзини) хушбўй тутса ани нопок дерлар. Қиёмат кунин барча хотунларни вуболи шул хотунга бўлур. Маърифати Оллоҳидин ҳеч бўй бўлмас. Ҳар хо-

---

\* Қулоқ солмаслик.

тунки таҳорат бирла бўлса, Худон таоло они омурзеш қилур.

— Ё Фотима, ҳар ким одина кечаси ё кундузи кўзи-га сурма тортса, ани кўзи оғримағай.

— Ё Фотима, сочингни зайтун ёғи бирла ювғилки шайтон қирқ кеча-кундузғача васваса қилмағай.

— Ё Фотима, ҳар хотунки, эри хотунидин хушнуд бўлса, гўски илон терисини ташлағандек гуноҳдин пок бўлур.

— Ё Фотима, ҳар хотунки эрини қучоғласа, Каъбани тавоф қилғондек бўлур.

Ҳазрат пайғамбар алайҳис-салом айдилар:

— Ҳар қачон бандан мўмин хотуни бирла қовушиб, ғул қилурда бу дуони ўқуса, «Аллоҳумма лака ашшукруан агсилука ҳалолан таййибан ё зул-жалола вал икром» ҳақ субҳона ва таоло ани то ўлгунча шайтонин шарридин сақлағай.

— Ё Фотима, ҳар ким эрини азиз тутса, ҳар кунда юз қатор хидмат буюрса ҳам бажо кетурғай.

— Ё Фотима, менинг пайғамбарлигимга таъя қилма.

Онҳазрат бир кун Фотима разияллоҳу анҳони кўрдиларки, чиройлари чиртиқ турур. Сўрдиларки, на сабабдин хафа турурсиз?

Ҳазрат Фотима рози айдилар:

— Ҳазрат Алиға бир сўз деб эрдим, менга аччиғларин келди.

Онҳазрат айдилар:

— Ё Фотима, билмадингизмуки, эрини ризолиқи тангрини ризолиқи турур. Тез бориб Ҳазрат Алини хушнуд қилинг, агар хушнуд қилмасангиз, сизга ажал етса, жанозангизга бормасман. Яна айдилар: — Ҳар ишларинки уй ичида турур, сиз саранжом қилинг ва ҳар ишларинки уйиндин ташқарида турур, ани Али саранжом қилсун.

— Ё Фотима, ҳар хотунки, чарх йиғириб эрига эгин қилиб берса, худон таоло ул хотунга учмоҳин рўзи қилур ва яна номан аъмолига минг яхшилиқ ёзар ва минг ямонлиқни учурур. Етмиш қат ҳулла кийдурур.

— Ё Фотима, ҳар хотунки танур бошида ўлтуруб, эрига нон пишуруб берса, худон таоло ул хотунга бир қул озод қилғонни савобини берур.

— Ё Фотима, то эри рози бўлмағунча, хотун кишини тоати қабул бўлмас. Хотунни уйида ўлтурғони яхшироқдур. Каъба тавоф қиламан (деб) уйиндин ташқарин чиққанидин.

— Ё Фотима, ҳар хотунки эриға эҳонат қилса, ул хотунға худои таоло лаънат қилур.

— Ё Фотима, ҳар хотунки эриға таъна қилсаки, сендин менга на фойда турур, ул хотунни етмиш йиллиқ тоати бекор бўлур.

Ҳар хотунки эриға носазо\* этса, қиёмат кунни Фиръавн Қорун шаддод бирла қўпқай.

— Ё Фотима, ҳар хотун безарурат уйидин чиқса шариятда раво бўлмағай, фаришталар анга лаънат юборурлар.

Андоғ ривоят қилурларки, бир зоҳид бор эрди. Ибодатхонасида ўлтуруб эрди. Зоҳидға маълум бўлдики, хотуни уйидин ташқари чиқибдур. Ибодатхонасидин уйига келди. Хотунидин сўрдики:

— Эй хотун, на ерға бординг?

Хотуни айди:

— Онамнинг уйига бордим.

Зоҳид икки кишини чақириб хотунини ҳаққини берди ва талоқ қилди.

Хотуни айди:

— Нега мундоғ қилурсанки, менга тўла меҳрибон эрдинг?

Зоҳид айди:

— Меҳрибон эрдим, лекин сен менга ғалаба қилдинг, андин сени талоқ қилдим.

Расул алайҳис-салом айдилар:

— Ё Фотима, ҳар хотунки эридин ўзини аяса, эрини ҳақида хиёнат қилса, худои таоло ул хотундин рози бўлмағай. Чандон азобға гирифтор бўлғайки, ниҳояти бўлмағай, магар тавба қилса.

— Ё Фотима, ҳар хотун эриға лаънат қилса, ул лаънат ўзиға бўлур.

— Ё Фотима, ҳар хотунки, эрини аччиғи келгонда эридин баландроқ товуш қилса, ё баробар товуш қилса, қиёмат кунни тилидин осарлар.

— Ё Фотима, ҳар хотунки, Ойшан сиддиқа разияллоҳу анҳони ибодатича ибодат қилса, то эри рози бўлмаса, ўрни дўзахда бўлур.

Илоҳи, ҳамма мусулмонлар хотунларини эрларига фарманбардор қилғайсан.

---

\* Қўпол сўз айтмоқ.

Сирожиддин махдум Сидқий бир минг уч юз икки санаи ҳижрияда Тошканднинг шарқ ёгинда олти ёғоч\* йироқликда бўлгон Хандақлик ўлкасида дунёга келиб, тахминан олти-етти ёшларида саводи чиқиб, ўздан буюкларга сабақ бера бошлади. Ҳатто заҳоматли «Қуръонни карим»ни ҳам базўр мактабга тоқинуб борур эрди. Хати ҳам яхшигина чиқиб, ўз абнойн жинси аросида саромад бўлди.

Сидқийнинг жаннатмакон падари камдастроқ ва бечораҳолроқ бўлгонликдан деҳқончилик ишнинг баъзи камчиликларига боқишиб, яъни хидматкорларга ош тошиб, оту улог\*\* боқиб, аларга қарашур эрди. Ушбу ҳол узра секиз-тўқуз йил кечти ва тарбиясиз қолди. Гўё уммийлар қаторида саналди.

Гавҳар агар балчиқ аро қолса ҳам,  
Ҳеч маҳал бўлмағуси қадри кам.

Охирал амр, Сидқий ўн тўқуз ёшга боргонда таҳсил илм қилурга энг зиллатлик бир ҳолда Тошкандга бориб, Кесаққўргон ном маҳаллада Мадрасаи Раҳматуллоҳда мавлоно Шоҳ Муҳиддин охунд хидматида бир-икки йил сарф бирла наҳв ўқурга тутунди. Ва ҳамон фақирликга қаршу ҳаракат бирла-илм ўқур эрди. Ва касби маориф қилур эрди. Ва уча\*\*\* ҳиммат бирла тиришур эрди ва зоҳирига боқмас эрди.

Ҳар кимсани, зотан, дилида бўлса ҳарорат,  
Зиллат совуғи қайда они зарра совутқай.  
Нодон у кишидурки, бирор чекса машаққат,  
Матлуби таманносидин ўзни нари тутқай.

Сидқий, зотан, худойдод, зеборақам ва хушқалам бўлса ҳам ҳусни хат дағдағаси кўнглига ўрнашуб, тош-

\* Аҳволи ҳозирада фарсанг ва тош бирла шуҳрат қозонмишдур.

\*\* От ва эшак каби ҳайвон. Чунончи, тева ва хачир.

\*\*\* Буюк, баланд, олий, демакдур, туркидур. (Сидқий изоғлари.)

кандли Муҳаммад Шоҳмурод жавоҳир рақам ҳузурига бориб, хидмат камарин жон белига боғлаб, олти ой ичида хат — маъшуқасини бари зебо либос бирла оро бериб хўжаста фаржомлиқ канориға олди. Ва кам-кам ҳусни назоратин ошурди. Тароват ва латофатлу назаррабо бир дўхтари моҳ сиймони пажмурда ва фарсуда албисан ичра кўрмак на қадар шоёни асаф бўлса, бир фикри олийни фано хат бирла ёзилмиш кўрмак тағи ул қадар сазовори талаҳҳуфдур.

Ҳар кишининг зарофати фикрияи осори кўнгулларга жилобахши инбисот бўлса, фақат авосорнинг бир нафис хат бирла лавҳа оройи тазйин бўлмоқи назарларга шавқовари нашотдур.

Ақл ва фикр аҳволи хорижия тамошасидан қанча зиёда таъсирли бўлса, гўзал хат бирла ёзилгон бир мақолани ўқиғувчи фаҳм эгаси, яна у мақолани ҳусни хатдан ори бир ёзув бирла ўқугон ҳолдаги ҳусни таъсирини, албатта топа олмайдур.

Инсоннинг гояти мақосиди фунуни нафиса ичра мумтоз бўлгон ҳусни хат бирла ҳовий бўлса, они фикрининг тасвири бўлгон асарлари аҳли назар қошида бир нақшнинг лавҳани ибрат бўлуб, жилвагар бўлур.

Алҳақ, Сидқий мамолик маҳрусани Туркистон ва Қошғар шаҳрларида ҳам қалам ва шоирияти воситаси бирла шуҳрат қозонди. Ва борча аҳли фазлнинг тантанали мажлисида мазкур ва шакархон даҳанларида машкур бўлди.

Сидқийнинг ҳусни хатдан моада форсиёт таржима-сиға моҳирона иқтидори ва аҳамияти тўла бўлгонлиқдан ва форсиётни кўб ўқумоқға роғиб ва ҳаваскор ўлгонлиқдан бир минг уч юз йигирма секиз санаи ҳижрияда файласуф Шайх Саъдийнинг «Каримо» исмли рисоласини (нг) назман туркий таржима қилиб, «Раҳимо таржимаи Каримо» номин берди ва матбаада рангин қилиб чиқариб, Фарғона, хусусан, Қошғарға анча ошурди.

Яна захоматли икки жилдли «Алиф лайло»ни ярмини (нг) Андижонда ва ярмини (нг) Тошканда секиз ой ичида ўз қалами мушкин рақами бирла туркий таржима қилиб, тамом қилди ва пешкаши аҳли ёру диёр айлади.

Ва яна Сўфи Оллоёхоннинг «Маслакул муттақийн» номли китобини ҳам худ бехуд назман туркий таржима қилиб, ани (нг) номини (нг) «Шарҳи Сирождин, тар-

жиман «Маслакул муттақийн» деб исм берди ва шоён тамошо бир китоб қилди.

Файласуф Шайх Саъдийнинг «Бўстон»ин ҳам туркий таржима қилиб, «Уивони таржимаи Бўстон» деб исм бергон ва гоётада эҳтимом кўргузуб, нозик иборатлар, рангин ва назиф ишоратлар дарж қилгон, яъни эъжоз дегулук ва сеҳрли ҳалол деса бўлғулук, бир ёдгор қилиб, ажубан рўзгор жумласидан санагон эрди.

Хусусан, ҳазрати имом ва ақдининг саҳобан киром сугушидан иборат бўлгон ва Холид ибн Валиднинг қаҳрамонлигини ва жаҳонгирлигини Шом ва Қўнсирини ва Баҳамсо ва Абул Қуддус ва Дамашқ ва Баалбек ва арзи Заййя ва Ҳамс ва Растан ва Ҳимат ва Шероз ва Ярмуқ ва Байтул муқаддас ва Ҳалаб ва Фароз ва Антокня ва Қайсария ва Тароблис ва Мадинати Сур ва Миср ва Мадинати Марйут ва Искандария ва Дамёт ва Жазираи Тунис ва Диёрбақр ва Арзи Рабъна ва Азмо ва Бақара ва Қасри Машид ва Забо ва Золубиё ва Қарқисо ва Моксини ва Шамсиёна ва Мордини ва Раҳо ва Ҳирон ва Қалъаи Рос-ал-айн ва Омуд ва Матфорқини ва Яманни ва Жабли Жуди ва Ҳусни Лугуб ва Танза ва Ямхурд ва Асърд ва Бадлис ва Арзон ва Армания ва Қиф ва Анзур ва Ахлот ва Жабли Мордини ва Исмоилиёт ва Ироқ ва Қасри Ҳоварнақ ва Ҳиро ва Қодсия ва Наҳмшир ва Футуҳи айвон ва духул-ул муслимин фи Дажлати ва Асбойнз ва Мадинати Қусво ва Мадинати Нишовур ва Аҳнос шаҳр ва ўлкаларида кўрсатган футуҳотларин араб забонида бир тарих ёзиб, «Футуҳи ал-Шом» деб атагон эрди. Қаминна Сидқий ҳам қаҳатчилик йилларида саъий бағоят ва эҳтимоми болониҳоя кўргузгон ва жон фидо қилгон эрди. Яъни турки таржима қилиб, бир нодир ал-вужуд асар сониға киргузгон эрди.

«Шавкатус-салом таржимаи Футуҳи ал-Шом» исмида чун қуёш ламаъапош қилгон эрди.

Локин бечора Сидқийнинг толеъ қуши паст кетти. Ва бу киби баланд гоё ишининг оёғига нақбат тошидин шикаст еттики, бир минг уч юз ўттуз тўрт санаи ҳижриядаги мисли кўрулмагон ва монанди эшитилмагон буюк инқилоб ва харожу марож бонси бирла то хайру таъвиқ доирасига жўйрулуб қолди. Яъни ушбу уч адад буюк асарлар хафо пардасидин шуҳрат ўлкасиға чиқиб бир кенг майдон ололмади. Ҳамон хафо пардасида қолди.

Сидқийнинг булардан бошқа «Пурғам» ва «Базми

нишрат» ва «Мезони шарнат» ва «Турки ажойибул маҳлуқот» киби асарлари хеле майдон олиб шуҳрат қозонмишдир.

Сидқийнинг «Девони Сидқий» исминда мустақил девони ҳам бордур. Агарчи ғазалиётни машҳури даврон бўлса ҳам, локни девони касрати машоғил мужиби ва пароканда хотир боиси бирла ҳанузгача шуҳрат қозонмай қолди.

Сидқий фақат зумуррадқалам рақами бирла авлоди ватанга ўн икки йил хидмат этти. Ва қалами самандини (нг) шуҳрат майдонида ўйнатди. То охир таълиқ ва руқъа ва ёқути, яъни сулс ва убайдий ва лоҳурий хатларин мазкур муддати мадида ичра машаққати касира ва меҳнати тавилага сабри жамил бирла тахти тасарруфиға олди. Яъни жаннатмакон, хулдошён, машҳури даврон Мирза Ҳошим Хўжандийнинг тарбияи мушфиқонаси ва марҳамати падаронаси сояи ҳимоясида саромади рўзгору ягонаи абнои жинс бўлуб чиқти ва гурбат юртида шуҳрат қозонди.

Сидқийнинг муҳр қозмоқга ҳам хеле маҳорати бўлуб, ҳатто асл захр, муҳра тошларига ҳам зебо равишда бир неча аҳбобиға, хоссан шогирди самимийси ва дўсти қадимийси Абдулла Носиҳий\*га Таваллони сурат ва некуҳаёт бирла бир буюк ёдгор қилиб берди.

Сидқий энг захоматли санг мармарларни Оқтош тоғидаги бир онча сарфи қувват бирла келтуруб, Фарҳод киби фўлод асбоб бирла ойинавор тарошлаб, ажиб услублар бирла ҳайратбахш хатлар ва ибратангиз қимматли мақолалар ёзар эди. Ва аёнлар мазорат учун олурлар эди.

Сидқий сафир\*\* бирла қушлар сайдиға ва парранда шикориға машҳуд ва аларнинг парваришиға маълум эрди.

Сидқий таъби тоза ва гул киби хандон бўлгонликдан ағёр ва абнойи аҳл, рўзгор бирла ихтилоғ ва омизиш қилмади. Балки ҳозирги оврўполиларнинг гулхонаи шоҳонадаги рангоранг, кўз кўрмағон ва қулоқ эшитмағон, жондан суюкли қимматбаҳо гулларидан йиғиб, таъби тифлини (нг) гулзор тамошоси бирла ўтмакдур.

Сидқийнинг бир неча сандуқда асалариси бўлуб,

\* Абдулла Носиров.

\*\* Туркча ҳуштак дерлар. Қушларни алар бирла чақириб домға солурлар. (Сидқий.)



ёз фаслларида булар бирла шуғулланиб овруполилар усулида тарбия қилмакда ва буларнинг захри омизишни аҳли миннатнинг шаҳди омизнўшидан яхшироқ кўрмакдадур.

Сидқийнинг таъни айёми туфулниятида шеърға мойил бўлса ҳам, лекин баъзи монельлар жиҳатидан, хусусан шуарои киромлар суҳбатларидан ва фузалои номдор хидматларидан йироқлиғидан шеър на шай ва нимадан иборат ўлғонлиғин тушунмас эрди. Қачонки илм ўқурға Тошканд ичра нузул қилди, мавлоно Мираҳмад муфтий (тахаллуси Мир) хидматиға уландики, «Иқдул дурар»ни назм риштасиға чекар эрди. Яна мавлоно Абдулкаримбек (тахаллуси Камий) ва мавлавий Сайид Хайбатулло (тахаллуси Хислат) ва мулло Ғазанфар ва Мунис ва Хаёлий ва Иффат Богистоний ва Ризоний Андижоний ва мавлоно Ҳожи Муҳъийн Хўқандий ва мударрис мавлоно Сайидахмад Васлий Самарқандий ва мавлоно Ғурбатий Туркистоний ва мавлоно Абдулқодир Қошгарий киби фусаҳо рўзгор ва адиби балоғатшиорларға улфат бўлуб, риштаи муҳаббатларниға меҳри аёғин банд этди ва алардан онча касби маориф қилиб, «авзон», «сажъ», «қофия»ларни ўрганди ва аруз мажмуаси бирла машҳур форс тилида Абунаسر Фароҳий тарафидан набираси Муҳаммад Каримиддин Даштбаёзний учун ёзилгон «Нисобус сибён»ни ҳам ўқуди.

Сидқийнинг устоди ҳарчанд манъ қилса ҳам, локин «ал-нисону ҳарисун ало-маъмуни» фаҳвосича, кўброқ шеърға сарфи авқот қилур эрди. Адабиёт ва ошиқона ғазали кўб бўлса ҳам аксар таъни ҳажвиётға мойил бўлуб, мустабид амалдор ва ришвахўр қозии рўзгор бўлуб, Николаий йўлиға сув сепқонларға ва ҳутоми дунёға сотилгон муфтимोजинлар ва илмларнинг «қад кафара, қад кафара» деб мардум кўзин бўяб чиқоргон ноҳақ ҳукмларига ва қалъён\* чекувчилар ҳақидаги хурофотларига қувваси борича қаршу ҳаракат ва зўр монельият кўрсатур эрди.

---

\* Арабидур, аҳволи ҳозирада туркистонликлар чилим деб таъбир қилурлар.

## ИЗОҲЛАР

1. Биринчи икки ғазал «Девони Сидқий»дан олинди. Илк марта эълон қилинмоқда.

2. Бу ва бундан кейинги тўрт ғазал шоирнинг 1984 йилида чоп этилган. «Навбаҳор» тўпламида эълон қилинган.

3. «Девони Сидқий»дан олинди, илк бор эълон қилинмоқда.

4. «Девони Сидқий»дан олинди, илк бор эълон қилинмоқда.

5. Бу ва кейинги уч ғазал «Навбаҳор»да эълон қилинган.

6. «Девони Сидқий»дан олинди, илк бор эълон қилинмоқда.

7. «Девони Сидқий»дан олинди, илк бор эълон қилинмоқда.

8. Дастлаб «Тухфай Шавкат» (Т., 1913)да босилган, «Навбаҳор»даги нашри асосида тайёрланди.

9. Илк бор Сидқийнинг «Баъзи ишрат» (Т., 1914)ида босилган, «Навбаҳор»даги нашри асосида тайёрланди.

10. Бу ва ундан кейинги тўрт ғазал дастлаб «Навбаҳор»да эълон қилинган.

11. Бу ва ундан кейинги тўрт ғазал «Девони Сидқий»дан олинди, илк марта эълон қилинган.

12. Бу ва ундан кейинги икки ғазал «Навбаҳор» нашри асосида тайёрланди.

13. Дастлаб «Навбаҳор»да эълон қилинган. Ушбу нашрда шеър ўз номи билан берилди ва тушиб қолган мақтадан олдинги байт тикланди.

14. Шеър «Навбаҳор» нашридан олинди.

15. Дастлаб «Баёзи Ҳазиний» (Т., 1912)да эълон қилинган «Навбаҳор»дан олиб тайёрланди.

16. Бу ва кейинги икки ғазал «Навбаҳор»да эълон қилинган.

17. Бу ва кейинги икки ғазал «Девони Сидқий»дан олинди, илк марта эълон қилинмоқда.

18. Бу ва ундан кейинги ўн бешта ғазал «Навбаҳор» нашридан олинди.

19. Бу ва ундан кейинги ғазал «Девони Сидқий»дан олинди, илк бор эълон қилинмоқда.

20. Дастлаб «Баъзи ишрат»да босилган, «Навбаҳор» нашри асосида тайёрланди.

21. Бу ва кейинги ғазал «Навбаҳор» нашридан олинди.

22. «Девони Сидқий»дан. Илк марта эълон қилинмоқда.

23. Бу ва ундан кейинги етти ғазал «Навбаҳор» нашри асосида эълон қилинмоқда.

24. Бу ғазал дастлаб «Тухфай Шавкат»да эълон қилинган, «Навбаҳор»дан олиб нашрга тайёрланди.

25. Бу ва ундан кейинги санкиз ғазал «Навбаҳор»дан олинди.

26. «Девони Сидқий»дан олинди, илк бор эълон қилинмоқда.

27. Бу ва кейинги уч ғазал «Навбаҳор» нашридан олинди.

28. Илк бор «Баёзи Ҳазиний»да эълон қилинган. «Девоний Сидқий»га киритилган.

29. Бу ва кейинги уч ғазал «Навбаҳор»дан олинди. «Жаҳон жаллоди халқунга қўяр тиги ситам кам-кам» ғазали дастлаб «Рабо(т)чилар келиши» (Т., 1917)да «Замона макридин таҳзир» сарлавҳаси остида босилган. «Баҳор айёмида хатти райҳонимни соғиндим» ғазали илк бор «Рабо(т)чилар намоиши ёхуд Ватан қаҳрамонлари»да «Бир рабо(т)чи тилинда» сарлавҳаси билан чоп этилган.

30. Ғазал илк марта «Тухфаи Шавкат»да эълон қилинган, шу асосда нашрга тайёрланди.

31. Дастлаб «Тухфаи Шавкат»да эълон қилинган. «Навбаҳор» нашридан олинди.

32. «Девоний Сидқий»дан олиб нашрга тайёрланди.

33. Бу ва кейинги икки ғазал ҳам «Девоний Сидқий»дан олинди. Ҳар уч ғазалининг муаллиф қўйган сарлавҳаси сақланди. «Ғамингдин кечалар то субҳ, жоно, беқарорингман» ғазали дастлаб «Тухфаи Шавкат»да босилган. «Гунчадек лабинг ишқин сўрмайин бағир қонмен» ғазали илк бор эълон қилинмоқда.

34. Шеър илк марта «Базми ишрат»да чоп этилган. «Навбаҳор»дан олиб нашрга тайёрланди.

35. «Навбаҳор» нашридан олинди.

36. Илк марта «Баёзи муҳалло» (Т., 1912)да чоп этилган, «Навбаҳор»дан олинди.

37. Илк марта «Тухфаи Шавкат»да эълон қилинган, «Навбаҳор»дан олинди.

38. Ғазал-мувашшаҳ шопрининг ўгли Омонжон вафотига бағишланган. «Навбаҳор»да тушиб қолган мақтаъ олдидаги байт илк марта чоп этилган «Тухфаи Шавкат» асосида тикланди.

39. Шеър дастлаб «Тухфаи Шавкат»да босилган, «Навбаҳор»дан олиб тайёрланди.

40. Биринчи уч мураббаъ дастлаб «Баёзи муҳалло»да, «Бурқаб очиб юзни тобои айладинг» ғазали «Тухфаи Шавкат»да босилган. «Навбаҳор»дан олиб, айрим ўзгартиришлар билан нашрга тайёрланди.

41. Муҳаммас дастлаб «Навбаҳор»да эълон қилинган.

42. Дастлаб «Базми ишрат»да эълон қилинган, «Навбаҳор»дан олинди.

43. Дастлаб «Навбаҳор»да эълон қилинган.

44. Дастлаб «Баёзи муҳалло»да чоп этилган. «Навбаҳор»дан олинди.

45. Муқимий ғазалларига боғланган ҳар уч тахмис «Навбаҳор»дан олинди.

46. «Навбаҳор» нашридан олинди.

47. Дастваб «Баёзи муҳалло»да чоп этилган. «Навбаҳор»дан олинди.

48. Дастваб «Навбаҳор»да эълон қилинган.

49. Дастваб «Тухфаи Шавкат»да чоп этилган. Шу нашр асосида тайёрланди.

50. Дастваб «Баёзи муҳалло»да чоп этилди. «Навбаҳор»дан олинди.

51. Дастваб «Баёзи Ҳазиний»да эълон қилинган.

52. Форсча газалларнинг даствабкиси «Девони Сидқий»дан олиб илк мартабада чоп этилмоқда. Кейинги икки шеър эса «Тухфаи Шавкат»да эълон қилинган.

53. Дастваб «Баёзи Ҳазиний»да эълон қилинган. «Навбаҳор»дан олинди.

54. Дастваб «Базми ишрат»да эълон қилинган. «Навбаҳор»да айрим қисқартириш (1-, 7-банд)лар билан босилган эди. Тўла берилмоқда.

55. «Навбаҳор»дан олинди.

56. Дастваб «Рабо(т)чилар намойиши ёхуд Ватаи қаҳрамонлари» (Т., 1917) китобида босилган. «Навбаҳор»да олтинчи байт тушириб қолдирилган эди. Тўла берилмоқда.

57. Бу ва «Муҳораба дафъи учун мунҷот» ҳам дастваб шу китобда босилган. «Навбаҳор»дан олинди.

58. Бу ва ундан кейинги «Сизларга мужда», «Эски ҳукумат зулми» ва «Аччиғи шикоят» дастваб «Рабо(т)чилар келиши» асарида босилган. «Навбаҳор»дан олинди.

59. «Пароканда ашъор ва мактуб» қўлёзмасидан олинди. Биринчи марта эълон қилинмоқда.

60. Бу ва ундан кейинги икки шеър дастваб «Тоза ҳуррият» (Т., 1917)да босилган. «Навбаҳор»дан олиб нашрга тайёрланди.

61. «Хуррият ийдига табрик»дан «Навбаҳор»да тушиб қолган тўртинчи банд тикланди. еттинчи банд тўлдирилди.

62. «Ашъор машқлари» (ЎзФАШИИ инв. №7630/II) қўлёзмасидан олинди. Илк бор нашр этилмоқда.

63. «Пароканда ашъор ва мактуб». (ЎзФАШИИ инв. N7630/II) қўлёзмасидан олинди. Биринчи мартабада эълон қилинмоқда.

64. «Иқтисоб» (ЎзФАШИИ инв. N7629/II) қўлёзмасидан олиб нашрга тайёрланди.

65. «Пароканда ашъор ва коғазлар» (ЎзФАШИИ инв. N7630/III)-дан олиб нашрга тайёрланди.

66. «Русия иқибоби» аввалги («Навбаҳор») нашрига қараганда бир оз тўлдирилди.

67. Дастваб «Армуғони Хислат» (Т., 1912)да эълон қилинган. «Навбаҳор»дан олинди.

68. Дастваб «Баёзи Ҳазиний»да чоп этилган. «Навбаҳор»дан олинди.

69. Бу ва «Бедана ишқи» «Базми ишрат»да босилган. «Навбаҳор»дан олинди.

70. Дастлаб «Армуғони Хислат»да эълон қилинган. «Навбаҳор»дан олинди.

71. Дастлаб «Баёзи Ҳазиний»да эълон қилинган. «Навбаҳор»дан олинди.

72. «Пароканда ашъор ва мактуб» қўлёзмасидаги мусавваддан олиб «Навбаҳор»да эълон қилинган. «Работ(т)чилар номийиши ёхуд Ватан қаҳрамонлари» (Т., 1917)да «Жўра қизик деган рабо(т)чи тилиндандур ба тариқи тазмин» номи билан илк бор чоп этилган. Мақтабдан аввалги икки байт илк нашрдан олиб тўлдирилади.

73. «Навбаҳор»дан олинди.

74. Бу ва кейинги намуналар «Пароканда ашъор ва мактуб»дан олиниб илк бор нашр этилмоқда.

75. Дастлаб «Базми ишрат»да эълон қилинган. «Навбаҳор»дан олинди.

76. «Сад иршод ёхуд сад қонун...» (ЎзФАШИ инв. N7629/III) қўлёзмасидан олиб нашрга тайёрланди. Айрим парчалар «Навбаҳор»да берилган.

77. «Зарбулмасали Сидқий» «Сирожиддин махдум Сидқийнинг нотамом қолган асарлари» (ЎзФАШИ Р 7631)дан олинди. Илк бор эълон қилинмоқда.

78. Бу ва кейинги савол-жавоблар Сидқийнинг куёви Обид ота қўлида сақланаётган дастхат қўлёзмасидан олинди.

79. Қайдлар «Пароканда ашъор ва мактуб», «Сирожиддин махдум Сидқийнинг нотамом қолган асарлари»дан олиб нашрга тайёрланди.

80. Асарнинг номи «Қаримо» (Эй қарим)дир. Мутахассислар фикрича, Саъдийнинг бундай номланган асари йўқ. У шoirнинг турли китобларидан териб олинган. Қаримнинг маъноси қарамли, сахий, олижаноб, олиҳимматдир. «О» мурожаатни англатади. Мурожаатнинг эса хитоб доираси кенг. Лекин, муҳими, у ёлғиз суҳбатдир. Сидқий уни ўзбекчага таржима қилиб, 1913 йилда нашр эттирган. У асарнинг номи «Раҳимо таржимаи Қаримо» деб қўяди. Раҳимо — эй, раҳим дегани. Раҳим — марҳаматли, меҳрибон, раҳмдлл маъноларини англатади. Таржима сўнги бор «Халқ таълими журнали» (1922 й. N9.10, 1993 й. N 1)да босилган.

81. Асар Абдулла Носировнинг маълумот беришича 1914 йилда чоп этилган. (Биз кўрган нусхаларда санаси учрамади.) Диққатингизга ҳавола этилаётган уч фасл ушбу нашрдан олинди.

82. Маъноси: Аллоҳнинг ёлғизлигига, унда бошқа плоҳ йўқлигига, шериги йўқлигига шаҳодат бераман. Муҳаммаднинг унинг бандаси ва расули эканлигига гувоҳлик бераман.

83. «Иктисоб» («ЎзФАШИ Р 7629 II. 34—40 бетлар)дан олиб нашрга тайёрланди.

## ЛҮГАТ

### А

абнон вақт — замондошлар  
 абр — булут  
 абру — қош  
 авон — пайт, замон  
 авсор — ҳужжат  
 авсоф — васф  
 автод — авлиёлар  
 ад — адад  
 адабсамж — адабдан хат би-  
 тувчи  
 адам — йўқлик  
 адув — душман  
 ажз — ожизлик, бечоралик  
 ажуба — ажойиб  
 ажужа — маккор  
 аз таҳи дил — астойдил  
 азмойиш — синаш  
 азо — аза, мотам  
 азозил — шайтон  
 аз сар то по — бошдан оёқ  
 алам — байроқ  
 албиса — либос  
 алойиқ — алоқалар  
 алола — гавго  
 альон — ҳозирда, шу пайтда  
 ало ҳазал қиёс — қиёсан ол-  
 гада  
 амн — омонлик  
 амсол — монанд  
 анис — дўст  
 аноният — худбинлик, манман-  
 лик  
 аржуманд — азиз, мўътабар  
 арус — келин  
 арса — саҳн  
 асаф — афсус  
 асру — гоят

атолат — бекорчилик  
 афрўхта — қизиган  
 афсар — тож  
 афтода — мажолсиз, эзилган  
 ахзар — кўм-кўк  
 ахий — оға, ошна  
 ашк — кўз ёш  
 ашкар — қизғиш сариқ от  
 аъни — яъни  
 ақрабо — яқинлар  
 агниё — бойлар  
 аҳли ниёз — муҳтожлар

### Б

бадеъ — гўзал, нафис  
 бадсиришт — ёмон хулқли  
 бажуз — бошқа  
 базл — эҳсон  
 байзо — оқ  
 балиғ — мукамал, балоғатга  
 етган  
 бар — ҳосил  
 бари — тоза, холи  
 басират — ақл, зеҳн  
 баҳравар — баҳраманд бўлув-  
 чи  
 бебок — парвосиз  
 бесарупо — довдираш  
 бесомон — паришон  
 бешумор — ҳадсиз  
 Бесутун — тоғ ном  
 бийм — қўрқув  
 биллик — билим  
 бинг — минг  
 бийно — қўрувчи  
 бирён — қовжираш  
 бисёр — кўп

бистар — тўшак  
боз — лочин  
бозу — билак  
бол — қанот  
бор — мева, ҳосил  
борон — ёмғир  
борҳо — такрор-такрор  
ботин — ич  
бўрө — бўйра  
бурро(н) — кескир  
Буроқ — ривоятларга кўра Му-  
ҳаммад пайғамбарни осмон-  
га олиб чиққан от  
бурқаъ — юзга тутилдиган  
парда  
бухл — бахил  
буғз — кек, душманлик

## В

вабол — қийинчилик  
варзиш — одат  
варта — гирдоб  
вараъ — пархез  
вирди забон — дуо қилмоқ  
вожун — тескарн  
вожиб — лозим  
вубол — увол, гуноҳ  
вуҳуш — ваҳший ҳайвонлар

## Г

газанд — зиён  
ганж — хазина  
гаронмоя — қимматбаҳо  
гирдибод — қуюн  
гириҳ — тугун  
гурддон — паҳлавонлар  
гирудор — жанг  
гулгуна — юзга суртадиган  
элик  
гулиҳандазан — очилган гул  
гумро(ҳ) — йўлдан озган  
гурд — қўрқмас, паҳлавон  
густоҳ — андишасиз  
гўша — чет

## Д

дабир — котиб  
далир — жасур, қўрқмас  
дандоншикан — қалтис  
дар — эшик  
дарбор — олий даргоҳ  
дардисар — бош оғриғи  
дарднок — дардли  
лариг — афсус  
дармонда — ҳайрон  
дароз — узун  
дархашм — ғазабланмоқ  
дағо — фириб, алдов  
даҳан — оғиз  
дахр — дунё  
дилфигор — дилхаста  
дилфуруз — дилни ёритувчи  
дирин — қадим  
додпеша — адолатпеша  
додрас — додига етувчи  
дом — тузоқ  
домон — этак  
дофий — дафъ қилувчи  
дубор — иккинчи марта  
дун, — паст, тубан  
дур — узоқ  
дурри ғалтон — йирик дур  
дуруд — салом етказмоқ  
дуруғ — ёлгон  
дуруштиқ — қўноллик, дағал-  
лик  
душвор — мушкул  
дўзанда — тикувчи, косиб

## Ж

жавон — йнгит  
жамил — чиройли  
жало — узилиб кетиш  
жангжўй — урушқоқ  
жарида — дафтар, газета  
жафожў — жафо қилувчи  
жийфа — ҳаром  
жинон — жаннат  
жо — жой

жовидон — мангу, абадий  
жойгир — жой олувчи  
жоҳ — мол-давлат  
жувонмард — эр йигит  
жувонмардлик — мардлик  
жуд — шъом, эҳсон  
жўйбор — дарё, сой, ариқ  
жўён — истовчи, қидирувчи  
жўнг — катта юккаш туя

### Ё

ёвар — мадакдор  
ёзуқ — гуноҳ  
ёзуқ аҳли — гуноҳкорлар  
ёра — яра

### З

забун — ожиз, нотавон  
залил — хор, тубан  
замир — дилдан, кўнгилдан  
занги — занжи, қора танли  
заъф — хасталик  
зарофат — нозикфаҳмлик  
захм — яра, жароҳат  
захоматли — қалин, йўғон  
захри ҳалоҳил — ўлдирувчи за-  
ҳар  
захроб — захарли сув  
зевар — безак  
зери по — оёқ ости  
зеру бам — паст-балаңд  
(оҳанг)

зиллат — хорлик  
зимон — кафил, гаров  
зиндагони — тириклик  
зириҳ — сирға, совут  
зириҳгар — зириҳсоз  
зишт — хунук, ёмон  
зулжалол — буюклик эгаси  
зулол — ҳаётбахш  
зуннор — христианликда белг  
боғланадиган чилвир  
зуфунун — фанлар, ҳунарлар  
эгаси  
Зухра — Чўлпон юлдузи, аф-  
сонавий осмон чолғучиси

### И

ибтидо — бошланиши  
ибтило — мубталоллик; балолар  
ижтиноб — сақланиш  
иззу жалол — иззат ва улуғлик  
иззу жоҳ — иззат-мартаба  
излол — тўғри йўлдан адаш-  
тириш  
изо — уяттирмақ  
изор — иштон, лозим  
илик — қўл  
илҳон — ашулалар  
инод — ўжарлик  
ирсол — юбормоқ  
иршод — тўғри йўлдан бош-  
лаш  
исмат — поклик  
истемоъ — эштиш  
истифсор — сўраб билиш  
итоб — қаҳр-ғазаб  
иттико — суяниш, ишонниш  
ихтилол — қўзғолон  
ихтилот — аралашниш  
ихфо — махфий  
ифтиро — бўҳтон  
иқдул дураб — марварид шода-  
си  
иқомат — истиқомат  
ихвон — дўст, биродар

### К

кавкаб — юлдуз  
кавайн — икки дунё  
калом — сўз, гап  
каманди ҳаво — такаббурлик  
канор — чет  
карру фар — кибру ҳаво  
кас — киши  
касиб — касб этиш  
касир — мўл  
касолат — ялқовлик  
касрат — кўпчилик  
кахкашон — сомон йўли  
кийнавар — кекчи, қасосчи



килк — қалам  
 кишваристон — ғолиб маъно-  
 сида  
 козиб — ёлғончи  
 коин — тамом, бутун  
 комёб — бахтиёр  
 команд — тузор  
 комгор — бахтиёр  
 комрон — бахтли  
 коромад — даво, шифо маъно-  
 сида  
 кох — юксак қаср, олий бино  
 кунништ — ўтпарастлар ибодат-  
 хонаси  
 кушта — ўлдирилган  
 кўршабпарақ — кўршапалақ  
 кўтақ — қисқа  
 кўҳқан — тоғ қазувчи  
 кўҳу ҳомун — тоғу дашт

## Л

лаин — лаънатланган  
 лисон — тил  
 лоу наам — йўқ-ҳа

## М

магар — аммо, лекин  
 магас — пашша, чивин  
 мадид — узоқ  
 мажмар — ҳидли нарса тупи-  
 ладиган идиш  
 мажусо — ўтпараст  
 мазаллат — хорлик  
 мазаммат — тубайлик, ёмон-  
 лик  
 мазмум — нафратли  
 мазҳар — кўриниш  
 малах — чигиртка  
 малех — ширин, мазали  
 малул — ғамгин  
 мамолик — мамлакатлар  
 манёв — мустаҳкам  
 мариз — касал

мардуд — рад этилган  
 мардум — кўз қорачиғи  
 маркаб — улов  
 марсум — чизилган  
 марғула — жингалак соч  
 масмум — заҳарланган  
 масруф — сарф этилган  
 масъуд — бахтиёр  
 матъун — айбдор  
 махлуъ — тахтдан тушмоқ, со-  
 биқ  
 мафхур — фахр  
 машкур — раҳматга сазовор  
 машом — димоғ  
 машоғил мужиб — юмушлар  
 туфайли  
 машҳуд — кўзга кўринган  
 маъво — макон  
 маъдан — кон  
 маъдум — йўқ бўлган  
 маълуф — одатланган  
 маъман — тинч, бежавотир жой  
 мақар — макон, қарор  
 мақдам — қадам  
 мақол — сўз, нутқ  
 мақом — даража  
 мақосид — мақсадлар  
 мағмум — ғамгин  
 маҳак — кумуш ва олтинлар-  
 нинг тозалигини ажратувчи  
 тош  
 маҳд — бешик  
 маҳмиз — отнинг узангиси  
 маҳруса — шаҳар, мамлакат  
 маҳфил — йиғин  
 меҳри ховари — шафқ қуёши  
 мидҳат — мақтов  
 мизоҳ — ҳазил  
 мино — май шишаси  
 мир — амир  
 михвор — миҳ сингари  
 миғфар — қора булут  
 моада — сўнг, ташқари  
 моя — асос  
 моҳи рўён — ой юзлилар

муассир — таъсирланиш  
мубаддал — бадал қилмоқ, ал-  
маштирмақ  
мудбир — бадбахт  
мужаррад — ёлғиз, холи  
мужгон — кичриклар  
мужда — хушхабар  
мул — май  
мунқодлик — нтоат этиш  
мунфаил — хижолат  
муфғи номабар — хат элтувчи  
қуш (кабутар)  
мурсал — пайғамбар  
мусаххар — фатҳ  
мустаманд — гирифтор  
мустақим — тўғри  
мусҳаф — қуръон  
мутобиқ — мувофиқ  
муттако — суянциқ  
муттафиқ — иттифоқдош  
муфсид — бузғунчи  
мухолафат — келишмовчилик  
мушки азфар — ўткир ҳидли  
мушк  
муъойна — аён бўлмоқ  
муътамад — ўзига ишонган  
муқбил — иқболли  
муқтадон — бўйсунилган, эрга  
шилган (кимса)  
муқтазо — зарурат  
муҳлик — ҳалок этувчи  
муҳол — маҳол  
муҳораба — уруш  
муҳра — соққа, мунчоқ, тас-  
беҳ  
мўй — соч, тук  
мўр — чумоли  
мўя — фарёд чекиш

## II

навид — дарак, хабар  
навозиш — меҳрибончилик  
наврас — ўсиб келаётган  
наврусон — келинчаклар  
навхоста — чиройли қомат

навҳа — нола  
надим — ҳамроҳ, маҳрам  
нажанд — ғамли  
назаррабо — назарин тортувчи  
назиф — нозик  
назора — қараш  
найистон — қамишзор  
найсон — баҳор ойн  
накбат — толеъсизлик  
намуд — кўриниш  
нанг — номус  
наرم — юмшоқ, мулоийм  
насоро — христинан  
настар — оқ гул  
нафир — шовқин, сафарбарлик  
нафҳа — хушбўй ҳид  
наҳл — ниҳол  
нахчир — қулон  
нашот — хурсандчилик  
нақши по — оёқ изи  
наҳв — синтаксис  
наҳиб — талон, босқин  
нек — яхши  
некбахт — бахтли  
низом — тартиб, ривож  
низор — заиф, озгин  
нисоб — асос  
ништар — кескир тиг  
ниқор — гина, кек  
ниҳод — табиат  
нобакор — нокас  
нол — қилтириқ  
номашъру — шарнат қондасиге  
хилоф  
нописанд — номаъқул, эъти-  
борсиз  
нопойдор — абадий эмас  
носозгар — номувофиқ  
нор — олов  
нори — нари  
нофа — мушкдон  
нохон — ўқимаган  
нохост — ёқмаган, тиланма-  
ган  
нузул — тушиниш, қўниш  
нусрат — ғалаба

нуқс — камчилик  
нуқтапош — зеҳнли, гидрокли  
нўғ — уч

## О

огинлар — қадду баст  
озим — сафарга чиқувчи  
ойин — одат  
ол — қизил  
олуд — аралашган  
олат — асбоб  
омизиш — борди-келди  
омийи маҳз — ғирт саводсиз  
ораз — юз  
осиё — тегирмон  
осо — каби  
офият — соғлиқ  
офоқ — дунё  
ошён — ин, уя  
ошуб — ғавғо  
ошуфта — шайдо  
оғоз — бошланиш

## П

пагоҳ — саҳар  
падарона — оталарча  
падуд — пайдо бўлиш  
пажмурда — сўлғин  
пайк — элчи  
пайкар — гавда, тимсол  
пайрав келмоқ — ён бермоқ  
паррон — отилган  
партав — шуъла  
пешу мас — баланд-паст  
писанд — эътиборли, яъни қи-  
лич каби эгилур эсанг, ҳар  
мутакаббирнинг бошида қарор  
олғойсен (*Сидқий изоҳи*)  
писар — ўғил  
побаст — оёғи боғлиқ  
печу тоб — тўлғониш  
порсо — ёмон ишлардан сақ-  
ланувчи

пур — тўла  
пушт — орқа  
пушта — тепача

## Р

раб — ярагувчи, Худо  
рабеъ — баҳор  
равофиш — рофизийлар; ши-  
нинг бир гуруҳи  
райият — халқ  
рам — ҳуркиб қочиб  
ранж — машаққат  
ранжур бўлмоқ — сиқилмоқ  
рахшон — порлоқ  
рафеъ — юксак  
раҳгузар — ўткинчи  
раҳнавард — йўловчи  
раҳо — халос, озод  
рев — ҳийла, макр  
риёз — равза (боғ)  
риёзат — қийналиш  
ришва — пора  
ришта — томир, ип  
ростгор — қутулиш  
роғиб — рағбатли  
рубъи маскун — ер юзининг ин-  
сон яшайдиган, обод қис-  
ми  
рутба — мартаба  
рух — юз  
руҳи равон — жон, ҳаракатда-  
ги қон  
рўз — кун  
рўзи шаб — кеча-кундуз  
рўсияҳ — юзи қора, ярамас  
рўшнои — ёруғлик

## С

сабур — сабрли бўлиш  
сад — тўсиқ, юз (100)  
сажанжал — ойна  
сайд — ов  
салоҳ — яхшилик

салсабил — жаннатдаги булоқ-  
нинг номи  
сам — заҳар  
саманд — от  
самандар — оловда яшайдиган  
каламушга ўхшаш афсона-  
вий жонивор  
самар — ҳосил  
самум — куйдирувчи шамо-  
л  
санг — тош  
сано — мақтов  
саноч — чарм халта, тулум  
сарбасар — бутунлай, бошдан-  
оёқ  
саргарон — гангиш  
сарнигун — боши қуйи  
саромад — илғор  
сарсар — шамол  
сарф — морфология  
сарфитна — фитна бошловчи  
саршор — лим-лим тўлдирмоқ  
сафо — равшанлик, поклик  
сафшикан — саф бузувчи  
сахо — сахийлик  
сахт — қаттиқ  
саъб — машаққатли  
саъди акбар — бахт юлдузи,  
Муштарий  
саъй — ҳаракат  
сақар — дўзах  
саҳоб — булут  
сибён — болалар  
сиймбар — кумуш бадан  
сикка — пулга, тангага урил-  
ган тамға  
силқ — ип  
сипанд — исириқ  
сипеҳр — осмон  
сипос — мақташ, миннатдорлик,  
шукур айтиш  
сойилди — санчилди  
солиҳ — яхши ишлар қилувчи  
сомеъ — тингловчи  
соҳир — сеҳргар  
субҳи козиб — алдамчи тонг  
суманбар — оқ бадан

сутуҳ — чарчаган, ҳориган  
сунбули тар — яшнаган сун-  
бул  
суханвар — билимдон, сўзамол  
суғиш — уруш  
сўз — куйиш  
сўзиш — куйиш  
сўзнок — ўтли, дардли  
сўхта — куйган

## Т

тааб — машаққат  
таадди — зулм қилиш  
таарруз — эътироз  
табаа — қарашли  
табор — насаб, насл  
табоҳ — ҳаёб, бузуқ  
тавил — узун  
тавр — одат, усул  
тавила — отхона  
тажалли — жилованиш  
тайён — ўралган, букланган  
тайсалон — ридо  
таку тоз — шитоб билан чопиш  
талаф — нобуд  
талаҳхуф — афсусланиш  
талъат — нур, акс этиш  
тамаъгин — тамаъгир  
тамаддуъ — маданият  
тамкин — чидам  
таоло — олий (Худо)  
тап(б) — иситма  
тарабнок — хурсанд  
тарсанджон — юраксиз, қўр-  
қоқ  
тарсо — христиан  
тасарруф — ихтиёрига олиш  
тасодуқ — ўзаро дўстлик  
тафриқа — ажралниш  
тафаруж — сайр  
ташт — лаган  
таъвил — баён этмоқ, шарҳ-  
ламоқ  
таъвиқ — қайтариш, кечикти-  
риш

тақрир — гапирмоқ  
 таҳаммул — сабр  
 таҳзир — ҳазар қилиш  
 тийнат — хулқ, феъл  
 тийра — қоронги  
 тир — ўқ  
 тирборон — ўқ ёғдириш  
 тожир — савдогар  
 тозиёна — қамчи  
 тифл — бола  
 томё — тамаъгир  
 тору пуд — ўриш-арқоқ  
 туроб — тупроқ, ер  
 турра — кокил, ўрилган соч  
 турфатул айн — кўз очиб юм-  
 гунча  
 туъма — таом  
 туур — қушлар

## У

ужоб — ажойиб  
 узор — юз  
 улус — эл  
 улуфа — нафақа  
 усру — ғоят  
 ушшоқ — ошиқлар

## Ф

файёз — кўп файзли  
 фар — шукуҳ, улуғворлик  
 фараҳафзо — кўнгли очувчи  
 фард — якка, ёлғиз  
 фарид — ягона, тенгсиз  
 фаромуш — унуттиш  
 фарсуда — ҳорғин, тўзғиган  
 фартут — қариб-мункиллаб қол-  
 ган  
 фарши сабза — кўклам тўшаги  
 (ўт-ўлан)  
 фаршона — тўшакхона  
 фасод — бузилиш  
 фасоҳат — равшан, ёқимли  
 сўзлаш  
 фаҳво — мазмун, маъно

фиғор — жароҳатли  
 фирифта — алданган  
 фитан — фитналар  
 фитрат — яратилиш; табиат,  
 тугма табиат  
 фожир — ёмон, бузуқ  
 фосид — бузуқ  
 фосиқ — фисқ қилувчи  
 фоқа — камбағаллик, муҳтож-  
 лик  
 фурумоя — паст, тубан  
 фуғувват — 1. Йигитлик, мард-  
 лик, одижаноблик, 2. Қарам,  
 саховат, жўмардлик

## Х

хавос — хусусиятлар  
 хайл — қўшин, тўда  
 хайр — яхшилик  
 халаф — издош, авлод  
 халлоқ — яратувчи  
 хамир — май  
 хар — эшак  
 харвор — бир эшак юк  
 хасм — рақиб  
 хатиб — нотиқ  
 хатобахш — хатосини кечирув-  
 чи  
 хатт — сабза мўйлов  
 хафо — яширинлик  
 хеш-табор — қариндош-уруғ  
 хизоб — қизил бўёқ  
 хирад — ақл  
 хиром — чиройли юриш  
 хисол — хислат, хулқ  
 хитом — хатм, хотима  
 хоб — уйқу  
 хоки роҳ — айнан: йўл тупро-  
 ги, камтар  
 хок — тупроқ  
 хома — қалам  
 хор — тикан  
 хоро — қаттиқ тош  
 хосу ом — улуғ-авом  
 хубрўён — гўзаллар

хук — чўққа  
хулд — жаннат  
хуршиди ховар — шарқ қуёши  
хуруш — қичқириш  
хушклуб — клуб ташна

## Ў

чашми тар — намли кўз  
чикора — нима лозим  
чобук — чаққон  
чобуктар — жуда чаққон  
чорпинса — ташланса  
чорсу — чорраҳа  
чоҳи занахдон — някдаги чуқур  
ча  
чурчит — қайсар

## Ш

шабу рўз — кеча-кундуз  
шаб — кеча  
шавқовар — шавқ берувчи  
шаддод — афсонавий шахс  
номн  
шажеъ — шижоатли  
шай — нарса  
шайху шоб — қари-ёш  
шакархо(й) — шакар сўзли,  
ширин забон  
шамома — хуш бўйлик  
шамсу қамар — қуёш ва ой  
шанеъ — уят  
шарора — учқун, аланга  
шарр — ёмон  
шаръ — шарият  
шақий — ярамас, бузуқ  
шаҳбоз — лочин  
шаҳир — машҳур, донг тарат-  
ган  
шаҳпар — узун пат  
шейҳа — занг  
шиква — гина, шижоат  
шикибо — сабрли  
шикор — ов  
шир — сут

шоб — йнгит  
шобён — лойиқ, сазовор  
шойиқ — шавқ бағишлаш  
шобми ғарибон — дафн туни  
шулон — умумзнёфат  
шумор — ҳисоб  
шуҳра — шуҳрат  
шўрида — паришон

## Э

эмгак — меҳнат  
эмин — тинч, хавфсиз  
эранлар — эрлар  
эъжоз — мўъжиза  
эҳтимом — тирришиш, ғайрат  
кўрсатиш  
эҳтироз — сақланиш

## Я

ялдо — энг узун тун  
яниб — қайтиб

## У

ўрам — кўча

## Қ

қабо — кийим  
қавий — кучли  
қайду банд — кишан-занжир  
қалб — сохта, қалбаки  
қамғоғ — тиканли чўл ўсим-  
лиги  
қандин — қандли  
қапоғ — қовоғ  
қариб — яқин  
қатиғ — қаттиғ, мушкул  
қать — кесиш, узиш  
қатъарз мол — дунёдан кечиш  
қийлу қол — гап-сўз  
қоба қавсайна оводно — икки  
қавс орасичалик ёки ундан-  
да яқин

қонё — қаноатли  
Қорун — афсонавий бадавлат  
киши  
Қоф — афсонавий тоғ  
қусур — камчилик  
қуғун — қовун

## Ғ

ғазол — оҳу  
ғараз — ният  
ғарра — мағрурланиш  
ғарқа — ғарқ бўлиш  
ғизо — емиш  
ғоза — юзга сурадиган  
ғорат — талон  
ғоратгар — талончи

## Ҳ

ҳабл — ип  
ҳаводис — ҳодисалар  
ҳаводор — ошиқ  
ҳадаф — нишон  
ҳажла — чимилдиқ  
ҳажжом — томIRDан қон олув-  
чи табиб

ҳазан — қайғуда  
ҳазорон — мингларча  
ҳалим — юшоқ  
ҳалқ — томоқ, бўғиз  
ҳамвор — текис  
ҳамдуш — шерик  
ҳамоқат — аҳмоқлик  
ҳамто — монанд  
ҳамъинон — йўлдош  
ҳараж — қийинчилик, мушкул-  
лик  
ҳарим — ҳарам  
ҳасан — яхши  
ҳашам — улуғлик дабдабаси  
ҳақир — тубан, қадрсиз  
ҳақшунос — ҳақпарвар  
ҳиддат — заковат  
ҳови — ўз ичига олган  
ҳозик — билимдон  
ҳосид — ҳасадчи  
ҳошо — наҳот  
ҳузрат — қарши, рўпара  
ҳуллалар — кийимлар  
ҳумо — афсонавий бахт қуши  
ҳуруф — ҳарфлар  
ҳусни таважжуҳ — рўйхушлик  
ҳутом — мол-давлат  
ҳушманда — ақл эгаси

## МУНДАРИЖА

Б. Қосимов, Р. Жавҳарова. Дин ва дунёни ушлаган шоир	3
Ишқий лирика	32
Ижтимоий шеърлар	106
Достон. Русия инқилоби	145
Ҳақвиёт	180
Ибратлар ва ҳикматлар	189
Воқеий ҳикоялар	209
Сад иршод ёхуд сад қонун	217
«Зарбулмасали Сидқий»дан намуналар	223
Қайдлар	236
Таржималар. «Раҳимо» таржиман- «Қаримо»	238
Насрий қиссалар. «Тазкиран Имом Аъзам»дан	249
Ҳолоти Сидқий	285
Изоҳлар	290
Лугат	294

*Адабий-бадний нашр*

СИДҚИЙ ХОНДАЛИҚИЙ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Тошкент «Маънавият» 1998

Муҳаррир М. Исоқова  
Рассом А. Пономарёва  
Техн. муҳаррир Т. Золотилова  
Мусахҳиҳ С. Абдусаматова

Теришга берилди 05.10.98. Босишга рухсат этилди 11.10.98. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
Литературная гарнитураси. Юқори босма усулда босилди. Шартли б. т.  
15,96. Шартли қр-отт. 16,38. Нашр т. 15,54. 5000 нусха. Буюртма № 141. Нархи  
шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Шодлик кўчаси, б. Шартнома 29—98.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.  
1998.